Р. ҲАЙИТБОЕВ, Х.А. ЖЎРАЕВ

# ТУРИЗМДА ХАРИТАЛАШТИРИШ ВА ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ТЕРМИЗ ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС УНИВЕРСИТЕТИ

Р. ҲАЙИТБОЕВ, Х.А. ЖЎРАЕВ

# ТУРИЗМДА ХАРИТАЛАШТИРИШ ВА ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

**Ўқув қўлланма**

Toshkent
"METODIST NASHRIYOTI"
2024

UDK: 379.85
KBK: 75.81
T 86

Ҳайитбоев Р., Жўраев Ҳ.А.
Туризмда хариталаштириш ва туризм маршрутларини ишлаб чиқиш. Ўқув қўлланма. - Toshkent: "METODIST NASHRIYOTI", 2024, 244 b.

Ўқув қўлланма туризмни ривожлантиришнинг асосларидан бири бўлган "Туризмда хариталаштириш ва туризм маршрутларини ишлаб чиқиш" фанини ўргатишга мўлжалланган. Ўқув қўлланмада туризм хариталари, туризм хизматларини хариталашнинг услубий асослари, маршрутларининг тарихи, туризм маршрутини ишлаб чиқишнинг усуллари, тамойиллари, буюк географик даврлардаги сайёҳларнинг, Марказий Осиёлик олимлар ва географларнинг, XX асрда кашфиётлар қилган сайёҳ-олимларнинг маршрут лари, маршрутларда хизматлар кўрсатиш, маршрутнинг лойиҳа намунаси, ҳужжатлари, шартномалари, рекламаси, тайёрланган маршрутлар ҳақида фаннинг моҳиятини, мақсади ва вазифаларини белгиловчи муҳим мавзулар ёзилган. Ўқув қўлланма университетлар, институтлар ва коллежларнинг профессор-ўқитувчилари, туризм йўналишида таьлим олаётган магистрлар, талабалар, туризм мутахассислари ва туризм тадбиркорлари учун тайёрланди.

**Тақризчилар:** и.ф.д., профессор М. Қ. Пардаев (СамИСИ)
и.ф.д., профессор О. Қ..Ҳатамов (ТерДУ)

Ўқув қўлланма Термиз иқтисодиёт ва сервис университетининг илмий Кенгаши томонидан нашр етишга рухсат берилди.

ISBN 978-9910-740-58-9

© Ҳайитбоев Р., Жўраев Ҳ.А., 2024.
© "METODIST NASHRIYOTI", 2024.

O'ZBEK... TA'LIM, FAN VA I...TSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAV... PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBORO... MARKAZI

МУНДАРИЖА

**I-Бўлим. ТУРИЗМДА ХАРИТАЛАШТИРИШ**

| | | |
|---|---|---|
| | Кириш | 5 |
| 1-Мавзу | «Туризмда хариталаштириш» курсининг максади ва вазифалари. | 6 |
| 2-Мавзу | Географик хариталар ва уларнинг турлари | 15 |
| 3-Мавзу | Географик хариталарнинг шартли белгилари | 25 |
| 4-Мавзу | Туризм ресурсларини хариталаштириш | 34 |
| 5-Мавзу | Туризмда Ўзбекистоннинг табиий ресурсларини хариталаштириш | 37 |
| 6Мавзу | Туризмда Ўзбекистоннинг биологик ресурсларини хариталаштириш | 47 |
| 7-Мавзу | Туризмда Ўзбекистоннинг миллий паркларини хариталаштириш | 65 |
| 8-Мавзу | Туризмда Ўзбекистоннинг табиат қўриқхоналарини хариталаштириш | 73 |
| 9-Мавзу | Туризмда маршрутларни хариталаштириш | 80 |
| 10-Мавзу | Туризмда рекламаларни хариталаштириш | 83 |

**II-Бўлим. ТУРИСТИК МАРШРУТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

| | | |
|---|---|---|
| 1-Мавзу | «Туризм маршрутларини ишлаб чикиш» фанининг максади ва вазифалари | 89 |
| 2-Мавзу | Туризм маршрутларининг таснифи | 96 |
| 3-Мавзу | Туризм маршрутларини ишлаб чиқишнинг тамойиллари ва усуллари | 99 |
| 4-Мавзу | Марказий Осиёлик олимларнинг саёҳатлари маршрутлари | 114 |
| 5-Мавзу | Чет эллик саёҳатчиларнинг маршрутлари | 119 |
| 6-Мавзу | Буюк географик кашфиётчиларнинг саёҳатлари маршрутлари | 124 |
| 7-Мавзу | Янги давр географик тадқиқотчиларнинг маршрутлари.. | 129 |
| 8-Мавзу | Туризм маршрутларидаги хизматлар | 133 |
| 9-Мавзу | Туризм маршрутларининг ҳужжатлари | 139 |
| 10-Мавзу | Туризм маршрутларидаги экскурсиялар | 145 |
| 11-Мавзу | Экотуризм маршрутларини тайёрлаш | 157 |
| 12-Мавзу | Зиёрат туризми маршрутларини тайёрлаш | 163 |
| 13-Мавзу | Ўзбекистоннинг миллий паркларига туристик маршрутлар тайёрлаш | 167 |
| 14-Мавзу | Ўзбекистоннинг сув хавзаларига маршрутлар тайёрлаш… | 179 |
| 15-Мавзу | Туризмнинг истикболли турларига маршрутлар тайёрлаш | 188 |
| 16-Мавзу | Туризм маршрутларининг баҳоси ва рекламаси | 199 |
| 17-Мавзу | Туризмда халкларнинг хулк-атвор ва имо-ишораларидаги хусусиятларни ўрганишнинг зарурияти | 205 |
| 18-Мавзу | Туризм маршрутларида ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари | 209 |

19-Мавзу Туристик маршрутларни ўтказишни ташкил қилиш ва ўтказиш........................................................ 222
**Глоссарий**........................................................ 226
**Тестлар**........................................................ 231
**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**........................ 241



## КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистонда туризм соҳасини жадал ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири сифатида «...туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни мажмуали равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг кудратли воситасига айлантириш...» [1] белгиланди.Мазкур вазифаларнинг бажарилиши туризм соҳасини янада ривожлантириш, унинг ЯИМдаги улушини ошириш, аҳолини янги ишчи ўринлари билан таъминлаш мақсадида туристик-рекреация бозорининг туризм маршрутларини ишлаб чиқишга асос яратадиган ўқув қўлланмага эхтиёж мавжудлигини кўрсат моқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Концепцияда юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим тизими олдида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди, жумладан ўқув адабиётлари етишмовчилиги сақланиб қолгани, мавжудларининг аксарият қисми замон талабларига жавоб бермаслиги, ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланиш ишлари етарли даражада ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Ҳозирги пайтда туризм бўйича олий ўқув даргоҳларида «Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)», «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш», «Туризм (фаолият турлари бўйича)», «Туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси», таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бу борада туризм соҳасидаги олий ўқув юртларининг ўқув режаларидаги умумкасбий фанлари блокида турган «Туризмда хариталаштириш ва туризм маршрутларини ишлаб чиқиш» фанини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув қўлланма туризм йўналишида ўқиётган талабалар учун фан ҳақидаги назарий тушунчаларга эга бўлишни ва унинг амалий моҳиятини тушуниб олишларига ёрдам беради. Шунинг учун ўқув қўлланма биринчи навбатда, фанни билиб олиш мезонини талаб қилса, иккинчи навбатда эса талабалар ўзлари мустақил равишда туризм хизматларини хариталаштириш ни, туризм маршрутларини ишлаб чиқишни ўрганишини ва фанга янада масъулият билан ёндашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўқув қўлланма туризм соҳасидаги мутахассислар ва тадбиркорларнинг туризм маршрутлари бўйича амалиёт усулларидан енгил фойдаланишликларини, қўллай олишлари ни ҳам ҳисобга олган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

# I-БЎЛИМ.

# ТУРИЗМДА ХАРИТАЛАШТИРИШ

## I-Мавзу."ТУРИЗМДА ХАРИТАЛАШТИРИШ" КУРСИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

**Режа:**

1.1.Туризмда хариталаштириш» курсининг максади ва вазифалари
1.2. Хариталарнинг тарихи
1.3.Туристик хариталарнинг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти

### 1.1.Туризмда хариталаштириш» курсининг мақсади ва вазифалари

Жаҳон мамлакатларида кескин ривожланиб бораётган туризм иктисодиётда энг сердаромад соҳа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир. Бу масаланинг долзарблиги шундаки, туризм бозорининг халкаро ривожи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб ҳозирги кунда бу бозор муносабатларини билиш, туризмни ривожлантириш муаммоларини тўғри аниклашни талаб килади. Чунки, халкаро туризмни билмасдан дунё туризми ҳамжамиятига, ҳамкорлигига қўшилиш ва Ўзбекистонда туризмни халкаро ва маҳаллий даражада ривожлантириб бўлмайди.

Халкаро туризмни, шунингдек, миллий туризмни ривожлантиришнинг асосларидан бири туризм маршрутларини ишлаб чиқиш ва бу маршрутларга туристларни жалб қилиш ҳисобланади. Пухта, қизиқарли ишланган туристик маршрут туристларни кўплаб жалб килади. Шунинг учун ҳам туристик маршрутларни мукаммал ишлаб бераоладиган малакали мутахассисларга талаб жуда катта бўлиб, бу курсни ўкитиш, ўргатиш Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда энг долзарб масала ҳисобланади.

Жаҳон туризмидаги ҳозирги тараккиёт туристик хизматларни тобора такомиллаштиришни талаб килмокда. Туристларга таклиф қилинадиган туристик хизматлар ва туристик маҳсулотлар имкон даражаларда тушунарли ва енгил ахборотлардан иборат бўлиши керак. Бунинг учун туризм маршрут ларини хариталаштириш усулида ишлаб чиқишни кучайтириш лозим.Туризм маршрутларини хариталаштириш ҳозирги жаҳон туризмида устивор тенденциялардан ҳисобланади. Хариталаштирилган туристик маршрутдаги барча объектлар географик белгилар билан тасвирланган бўлиб, туристларда кўплаб саволлар келиб чикишининг олдини олишни таъминлайди. Хариталаштирилган туристик маршрутда турист учун кийинчиликсиз ва эркин фойдаланиши ахборотлари келтирилади.

Туризм маршрутларини географик хариталаштириш ижтимоий-иктисо дий ва маданий объектларнинг жойланиши, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ходисаларга хос ҳудудий фаркларни акс эттирибгина колмасдан, балки уларга хос ҳудудий комплекс конуниятларини ҳам аниқлашга имкон беради. Бу фан икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлим «Туризмда хариталаш тириш»



бўйича мавзуларга бағишланган бўлиб, иккинчи бўлимда «Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш»нинг назарий ва амалий асослари берилди.

**Фаннинг мақсади**–«Туризмда хариталаштириш ва туризм маршрут ларини ишлаб чикиш» фанини ўкитишдан максад – бакалаврларга туризм маршрутларини ишлаб чиқиш, ташкил қилиш, ўтказиш, уларни тўғри танлаш да хариталаштиришдан фойдаланишнинг усуллари ва амалий асосларини ўргатишдан иборатдир. Талабаларда туризмда хариталаштириш ва туризмни ривожлантиришда хариталаштиришнинг аҳамияти ҳақида билимлар ҳосил қилиш, туризмда анъанавий ва замонавий хариталаштиришнинг методлари ни ўргатиш ҳисобланади.

**Фаннинг вазифалари**–«Туризмда хариталаштириш ва туризм маршрутларини ишлаб чиқиш» фанининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

-Географик хариталар ҳақидаги билимларни ўргатиш;

-Туризмда хариталаштиришнинг аҳамияти ва ўрнини ўргатиш турис тик маршрутлар ишлаб чиқаришнинг назарий асосларини ўргатиш;

-Туризм маршрутлари ишлаб чикишда хариталаштиришдан фойдала ниш усулларини ўргатиш;

-Туризм хизматларини хариталаштиришни ўргатиш;

- Туризм маршрутларининг туризмни ривожлантиришдаги ўрнини ўргатиш;

-Туризм маршрутларини ишлаб чиқаришнинг назарий асосларини ўргатиш;

-Туризм маршрутларининг истикболли йўналишларини аниқлашни ўргатиш;

-Туризм маршрутларида туристларга хизматлар кўрсатиш механизм ларини ўргатиш.

***Фан бўйича талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларига қуйидаги талаблар қўйилади:***

**Талаба:**

-"Туризмда хариталаштириш ва туризм маршрутлар ишлаб чикиш" фанининг мазмуни ва моҳияти, Ўзбекистон миллий туризмини ривожлан тиришдаги ўрни, аҳамиятини, туризмда хариталаштиришнинг усулларини, хариталарини, улардан фойдаланишни, туризм маршрутларида хариталашти ришдан фойдаланиш усуллари, туризм маршрутлари ишлаб чиқиш тамойиллари, туризм маршрутларидаги хизматлар, туризм маршрутларини амалда ўтказиш ҳақида ***тасаввурга эга бўлиши;***

-Ўзбекистон Республикасидаги барча туризм ресурсларига ва объектла рига туризм маршрутларини ишлаб чиқишни, туризмнинг соҳалари ва турларига туризм маршрутларини ишлаб чиқишни, уларнинг география сини, турларини тўлиқ ўзлаштирган бўлиши, туризм маршрутларини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

-Туризмда хариталаштириш, туризм маршрутларини ишлаб чикиш ва бу маршрутлардан туризм соҳасида фойдаланишнинг илғор усулларни,

технологияларни, амалиётларни ўрганиш ва уларни Ўзбекистоннинг миллий туризмида қўллаш ҳақида ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

## 1.2. Хариталарнинг тарихи

***Биринчи географик харита***.География хариталари-ахборотлар манбаи. География фани, бу фан билан боғлик фанлар ва табиий фанларни география хариталарисиз ўрганишни тасаввур хам килиш кийин.Биринчи географик харита инсониятнинг табиат ва унинг сирларини билишда яратилган биринчи фан-"География" фанининг келиб чикиши билан узвий боғланган. Айнан ана шу фан хозирги барча табиий фанларнинг келиб чиқишига асос солди (1-Расм).




***1-Расм.Милоддан аввалги III асрда Эратосфен чизган дунё харитаси***

***Эратосфен Киренский*** (эрамиздан олдинги 276-194 йй.)-грек матема тиги, астрономи, географи, шоири ва адабиётшуноси. Ер сайёрамизнинг ўлчамларини ўлчаган биринчи олим. Платон мактабининг ўкувчиси бўлган. У Ернинг Куёш атрофида айланиши, вакт давомида ёруғликнинг харакати бўйича Ер сайёрасини меридианларга ва соат минтакаларига бўлиб чиқган. Ҳисоблаш усулида инсониятга биринчи бўлиб Ер сайёрасининг харитасини чизиб берган[2].

***Клавдий Птоломей*** (100й-170йй.) ўз замонасининг машҳур грек олими. У астрономия, математика ва география фанлари бўйича катта илмий мерос қолдирган. У координаталар тизимидан фойдаланиб 8000 та объектлар жойлаштирилган геохарита тузган. Бу харита Клавдий Птоломейнинг «География» (гео-ер, графо-ёзмок) асарида келтирилган бўлиб 27 та мисс пластинкаларга бўртма равишда ишланган. 1477 йилда немис олимлари Конрад Свейнхейм ва Арнольд Паннарц барча мис пластинкалрани тўплаб Рим шаҳарида нашр қилган.Унинг «География» асаридаги бу харитаси то 1300 йилгача унутилган. 1406 йилда биринчи маротаба оригинал холида Италияда

[2] Бобынин В. В. Эратосфен .Энциклопедический словарь -СПб.: Брокгауз -Ефрон, 1904. Т. XLа. С. 947-949.; *Дитмар А.Б.* Родосская параллель: Жизнь и деятельность Эратосфена. М.: Мысль, 1965. -72 с.



нашр килинган. Бу харитада ноаникликлар кўп бўлган. Лекин то XIX аср бошларигача ушбу харитадан фойдаланилган. Бу харитадан фойда ланган Христофор Колумб ҳам катта хатога йўл қўйган. Птоломейнинг бу харитаси ҳозирги замонавий хариташуносликнинг келиб чикишининг асосларидан бири бўлиб қолди[3](2-Расм).




***2-Расм. Милодий II асрда Птоломейнинг дунё харитаси***

Ўрта асрларда мусулмонлар савдо ишлари билан жуда каттик шуғуланган. Улар денгизлардан сузиб ўтган, карвонларда саҳроларни, тоғу тошларни кезиб юрган. Табиийки, улар ўзлари юриб ўтган манзилларни яхши ўрганган, чунки ортга кайтаётганда адашиб кетмаслиги керак бўлган. Шунингдек, улар борган жойларида яшайдиган халкнинг тилини ўзлаштир ган, табиатини ўрганган. Негаки, айнан ана шу нарсалар савдонинг муваффа қиятини таъмин этган. Европаликларга Хитой, Индонезия, Африка ва Евроосиё хакида қимматли маълумотларни хам мусулмон савдогарлари ва сайёхлари етказган.

***Перунинг наска чўлидаги сирли геоглифлар ҳам қадимий хариталар деб тавсифланади*** .Наска мўжизаларини 1939 йилда Америкалик археолог Пол Косок самолётда чўл устидан учиб ўтаётганда кўриб колган. Кейинчалик кўп йиллар бу улкан расмларни Мария Райхе текширди. Чўлда 30 та улкан расмлар в 788 та геометрик шакллар аникланди. Мария Райхе Наска расмлари осмон жисмларининг улкан календари эканлигини исботлади. Лекин хозиргача назариялар ва исботлар давом этмокда. 200 метр узунликда ги ва 1-2 метр чукурликдаги бу расмлар эрамизнинг I ва V асрларида чизилган. Бу расмлар кандай қилиб ўта аникликларда чизилган. Чунки расмларни фақат ҳаводан кўриш мумкин(3-Расм).

[3] Бернштейн В.А., Клавдий Птоломей. Отв.ред. А.А. Гурштейн. "Наука", Москва, 1988.-239 с.; П.Гуломов, Р.Курбонниёзов, М.Авезов, Н.Саидова.География , табиий география,бошлангич курс, Тошкент, 2020.-113 б.



*3-Расм.Наска расмлари осмон жисмларининг улкан календари-харитаси эканлигини исботланди.*

***Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780-847).*** Хоразм илмий мактаби нинг илк кўзга кўринган вакили Муҳаммад Хоразмий бўлиб, у Америкалик шарқшунос Д. Сартон таъбири билан айтганда *"барча замонларнинг энг улуғ математикларидан бири"* эди. Муҳаммад Хоразмий Хоразмда туғилган ва Бағдодда вафот этган. Ал-Хоразмийнинг асарларида ҳаммаси бўлиб 537 жойнинг номи, шаҳарлар, тоғлар (203 та ном), денгизлар ва оролларнинг номлари, охирида эса дарёлар алоҳида-алоҳида ёзилган. Унинг саёҳатларида Қизил денгиз, Ҳинд ва Атлантик океанлари каби номлар учрайди. Шунингдек, Азов денгизи, Нил даёси ҳавзаларига изоҳ берилган. Италиялик шарқшунос К. Наллино-*" Европадаги ҳеч бир халқ Ал- Хоразмий эришган ютуққа эришган ва бундай асар яратишга қобил эмас эди"* деб ёзган эди. Ал-Хоразмийнинг саёҳатлари натижасида яратган географик ғоялари бу фанни янги поғонага кўтариб, 9 аср бошларида Шарқда янги география фанининг яратилишига олиб келди (4-Расм).

Олимларнинг хулосалари бўйича Шарқий Европа географияси ва этнографиясига доир дастлабки маълумотларга Ал-Хоразмий асос солган. Ал Хоразмийнинг "Ал-жабр ва муқобала" деб номланган машҳур асарининг номидан янги "алгебра" атамаси пайдо бўлди ва янги фан сифатида дунё бўйлаб ривожланишини бошлади.Боғдод академиясида Халифа Маъмуннинг



топшириғига кўра, Ал Хоразмий раҳбарлигида 70 та олим жаҳоннинг ва осмоннинг тасвирини ўз ичига олган "Маъмун хариталарини" яратган. Дунё олимларининг эътирофича Ал-Хоразмий нафақат буюк географ олим, балки Шарқ географиясининг асосчиси, Испаниядан Қашқаргача барча табиатшунос, географ ва сайёҳ олимларнинг тадқиқотлари йўналишларини белгилаб берган йўлчи юлдуз ҳисобланади.




***4-Расм .Мухаммад Хоразмийнинг Ўрта Осиё ва унга ёндош ерлар харитаси***

Ҳозирги вақтда география хариталарини тайёрлаш хеч қандай муаммоларни келтириб чиқармайди. Замонавий компьютер тизими Сайёрамиз Ер ва коинотнинг хар қандай манзилидаги-маконидаги табиий географик жараёнларни бир зумда тайёрлаб беради (5-Расм).




*5-Расм.Дунёнинг содда табиий-схематик харитаси*

## Туристик хариталарнинг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти

Инсониятнинг тараққиёти даврида географик хариталарнинг қанчалик зарур бўлганлигини тарифлашда қуйидагиларни келтирамиз. Жасур сайёҳлар ҳаётини хавф остига қўйиб ҳали инсон қадами етмаган ерларга айнан ўша ерларнинг харитасини чизиш учун хавф-хатарга тўла саёҳатларга чиқишган.

***Виллем Баренц (1550-1597).*** 15-16 асрлардаги буюк географик кашфиёт лар мустамлакачилик босқичининг бошланишига, Европа мамлакатлари ўртасида янги ерлар учун рақобат ва курашга сабаб бўлди. Натижада Хитой ва Ҳиндистонга боришнинг Шимолий денгиз йўлини топиш ғоялари ўша вақт денгиз сайёҳлари ўртасида гўёки ўзига хос мусобақага айланиб кетди. Шимолий денгизнинг йил давомида муз билан қопланиши ва ўша вақтдаги кемаларнинг музлар сиқувига бардош бераолмасликларини тажрибали денгизчилар жуда яхши билар эди. Лекин В. Баренц бу хатарли саёҳатни амалга оширишга журъат этди. У 1594 йилда шимолга биринчи экспедиция ни ташкил қилди. Бу саёҳатда у 77 даража шимолий кенгликларгача сузиб борди ва орқага қайтишга мажбур бўлди. В. Баренц 1595 йилда иккинчи экспедицияни ташкил қилди. Бу экспедиция ҳам муваффақиятсиз бўлди.

В. Баренц учинчи экспедицияни Голланд ҳукуматининг топшириғи билан 1596 йилда ташкил қилди ва шимолнинг 80 даража шимолий кенгликларигача бўлган барча ерлар ва оролларни, музликларни харитага туширди. Саёҳатда В.Баренц ва унинг кўплаб денгизчилари ҳалок бўлишди. Жасур саёҳатчининг номи абадийлаштирилди-илгариги Мурман денгизи Баренц денгизи номини олди. Худди шундай ном шимолдаги бир қанча оролларга ҳам қўйилди.

***Роберт Скотт (1868-1912).*** Антарктика материгини ўрганишда катта тадқиқотларни амалга оширган ва жанубий қутбга Руаль Амундсендан кейин иккинчи бўлиб етиб борган буюк инглиз сайёҳи. Жанубий қутбдан қайтишда ҳалок бўлган. У биринчи бўлиб Антарктика материгининг музсиз водийсини топган ва харитага туширган. Антарктиканинг кўплаб оролларини кашф қилган.

***Фаддей Беллинсгаузен(1778-1852).*** XVIII асрнинг иккинчи ярмида жанубий қутбни текширган инглиз сайёҳи Жеймс Кук доимий музликлар ўлкаси жанубга сузиб бориш мумкин эмас деган фикрни айтган эди. Машҳур денгизчи сайёҳни билган денгизчилар унинг гапидан кейин қарийиб 45 йил жанубий денгизга қилинадиган саёҳатларни тўхтатиб қўйган эди.

Рус денгизчи олими Ф.Беллинсгаузен бошчилик қилган биринчи рус Антарктика экспедицияси Ж. Кукнинг хулосалари нотўғри эканлигини исботлади. Рус сайёҳи Антарктика қирғоқлари бўйлаб айланма саёҳат қилиб, биринчи бўлиб, унинг яхлит материк эканлигини бутун дунёга маълум қилган.У 1819 йилнинг 4 июнида Кронштадтдан йўлга чиқиб, 2 ноябрда Рио-де-жанейрога етиб келди ва 1821 йилнинг 24 июнида Кронштадтга қайтиб келди. Бу даврда у 20 та янги оролларни харитага туширди. Ф.Беллинсгаузен экспедициясининг сафари инсоният тарихидаги энг муҳим ва энг қийин сафар эканлиги алоҳида қайд қилинган. Олтинчи материкни кашф қилган олимнинг



хулосаларидан кейин жанубий материкни тадқиқ қилиш ишлари яна бошланиб кетди (6-Расм).




*6-РасмФ. Беллинсгаузен ва М. Лазаревнинг Жанубий Қутбга саёҳати харитаси.*

***Арминий Вамбери(1832-1913).*** 1863 йилда А.Вамбери Венгрия фанлар академияси маблағи ҳисобига миллати турк бўлган Рашид афанди номи билан сайёҳ дарвиш қиёфасида Ўрта Осиёга сафар қилиш мақсади билан Эронга келади.У ерда Макка зиёратидан қайтаётган карвонга қўшилиб Исфаҳон, Шероз ва Мозандарон орқали Каспий денгизининг шимолига йўл олади, Қорақум чўли орқали Хоразмга етиб келади. Шундан сўнг у Қизилқум чўли орқали Бухоро, Самарқанд, Қарши, Керки, Андхой, Маймана, Ҳирот, Машҳад орқали Теҳронга қайтади. 1864 йилда А.Вамбери "Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат" китобини эълон қилган. Европада шарққа қизиқишнинг кучлилиги дан бу асар барча Европа тилларига таржима қилинган (7-Расм).

Туризмнинг фаол ривожланиши туристларга тўлиқ ахборотли, ихчам ва замонавий хизматларни кўрсатишни талаб килмокда. Туристларга оғзаки ахборотлар бериш билан хизматлар кўрсатиш вакти ўтди. Бу ўринда туризм хизматларини хариталаштириш вакт талабларидан келиб чикди. Шу сабабли туризмда хариталаштиришни ўрганиш Ўзбекистон миллий туризмини ривожлантиришдаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.




*7-Расм.Арминий Вамберининг Ўрта Осиёга саёҳати харита-чизмаси*[4]

Туризм хизматлари ҳақидаги ахборотларни хариталар оркали туристларга етказиш ҳозирги халкаро туризм талабларидан эканлигини эътиборга олишимиз зарур. Туризмда хариталар оркали ишлаш туризмдаги тадбиркорларга ҳам, туризм махсулотларини ишлаб чикарувчиларга ҳам ва туристларга ҳам комфорт даражадаги кулайликларни яратади. Туристик хариталарнинг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти қайд қилинганлардан иборат. Жаҳон туризмидаги ҳозирги тараккиёт туристик хизматларни тобора такомиллаштиришни талаб килмокда. Туристларга таклиф қилинадиган туристик хизматлар ва туристик махсулотлар имкон даражаларда тушунарли ва енгил ахборотлардан иборат бўлиши керак. Бунинг учун туристик маршрутларни хариталаштириш усулида ишлаб чиқишни кучайтириш лозим.

Туризм маршрутларини хариталаштириш ҳозирги жаҳон туризмида устивор тенденциялардан ҳисобланади.Хариталаштирилган туристик маршрутда маршрутдаги барча объектлар географик белгилар билан тасвирланган бўлиб туристларда кўплаб саволлар келиб чиқишининг олдини олишни таъминлайди.Хариталаштирилган туристик маршрутда турист учун кийинчиликсиз ва эркин фойдаланиши ахборотлари келтирилади.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Харита ва географик хариталарни кандай тушунасиз?.

2.Биринчи географик харитани ким яратган ва сайёрамизни кандай тасвирлаган?.

3.Эратосфен Киренский харитасини тушунтириб беринг.

[4]. Каромиддин Гадоев,Сабоҳат Бердиева. Жаҳонгашта сайёх-олимлар. Тошкент-Ўзбекистон, 2012.-271 б.



4. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий харитасини тушунтириб беринг.

5.Туризмни ривожлантиришда хариталаштиришнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

## 2-Мавзу. ГЕОГРАФИК ХАРИТАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

**Режа:**

2.1. Географик хариталар ва уларнинг турлари

2.2. Туризм хариталари ва уларнинг турлари, таснифлари.

2.3.Туризмда хариталашнинг усуллари.

### 2.1. Географик хариталар ва уларнинг турлари

**Географик хариталар**[5] -ер юзасининг табиат ва жамиятдаги вокеа ва ходисаларнинг маълум бир вактдаги ҳолати умумлаштириб, кичрайтириб кўрсатилган текисликдаги тасвири. Географик хариталар учун харитаграфик проекциялар, шартли белгилар ва харитаграфик генерализация (саралаш) хос. Географик хариталар ўзининг мазмуни, тасвири, кўргазмалилиги ва замонавийлиги бўйича харитаграфик модель ҳисобланади. Географик харита ларнинг биринчи хусусияти-харитаграфик проекциялар ёрдамида ердаги ва бошка сайёралардаги объектларнинг ўрни, планли ўлчамлари ва шакли ҳакида тўғри маълумотлар олишга имкон беради.

Географик хариталарнинг иккинчи хусусияти-харитаграфик белгилар дан фойдаланган ҳолда:

а) ер юзасининг бирор кисмини ёки ҳаммаси (хатто сайёралардаги) ни масштаб асосида кичрайтириб, масштабга тўғри келмайдиган зарур объект ларни масштабсиз шартли белгилар билан тасвирлаш мумкин;

б)харитада ер юзасининг рельефини (масалан, горизонталлар ёрдамида ) текисликда ёйиб кўрсатиш мумкин;

в) Географик хариталарда тасвирланаётган вокеа ва ходисаларнинг факат ташқи кўринишигина эмас, уларнинг ички тузилиши ва мазмуни ҳам тасвирланади (масалан, денгиз хариталарида чуқурлиги, сувининг кимёвий таркиби, оқим тезлиги, денгиз тубининг рельефи, флора ва фаунаси ва ҳ. к.);

г) сезги органлари бевосита кабул қилмайдиган ходисаларнинг тарқалишини ва бевосита эришиб бўлмайдиган алоқа ва муносабатларни кўрсатиш мумкин (масалан, магнит стрелкасининг оғиш бурчагини);

д) айрим объектларга хос кам аҳамиятли томонлари, ходиса ва деталларини истисно қилиш ва уларнинг умумий ҳамда асосий белгиларини ажратиб бериш мумкин.

Географик хариталарнинг айникса учинчи хусусияти -тасвирланаётган вокеа ва ходисаларни танлаш, тўлдириш, яъни харитаграфик саралаш (генерализация) ва умумлаштириши мумкин.

Мазмунига кўра хариталар қуйидаги хариталарга ажратилади:

1.Умумгеографик хариталарга

[5] Мирзалиев Т. М., Проблемы комплексного и тематического картографирования Ўзбекистана, Т., 1987.-

2.Мавзули (тематик) хариталарга бўлинади.

Умумгеографик хариталар масштаби бўйича-йирик масштабли, ўрта масштабли ва майда масштаблиларга бўлинади. Лекин улар кайси масштабда тасвирланса ҳам, уларнинг мазмунини ташкил этган элементларнинг асосий лари сакланиб колади. Булар -сув объектлари, рельеф, тупрок ва ўсимлик коплами, аҳоли яшайдиган жойлар, алоқа йўллари ва алоқа воситалари, давлатлар ва улардаги маъмурий чегаралар ҳамда ижтимоий-иқтисодий элементлар (саноат, қишлоқ хўжалиги ва б.)дир.

Мавзули хариталар бирорта мавзуга бағишланган бўлади. Мавзу тўлиқ тасвирланади, лекин географик асосини умумгеографик хариталарнинг элементлари ташкил килади, яъни мавзуга мос килиб географик асос яратилади. Мавзули географик хариталар икки синфга-табиий географик хариталар ва ижтимоий-иктисодий географик хариталарга бўлинади. Табиий географик хариталарга геологик, тектоника, геофизика, сейсмология, ер ости сувлари (гидрогеология), геоморфология, иклим, гидрология, тупрок, ўсимлик ва хайвонот дунёси, экология ва бошка соҳаларга бағишланган хариталар киради.

Ижтимоий-иқтисодий хариталарга аҳоли ва демография, саноат, к. х., транспорт, маиший хизмат, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, сиёсий маъмурий хариталар ва ҳ. к. киради.

Географик хариталар тасвирланган худудига кўра, дунё, материк, океан, алоҳида мамлакатлар, регионлар, вилоят ва туман хариталарига бўлинади. Вазифасига кўра, махсус хариталар (ўкув, туристик, навигация, лойиҳа ва х. к.)га ажратилади.

Мавзуси тор хариталарга соҳа хариталари (масалан, иқлимнинг бир соҳасига бағишланган хариталар), иклимга тўла тавсиф берилган бўлса умумий иқлим хариталари дейилади. Хариталарда тасвирланаётган мазмун кўп маълумотли бўлиб, улар орасидаги ўзаро боғликликни тасвирлаб, улардаги қонуниятларни очиб берса мажмуали хариталар деб аталади.

Табиатнинг айрим элементлари (масалан, шамоллар), муайян жойнинг аҳолиси (масалан, туғилиш), иктисодиёти (масалан, пахта ҳосилдорлиги) ва маданияти (масалан, театрлар), уларнинг хусусиятлари ва аломатлари кўрсатилса аналитик хариталар дейилади. Бир қанча соҳаларни қўшиб, кўп мазмун битта харитада тасвирланса *синтетик хариталар* дейилади.

Географик хариталар ичида ижтимоий-иқтисодий хариталар нисбатан кенг ривожланаётган соҳа. Ушбу йўналишнинг шаклланиши ва ривожлани ши жамият тараккиётида ижтимоий-иктисодий омиллар ролининг ошиб бориши, иктисодий ва ижтимоий жараёнларда худудий фаркларнинг кучайиб бориши билан бевосита боғлик.

Динамик ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни, уларнинг ҳудудий фаркла рини чукур таҳлил этиш зарурати харитаграфия фанидан тадқиқотни кенгай тиришни, янги ўзига хос объектларни ва нисбатан мураккаб жараенлар ни қўшишни талаб этади. Масалан, қўшма корхоналар, акционерлик жамият лари, фермер хўжаликлар, фирмалар ва бошқалар.



Географик хариталар ижтимоий-иқтисодий ва маданий объектларнинг жойланиши, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳодисаларга хос ҳудудий фаркларни акс эттирибгина колмасдан, балки уларга хос ҳудудий комплекс конуниятларини ҳам аниқлашга имкон беради. Бунинг асосида ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жараёнларни миллий ва турли ҳудудий микёсларда башоратлаштириш, режалаштириш ва бошқаришнинг мустаҳкам илмий-методологик асосларини тайёрлаш мумкин. Шу нуктаи-назардан янги типдаги хариталар яратишни давр тақозо қилмоқда (масалан, башорат қилиш, баҳолаш, режалаштириш, лойиҳалаш ва бошқа хариталар). Ўзбекистонда шу соҳага бағишланган хариталар тузиш устида иш олиб борилмоқда.

***Табиий географик хариталар***-табиатда содир бўладиган вокеа ва ҳодисалар (табиат компонентлари)ни алоҳида ёки уларнинг қонуний уйғунли гини (географик жойлашиш ҳолатини ҳамда улар орасидаги ўзаро боғланишни) тасвирловчи мавзули хариталар. Табиий ҳодисалар хариталари деб ҳам юритилади.

Геологик, геофизик, геокимё, геоморфологик, метеорологик ва иклим, гидрологик (куруклик сувлари), океанологик (океан ва денгиз сувлари), тупрок, геоботаник, зоогеографик ва бошқа махсус мавзули хариталар (масалан, денгиз ва дарё навигация хариталари), шунингдек, ландшафт хариталари Табиий географик хариталарнинг асосий типлари ҳисобланади.

Тасвирланаётган ҳодисаларни илмий тадкик этиш усули ва мавзуини умумлаштириш даражасига караб аналитик (масалан, иклимнинг алоҳида элементлари), комплекс (синоптик, топографик хариталар) ва синтетик (иклимни районлаштириш хариталари) Табиий географик хариталарга бўлинади.

Фойдаланиш максадларига кўра, ўқув хариталари, илмий маълумотно ма, тарғибот ва ташвикот, оператив хўжаликлар, навигация, кадастр, йўллар, туристик ва бошка хариталарга, тасвирланаётган майдонига кўра дунё, ярим шарлар, материклар, океанлар, алохида давлатлар, республикалар, вилоятлар ва бошка маъмурий бирликлар хариталарига бўлинади.

Аниқ максадлар учун ихтисослаштирилган хариталар, масалан, табиий ресурслардан окилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза килиш, табиий географик башорат ва х. к. хариталар ҳам ишланмоқда. Съёмка (ландшафт ва бошқа) материалларидан, шунингдек, аэро ва космик суратлардан кенг фойдаланилади. Табиий объектларнинг шакли, ўлчамлари, сифат ва миқдор тавсиялари ҳамда динамикасини ҳар тарафлама акс эттиришда мавжуд барча харитаграфик усуллардан фойдаланилади.

1963 йилда Ўзбекистоннинг биринчи «Табиий географик атласи», 1982—85 йилларда 2 кисмдан иборат «Ўзбекистон атласи» илмий маълумот нома нашр этилган. 1994-2004 йилларда Ўзбекистоннинг 1:1000000 ва 1:1500000 масштабли деворий табиий, экологик, иклим ва табиатни муҳофаза килиш хариталари, 1:2000000 масштабли Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг табиий ўқув харитаси нашр этилди. Майда масштабли атлас хариталари янгиланди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Табиий географик хариталар тузишда дала кузатишлари ва махсус маконнинг, худудларнинг ўлчамлари бўйича географик хариталар-дунё харитаси, ярим шарлар харитаси, материклар харитаси, океанлар харитаси, алохида худудлар харитаси ва давлатларнинг хариталарига бўлинади. Давлатлар хам ўзларининг маъмурий бўлиниши хариталарини ишлаб чикадилар.

Тасвирланаётган худудларнинг ёки худуднинг ўлчамларини харитага туширишда масштаб ишлатилади. Масштаб ўлчамлари бўйича хариталар куйидагича номланади:

1.Йирик масштабли хариталар- масштаб 1 дан 1:10000 то 1:200000 гача.

2.Ўрта масштабли хариталар-масштаб 1 дан 1:200000 то 1:1000000 гача.

3.Майда масштабли хариталар 1 дан 1 000 000 ва майда.

***Географик атлас***-бир максадга йўналтирилган географик хариталар нинг тўплами–географик атлас дейилади. Биринчи географик атласни Клавдий Птоломей(эрамиздан олдинги-II аср) яратган. Ўзбекистон худуди акс эттирилган дастлабки харита ва атласлар IX-XI асрларда яшаб ижод килган буюк аждодларимиз Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Зайд Бахлий, Абу Райхон Беруний, Хофизи Абру, Махмуд Кошғарий, Али Кушчи ва бошка алломаларимиз томонидан яратилган. Ушбу олимлар томонидан колдирилган билимлар, илмий, маданий мерос каби кадимий ва бойдир.

Дунё илм-фани, хусусан астрономия, геодезия, география ва картография каби соха фанлари ривожида улар мухим ўрин тутади. Афсуски, ер юзида содир бўлган турли табиий офатлар, урушлар ва бошка фожиалар натижасида улар колдирган мероснинг бир кисмигина бугунги кунга кадар сакланиб колинган холос.

Айтиш жоизки, XX асрга кадар республикамиз худудини картографик жихатдан ўрганилганлик даражаси анча паст бўлган бўлиб, ушбу даврда республикамиз худудида харита тузиш ишлари яхши ривожланмади, хариталар кам чоп этилди, уларнинг жихозланиши оддий эди. Хусусан, худуднинг ички кисмлари хали яхши ўрганилмаган, манбалар етарли даражада тўлик ва аник бўлмаган, режа олиш асбоблари, картографик тасвирлаш усуллари ва харита ишлаш техникаси ривожланмаган эди. Ўзбекистоннинг дастлабки аник хариталарини яратиш 1867 йил таъсис этилган Туркистон харбий топография бўлимининг кизғин фаолияти билан боғликдир.

Туркистон харбий топография бўлими фаолияти кўп жихатдан Чор хукуматининг бу ўлкадаги иктисодий сиёсати билан, яъни бу ердаги ишлаб чикариш кучларини ривожлантириш, табиат бойликларини хисобга олиш хамда улардан имкон борича тўла фойдаланиш билан боғлик эди. Шунинг учун хам биринчи навбатда иктисодий жихатдан катта ахамиятга молик худудлар хариталари ишланди. Бу хариталар ўз даврининг илмий хамда амалий талаблари даражасида бўлиб, улар узок вактгача Ўзбекистон худудини ўз ичига олган анча мукаммал асосий картографик манбалар хисобланиб келди.

Ўзбекистонда картография собик Иттифок даврида сезиларли ривожланди. 1934 йилда Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент Картография



фабрикаси (Хозирги «Картография» Давлат илмий ишлаб чикариш корхонаси) ташкил этилди.Унга давлат муассасаларини ва жамоат ташкилотларини умумгеог рафик, мавзули, сиёсий-маъмурий ва маълумотнома хариталар билан, шунингдек, мактаб ўкувчиларини ўкув харита ва атласлар билан таъминлаш дек юксак вазифа топширилди. Натижада кўп ўтмай суғориладиган ва суғоришга биринчи навбатдаярокли бўлган ерларнинг 1:10 000 масштабли кишлок хўжалиги хариталари, 1:500 000 масштабда умумгеографик ва сиёсий маъмурий хариталари, Ўрта Осиё халкларининг она тилларида ўкув хариталари тузилди ва чоп этилди.Урушдан кейинги йилларда картограф ларнинг асосий вазифаси кишлок хўжалиги, бошкарув ва режалаштириш органларини зарур картографик материаллар билан таъминлаш, илғор хўжаликлар ва илмий тадкикот муассасаларининг ютукларини тарғибот килиш хамда амалиётга жорий этилишини тезлатиш эди.

1963 йилда рус тилида республикамизнинг биринчи табиий-географик илмий маълумотнома атласи «Атлас Узбекской ССР»нинг чоп этилиши ўлкамиз географияси ва картографияси тараккиётида мухим боскич бўлди. Атлас асосий хариталарининг масштаби 1:3 500 000 ва 1:5 000 000, иклим хариталари 1:7 500 000 ва 1:10 000 00 масштабларда тузилган. Мазкур атлас мамлакатимиздан ташкари нуфузли хорижий мутахассисларнинг диккатини ўзига жалб этган бўлиб, Франция ва Италияда чоп этилган такризларда ўзбек географларининг ушбу мисли кўрилмаган тадкикотлари география фанига кўшилган мухим хисса деб бахоланган.

1983 йилда республикамиз пойтахти-Тошкент шахрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан 48 та харита ва схемаларни ўз ичига олган комплекс «Ташкент географический атлас» чоп этилди. Ўзбекистон мустакилликка эришгандан кейин, республикада картография сохаси жадаллик билан ривожлана бошлади.




2021 йилда Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 15 мартдаги «Ўзбекистон Миллий атласини яратиш тўғрисида»ги фармойишига мувофик давлат тилида Ўзбекистон тарихида илк бор Комусий асар – «Ўзбекистон Миллий атласи» яратилди. Ўзбекистон Миллий атласи – мухим умумдавлат ахамиятига молик комплекс илмий-маълумотнома картографик асар бўлиб, унда янги Ўзбекистон, унинг баркарор ривожланиш суръатлари ва улкан имкониятлари

ҳақидаги ҳаққоний илмий далил ва таҳлилларга асосланган муҳим маълумотлар берилган. Атлас шартли равишда икки қисмда (жилд) нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Атласда 400дан ортиқ харита берилган.




Ўзбекистон Республикасининг сиёсий харитаси




Ўзбекистон Республикасининг табиий географик харитаси






Ўзбекистонда чорвачилик кенг тарқалган районлар харитаси[6]



ЎзМУда Ҳ.Ҳасанов номидаги ўқув-методика хонасига ўрнатилган улкан, «Ҳ.Ҳ.Ҳасанов глобуси» билан машғулот ўтилмоқда.

***Географик глобус***-Ер шарининг кичрайтирилган модели. Географик глобусда ер сайёрамиздаги материклар, океанлар, денгизлар ва ороллар географик харитага нисбатан аниқроқ, тўғрироқ ҳолатда кўрсатилади. Манбалар бўйича биринчи глобусни эрамиздан 150 йил олдин грек олими

[6] Мусаев П.,Мусаев Ж.,География,»Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент,2019.-176 б.

Кратет Мильский ясаган. У ўзининг глобусида координаталарни чизиб чикган ва ернинг шарсимонлиги хакида ёзувлар колдирган. Унинг бу хулосасини эрамиздан олдинги III асрда исботланган эди. Лекин глобус хали ихтиро килинмаган эди.

Биринчи географик глобусларни ислом оламининг олимлари хам ясашган. Бухоролик астроном Жамол ад-Дин 1267 йилда Пекин хони Хубилайгахон Хулагунинг совғаси-глобусни топширади.Туркиялик Такиюддин аш-Шами 1574 йилда ўзининг Истамбулдаги Расадхонаси учун хозирги глобусга яқин бўлган глобусни ясайди.Ҳозиргача яхши сакланган ва анча аниқликлар бўлган глобус 1493-1494 йилларда Мартин Бехайм глобуси хисобланади. Инсониятнинг буюк олими, ватандошимиз Абурайҳон ал-Беруний шимолий ярим шарлар глобусини ясаган.

## 2.2. Туризм хариталари ва уларнинг турлари, таснифлари.

Туризм хариталари ёки турист харитаси-туризм, ёки саёҳат маршрут лари ва экскусия объектлари, туризм марказлари ёки районларини, туризм ресурсларининг манзил маконларини қоғозда тасвирланган кўриниши хисобланади. Шунингдек, туризм саноати билан боғлик барча ахборотларни, башоратларни хам туризм хариталарида изоҳлашдир.

Туризм хариталари мақсадлари бўйича қуйидаги икки гурухга бўлинади[7]:

1.Туристлар ёки саёҳатчилар учун хариталар.

2.Туризм ташкилотчилари ва туризм тадқиқотчилари учун хариталар.

Туризмнинг барча хариталарини қуйидаги 3 та классга бўлишган:

1.Умумий географик шу жумладан топографик хариталар. Туристлар кўп ҳолларда ушбу хариталардан фойдаланишади. Туризм маршрутлари хам асосан шу хариталар асосида шакллантирилади.

2.Мавзули хариталар(табиий географик), жамият хаёти билан боғлик (ижтимоий-иктисодий хариталар, шунингдек, туризм, рекреация, дам олиш) ва экологик хариталар.

3.Махсус хариталар- аниқ истеъмолчилар учун мўлжалланган, махсус мазмунни ифодалаган ва максадлар бўйича шакллантирилган(ўкув, лойиха лар, учиш, турист учун ва бошк…) хариталар.

Туризм саноатида асосан туризмни лойиҳалаштириш ва мавзули туризм хариталари кўп ишлатилади. Бундай хариталарга талаблар хам кўп бўлади. Шунинг учун ҳам, бундай хариталарни мукаммал ишлаб чикариш қуйидаги 4 хилга (йўналишга)бўлинган:[8]

1.Туризм ресурслари хариталари(табиий ресурслар, маданий-тарихий ва ижтимоий-иктисодий шароитлар ва омиллар).

[7] Яковлева С. И., Туристкие карты,учебное пособие.Твер. гос. ун., 2015.-213 с: Карты туризма. Социально-экономические карты: учеб. пособие/ Е.А. Прохорова. М., 2010. С.183–201.

[8] Баюра В.Н., Мотовилова М.С. Картографический метод. Гл. 4. География туризма: учебник, под ред. д.г.н., проф. А.Ю. Александровой. - М., 2008. С. 252-261.



2.Туризм индустрияси хариталари(халқ хўжалиги тармоғи сифатида туризм ривожланишининг ижтимоий-иктисодий жиҳатлари ва фаолиятлари, бандлик, тунаш миқдорлари, келувчи туристлар, туристларни жойлаштириш, даромад, мехмонхоналарнинг тўлдирилиши кўрсаткичлари, мехмонхоналар таркиби, хизматлар кўрсатилиши сифатлари ва бошк..).

3. Туризм маршрутларининг хариталари (схемалари).

4.Туризмнинг худудий таркиблари хариталари(ресурслар ва объектлар тармоғи, курорт шаҳарлар, районлаштириш, типлар, турлари ва бошк.).

## *2.3. Туризмда хариталашнинг усуллари.*

Замонавий туризмда туризм хизматларини хариталаштиришда қуйидаги усуллар қўлланилади:

1.Шартли белгилар усули.

2.Алокалар ва харакатларнингйўналиши усули.

3.Изолинияли усул.

4.Нуктали усул.

5. Ареал усули.

6.Сифатли кўриниш усули.

7.Харитаграмма ва харитадиограмма усули.




*Харитада объектни ареал усулида тасвирлаш*



*Харитада объектнинг нуқталар усулида тасвирлаш*

*Шартли белгилар усулида* туризм хизматларини хариталаштиришда хизматлар кўрсатилиши лозим бўлган объектларга маълум бир белгилар қўйилади. Бунда объектнинг майдони, хажми ва бошқа кўрсаткичлари хисобга олинмайди. Шартли белгиларнинг тасвирланиши халкаро стандарт

ларга ёки маълум бир давлт кабул килган ягона стандарт талаблари бўйича қўйилиши керак. Баъзи ҳолларда объектга ҳарфлар ҳам қўйилиши мумкин[9].



*Ҳаритада ҳаракатлар ва жараёнларнинг стрелкаларда кўрсатилиши*



*Чизиқли белгилар усули*

*Алоқалар ва ҳаракатларнинг йўналиши усулида, изолинияли усулда* туризм объектлари, ресурсларига бориш стрелкалар билан кўрсатилади. Нуктали усулда туризм марказлари, туристлар тунайдиган жойлар, меҳмонхо налар, дам олиш жойлари алоҳида ёзувлар билан ифодаланади. *Сифатли кўриниш усулида* маршрут фолияти ўтадиган худудларнинг ўзи алоҳида рангли тасвирларда берилади [10] .Географик хариталаштиришда шартли белгилар жуда кўп. Биз фаннинг максади ва вазифалари бўйича шартли белгиларнинг энг содда ва туризм маршрутларини ишлаб чикишда осон тушуниладиган шартли белгиларни келтирдик. Иккинчидан, маршрутнинг харакатланиши нуктаи-назаридан асосан келтирилган шартли белгилар кўпрок ишлатилади.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Географик хариталарнинг қандай турлари бор?.

2.Географик хариталарнинг қандай таснифлари ва хиллари бор?.

3.Географик хариталашнинг қандай усуллари бор?.

4.Ўзбекистоннинг табиий харитасини амалий машғулотларда ўқиб беринг.

5.Махсус хариталарни ўрганинг ва амалий дарсларда тушунтириб беринг.

---

[9] Куртаева Н.В., Судаков А.С. Картография для туризма и экскурсий,Геод. и картогр. 1990. № 6. С. 39–41. Прохорова Е.А., Москва, Карты туризма,Социально-экономические карты: Учеб. пособие,2010. С.183–201.
[10] Жмойдяк Р. А.,Социально-экономическая картография.Учебное издание, курс лекций. Белорусский государственный университет. 08.04.2009. 92 с.



## 3-Мавзу. ГЕОГРАФИК ХАРИТАЛАРНИНГ ШАРТЛИ БЕЛГИЛАРИ

**Режа:**

3.1. Географик хариталардаги шартли белгилар

3.2.Туризм маршрутларини ишлаб чикишда шартли белгилардан фойдаланиш

### 3.1.Географик хариталардаги шартли белгилар

***Топографик шартли белгилар***-план ва хариталарда жой объекти ва улар тўғрисидаги тафсилотларни график тасвирлаш тизими; улар ёрдамида объект ва тафсилотларнинг ўрни, сифати ҳамда соний тавсифлари кўрсатилади.Топографик шартли белгилар бир нечта асосий турларга бўлинади. Ўз ўлчамлари бўйича план масштабида ҳақиқий нисбатлари сақланган ҳолда тасвирланиши мумкин бўлган объектлар масштабли шартли белгилар билан берилади; план масштабида ташқи кўриниши (контури)ни тасвирлаш имкони бўлмаган ёки тасвирлаганда ҳам кичкиналигидан нуктага айланиб кетадиган объектлар масштабсиз шартли белгилар билан берилади.

Бу белгилар объектлар ўрнашган жойни, уларнинг сифат ва соний тавсифини кўрсатиш имконини беради. Бунда объектлар ўрнашган жой шартли белгининг бирон бир нуктаси билан кўрсатилади; чизикли объектлар -дарёлар, йўллар, алока симлари, чегаралар ва х. к. чизикли шартли белгилар билан кўрсатилади. Бу белгилар объектларнинг ўрнини, уларнинг бўйлама ўқи бўйича кўрсатиш имконини беради.Бирор объект плани унинг вазифаси ва масштабига қараб, масштабли ва масштабсиз шартли белгилар билан тасвирланиши мумкин. Масалан, йирик масштабли топографик планларда ҳамма аҳоли яшайдиган жойлар масштабли белгилар билан кўрсатилади.

Майда масштабли хариталарда эса улар, одатда, масштабсиз белги-пунсон билан кўрсатилади. Топографик шартли белгилар тузиладиган харитани мақсад мазмунига қараб ишлаб чикилади. Топографик хариталар ҳам ўзининг мақсадлари ва заруриятлари бўйича жуда кўп йўналишларни, тармоқларни қамраб олади ва шу йўналишлар ва тармоқлар учун топохариталар ишлаб чиқилади.




*Об-ҳаво ҳолатларини шартли белгилар билан изоҳлаш*

## 3.2.Туризм маршрутларини ишлаб чиқишда шартли белгилардан фойдаланиш

География, топография хариталари ва жойларнинг планини олиш хариталарининг барчасида биринчи навбатда масштаб ва иккинчи навбатда шартли белгилар қўйилади. Масштаб ва шартли белгиларсиз хариталарни ўқиш ва ўрганишнинг иложи бўлмайди. Хариталарнинг шартли белгилари ёки хариталар билан боғлиқ изоҳлар умумий тилда *легенда* дейилади. Орол денгизи сув сатҳининг дастлабки ҳолати, қирғоқлари, йиллар давомида пасайиб бориши ва ҳозирги ҳолатлари легенда усулида берилган.

Барча хариталарнинг легендасини ўқиш учун географик хариташунос лик фанини мукаммал ўзлаштириш зарур. Айникса, туризм таълимидаги талабалар учун бу талаб жуда муҳим.Ҳозирги замонавий туризм тараққиё тида хариталарни ўқишни, хариталар билан ишлашни билмайдиган туропера торлар муваффакият билан ишлай олмайди. Шу ўринда халкаро туризмдаги "туроператорлари кучли бўлган мамлакатда туризм ривожланади" деган шиорни эслатиш мулоҳазаларимизнинг мазмуни бўлади деб ҳисоблаймиз.



*Харитада берилган изоҳлар ва расмлар хаританинг легендаси дейилади.*

Олий таълимда туризм операторларини тайёрлашда туризм маршрут ларини ишлаб чиқиш география ва топография хариталарини ўрганишдан бошланиши лозим. Чунки, туризм маршрутлари айникса экотуризм, рекреа ция ва кишлок туризми маршрутлари асосан табиат минтақаларида амалга оширилади. Шу сабабли бўлғуси туроператорлар ушбу ўрганилаётган



фаннинг асосий кисмини табиатнинг ҳар хил экологик тизимларида ўтказиши мақсадли бўлади



*Талабаларнинг хариташунослик фанини далада ўрганиши(Тоғ ва тоғолди ландшафтлари).*

Туроператорларнинг табиат бағридаги амалиёт машғулотлари географ лар, ботаниклар ва орнитолог мутахассислар раҳбарлигида амалга оширили ши керак. Чунки туризм операторлари туристларнинг (айникса халкаро туристларнинг табиатдаги (флора ва фауна) ўсимликлар, кушлар ва бошка ёввойи ҳайвонларнинг ҳар бирининг маҳаллий ва халкаро номини(лотинда) айтиб, талаб қилинганда уларнинг ўсиш ва яшаш шароитларини, биологияси ни айтиб, тушунтириб беришлари керак.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Географик хариталарнинг масштаблари қандай белгиланади ва харитага қўйилади?.

2.Хариталарнинг шартли белгилари қандай ишлаб чиқилади?.

3. Амалий дарсларда хаританинг легендаси ҳақида гапириб беринг.

4.Экотуризм маршрутлари ишлаб чиқилганда қандай шартли белгилар қўйилиши мумкин?.

5.Яшаш жойингиздаги 10 ўсимликнинг маҳаллий ва лотинча номини ўрганинг ва амалий дарсларда айтиб беринг.

## 4-Мавзу. ТУРИЗМ РЕСУРСЛАРИНИ ХАРИТАЛАШТИРИШ.

**Режа:**

4.1.Туризм ресурсларини хариталаштириш.

4.2.Ўзбекистоннинг туристик харитаси

### 4.1.Туризм ресурсларини хариталаштириш.

Туризм ресурсларини хариталаштириш мураккаб ҳисоб-китоблар ва кийин жараёнларни талаб қилмасада, то ҳозиргача Ўзбекистоннинг туризм ресурсларининг хариталари ишлаб чиқилмаган. Ватанимизнинг туризм ресурслари ёзма равишда рўйхатга олинган. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари дан бири ички туризмда ҳам халқаро туризмда ҳам туризм бозори талаб қиладиган туристик маҳсулотларни ўрганмаганлигимиз ёки бу талабни бажараолмаётганлигимиз ҳисобланади.*Иккинчидан,*туризм ресурсларини хариталаштиришда тажрибаларимиз ҳам билимларимиз ҳам етарли эмас. *Учинчидан, туризм соҳасига олий тоифадаги мутахассислар тайёрлаётган университетлар ва институтлар нинг бирортасида ҳам хариталаштириш лабараториялари ташкил қилинган эмас.* Шунинг учун ҳам, туризм таълими нинг барча йўналишларида то ҳозирги кунгача ихтисослик фанларининг барчаси хариталарсиз, оғзаки ҳолатларда ўтилмоқда.*Тўртинчидан,* ички ва туризмда айнан кайси туризм ресурсларига талаблар мавжуд?. Бу саволга жавоб бериш учун мукаммал маркетинг тадқиқотлари амалга оширилиши лозим.

Ҳозирги “Ахборот замонасида” бирор бир ахборотни олиш учун кўплаб варақларни титкилаш, ўқиш учун вақт танг бўлиб бормоқда. Харита эса бир ёки икки бетдан иборат бўлиб изланаётган барча маълумотларни ўзида жам қилганлиги билан фойдаланиш жуда қулай ва ишончли манбаа ҳисобланади. Масалан, қандайдир зиёратгоҳ ёки тарихий обиданинг макони ҳақидаги ахборот ҳам анча ёзувлар талаб қилинади. Харитада эса шартли белгилар орқали бу маконни осонлик билан топиш мумкин.

*Бешинчидан,* Ўзбекистоннинг миллий туризми районлаштирилган эмас. Агар районлаштирилганда, албатда ушбу районлардаги туризм ресурслари нинг хариталари тайёрланган бўлар эди. Олтинчидан, туризм таълими ўқитилаётган университетлар ва институтларда “Туризм географияси” фани қўйилмаган. Бу фан туризм марказларини, туризм ҳудудлари ва районларини ташкил қилишни ўргатади. Бу йўналишда усуллар ва услубиятлар ҳам ишлаб чиқган [13] .Бу фан албатда туризм таълим тизимига киритилиши керак. Келтирилган сабаблардан хулоса қилиш мумкинки, ҳозирда биз ватанимиздаги туризм ресурсларини хариталашнинг дастлабки дастурларини тайёрлашимиз лозим бўлади. Бизнингча, Ўзбекистонда туризм ресурсларини хариталаштиришни қуйидаги 3 йўналишда амалга ошириш мақсадли деб ҳисоблаймиз:

[13] .Ердавлетов С. Р., География туризма, история,теория, методы, практика. Алмати, 2000 -332 б.



1.Ўзбекистоннинг туризм ресурсларини ички туризм учун хариталашти риш.

2.Ўзбекистоннинг туризм ресурсларини халқаро туризм учун хариталаш тириш.

3.Ўзбекистоннинг туризм ресурсларини туризмнинг турлари бўйича хариталаштириш.

### 4.2.Ўзбекистоннинг туристик хариталари

“Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини 2019-2025 йилларда ривожлантириш Концепцияси” миллий туризмни жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган.Ушбу Концепцияда:

-“Республика бўйича бепул фаолият кўрсатувчи, шу жумладан брон қилиш, сувенирлар, китоблар ва *туризм хариталари* бўйича маълумот берувчи ахборот шохобчалари сонини ошириш” белгиланган [14] .Туризм хариталари ҳақидаги талабнинг концепцияга киритилиши ҳам туризмда хариталардан фойдаланиш долзарб масалага айланганлигини билдиради.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг туристик харитаси ўрта мактабларнинг 8-синф ўқувчиларига ўтиладиган “Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси” фани учун тайёрланган география “Атласи”да берилган[15]. Бу харита мамлакатимиздаги ҳозирги миллий туризм талабларига жавоб бераолмайди. Биринчидан, маълумотлар эскирган ва аралаш қўйилган, туризмнинг жуда кўп ресурслари тасвирланмаган.Шундай бўлсада, ватанимизда туризм хариталарини яратишнинг бошланиши ҳар ҳолда эътиборда бор.

Биз ҳозирда миллий туризмни ривожлантиришда мавжуд географик ва топографик хариталардан фойдаланиш имкониятлари бор. Вилоятларнинг хариталари, Ўзбекистоннинг турли халқ хўжалиги тармоқлари учун ишлаб чиқилган хариталардан макон ва манзилли туристик рекламалр, туристик экскурсиялар ва туристик маршрутлар ишлаб чиқишимиз унчалик мураккаб эмас. Айникса, ҳозирда тарихий обидалар жойлашган шаҳарларимизнинг топографик хариталаридан маршрутлар ва экскурсиялар яратишда фойдаланиб келмоқдамиз.Ўзбекистоннинг ички ва халқаро туризмида талабнинг ошиши билан қадимий машҳур шаҳарларимизнинг туристик хариталари ҳам яратилмоқда. Ҳозирги замон туризмининг талаблари бўйича барча туризм ресурсларининг хариталарини тайёрлашимиз лозим. Чунки инсон ўзидаги қизиқиш хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқалар учун ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмаган туризм объектига қизиқиши мумкин.

[14] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонига 1-ИЛОВА -2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2019 йил 14 январь, 1-2-сон, 5-модда

[15] Атлас экономическая исоциальная география Узбекистана.Госкомземгеодезкадастр, 2006.-52 с




*Расм. Самарқанд шаҳарининг туристик харитаси*




*Расм. Бухоро шаҳрининг туристик харитаси*

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Хариташуносликда ахборот замонаси тушунчасини нима?.
2."Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини 2019-2025 йилларда ривожлантириш Концепцияси"да нималар белгиланган?.
3.География Атласини мисоллар билан тушунтириб беринг.
4.Кўчангизнинг топографик харитасини тайёрланг.
5.Географик харитасининг легендасини кўрсатинг ва тушунтириб беринг.



## 5-Мавзу. ТУРИЗМДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ХАРИТАЛАШТИРИШ

**Режа:**

5.1.Ўзбекистоннинг табиий географик харитасида табиат минтақалари нинг тавсифи
5.2. Ўзбекистоннинг табиий минтақаларидаги туристик ресурсларни туризмда хариталаштириш.
5.3.Чўлларда зиёрат туризми ресурсларини хариталаштириш

### 5.1. Ўзбекистоннинг табиий географик харитасида табиат минтақаларининг тавсифи

***1.Чўллар минтақаси.*(*Туристлар учун ахборот варақаси*).**Чўллар *минтақаси* денгиз сатҳидан 400-500 метр баландликдаги жойларни ўз ичига олади ва Ўзбекистон республикаси ҳудудларининг 70 % ини ишғол килади, ўсимликлари–498 тур. Шулардан 64 тури шифобахш ўсимликлар, 273 тури чорва моллари учун озуқавий хусусиятларга эга бўлган ўсимлик турлари хисобланади.Бу минтакаларнинг ўсимликлари қурғоқчил иқлимга мослашган ва асосан шўрхок ва қумли тупрокларда яхши ривожланади. Қуруқ иқлимли бу чўлларнинг хам экологик типлари хилма-хил бўлиб гипсли чўл, қумли чўл ва кўчиб юрувчи қумли –барханли чўллар кўплаб экотуристларни ўзига жалб қилиши мумкин.

Чунки хар хил экологик типли чўл ҳудудларида ушбу ҳудудларга мослашган ўсимликлар қоплами ва ҳайвонот дунёси таркиб топган. Айникса, флорамизда эндемик турларнинг кўплиги халкаро микёсда туристик оқимларнинг кучайишига кизиқишни хосил килади. Чўллардаги ҳайвонот оламидаги турлар(жайрон, сайғоқ, Қизилқум эчкиэмари, калтакесаклар, «Қизил китоб»даги йўрға тувалоқ, тасқара, чўл бургутлари, миққий, кирғий, қорабовур, чўл каптари ва бошқ..) нафақат хорижий балки, ички экотуризмда ҳам қизиқарли экотуристик объект ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг чўллари қуйидагилар: Қизилқум, Устюрт чўли, Ўрта чўл, Қарнобчўл, Конимехчўл, Муборак чўл, Қарши чўли, Мирзачўл, Марказий Фарғона чўллари, Каттақум ва Сандиқли чўллари. Булардан ташқари 1.9 млн. гектарли ўсимликсиз кўчма барханли қум ҳудудлари ҳам бор. Барханли қумликларда араб мамлакатлари экотуристларни туяда сайр қилиш турларига таклиф қилишади. Бундай экотурларнинг Европаликлар учун жуда қизиқарли бўлишини араб туроператорлари жуда яхши билишади. Бизнинг чўлларимизнинг қумликларида қам шундай экотуристик имконият лар бор.

***2.Тўқайзорлар минтақаси.*** Республикамизнинг Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Чирчиқ, Оҳангарон каби дарёлари соҳилларида тўқайлар алоҳида минтақалар ҳолида учрайди. Тўқайлар ўзига хос табиат ландшафтлари бўлиб, сийрак, зах ўрмон ва чакалакзорлардан иборат. Тўқайлар турли ҳайвонлар яшаши учун муайян шароитга эга. Тўқайлар экотуризмнинг энг қизиқарли ресурсларидир.

Ўзининг бетакрор табиатига ва бой биологик хилма-хилликга эга бўлган тўқайзорларимизга собик иттифок даврида ўнгланмас даражаларда зарар келтирилди.Тўқайзорларнинг ўрмонлари кесилиб, чексиз пахта далаларига айлантирилди. Бебахо бойлигимиз бўлган 300 минг га тўқайзорлардан хозирга келиб 30 минг гектари сакланиб колган. Бу майдонлар давлат муҳофазасига олинган ва уларнинг ўсимликлари, ҳайвонот олами муҳофаза қилинади ва кўпайтирилмоқда

***3.Адир минтақаси*** океан сатҳидан 1000-1200 метрдан 2700-2800 метргача бўлган баландликларни ўз ичига олади. Баландликга кўтарилган сари хаво харорати пасайиб ёғинлар микдори орта боради. Ватанимиз табиатидаги адирлар минтакасида нафакат экологик туризмни балки, кишлок туризмини,агротуризмни ривожлантириш имкониятлари бор. Чунки, адир минтакаси асосан мамлакатимиздаги тоғ олди минтакалари ҳисобланиб бу минтақанинг асосий қисми суғориладиган ерлар бўлганлигидан қишлоклар зич жойлашган ва деҳқончилик кучли ривожланган.

***4.Тоғлар минтақаси.*** Тоғларда ёз салкинрок, чўлдагига нисбатан кискарок бўлади. Тоғларимизда -1048 тур ўсимликлар ўсади. Шифобахш, доривор ўсимликларга бой минтака. Океан сатҳидан 1400 метрдан 2500 метргача баландликда арча дарахти ўсади. Арча ёғочи мустаҳкам, кимматбахо дарахт бўлиб, узоқ умр кўради.Табиатдаги биологик ресурслар- ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси экотуризмда энг оммавийлашган ресурс ва объектлардан ҳисобланади.

Арчазорлар–шифобахш оромгоҳлардир. Арчазорлардан экотуризмнинг энг оммавий масканларига айлантириш максадларида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, адир минтакасининг ҳайвонот олами тўқайзорлар фаунаси билан кўп ҳолларда бу икки минтака бири-бири билан чегарадош бўлганлигидан аралаш холда яшашади. Бу имкониятлардан экотуризмда ҳам, экосафари маршрутларидан хам фойдаланиш имкониятлари келиб чиқади.

***5.Баланд тоғ минтақаси*** денгиз сатҳидан 2700-2800 метрдан баландда жойлашган бўлиб бу минтақанинг майдонлари унча катта эмас. Минтакадаги совук ва нам иқлим шароитида оч қўнғир ва ўтлоқ тупроклар ҳосил бўлади. Баланд тоғ минтақалари субальп ва алп ўтлокларидан иборат. Айрим, куёшга тескари ёнбағирларида йил бўйи кор ва музликлар сакланиши мумкин. Баланд тоғ минтакасида ва бу табиий минтақанинг бошланиши гараларида айникса, Зомин миллий парки худудларида экотуристик тоғ –чанғи спорт туризмини ривожлантиришнинг жуда катта имкониятилари бор.

Илмий ахборотлардан маълум бўладики, ватанимизга келиб-кетаётган хар 100 туристнинг 50-60 таси мамлакатимизнинг табиатига ва ундаги биологик хилма-хилликга кизикишмоқда. Айникса, мамлакатимиздаги алоҳида муҳофазадаги табиат қўриқхоналарига ва улардаги флора ва фаунага кизиқиш кучли. Шул нуктаи -назардан ҳам мавжуд экотурисик ресурслардан айникса алоҳида муҳофазадаги экологик худудлардан экотуристик максадларда фойдаланиш йўлларини ишлаб чикишимиз лозим бўлади.



## 5.2. Ўзбекистоннинг табиий минтақаларидаги туризм ресурсларини туризмда хариталаштириш.

*(Гид-экскурсиячига маълумотлар)*

Чўл ҳудудларининг қисқача тавсифидан маълум бўладики, чўлларимиз табиати ўзига хос ҳайвонот ва ўсимликлар оламига, қуруқ ва совуқ иқлимнинг устиворлиги, релъф шаклларининг турли-туманлиги, бепоён майдонларда кўчма кум барханларининг борлиги жихатларидан экотуризмни ривожлантириш имкониятларининг мўллигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, туризмни ривожлантириш максадларида ўрганилаётган чўл ва адир худудларида барча туристик ресурсларни рўйхатга олиш, уларнинг манзилларини аниклаш, бу манзиллардан туристик ресурсларнинг туристларни қизиқтирадиган асосий объект (ҳайвон ёки ўсимлик турлари, релъеф шакллари, зиёротгох жойлар, тарихий жойлар, археологик топилмалар ва бошқ..)ларига тўлик таърif бериш талаб қилинади.

Чўл худудларидаги туристик ресурслар туризмни ривожлантириш максадларида хозиргача тадкик килинмаган.Шунинг учун хам биз адабиётлардаги манбалар ва чўлларда ўтказган илмий экспедицияларимиз асосида чўл худудларида туризмни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин бўлган туризм ресурсларини рўйхатини тузиб чиқдик. Қуйида шу маълумотлар келтирилади.Бу маълумотлар Ўзбекистоннинг чўл минтақалари даги туристик ресурсларни туризмда хариталаштиришда асосий манбаа бўлиб хизмат қилади:

***I-Гуруҳ-Археологик топилмалар ва қадимий шаҳарларнинг қолдиқлари:***

1.1.Эски Бухоро-Варданза шаҳри.
1.2.Тупроқ қалъа.
1.3.Қўй қирилган калъа.
1.4.Яккапарсон калъаси.
1.5.Қозокли шаҳри харобалари.
1.6.Тоғ калъа.
1.7.Аёз калъа.
1.8.Раҳимхон(Феруз)нинг эски саройи қолдиклари.
1.9.Уст-юртнинг тош ҳайкаллари.

***II-Гуруҳ-Экотуризм ресурслари:***

2.1.Чўлларнинг турли-туман табиати, экологик турлиликга эга чўлларнинг типлари, релъефи, хайвонот ва ўсимликлар дунёси.
2.2.«Жайронхона» халкаро экологик маркази.
2.3.Қизилқум давлат табиат қўриқхонаси.
2.4.«Нурота» давлат табиат қўриқхонаси.
2.5.Арнасой табиат буюртмахонаси.
2.6.Денгизкўл табиат буюртмахонаси.
2.7.Қоракир табиат буюртмахонаси.
2.8.Қарнобчўл табиат буюртмахонаси.
2.9.Қўшрабод табиат буюртмахонаси.

2.10.Нуробод табиат буюртмахонаси.
2.11.Октоғ табиат буюртмахонаси.
2.12.Сайгачи табиат буюртмахонаси.
2.13.Судочъе табиат буюртмахонаси.
2.14.Муборак табиат буюртмахонаси.
2.15.Амударё соҳиллари.

***III-Гуруҳ-Чўлликларнинг ҳаёт кечириши ва турмуш тарзи:***

3.1.Чўллардаги қишлоқлар, овуллар ва фермерларнинг яшаш тарзи.
3.2.Чўлликларнинг маросимлари, тўйлари ва урф-одатлари.
3.3.Чўлдаги фермерларнинг фаолияти ва яшаш тарзи.

***IV.Табиат музейлари ва табиат ҳайкаллари:***

4.1.Қарнобчўлнинг «Тим» қишлоғидаги 1000 ёшли арча дарахти.
4.2.Нурота тоғ тизмаларидаги тош ва қоятошлардаги қадимий расмлар.
4.3.Сармишсой қоятошларидаги қадимий расмлар.
4.4.Уст-юрт чинклари.

***V-Чўлликларнинг миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариши:***

5.1.Миллий палос ва гиламлар ишлаб чиқариш.
5.2.Қоркўл тери, пўстин, қоракўл палто ва камзуллар, қоракўл телпак, мўйнали қалпоқлар, гўшт ва жун (қўй, эчки, туя) ишлаб чиқариш.
5.3.Туя сутидан қимиз-шубат тайёрлаш (нафас олиш йўллари ва сил касаллигига қарши).
5.4.Шифобахш ўтлар (чўл кийик ўти, доривор ўсимликлар, чўялпиз, кўзиқорин ва бошқ..).

***VI-Даволаниш масканлари:***

6.1.Чўллардаги иссиқ артезиан сувларидан фойдаланиш.
6.2.Радонли сув (ревматизм, шамоллаш, бўғин оғриқларига қарши ванналн даволаш усули, иссиқ шифобахш балчиқлар).
6.3. Нурободдаги «Ибн Сино» давлаш санаторияси.
6.4.Саратонда иссиқ қумда даволаниш.

***VII-Қадимий зиёратгоҳлар:***

7.1.Аработa мақбараси.
7.2.Авлиё Нурота зиёратгоҳи ва муқаддас булоқ.
7.3.Султон Увайс зиёратгоҳи.

***VIII- Овчилик манзиллари:***

8.1.Бутун чўл ва адир ҳудудларидаги овчиликга рухсат берилган майдонлар.
8.2.Денгизкўл сув омбори.
8.3.Тўдакўл сув омбори.
8.4.Аёзкўл сув омбори.
8.5.Амударё соҳиллари.
8.6.Айдаркўл-Арнасой сув ҳавзаси.
8.7.Шўркўл сув ҳавзаси.
8.8.Бургут ва қирғий билан ов қилиш майдонлари.

***IX-Чўл халқининг миллий ўйинлари:***

9.1.Кўпкари-улоқ.



9.2.Кўчқорлар жанги.
9.3.Миллий кураш.
9.4.Бухороча кураш.
9.5.Бургут ва қирғий билан ов қилиш мусобақаси.

3-Жадвал

**Чўллардаги туристик ресурсларни туризмнинг турлари бўйича гуруҳлаш.**

| Гуруҳлар | Туризмнинг турлари бўйича туристик ресурслари | Сони |
|---|---|---|
| 1. | Археологик топилмалар ва қадимий шаҳарларнинг қолдиқлари | 9 |
| 2. | Экотуризм ресурслари | 19 |
| 3. | Чўлликларнинг ҳаёт кечириши ва турмуш тарзи | 4 |
| 4. | Табиат музейлари ва табиат ҳайкаллари | 4 |
| 5. | Чўлликларнинг миллий махсулотлар ишлаб чиқиши соҳалари | 4 |
| 6. | Даволаниш масканлари | 4 |
| 7. | Қадимий зиёратгоҳлар | 3 |
| 8. | Овчилик манзиллари | 9 |
| 9. | Чўл халқининг миллий ўйинлари | 5 |
| 10. | Сардобалар | 23 |
| 11. | Чўл ҳудудларида замонавий шаҳарсозлик | 4 |
| **Жами** | | **59** |

4 -Жадвал

**Чўл минтақаларида туризмнинг турлари бўйича туристик ресурсларнинг географияси**

| Туризм ресурслари | Туризмдаги объект номи | Туристик ресурсдаги асосий қизиқиш объекти | Жойлашган ўрни-географик манзил |
|---|---|---|---|
| **1.Экотуризм ресурслари-табиат қўриқхоналари** | 1.1.«Жайронхона»хлакаро биологик хилма-хилликни сақлаш экомаркази | «Қизил китоб»даги жайрон,Пржевальский ёввойи оти, Бухоро буғуси, йўрға тувалоқ ва бошқа турлар | Бухоро шаҳридан 25 шимолдаги «Коғон» темир йўли бекатидан автотрасса бўйлаб 25 км масофада |
| | 1.2.Қизилқум давлат қўриқхонаси | Бухоро буғуси,тўқай силовсини-қорақулоқ,тустовук ва 20 тур қушлар, 100тур ўсимликлар | Бухородан Газли шаҳарчаси орқали ўтадиган марказий автотрассанинг240 - километрида.Автотрасса қўриқхона чегараси бўйлаб ўтади. |
| | 1.3. «Нурота» давлат қўриқхонаси | «Қизил китоб» даги архар, бургутлар, | Жанубий-ғарбий Қизилқум,Нурота тоғ тизмасининг шимолий |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | каклик ва бошка тур хайвонлар, 600тур ўсимликлар | худудлари,Жиззах вилоятининг Фориш туманида |
| Табиат буюртмахоналари | Матнда ёзма шаклида берилди | Матнда ёзма шаклида берилди | Матнда ёзма шаклида берилди |
| Экотуризмнинг чўл ва адир худудларидаги типик табиий ландшафтлари | 1.4.Кўчма кум-барханли сахро табиати | Барханли сахро экзотикаси,флора ва фаунаси | Марказий Қизилкум,Ёмонкум,Мулали,Фозилбеккум массивлври |
| | 1.5.Саксовул,кандимлар,куёнсуяк кизилча,черкезлар каби чўл дарахтлари ўсадиган кумтепалик ландшафтлари | Чўлнинг ўрмонлари ва хайвонот дунёси экзотикаси | Томди тумани,Марказий Қизилкум,Жанубий-ғарбий Қизилкум. |
| | 1.6.Шувох-барра ўтли(дарахтсиз)-ярим бутали типик гипсли чўл ландшафтлари | Чўлнинг типик яйловлари, қоракўл қўйлари, эчкилар,туялар | Қарнобчўл,Ўртачўл, Конимехчўл массивлари. Нурота адирлари |
| | 1.7.Фозилмон ота булоғи. | Баланд тоғ бағридаги ўта хушманзара, дарахтзорларга ўралган кадимий булок | Нурта тоғининг марказий кисмида. |
| | 1.8.Нурота тоғидаги Пангатсой | Нурта булоклари окиб ўтувчи бетакрор дара | Нурота туманидаги Пангатсой кишлоғида. |
| **2.Табиат музейлари ва табиат хайкаллари** | 2.1.Қароб чўлининг Тим кишлоғидаги 1000 ёшли арча дарахти | Табиат мўжизаси.Давлат мухофазасида | Самарканд вилояти,Нуробод тумани «Қарноб ота» ш/х, Тим кишлоғида |
| | 2.2.Нурота тизмалари коятошларидаги кадимий расмлар | Қадимий рассомлар ижоди | Нурота тоғ тизмаларининг жанубий кисмидаги 4 манзилда |
| | 2.3.Уст-юрт чинклари | Табиатнинг ғаройиб рельф шакллари | Уст-юртда |
| | 1.4.Сармишсой коятошларидаги минглаб кадимий расмлар | Қадимий рассомлар ижоди | Сармишсой дарасида |
| **3.Археологик туризм ресурслари** | 3.1.Қадимий Бухоро-Варданза шахри колдиклари, майдони-324 га | Мозийдаги шахарларга кизикиш | Бухоро вилоятининг Шофрикон туманида. Бухородан 50 км шаркда Шофрикон якинида |
| | 3.2.Тупрок калъа | Қадимий шахар колдиклари | Қоракалпоғистонда,II-III-асрлар. |
| | 3.3.Аёз калъа | Қадимий шахар колдиклари | Қоракалпоғистонда,IV-V асрлар. |



| | | | |
|---|---|---|---|
| | 3.4.Яккапарсон калъаси | Қадимий шахар колдиклари | Қоракалпоғистонда, VI аср. |
| | 3.5.Кўй кирилган калъа | Қадимий шахар колдиклари | Хоразмда, IVаср. |
| | 3.6.Қозокли шахри харобалари | Қадимий шахар колдиклари | Қоракалпоғистонда, милоддан олдинги IV-III асрлар |
| | 3.7.Тоғ калъа | Қадимий шахар колдиклари | Хоразмда |
| | 3.8.Рахимхон(Ферузнинг) эски саройи колдиклари | Қадимий шахар колдиклари | Хоразм вилояти,Урганч шахрига кириш йўлида, 18 аср |
| | 3.9.Уст-юртнинг тош хайкаллари | Қадимий халклар-массагетларнинг тоштарашлик ижоди | Уст-юртнинг ғарбида, эрамиздан олдинги IV-III асрлар |
| **4.Чўлликларнинг хаёт кечириши ва турмуш тарзи** | 4.1.Чўпон оиласининг хаёти. | Чўпон оиласининг хаёти ва турмуш тарзига кизикиш | Чўл ва адир худудларида |
| | 4.2. Чўллардаги кишлоклар,овуллар ахолисининг яшаш тарзи | Чўллардаги кишлоклар,овуллар ахолисининг яшаш тарзига кизикиш | Чўл ва адир худудларидаги кишлоклар ва овуллар |
| | 4.3. Чўлликларнинг маросимлари, тўйлари ва урф-одатлари | Чўлликларнинг маросимлари, тўйлари ва урф-одатларига кизикиш | Чўл ва адир худудларидаги кишлоклар ва овуллар |
| | 4.4. Чўл ва адирлардаги фермерларнинг фаолияти ва яшаш тарзи | Чўлда ва адирлардаги фермерларнинг фаолияти ва яшаш тарзига кизикиш | Чўл ва адирлардаги фермер хўжаликлари |
| **5.Миллий хунармандчилик туризми ресурлари** | 5.1.Чўл халкларининг миллий махсулотлар ишлаб чикариши | 1.Миллий палос ва гиламларга кизикиш. 2.Қоракўл тери мўйнаси,коркўл тери мўйнасидан тикилган кийим-бошларга кизикиш | Чўл ва адир худудларидаги барча кишлоклар ва овулларда |
| **6.Миллий пазандачилик ва миллий таъомлар** | 6.1.Шифобахш ичимликлар ишлаб чикариш | 1.Туя сутидан шифобахш кимиз-шубат тайёрлашга кизикиш 2.Шифобахш,чанковбосди ичимликлар тайёрлашга кизикиш(чўл кийик ўти,доривор ўсимликлар,чўляпиз) | Чўл ва адир худудларидаги барча кишлоклар ва овулларда |
| | 6.2.Чўл кўзикорини | 1.Факат чўлларда ва адирларда ўсадиган тўйимли ок кўзикорин | Чўл ва адир худудларидаги барча кишлоклар ва овулларда |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | теришга ва ундан тайёрланадиган миллий таъомларга қизиқиш | |
| | 6.3.Қозон кабоб | 2.Чўлликларнинг қадимий таъоми қозон кабоб тайёрлашга қизиқиш | Чўл ва адир худудларидаги барча қишлоқлар ва овулларда |
| **7.Соғломлаштириш ва рекреация туризмилари ресурслари** | 7.1.Чўллардаги иссиқ артезиан сувлари | 1.Чўллардаги иссиқ артезиан сувларидан фойдаланишга қизиқиш | Қумли чўл худудлари. Бухоро,Навоий вилоятлари |
| | 7.2. Радонли сув(ревматизм,шамоллаш,бўғин оғриқларига қарши ванналли даволаш усули,иссиқ шифобахш балчиқлар) | Даволанишга қизиқиш | Қумли чўл худудлари. Бухоро,Навоий вилоятлари |
| | 7.3. Саратонда иссиқ қумда даволаниш. | Даволанишга қизиқиш | Қумли чўл худудлари. Бухоро,Навоий вилоятлари |
| | 7.4. Нурободдаги «Ибн Сино» даволаш санаторияси | Даволанишга қизиқиш | Самарканд вилоятининг Нуробод туманида |
| **8.Зиёрат туризми ресурслари** | 8.1.Араб ота зиёратгоҳи | Х –асрда қурилган Араб ота дахмаси ва мақбарасига, зиёратга қизиқиш | Самарқанд вилояти,Нуробод тумани, «Қарноб ота» ш/х, Тим қишлоғида |
| | 8.2. Нурота зиёратгоҳи | Авлиё Нурота қабрини зиёрат қилишга ва қабр ёнидаги қадимий булоққа қизиқиш | Навоий вилоятидаги Нурота туманининг марказида |
| | 8.3.Авлиё Увайс ота зиёратгоҳи | Авлиё Увайс ота дахмасини зиёрат қилишга ва зиёратгоҳ мажмуасига қизиқиш | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти чегараларида. Амударёнинг чап қирғоғида |
| **9.Овчилик туризми ресурлари** | 9.1.Бутун чўл ва адир худудларидаги овчиликга рухсат берилган майдонлар | Ов қилишга рухсат берилган ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи паррандаларнинг ҳаётига ва ов қилишга қизиқиш | Чўл ва адир худудлари |
| | 9.2.Денгизкўл сув омбори | Балиқ ови ва ёввойи паррандалар овига қизиқиш | |
| | 9.3.Тўдакўл сув омбори | Балиқ ови ва ёввойи паррандалар овига қизиқиш | |



| | | | |
|---|---|---|---|
| | 9,4.Аёзкўл сув омбори | Балиқ ови ва ёввойи паррандалар овига қизиқиш | |
| | 9.5.Амударё соҳиллари | Балиқ ови ва тўнғиз,тулки,куён,ёввойи паррандалар овига қизиқиш | |
| | 9.6.Айдаркўл-Арнасой сув хавзалари | Балиқ ови ва тўнғиз,тулки,куён,ёввойи паррандалар овига қизиқиш | |
| | 9.7.Шўркўл сув хавзаси | Балиқ ови ва ёввойи паррандалар овига қизиқиш | |
| | 9.8.Чўлнинг ичидаги тўқайзорлар | Тўнғиз,тулки,куён,ёввойи паррандалар овига қизиқиш | |
| | 9.9.Бургут ва қирғий билан ов қилиш | Экзотик овга қизиқиш,тустовук, каклик, ўрдаклар, куён, тулки | |
| **10.Миллий спорт ўйинлари туризм ресурслари** | 10.1. Кўпкари-улоқ | Кўпкари-улоқ миллий мусобақа спорт ўйинига қизиқиш | Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Қорақалпоғистон, Хоразм вилоятларида |
| | 10.2. Қўчқорлар жанги | Қўчқорлар жанги миллий томоша ўйинига қизиқиш | Бухоро, Навоий, Қорақалпоғистон, Хоразм вилоятларида |
| | 10.3.Миллий кураш | Полвонлар беллашувига қизиқиш | Қашқадарё,Бухоро, Хоразм, Навоий вилоятларида |
| | 10.4. Бухороча кураш | Полвонлар беллашувига қизиқиш | Қашқадарё,Бухоро, Хоразм, Навоий вилоятларида |
| | 10.5.Паррандалар жанги миллий ўйини | Экзотик томошага қизиқиш | Бухоро шаҳри ва туманлар марказлари |





*Қозоқли ётган шаҳар харобалари*



*Қўй қирилган қалъа харобалари(милоддан олдинги IV аср,қум барханларидан тозаланган кўриниши)*









*Эрамиздан IV-III асрлардан олдинги қалъаларнинг қолдиқлари (Қорақалпоғистон Республикаси)*





*Яккапарсон қалъаси*





*Аёз-қалъа*

Хоразм тарихини жаҳонда танилган, машҳур олимлар- Яхё Ғуломов С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский, М. В. Воеводский, Ю. А. Рапопорт, В. А. Лившиц, Е. Е. Неразик, У. Каримов, П. Г. Булгаков ва уларнинг шогирдлари, таникли олимлар-С.К.Камалов,В.Н.Ягодин,Г. Хўжаниёзов, М. Мамбетуллаев, С. Баратов ва бошқалар ўрганишган. Уларнинг умумий хулосалари бўйича бу калъалар эрамиздан олдинги IV-II асрлардаги Хоразм шохларнинг саройлари ва шаҳарларнинг марказлари эканлиги археологик тадкикотлар натижасида тасдиқланган. Яна бир ишончли тахминлар бўйича бу қалъалар ва шаҳарлар ўтмишда Амударё ўзанини ўзгартириб Каспий денгизига қуйила бошлаган дан кейин, сувсизлик туфайли харобаларга айланган.

## 6-Мавзу. ТУРИЗМДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЎЛ МИНТАҚАЛАРИДАГИ БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРНИ ХАРИТАЛАШТИРИШ

**Режа:**

6.1.Чўл минтақаларидаги биологик ресурсларни туризмда хариталаштириш

6.2.Чўл минтақалари табиатида халқаро ва Ўзбекистон "Қизил китоби"даги ҳайвонларни туризмда хариталаш

6.3.Чўлларда овчилик туризмининг ресурсларини хариталаштириш

## 6.1.Чўл минтақаларидаги биологик ресурсларни(хайвонот олами ва ўсимликлар дунёси) туризмда хариталаштириш

Ўзбекистоннинг ўсимлик ресурслари - 4500 тур ўсимликлардан иборат. Шулардан, 390 тури эндемик тур ҳисобланади,577тур шифобахш ўсимлик лардир,115тури илмий табобатда ишлатилади, 47тури халкаро фармокало гияга киритилган.Чўлларимизда-498 тур, адирларимизда-638 тур, тоғларимиз да-1048 тур ўсимликлар ўсади. Флорамиздаги 1500 тур ўсимлик чорва учун шундан ва 550 турини чорва моллари аъло даражада ейишади,180 тури дастурхонимиздаги озик-овқатимизда, 20 тури зараворчиликда, 400 тури ошловчи, 150 тури турли бўёқчиликда ишлатилади.Бу Ўзбекистонда ўсимлик дунёсининг турлари бойлигини кўрсатади. Туризмдаги талаблар бўйича хар бир жойнинг, табиий минтақанинг энг кизиқарли объектлари харитага

***Чўлларнинг туризм харитасига қўйиладиган асосий қушлари***




*Йўрға тувалоқлар Ўзбекистон "Қизил китоби"да*




*Қорабовурлар Ўзбекистон"Қизил китоби"да*



*Ўзбекистоннинг Зарафшон тустовуғи "Қизил китоб"да*





*Миққий*



*Попишак*



*Чўл минтақаларидаги Какликлар Ўзбекистоннинг "Қизил китоби"да*



*Чўл минтақаларида экотуризмни ривожлантиришнинг энг қизиқарли транспортлари- чўл туялари*




*Чўлнинг судралиб юрувчи жониворлари*

**Чўлларнинг туризм харитасига қўйиладиган ўсимликлари**

*Чўлнинг маршрут харитасига қўйиладиган ўсимликлари*











**Чўлларнинг туризм харитасига қўйиладиган ёввойи ҳайвонлари**

Республикамиз фаунасида 714 тур умурткали хайвонлар, 14900 тур умурткасиз ҳайвонлар, 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 60 тур рептилиялар, 223 тур молюскалар, 61 тур халкали чувалчанглар, 1179 тур юмалок чувалчанглар, 533 тур ясси чувалчанглар, 460 турдаги кушлар, 58 турдаги судралиб юрувчилар ва 84 тур баликларга эга. Булардан Ўзбекистон Республикаси «Қизил китобига» ўтхўр хайвонларнинг 24 тури, кушларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 10 тури, баликларнинг 18 тури ва 78 турдаги умурткасизлар киритилган.











**6.3.Чўлларда овчилик туризмининг ресурсларини хариталаштириш**

(Туристлар учун ахборот варакаси)

Ўзбекистоннинг чўл ва адир худудлари мамлакатимизнинг овчилиги даги асосий майдонлар ҳисобланади. Чунки, чўл ва адир худудларининг

майдонлари бутун ҳудудларимизнинг 70% ини ташкил қилади. Чўл ва адирларда жойлашган табиат қўриқхоналари ва табиат буюртмахоналаридан ташқари чўлнинг ва адирлар майдонларидан овчиликда фойдаланишга рухсат берилган. Ов қилиш учун Ўзбекистон овчилик жамиятининг аъзолиги га кириш талаб қилинади ва Ички ишлар вазирлиги рухсати билан ов милтиғи олинади. Овга чиқиш олдидан овламоқчи бўлга ҳайвонлар ёки паррандалар учун рухсатнома олиш лозим.

Овчилик туризмини чет элларда *экосафари* туризми деб номлашган. Мамлакатимизда овчилик туризмини ривожлантириш масалаларини ўрганиш га ханузгача киришилган эмас. Бу холатнинг асосий сабаблари ватанимизда овчиликнинг оммавийлашмагани, овчиликнинг рекламаси ва зарурий ташвиқотлари, тадқиқотлари деярли йўқ ҳисобланади. Шунингдек, овчилик туризми ҳақида хаттоки, илмий-амалий мақолалар ҳам чоп қилинмаяпти. Лекин овчилик жамияти фаолият кўрсатмоқда, овчиликнинг ҳолати ҳақида ахборотлар камлигидан овчилик ҳақида тўлиқ маълумотларни келтириш анча мураккаб.

Овчилик ов мавсумида ёввойи ҳайвонларни шахсий манфаат йўлида кириш эмас балки, маълум бир овчилик минтақаларида ёввойи ҳайвонлар ва қушларнинг ўша минтақа ҳудудларида сонининг кўпайгани ва сонларни яшаш минтақаларидаги озуқа миқдорига мослаштириш, мувозанатлаштириш учун ва одамларнинг кузги-қишки мавсумларда дам олишлари учун ташкил қилинади.Иккинчидан, маълум бир табиий минтақаларда ёввойи ҳайвонлар нинг шу минтақадаги табиий озиқ-овқат миқдоридан кўп бўлиши уларнинг қишнинг суронли кунларида озиқ-овқат етишмаслигидан ёппасига қирилиб кетишига сабаб бўлади. Бу табиий минтақаларда албатда овчиликка рухсат берилади. Ов натижасида ушбу табиий минтақадаги ёввойи ҳайвонлар ва қушлар сони меъёрлашади.Бундай режалаштиришни Ўзбекистон Республика сининг овчилик жамияти бошқариб боради.

Мамлакатимизда 3,8 млн.га овчилик майдонлари бор. Аниқроғи, ватанимиздаги маҳаллий овчилар ҳозирги кунда ушбу кўрсатилган майдонларда ов қилишмоқда.Таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда овчилик нинг ривожланганлиги ёки овчилик қандай даражаларда эканлиги ҳақида оммавий ахборотларда мақолалар деярли чоп қилинмайди.

Экосафари табиатда ёввойи ҳайвонлар ва паррандаларни фақат овга рухсат берилган муддатларда режали, рухсатли ов қилишга тарбиялайди ва ўргатади. Овчиликнинг энг ашаддий душманлари-бу браконьерлар-дайди, овчилик жамиятига аъзо бўлмайдиган ва рухсат берилмаган вақтларда ҳам ов билан шуғулланадиган, рухсат берилмаган ҳайвонлар ва паррандалар турларини ҳам овлайдиганлар-табиатнинг ашаддий душманлари ҳисоблана ди. Уларнинг яширин фаолияти натижасида жамиятга ҳам зарар етади. Ҳайвон турларини режасиз ов қилиш натижасида ушбу ҳайвондан олинади ган махсулотларнинг нархи кўтарилиб кетади ёки умуман йўқолади.

Масалан, 1950 йилларда мамалакатимизга ондатра келтирилди ва иқлимлаштирилди (Қорақалпоғистон,Орол денгизи қамишзорларида). Иқлим шароитларига қулай мослашаган бу мўйнали ҳайвон жуда тезлик билан



кўпайди ва Республикамизнинг деярли барча сув хавзаларига тарқалди. Натижада 1960 йиллар охири ва 1970 йилларда Қорақалпоғистонда ондатра мўйнасини тайёрлаш юз минглаб донага етди.




Кейинчалик сув пасайиши, қуриши ва браконьерлар фаолиятининг кучайиши натижасида ондатра мўйнасини тайёрлаш ҳажмлари кескин пасая




бошлади: 1988 йилда -30,8 минг дона, 1989 йилда-17,5 минг дона, 1990 йилда-7,5 минг дона, 1991 йилда-6,7 минг дона, 1992 йилда-9 минг дона, 1993 йилда-6 минг дона, 1994 йилда-5 минг дона, 1995 йилда-6 минг дона, 1997 йилда-1 минг дона. Ҳозирги пайтда ондатра овлаш тўхтатилган. Жуда нафис бўлган ондатра мўйнасидан тайёрланган иссиқ кийим бошларнинг нархи бу ҳайвон сони кескин камайиши билан бозорларда кўтарилиб борди. Ҳозирда браконьерлар тайёрлаётган ондатра мўйнасидан тикилган кийим- бошлар эса жуда қиммат ҳисобланади.Республикамизда асосий овланадиган ҳайвонлар ва ёввойи паррандалар: тўнғиз, каклик, ўрдаклар, тулки, қирғовул, қуёнлар, бўрсиқ, жайра, каптарсимонлардир.

Республикамизда овчилик туризмини ривожлантиришда биринчи навбатда овчилик ҳудудларидан ҳар йили овланадиган ҳайвонлар ва паррандаларнинг сони овчилик майдонлари бўйича таҳлил қилиниши лозим. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг чўл ва адир ҳудудларида овчилик туризмини ривожлантиришнинг маҳаллий дастурларини, режаларини тайёрлаш ва бошқа кўплаб ташкилий–иқтисодий ишларни амалга оширишга тўғри келади.





*Ўзбекистоннинг чўллари ва адирларида овланадиган қушлар*







*Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида яшовчи, келиб-кетувчи қушлар*









*Ўзбекистоннинг чўл ва адирларида овланадиган ҳайвонлар*





Бу холатдан хулоса чиқариш мумкинки, Республикамиз туманлари ва вилоятларидаги овчилик жамиятлари институтлар, университетлар ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари, шаҳарлардаги маҳаллалар аҳолиси билан доимий равишда овчилик, унинг дам олиш ва фойдали томонлари ҳақида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказишлари талаб қилинмоқда. Иккинчидан, овчиликнинг моддий жиҳатлардан фойдали томонлари-гўшт ва мўйна олишга эга бўлишлигининг тартиботлари, ҳуқуқий меъёрларини тушунти риш ҳам рўйхатда турувчи овчиларнинг кўпайишига замин яратади. Экосафарини ривожлантириш учун биринчи навбатда Ватанимизнинг чўл ва адир ҳудудларида овчилик туризмини ривожлантиришнинг истиқбол ли имкониятлари мавжудалиги ва бу имкониятлардан туризмда фойдаланиш нинг ҳуқуқий-меъёрларини яратиш талаб қилинади. Иккинчидан, чўл ҳудудларида овчилик туризмнинг ташвиқот-тарғи бот йўналишини ташкил қилиш, чўл ҳудудларида овчилик туризмини ташкил қилишнинг вилоятлар ва туманликлар ҳокимликларида кўнгиллилар, хавас корлар иштирокида ахборотлаш марказларини ташкил қилиш ҳам яхши натижаларни бериши аниқ.

Республикамиз туманлари ва вилоятларидаги овчилик жамиятлари институтлар, университетлар ва кишлоқ фуқаролари йиғинлари, шаҳарларда ги маҳаллалар аҳолиси билан доимий равишда овчилик, унинг дам олиш ва фойдали томонлари ҳақида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказишлари талаб қилинмоқда. Иккинчидан, овчиликнинг моддий жиҳатлардан фойдали томонлари-гўшт ва мўйна олишга эга бўлишлигининг тартиботлари, ҳуқуқий меъёрларини тушунтириш ҳам рўйхатда турувчи овчиларнинг кўпайишига замин яратади.

Экосафарини ривожлантириш учун биринчи навбатда Ватанимизнинг чўл ва адир ҳудудларида овчилик туризмини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрларини яратиш талаб қилинади. Иккинчидан, чўл ҳудудларида овчилик туризмнинг ташвиқот-тарғибот йўналишини ташкил қилиш, чўл ҳудудларида овчилик туризмини ташкил қилишнинг вилоятлар ва туманликлар ҳокимлик ларида кўнгиллилар, хаваскорлар иштирокида ахборотлаш марказларини ташкил қилиш ҳам яхши натижаларни бериши аниқ.

**Боболаримизнинг ҳаққоний овчилигини тиклашимиз лозим**

*(Овчилик туризмини хариталаштиришдаги манбалар)*







Учинчидан, Маданият ва туризм вазирлигининг вилоятлардаги Бошкармаларининг бу йўналишда ташаббускорлигини ошириш вакти келди. Тўртинчи дан, овчиликнинг инсон хаётидаги ўрни ва табиатнинг биологик ресурсларни мухофаза килишдаги мухим ахамиятини ахоли орасида доимо ташвикот килиш хам, чўлларимизда овчилик туризмининг тадбиркорларини тайёрлаб беради. Бешинчидан, "Овчилик туризми"ни ташкил килиш дайди овчилар (браконъерлар) сонини кескин камайтириш усули эканлиги овчилик туризми ривожланган давлатларининг тажрибаси натижалари хисобланади.

### 6.4.Чўллардаги сардобаларни туризмда хариталаштириш
(Туристлар учун ахборот варакаси)

Маълумотлар, манбалар бўйича Ўзбекистонда ва унга чегарадош худудларда 57 та сардоба рўйхатга олинган. Шулардан биттаси Тошкент вилоятида, бештаси Сирдарё вилоятида, бештаси Жиззах вилоятида, учтаси Навоий вилоятида, саккизтаси Бухоро вилоятида, шулардан учтаси Бухоро шахрида, 31 таси Қашкадарё вилоятида, тўрттаси Хоразм вилоятида, биттаси Қоракалпогистон Республикасида ва учтаси Туркманистон худудида мавжуд бўлган. Ҳозирги кунгача 28 та сардоба сакланиб колган, шундан 9таси давлат мухофазасига олинган. Тошкент вилоятидаги Қайнар сардобаси хозирча Республикамизда суви ичишга ярокли бўлган ягона сардобадир[16].

Сардобалар хакидаги тўлик манбалар ва илмий-амалий тахлиллар ватанимизнинг мустакиллик йилларидан кейин мукаммал тадкикотлар ўтказган, ватанимиз булокларинингмухофазаси билан кўп йиллардан бери шуғулланиб 12000 нусхада-"Ҳисор булоклари"ни[17] нашр килган захматкаш олим, геология-минералогия фанлари номзоди Асрор Низомовнинг "Ўзбекистоннинг кадимги гидротехник иншоотлари географияси" китобида келтирилган. Китобдаги маълумотлар бўйича сардобалар бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, асосан Осиё мамлакатларида, Шимолий Африка мамлакатларида хам кенг таркалган(5-Жадвал).

Шу китобдан "Ўзбекистоннинг сардобалари тўгрисидаги маълумотлар" ни ва олимнинг сардобалар хакидаги хулосасини келтирамиз:

*-"Тарихий қадриятларимиз барча қадимги гидротехник иншоотлар каби сардобалар ҳам табиий-географик муҳит билан ниҳоятда уйғунлаштирилиб қурилганли ги учун ҳам асрлар оша табиат танловига дош бериб келган. Уларнинг ўлкамизни чучук сув билан таъминлашдаги роли беқиёс бўлган ва бу аҳамият ҳозир ҳам йўқолган эмас. Тарихий қадриятларимиз биз учун нафақат санъат, архитектура ёдгорлиги ёки осори-атиқа, балки уларни тиклаш, чучук сув ресурсларини бойитиш йўлидаги омилкор юмушлардан биридир".*

5-Жадвал

[16] А. Низомов. Ўзбекистоннинг кадимий гидротехник иншоотлари географияси.Тошкент, 2008.-235 б.
[17] А. Низомов. Ҳисор булоклари, Тошкент-«Меҳнат»-1989, 83 б.



**Ўзбекистон сардобалари тўгрисида маълумотлар**

| *Номи* | *Қурил ган вақти* | *Қурдирган кишилар* | *Геогра фик ўрни* | *Маъмурий жойи(вилоят)* | *Тўйиниш манбаи* | *Сақланиш ҳолати* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| Қайнар | XIX-аср | Маллахон | Тоғ олди | Тошкент | Булок | Ёмон сакланган |
| Янток | | | Чўл | Тошкент | Булок | Сакланмаган |
| Жонбулок | | | Чўл | Сирдарё | Қор-ёмғир | Сакланмаган |
| Мурзаработ | | | Чўл | Сирдарё | Қор-ёмғир | Сакланмаган |
| Якка(Жикка) Сардоба | | | Чўл | Сирдарё | Арик-Сирдарё | Сакланмаган |
| Мирзоработ | | | Чўл | Сирдарё | Арик-Сирдарё | Сакланмаган |
| Шохрухия | | | Чўл | Сирдарё | | Сакланган |
| Калтепа I | X-XI аср | | Чўл | Жиззах | | Қисман сакланган |
| Калтепа II | X-XI аср | | Чўл | Жиззах | | Қисман сакланган |
| Роботи хадис | | | шахар | Жиззах | Булок | Сакланмаган |
| Ёгочли(Жиззах сарой) | | | Чўл | Жиззах | Қудук-арик | Сакланган-сувсиз |
| Жиззах Ўрда | | | шахар | Жиззах | Булок | Сакланмаган |
| Роботи Малик | XI аср | Қорахонийлар, Шамсулмулк (1068-1080) | Чўл | Навоий | Қор-ёмғир арик | Сакланган |
| Дориу Шифо | XVII аср | Субхонкулихон | шахар | Бухоро | | Сакланган |
| Халифаи Худойдод | XIX-аср | Халифаи Худойдод | шахар | Бухоро | Булок | Яхши сакланган |
| Эшони Имло | XIX-аср | Охунд мулло Мухаммад Эшони Имло | шахар | Бухоро | Қор-ёмғир арик | Сакланган |
| Саллахона (Порадўз) | | | шахар | Бухоро | Булок,ер ости суви | Яхши сакланган, суви бор |
| Қоравул-бозор | XVI аср | | Чўл | Бухоро | Қор-ёмғир | Сакланган,суви бор |
| Сардоба Тоз | | | Чўл | Бухоро | Қор-ёмғир | |
| Юлғун огиз | | | Чўл | Бухоро | Қор-ёмғир | |
| Раимбек | | | Чўл | Бухоро | Қор-ёмғир | Ташландик |
| Пўстиндўз | | | Чўл | Бухоро | Қор-ёмғир | |
| Бузург сардоба | | | Чўл | Қашкадарё | | Сакланмаган |
| Эшкул Ҳожи | | Эшкул Ҳожи | Чўл | Қашкадарё | Қор-ёмғир | Яхши сакланган |
| Майманок | | | Чўл | Қашкадарё | Қор-ёмғир | Яхши сакланган |
| Мирҳайдар | | | Чўл | Қашкадарё | Қор-ёмғир | Яхши сакланган |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Султон Кўҳна | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Яхши сақланган |
| Қакир сардоба | XIX-аср | Насруллохон | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Сақланмаган |
| Бехбудий | | | Қарши | Қашқадарё | Арик | Сақланган |
| Бегичак | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Ташландик |
| Яккасардоба | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | |
| Фаттасардоба | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Ташландик |
| Аккапа | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Яхши сақланган |
| Шохсувор | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Яхши сақланган |
| Чарча | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Ташландик |
| Сурхи(Шурча) | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Ташландик усти очик |
| Чилгумбаз | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Яхши сақланган |
| Эгизак | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Ташландик |
| Нишон | | Абдуллахон | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Ташландик |
| Сангисувлок | | Абдуллахон | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Ташландик |
| Толлимаржон | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Сақланмаган |
| Усти очиқ | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Сақланган, гумбази йўқ |
| Рахим | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | |
| Чаган | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | |
| Юсуф | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Сақланмаган |
| Ўраси | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | |
| Исфантўда | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Сақланмаган |
| Абдуллахон | | Абдуллахон | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Яхши сақланган |
| Қуш | | | Чўл | Қашқадарё | Қор-ёмғир | Яхши сақланган |
| Бўзачи | | | Чўл | Қашқадарё | Арик, Қор-ёмғир | |
| Талайхон ота | Х-аср | Хоразмшох | Чўл | Хоразм | Дарё | Археологик |
| Окайла | Х-аср | Хоразмшох | Чўл | Хоразм | | Археологик |
| Қизқальа | XII-XIII аср | | Чўл | Хоразм | | Археологик |
| Номсиз | | | Чўл | Мирзачўл Славянск посёлкаси | Қор-ёмғир | Сақланмаган |



| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Хива | | | Чўл | Хоразм | Ер ости суви | Сақланган |
| Устюрт | | | Чўл | Қоракалпок | | Сақланган |

Шунингдек, жадвалнинг келтирилиши мамлакатимиз вилоятларида туризмни ривожлантиришда сардобалардан фойдаланиш йўналишида дастлабки маълумотлар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чўлларимизда сардобалардан ташқари ўтмиш авлодларимизнинг сувга бўлган олий даражалардаги меҳри-эътиқодини, муҳаббатини, муҳандислигини билдирувчи қадимий ҳовузлар, Марказий Осиёга уч минг йил олдин келган Александр Македонский ва унинг лашкарларини, қадимдаги сайёҳ олимлар, савдогарларни ҳайратларга солган коризлар сувлари тизими, қудуқлар, тўғонлар, бандларнинг жойлари жуда кўп.



*Рассомнинг сардобани тасвирлаши*



*Мирҳайдар Султон сардобаси*



*Муборак сардобаси*



*Майманоқ сардобаси*



*Роботи Малик сардобасининг 1920*



*Роботи Малик ҳозирда*

*йилдаги ҳолати*

Ватанимизнинг чўллари қадимги сув иншоотлари бўлган сардоба лардан туризмни ривожлантиришда фойдаланиш учун бизнингча қуйидаги муаммоларнинг ечимларини топиш лозимдек бўлмоқда;

- Чўлларимиз ва адирларимиз ҳудудларидаги сардобалардан туризмда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобаларга туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ва бу туристик маршрутларда туристик хизматлар кўрсатиш имкониятларини ўрганиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобаларда чўлларнинг иқлим хусусиятларини ҳисобга олиб дастлабки ҳолатларда туристик лагер-туристик палатка ёки туристик юртлар(чўпон уйи) инфратузил маларини яратиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобаларда туристларни овқатлантириш имкониятларини ўрганиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобалардан туризмда фойдаланиш вақтларини(фаслларини) ўрганиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобалар ҳақида инглиз, француз, рус ва араб тилларида туризм рекламаларини яратиш ва халқаро туризм бозорига, халқаро туризм кўргазмаларига, халқаро туризм ташкилотларига, интернет тизимига чиқариш;
- Чўлликлар орасида сардобалардан туризмда фойдаланиш бўйича туризм тадбиркорларини қизиқтириш ва тайёрлаш учун бепул тарғибот-ахборот манбаларини яратиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобалар ҳақидаги реклама ларни, ахборотларни шаҳарларимиздаги туристик фирмалар ва турис тик ташкилотларга тарқатиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобаларга боришдаги туристик маршрутларнинг чўл табиатининг ўзига хос бўлган биологик хилма-хил ресурслари-флораси, фаунаси, турли-туман табиий ланд шафтларидан ўтишлигини туристик маршрутлар рекламаларида тасвир лаш;
- Чўлларимиз ва адирларимиздаги сардобалар, қудуқлар ва коризлардан туризмда фойдаланиш бўйича илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш учун давлат грантларини, инновацион лойиҳаларни ажратиш.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, жами 57 та сардобалардан 48 таси чўлларимизда жойлашган. Чўлларимизда ички ва айникса халқаро туризмни, халқаро маданий-тарихий туризмни ривожланти ришда қизиқарли туристик ресурс бўлган сардобалардан фойдаланиш муаммоларининг ечимларини топиш қанчалик зарур эканлигини англай олсакгина, ўзимизни мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг фидойи мутахассислари деб номласак бўлади.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Ўзбекистон флораси ва фаунаси деганда нималарни тушунасиз?.



2.Сардобалар қандай ва нима учун қурилган?.
3.Коризлар қандай ва нима учун қурилган?.
4.Овчилик туризмини ташкил қилиш ҳақида гапириб беринг.
5.Экосафари ҳақида гапириб беринг.

## 7-Мавзу. ТУРИЗМДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ПАРКЛАРИНИ ХАРИТАЛАШТИРИШ

**Режа:**

7.1.Ўзбекистоннинг экотуризм ресурсларини туризмда хариталаштириш
7.2.Ўзбекистон миллий паркларини туризмда хариталаштириш.

### 7.1.Ўзбекистоннинг экотуризм ресурсларини туризмда хариталаштириш

Ўзбекистоннинг табиат минтақаларидаги туристик ресурсларни туризм да хариталашда дастлаб экотуризм хариталарини тайёрлаш мақсадга мувофик. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда экологик ресурслар дан фойдаланиш имкониятларини ўрганишда*(хариталаштиришда)* биз биринчи навбатда мамлакатимиздаги миллий парклар, давлат табиат қўриқхо налари ва алоҳида муҳофазадаги ҳудудлар(давлат табиат буюртма хоналари-заказниклар), халқаро микёсдаги «Қизил китоб» ва Ўзбекистон «Қизил китоб»идаги ноёб ҳайвонлар турлари, ўсимликлар турларини ва бетакрор табиий ландшафтларни, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсидаги эндемик турларни (эндемик-фақат туб жой шароитида яшайди ва ўсади) рўйхатга олишимиз ва уларнинг таъриф, тавсифларини тайёрлашимиз керак.

Шунингдек, ҳозирги ахборотларимиздан маълумки, ҳозирча ватани мизга келиб кетаётган халқаро туристлар Орол денгизи қолдиқларига, Қуйиамударё соҳилларига, тоғларимиздаги қадимий шакллар ва расмларга, минг йиллик дарахтларга (чинорлар, арчалар ва бошк…) ва рекреацион булоқлар, шаршараларга қизиқмоқдалар.Мамлактимизда экотуризмни ривож лантиришда қайд қилинган экологик ресурсларни алоҳида-алоҳида рўйхатга олганимизда халқаро туристларни қизиқтирувчи қуйидаги экологик ресурслар гуруҳлари ташкил топади ва Ўзбекистоннинг экотуризм ресурс лари хариталари қуйидаги мавзуларда тайёрланиши мақсадга мувофик[18]:

- Ўзбекистон Республикасининг давлат қўриқхоналари ва миллий паркла рини хариталаштириш;
- Халқаро «Қизил китоб» ва Ўзбекистон «Қизил китоб»идаги ноёб ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини хариталаштириш;
- Ўзбекистондаги эндемик ҳавонлар ва ўсимликлар турларини харита лаштириш;
- Орол денгизи қолдиқлари Қуйиамударё соҳили, тўқайзорлар, уларнинг ўсимликлар ва ҳайвонот оламини хариталаштириш;
- Тоғларимиздаги қадимий шакллар, расмларни хариталаштириш;

[18] Ҳайитбоев Р., Матякубов У., Экологик туризм,Самарканд,2010.-60 б.

- Минг йиллик дарахтлар ва табиат ҳайкаллари, табиат ёдгорликларини хариталаштириш;
- Рекреацион табиий ландшафтлар, шифобахш булоқлар, шаршараларни хариталаштириш;
- Сув ҳавзалари( дарёлар, кўллар,сув омборлари)ни хариталаштириш;
- Овчилик майдонларини хариталаштириш

Юқорида келтирилган экологик ресурслар халқаро туризм экспертлари таъкидлагандек, Бу экотуристик ресурсларнинг таъриф ва таснифлари ушбу ўқув қўлланманинг мавзуларида берилмоқда. Ҳозирда экотуризм ресурсларига геоморфологик, гидрологик ва органик ресурсларни қўшиш хам тавсия қилинди[19].

### 7.2.Ўзбекистон миллий паркларини туризмда хариталаштириш

Ўзбекистонда миллий паркларни халқ боғи, давлат миллий табиат парки деб аташмоқда. Бу номланишлар жаҳондаги миллий парклардаги табиат муҳофазаси ва миллий парклардаги биологик хилма-хилликни сақлашнинг устувор томонларини ўрганиш даврларида берилган эди(ўтган асрнинг 70 йиллари). Миллий парклар ҳақидаги халқаро илмий-амалий тадқиқотларда ҳамкорлик қилиш ишларида бу атамалар бироз тушунмовчиликлар келтириб чиқаради. Чунки, халқаро миқёсда миллий паркларнинг белгиланган низоми ва мақоми бир хил талабларда бўлиб бу талабларни ҳамма давлатлар қабул қилишган. Иккинчидан, биздаги халқ боғи ва давлат миллий табиат паркининг низом ва мақомлари(статуси) жаҳондаги миллий паркларнинг низоми ва мақомидаги кўплаб бандларининг талабларига жавоб бераолмайди.

Келтирилган мулоҳазалар бўйича биз ҳам миллий боғларимизни халқаро миқёсдаги атама билан миллий парклар деб номлашга ўтишимизни талаб қилаяпти. Чунки, илмий адабиётларда ва илмий оммабоп манбаларда кўпинча халқ боғи эмас миллий парк атамаси кўпроқ ишлатилмоқда. Фикримизча, мутахассислар ва олимлар бу ҳақда ягона хулосага келишлари лозим.Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунга келиб 4 та миллий паркларимиз бор; 1.Зомин миллий парки; 2.Угом-Чотқол миллий парки; 3.Зарафшон миллий парки.4.Сармишсой миллий парки.

***Зомин миллий парки.*** Туркистон тизма тоғларининг ҳудудларидаги Қизилмозорсой, Кўлсой, Супа, Чортанги, Шариллоқ, Қашқасой, Ўрикли сойлари бу тоғларнинг энг хилма-хил табиий арчазор ўрмонлари билан қопланган. Зомин миллий парки Жиззах вилояти, Зомин туманидаги Зомин тоғ–ўрмон қўриқхонаси теграларида бетакарор тоғ-арчазор ўрмонларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва рекреацияли мақсадларда ўзлаштириш учун 1976 йилнинг 8-сентябрида очилди. Бу миллий боғ маъмурий жиҳатдан Жиззах вилоятининг Зомин тумани ҳудудида Помир-Олой тоғ тизмасига кирувчи

[19]Низамов А.,Аманбаева З.,Сафарова И.,Ўзбекистоннинг экотуристик ресурслари ва йўналишлари. Тошкент. Фан ва технология,2014.-104 б.



Туркистон тоғ тизмасининг Ғарбий қисмида, Молгузар тоғининг ғарбий ён бағрида жойлашган бўлиб, унинг майдони 24110 гектарни ташкил этади. Шундан, ўрмонли ерлар-16783 га, тўлиқ ўрмон билан қопланган ерлар-12130 га.

Миллий парканинг дунё миқёсида такрорланмас бўлган бойлиги шифобахш арча ўрмонларидир. Арчазорлар табиий-иқлимий ўсиш шароит лари ва географик вертикал пояслар(қават)бўйича қуйидагича жойлашган;

- Денгиз сатҳидан 1700-2300 метр баландликда- Зарафшон арчаси;
- Денгиз сатҳидан 2300-2500 метр баландликда яримшарсимон арча;
- Денгиз сатҳидан 2500-3300 метр баландликда Туркистон арчаси.

Миллий паркда ғоят ноёб ва хилма-хил ҳайвонот дунёси яшайди. Бу табиатда қушларнинг 134 та тури,сут эмизувчиларнинг 37 та тури, судралиб юрувчиларнинг 37 та тури рўйхатга олинган. Қўриқхонадаги туркистон силовсини, оқ тирноқли айиқ, сибир эчкиси Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ига киритилган. «Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи» ва ЮНЕСКО нинг «Қизил китоб»ига, Туркистон силовсини, оқ тирноқли айиқ, соқолли бургут, бургут, қирғий ва қора лайлак киритилган.

Миллий паркда ўсимликлар олами ҳам ниҳоятда бой ва биологик хилма-хилликка эга ҳисобланади. Бу ҳудудларда 59 оилага мансуб,312 туркумга кирувчи 660 тур гулловчи юксак ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликларнинг 13 тури Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ига киритилган. Шундан 48 тури эндемиклар (фақат шу ҳудудларда ўсади) ҳисобланади, 400 тури фойдали ўсимликлардир (доривор, шифобахш ўсимликлар–119 тур, ем-хашак–88 тур, манзарали–57 тур, ошловчи–49 тур, озуқабоп– 42 тур, заҳарли–35 тур,буёқбоп–10 тур, эфир мойли–14 тур, елим берувчи–3 тур,ёғли–3 тур, ширавор–5 тур).

***Миллий парканинг туристик ресурсларини туризмда хариталштириш:***





*Зомин миллий паркидаги дам олиш ва соғломлаштириш санаторияси,миллий паркдаги арчазорлар*






*Зомин миллий паркига киришда бетакрор манзаралар*




*Шифобахш сувли Шербулоқ*

*Муҳофазадаги Сибир эчкисига қўйилган рамз*

*Кириш постидан ўтгандан кейин Зомин давлат қўриқхонасини ташкил қилишга асослардан бири бўлган-ёввойи Сибир эчкисини сақлаб қолиш ва кўпайтириш мақсад қилинган эди.*






*Миллий паркдаги шаршара*

*Минг ёшли арча*




*Афсоналардаги Қирққиз тоғи*

*Сибир эчкилари*






















*Меҳмонхоналар*

***Миллий парклар.*** Миллий парк тушунчаси, унинг вазифалари ва миллий парклардан туризм ва рекреацияда фойдаланиш бўйича биринчи-1933-йил Лондонда "Африка флора ва фаунасини муҳофаза қилиш Конвенцияси" да қабул қилинди.1940 йили Деҳлида миллий паркларнинг ҳозирги таърифи берилди. *Миллий парклар миллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган бетакрор табиатни ва табиий ландшафт объектларини, экологик тизимларни муҳофаза қилиш ва илмий, рекреация, дам олиш, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган ва қўриқланадиган ҳудудлар ҳисобланади.*

Миллий паркларнинг таркибий таърифлари қуйидаги тавсифлардан иборат;

- Инсон хўжалик фаолияти аралашмаган бир ёки бир неча экологик тизимлардан иборат бўлган табиий мажмуалар йиғиндиси;
- Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси биохилма-хиллиги ўзининг турли-туман ва алоҳида этник хусусиятларга эгалиги алоҳида илмий-амалий қизиқишга эканлигидан муҳофаза қилинади;
- Маҳаллий табиий ландшафтлар фақат шу ҳудудларни эгаллаган бўлиб ўзининг бетакрор чиройига эга;
- Экологик, геоморфологик ва эстетик белгилари учун давлатнинг алоҳида муҳофазасидаги ҳудудларга айлантирилган;



- Миллий паркга илмий тадқиқотлар ва табиатни ўрганиш мақсаларида киришга рухсат берилади.
- Миллий парклардан(давлатларнинг қарори билан) дам олиш ва рекреация, туризм максадларида фойдаланиш мумкин.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Миллий парк, халқ боғи ва миллий боғ сўзларининг маъноси нималарни тушунтиради?.
2.Зомин миллий парки нима мақсадлара ташкил қилинган эди?.
3. Зомин миллий паркидаги эндемик турларнинг рўйхатини тайёрланг ва туризмда бу турларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
4.Зомин миллий паркидан туризмда самарали фойдаланиш учун нималарни амалга ошириш керак?.
5.Арчанинг шифобахш хусуиятларини ўрганинг ва амалий дарсда гапириб беринг.

## 8-Мавзу. ТУРИЗМДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИАТ ҚЎРИҚХОНАЛАРИНИ ХАРИТАЛАШТИРИШ

**Режа:**

8.1.Ўзбекистоннинг табиат қўриқхоналари
8.2.Табиат қўриқхоналарини туризмда хариталаштириш

### 8.1.Ўзбекистоннинг табиат қўриқхоналари

***Табиат қўриқхонаси****-ноёб ва ўзига хос экотизимларни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ва алоҳида турларни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг генетик фондини, табиатдаги табиий жараёнлар ва ҳодисаларни сақлаш, муҳофаза қилиш ва ўрганиш, экологик маърифий тадбирлар илмий-тадқиқотлар ўтказиш мақсадида давлат томонидан муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардир.*



5-Жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг давлат табиат қўриқхоналари.**

| Қўриқхоналар | Ихтисослашуви | Майдони, га |
|---|---|---|
| 1.Чоткол тоғ-ўрмон-биосфера қўриқхонаси | Тоғ ўрмон ландшафтлари. Барча табиий мажмуаларни ўрганиш ва муҳофаза килиш.Қор коплони муҳофазаси. | 35200 |
| 2.Ҳисор қўриқхонаси | Тоғ-ўрмон ландшафтлари. Барча табиий мажмуаларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш. | 80986,0 |
| 3.Нурота тоғ-ёнғок ўрмонлари қўриқхонаси | Тоғ-ёнғокзор ўрмонлари ландшафтлари, Грек ёнғоғининг табиий популяциялари, ёввойи архарларнинг табиий популяциялари муҳофазаси. | 21137,5 |
| 4.Сурхон қўриқхонаси | Тоғ-ўрмон ландшафтлари.Бурама шохли эчкининг табиий популяциялари(Морхўр), табиий арчазорлар муҳофазаси. | 23802,38 |
| 5.Бадай- тўқай биосфера резервати | Тўқайзорлар ландшафти.Халқаро Қизил китоб»даги Бухоро буғусининг табиий популяцияси, тўқайзорлар ўрмонларининг муҳофазаси. | 6462,1 |
| 6.Қизилкум қўриқхонаси | Тўқай- қум ландшафтлари. Бухоро буғусининг табиий популяциялари. | 10311,06 |
| 7.Зомин қўриқхонаси | Тоғ-арча ландшафтлари. Арча ўрмонлари ва унинг ҳайвонот оламини муҳофаза килиш. | 26848,6 |
| 8.Китоб геологик қўриқхонаси | Тоғлар.Палеонтологик- страграфик объектларнинг муҳофазаси. Халқаро меридианнинг ватанимиздан ўтиши белгиси қўйилган. | 5378,0 |

Давлат табиат қўриқхонасининг мақоми қуйидаги талаблардан иборат ҳисобланади:

- Табиий мажмуаларни тўлиғича муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш;
- Доимий экологик мониторингни ташкил қилиш;
- Илмий тадқиқот ишларини бажариш;
- Экологик-маърифий ишларни ўтказиш;
- Ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот турларининг генофондини саклаш ва муҳофаза қилиш,кўпайтириш.

Давлат табиат қўриқхоналари кўп ҳолларда битта ноёб ўсимлик ёки ҳайвон турини қўриклаш учун ҳам ташкил қилинади. Бу ҳолда ҳам қўрикхона худудларидаги барча экологик тизимлар ва улардаги биологик хилма-хиллик бир хил режимда муҳофаза қилинади. Масалан, “Нурота табиат қўрикхонаси ёввойи қўй-архарларни қўриқхонанинг бутун экологик тизимлари билан



муҳофаза қилади. “Бадайтўқай қўрикхонаси” халқаро “Қизил китоб”даги Бухоро буғуси-хонгулни яшаш ҳудудлари экотизмлари билан муҳофаза қилади.Давлат табиат қўриқхоналари алоҳида ўсимлик ёки алоҳида ноёб, эндемик бўлган ҳайвон турини муҳофаза қилишга (Бадай-тўқай биосфера қўриқхонаси) ҳам ихтисослаштирилиши мумкин. Масалан, ботаника табиат қўриқхоналари (халқаро “Қизил китоб” ва “Ўзбекистон “Қизил китоб” ига киритилган эндемик бўлган ноёб ўсимликлар, геоморфоло гик ёки геологик қўриқхоналар(Китоб геологик қўриқхонаси).

Ўзбекистон Республикасида ҳозирда 8 та давлат табиат қўрикхонаси ташкил қилинган. Бу қўриқхоналар ватанимизда экотуризмни ривожланти ришда асосий экотуристик объектлар ҳисобланади (4-Жадвал).

***Биосфера қўриқхоналари.*** Биосфера қўриқхоналари атамаси 1976 йил ЮНЕСКО йиғилишида шакллантирилди. Ўша вақтда 8 мамлакатда 59 та биосфера қўрикхоналари ташкил қилинганлиги рўйхатдан ўтказилди.1983 йилда "Биосферали ҳудудлар"бўйича халқаро конгресс“биосферали ҳудудлар ни ривожлантириш"режасини ишлаб чиқди. Биосфера қўрикхоналари халқа ро миқёсдаги мақомга(статусга) эга бўлган давлат табиат қўриқхоналари ҳисобланади. Муҳофаза режими давлат табиат қўрикхоналаридагидек.Дунёда ҳозирга келиб 350 та биосфера қўрикхоналари ташкил қилинди[20].

## 8.2.Табиат қўриқхоналарини туризмда хариталаштириш. Ҳисор давлат қўриқхонасининг асосий туризм ресурсларини хариталаштириш

***Ҳисор давлат қўриқхонаси*** Қашкадарё вилоятида Ҳисор тизмасининг ғарбий ёнбағрида денгиз сатҳидан 1750 м дан 4349 м гача баландликда жойлашган. 1983 йилда икки давлат қўрикхонаси–Қизилсув ва Мироқи қўриқхоналарининг бирлашиши натижасида ташкил қилинган. Ҳозирги пайтда бу Ўзбекистондаги энг катта қўрикхонадир. Умумий майдони 80986 га ни ташкил килади. Қўрикхонада ўрмон, дала экотизимлари ажралган; ўрмон билан копланмаган майдони 56678,1 га; яйловлар мавжуд; дарё ва кўлларга 171 га тўғри келади; ботқоқликлар 511га; қияликлар ва тоғ ёнбағридаги тўкилмалар 31819 га ни ташкил қилади; йўллар, шудгор ва қамишзор далалар мавжуд. Қўрикхонанинг асосий ўрмон хосил қилувчи ўсимликлари Зарафшон ва ярим шарсимон арчалар ҳисобланади. Умуман олганда муҳофаза этиладиган ҳудуддаги ўсимликлар Марказий Осиё тоғлари учун одатий бўлиб, унинг катта қисми тор эндем ўсимликларидир. Баъзи ҳисобларга қараганда томирли ўсимлик турларининг умумий миқдори 800-900дан кам эмас.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ноёб турлардан қўрикхона ҳудудида 32 турдан кам бўлмаган томирли ўсимлик тури ўсади. Қўрикхонанинг ҳайвонот олами бой, турли-туман ва тоғли ўрмонларга хос бўлган деярли барча турларни қамраб олади. Қўрикхонада 2 турдаги балиқ, 19

[20] Кусков А.С.,Голубева В.Л., Одинцова Т.Н., Рекреационная география. Саратовский государственный технический университет, 2005, 503 стр.

турдаги амфибия ва рептилия, 103 турдаги уяли қушлар, 28 турдаги сутэмизувчи яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига октирноқ айиқ, илвирс, туркистон силовсини, эрон қундузи, қушлардан: бургут, болтаютар, итолғи, қумой, кичик бургут киритилган. Қизилсуй майдонидаги Осмонталаш чўққиси энг юқори нуқта–денгиз сатҳидан 4000 м дан баланд, айнан шу ерда сибир эчкиси, илвирс, улар ва қизил суғур яшайди.Судралиб юрувчилардан сувилон, чипорилон, қалқонтумшуқ, кўлвор, туркистон агамаси ва бошқалар учрайди.

***Ҳисор давлат қўриқхонасининг асосий туристик ресурслари***





***Амир Темур ғори ва ғорнинг атрофи***

***Ҳисор давлат қўриқхонасининг бетакрор табиати***











***Ҳисор давлат қўриқхонасининг ҳайвонот олами***







































*Халқаро туризм аҳамиятига эга-Динозаврнинг излари*



**_Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:_**

1.Ватанимиздаги динозавр излари ҳақида нималарни биласиз?.
2.Флора ва фаунадаги генетик фондни сақлаш нима дегани?.
3.Биологик хилмахилликнинг моҳиятини биласизми?.
4.Биосфера қўриқхоналари ҳақида маърузa тайёрланг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
5.Экологик мониторингни тушунтириб беринг.
6. Динозавр излари ҳақида нималарни биласиз?

## 9-Мавзу. ТУРИЗМДА МАРШРУТАРНИ ХАРИТАЛАШТИРИШ

**Режа:**

9.1.Туризм маршрутларини географик харитада тасвирлаш

9.2. Туризм маршрутларини географик хариталаштириш

### 9.1.Туризм маршрутларини географик харитада тасвирлаш

Ҳар қандай объектларни, воқеъликлар ва жараёнларни хариталашда дастлаб уларнинг режалари ва лойиҳалари тайёрланади.Географик хариталаштириш қуйидаги жараёнларни қамраб олади:

1.Жойнинг, ҳудуднинг ёки давлатнинг контур харитаси олинади. Контур харита шунинг учун ҳам контур харита дейиладики унда жойнинг, ҳудуднинг ёки давлатнинг ҳудудлари ёки маъмурий бўлинишлари, катта шаҳарлари берилиши мумкин. Контур харита амалий географиянинг, хариталаштиришнинг асоси ҳисобланади.

2. Контур харита билан ишлашдан олдин харитага тушириладиган топшириқ мукаммал ўрганилади, харитага қўйиладиган маълумотлар тўпланади, шартли белгилар тўпланади.

3.Иш столига ўрганиладиган мавзу бўйича қўшимча география хариталари, атласлари, статистик маълумотлар, ахборотлар жамланади.

4. Оддий ва рангли қаламлар тайёрланади.

5.Дастлаб контур хаританинг сарлавлавҳаси босма ҳарфлар билан ёзилиши керак. Хаританинг сарлавҳаси ёки мавзуси харитада тасвирланадиган маълумотларни тўлиқ изоҳлашига жиддий эътибор берилади.

6.Биринчи хаританингмасштаби белгиланиб, харитада тасвирланиши лозим бўлган ҳудуднинг чегаралари белгиланади ва асосий география харитасидаги чегаралар билан солиштирилади, хатолар тўғриланади. Катта шаҳарлар ва объектлар, тоғлар ва дарёлар ёки кўллар белгиланади.

7. Объектларни харитага тушириш аниқланади. Бунда шартли белгилар бири-бирига ёпиб қўймаслиги, халақт қилмаслиги ҳисобга олинади.

8.Дастлаб асосий объектларнинг шартли белгилари ёки расмлари жойлаштирилади.

9.Харитага қўйиладиг барча расмлар, диаграммалар ва шартли белги лар харитага қўйилган ранглар билан хаританинг легендасига бир вақтнинг ўзида қўйиб борилади.

10.Харитада тасвирланиши мураккаб бўлган объектлар ёки маълумотларнинг харитадаги жойи рақамлар ёки ҳарфлар билан белгиланиб худи шу рақамлар ва ҳарфлар легендага қўйилади.

11. Харитадаги матнлар ўқилиши имконияти даражаларида ёзилади. шаҳарлар, дарёлар ва тоғлар босма ҳарфларда ёзилиши керак.

12. Орография (рельеф элементлари қора рангда, гидрография(сув элементлари) кўк рангда белгиланиши керак.Расмлар имкон қадар рангли бўлиши харитани безайди ва тушунарли изоҳлайди.



13.Харитага фақат мавзуни изоҳлайдиган, режадаги маълумотлар қўйилади, қўшимча ахборотлар қўйилмайди, фақат рангли қаламлар ишлатилади.

14.Дарёлар,кўллар ва тоғлар харитадаги градус сеткалари ёрдамида масофалари аниқланган ҳолда қўйилиши лозим. Чизиқли объектларни номи шу объектнинг йўналиши бўйича қўйилиб, ўқилиши имконияти бўлиши керак.

15.Харитада тасвирланадиган катта ҳудудлар(текисликлар, тоғлар, кўллар)нинг чегаралари белгиланмайди, масштаб бўйича ранглар ёки шартли белгилар ёрдамида тасвирланади.

### 9.2. Туризм маршрутларини географик хариталаштириш







*Катта масофаларни қамраб олган, ҳаво транспортидан ҳам фойдаланиладиган туристик маршрутнинг контур харитада тасвирланиши. Бу харитада Ўзбекистоннинг энг катта табиат минтақалари(текисликлар ва тоғлар) туширилган. Маршрутда ҳаракатланиш воситаларининг масофалари кўрсатилган. Маршрут ўтадиган катта шаҳарлар белгиланган.*




*Сурхондарё вилоятидаги асосий туристик объектларни кўрсатувчи «Сурхондарё туризми маршрути»нинг мажмуали, ахборотли харитаси.*





*«Буюк ипак йўли» маршрутининг хариталарда изоҳланиши*



*Туризм объектларининг тасвирланиши харитаси*





*Тоғлар бўйлаб ўтиладиган пиёда маршрутнинг харитада тасвирланиши. Яшил белгилар палаткаларда тунаш ва дам олиш жойлари*

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Географиядаги контур карталар нима мақсадларда ишлатилади?.
2.География атласларида нималар тасвирланган бўлади?.
3.Хариталарга орография ва гидрография белгилари қандай қўйилади?.
4.Хаританинг легендасини амалий дарсларда тушунтириб беринг.
5.Ахборотли ва мажмуали маршрутларнинг харитада тасвирланишини амалий дарсларда айтиб беринг.

**10-Мавзу. ТУРИЗМДА РЕКЛАМАЛАРНИ ХАРИТАЛАШТИРИШ**

**Режа:**

10.1.Туризмни ривожлантиришда рекламанинг аҳамияти ва турлари
10.2.Туризм рекламаларини хариталаштириш

**10.1.Туризмни ривожлантиришда рекламанинг аҳамияти ва турлари**

Туризмда реклама–туристик хизматнинг истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчилари орасида алоқалар бажарилишининг фаол воситасидир. Реклама туризмнинг доимий йўлдоши бўлиб, туристларга фақат саёҳат вақтида эмас, балки, ундан сўнг ҳам хизмат кўрсатади. Мутахассислар туризмдаги рекламани ишбилармон деб атайди ва бу ишбилармонликни 4 гуруҳга бўлади:

1. Туристик корхоналар учун.
2. Туроператорлар учун.
3. Мутахассислар учун.
4. Туристлар учун.

Туризмда рекламалар талабалар даражаси бўйича 2 гуруҳга бўлинади:

**1. Эҳтиёжлар рекламаси**–фирманинг мавжудлиги ва унинг бирор-бир нарсага эҳтиёжлиги ҳақида мумкин бўлган шерикларини хабардор қилиш

учун зарур бўлган реклама туридир. Бундай эхтиёжлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- маълум малака ва тажрибага эга бўлган ишчилар, мутахассислар, хизматкорларни вактинча ёки доимий ишга қабул қилиш ҳақида;
- материал–техник ресурсларни қидириш ҳақида;
- материал–техник ресурсларни сотиш ҳақида.

**2. Имкониятлар рекламаси**–туристик хизматлар кўрсатиш соҳасида фирманинг имкониятлари ҳақида қизиқувчи томонларни хабардор киладиган реклама тури. Қизиқадиган томонлар юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Юридик шахслар–ватан ва чет эл фирмалари, жамоа ташкилотлари, хар хил мулкчилик шаклидаги корхоналар. Имкониятлар рекламалари қуйидагича бўлиши мумкин:

- маълум даврда қайтариладиган ёки бир маротаба ўтказиладиган оммавий тадбирларни ташкил этиш;
- ўз ходимлари учун дам олишни ўтказиш;
- ҳомийлик саёҳатларини амалга ошириш.

**Реклама**–ахборот фаолияти йўналишига тасир этувчи туризм хусусияти бўлиб, битта тармоқ доирасида барча ёки кўпчилик моддий-техника асосини бирлаштирш имкониятини истисно қиладиган техник-иктисодий кўрсатгичлари бўлади. Туризм бошқа тармоқларнинг товар ва хизматларини ўтказиш бозори бўлиб, реклама ахборот фаолиятининг турли хил бозорлар ва туристик махсулотни ишлаб чикувчи–воситачилар билан фаол ишлашга йўналтиради. Ишбилармонлик туризмига мўлжалланган турлар рекламаси оммавий ахборот воситалари ва директ-мейл йўли билан тарқатилиши мумкин. Почта орқали рекламани тарқатиш ҳам яхши самара беради.

**Директ–мейл**–рекламанинг энг самарали турларидан бири, унинг мазмуни шундан иборатки, махсус ажратилган туристик корхоналар ва хусусий шахслар адреслари бўйича белгиланган даврда реклама материаллари жўнатилади.Туристик фирмаларнинг турли мамлакатлардаги туроператорлик фирмалари ва маълум даражада салоҳиятли ва реал максадлар (ишбилармон турлардан доимий фойдаланишга мажбур бўлган фирмалар) билан кенг алоқаси мавжудлигида тўғри почта орқали тарқатиш самарали бўлади.

Диний, этнографик, тарихий ва қизиқиш бўйича туризмнинг айрим турларининг рекламасини ёки бу туризм ишқибозларининг йиғилиш жойларида, музейлар, театр марказлари ёнида, қизиқиш бўйича клубларда, махсус молларни сотадиган дўконларда тарқатиш мақсадли бўлади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари,кўча рекламаси,транспарантлар, афишаларда реклама тарқатиш яхши натижа беради. Туризмда рекламани тарқатиш воситалари қуйидаги манбалар бўлиши мумкин.

1. **Матбуот рекламаси**–барча даврий матбуот (газеталар, журналлар, ихтисослашган газеталар ва журналлар).

2. **Китоб рекламаси**–рекламани нашриётдан янги чиқадиган китоблар ичига жойлаштириш.



3. **Буклетлар**–фирма ва унинг хизматлари, маҳсулотларига бағишланган махсус нашр.

4. **Реклама варақалари**–бир ёки бир неча варақларда чоп этилади, бир ва кўп рангли, матнлари билан шакллантирилади. Кўпинча кўргазма, ярмаркаларда, йиғилишларда тарқатилади.

5. **Каталоглар**–қиска тушунтириш ва нархлари билан маҳсулот ва хизматларнинг катта рўйхатини реклама қилувчи, чоп этилган нашр.

6. **Афишалар**–катта иллюстрациялардан фойдаланадиган катта ўлчамли нашрлар.

7. **Календарлар,** тамғалар, ручкалар, кундалик оммавий сотиладиган целлофан халтачалар.

8. **Телереклама**–рекламанинг телевиденияда бериб борилиши энг юқори натижаларга эришади.

## 10.2.Туризм рекламаларини хариталаштириш

Туризмнинг барча соҳалари ва турларининг рекламаларини хариталаштиришнинг мураккаб томонлари йўқ. Бунинг учун рекламани хариталаштириш мавзуси бўйича билимлар ва компьютерда ишлашни ўзлаштириш керак бўлади

***Ўзбекистоннинг давлат табиат қўриқхоналарининг рамзларини хариталаштириш.*** Ўзбекистоннинг давлат табиат қўриқхоналарининг рекламалари ишлаб чиқилган ёки яратилган эмас. Бу йўналишда илмий-амалий тадқиқотлар ҳам бошланган эмас. Бу салбий ҳолатнинг сабаблари кўп. Агар сабабларни таҳлил қиладиган бўлсак, ўз-ўзидан аён бўладики, Ўзбекистоннинг давлат табиат қўриқхоналарининг харитасини ёки бу давлат табиат қўриқхоналарининг тавсиф ва таърифларини туризм соҳасидаги мутахассисларнинг кўпчилиги ҳам билмасликлари маълум бўлади. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг давлат табиат қўриқхоналарининг ва улардан мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш йўналишида илмий-амалий тадқиқотлар ҳам жуда суст кечмоқда. Шунинг учун ҳам биз, Ўзбекистоннинг давлат табиат қўриқхоналарининг рекламаларини ишлаб чиқишда экотуризм ривожланган хориж давлатларининг тажрибаларини қўллашимиз лозим. Экотуризм ривожланган Европа давлатларида, АҚШда ва Канада давлатларида экотуризмнинг рекламасида алоҳида муҳофаза ҳудудларидаги, асосий муҳофазадаги, халқаро «Қизил китоб»даги бир ёки иккита ҳайвон ёки парранданинг расмлари берилади.

Рекламада бу ҳайвонларнинг ноёблиги, қирилиб кетиши арафасида турганлиги, уни муҳофаза қилишнинг ва саклаб қолишнинг зарурлиги, лозим топилса уни муҳофаза қилиш ва кўпайтиришга моддий ёрдам беришнинг ватандаги биологик ресурсларни келажак авлодлар учун саклаб қолишдаги хайрли ишлар эканлиги ҳам, бундай кишиларнинг номлари ва ёрдам миқдорлари газета ва журналларда эълон қилиниши, уларнинг оилалари миллий паркларга ва табиат қўриқхоналарига бепул қўйишликлари маълум қилинади.Шунинг учун ҳам, экотуризм ривожланган хорижий давлатларнинг

аҳолиси ўз ватанидаги миллий парклар, табиат қўриқхоналарида муҳофаза қилинаётган ёввойи ҳайвон ва паррандаларни яхши билишади.

Маълумки, ҳар қандай туристик ҳаракатлар ва фаолиятлар туристик маршрутлардан бошланади ва туристик маршрутда туристни қизиқтирадиган асосий расмлар ёки ахборотлар тасвирланади. Шунинг учун ҳам, туристик маршрутлар ишлаб чиқишда рамзлар ва эмблемалардан фойдаланиш туризм рекламасида муҳим ўринни эгаллайди. Чунки, эмблема ёки рамз қўйилгандан кейин туристик ресурс ёки туристик объект ҳақида қўшимча изоҳларнинг ёзилишига эҳтиёж қолмайди. Бунинг учун туроператорлар билимли бўлиши керак. Дунё экотуризмида экотуристлар миллий парклар ва табиат қўриқхоналарига қизиқишадилар. Бунинг бош сабаби табиат қўриқхоналари да табиий ландшафтларнинг, биологик ресурсларнинг сақланиб қолганлиги ҳисобланади.

Бу рамзлар ёки эмблемаларни танлашда Ўзбекистоннинг миллий парклар, табиат қўриқхоналари, табиат буюртмахоналарида муҳофаза қилинаётган ҳайвонлар, паррандалар ёки экотуристик район учун асосий экотуристик эътиборни билдирувчи ёки ноёб табиий ландшафт кўринишлари ҳисобга олинди.

Туристик маршрутлар алоҳида турлар учун ишлаб чиқилганлигидан унинг рекламаси ҳам турлар бўйича алоҳида реклама қилинади. Бу реклама мазмуни реклама қилинаётган турга бағишланади. Маршрутларнинг реклама мазмуни танланганда ва ишлаб чиқилганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим бўлади:

- Рекламага турнинг энг қизиқарли, асосий ресурси-объектини киритиш;
- Рекламада маршрутнинг йўналиши атрофида жойлашган (агар мавжуд бўлса) диққатга сазовор туристик объектларни рангли тасвирлаш. Рекламада маршрут давомида ўтказиладиган экскурсияларнинг қизиқарли объектларини рангли тасвирлаш;

Туризмда реклама ишлаб чиқариш мутахассисларининг фикрича:

- рангли рекламалар оқ-қора рангдагиларга нисбатан 65-70 % кўпроқ кўзга яхши ташланади;


*Чотқол давлат биосфера қўриқхонасининг рамзи*


*Бадайтўқай халқаро биосфера резерватининг рамзи*




*Зомин давлат табиат қўриқхонасининг рамзи*


*Қизилқум давлат табиат қўриқхонасининг рамзи*


*Нурота давлат табиат қўриқхонасининг рамзи*


*Сурхон давлат табиат қўриқхонасининг рамзи*








*Китоб давлат геологик қўриқхонасининг рамзи*

*Халқаро "ЖАЙРОН" экомарказининг рамзи*

*Ҳисор давлат табиат қўриқхонасининг рамзи*

- сифатли рангланган расмлари бор реклама сифатсиз расмли рекламага қараганда бир ярим баробар кўп кишиларга ўзига жалб қилади;

- сариқ ҳошиядаги қора рангдаги матн бошқа рангларга қараганда кўпроқ кишиларни матнни ўқишга жалб қилади;
- рекламада рамкаланган тасвирлар, изоҳлар рамкаланмаган матнларга нисбатан биринчи навбатда ўқилади;
- рекламадаги сўз ўйинлари унинг ўқувчанлигини пасайтириб юборади;
- рекламада матн қанчалик қисқа бўлса тез ёдда қолади.

Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқувчи туроператорлар ватанимиз нинг табиати ва ундаги биологик хилма-хил ресурсларни мукаммал билишлари лозим. Шунинг учун ҳам туроператорларимиз экологик турларда хорижий туристларнинг ватанимиз табиати ҳақидаги ҳар қандай саволларига тўғри жавоб бериш учун тайёр бўлишлари керак.Экологик туризм учун туроператорлар қуйидаги йўналишлар бўйича тайёрланишлари лозим:

- Ўзбекистон Республикасининг ҳайвонот олами бўйича туроператорлар;
- Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар дунёси бўйича туроператорлар;




*Қўриқхона рекламаси ушбу кўринишда ҳам берилиши мумкин*

***Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар ва топшириқлар:***

1.Рамз ва эмблемаларнинг маъноси ва моҳияти нималардан иборат?.
2.Туризм рекламаларини қайси усулларда таркатиш самарали?.
3.Туризмнинг рекламалари қандай усулларда хариталаштирилади?.
4.Фан бўйича мустақил иш мавзусини танланг.
5.Ўрганаётган фан бўйича реклама ишлаб чиқинг ва амалий дарсларда тавсия қилинг.



## II Бўлим. ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

### 1-Мавзу. «ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ» ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

**Режа:**

1.1 "Туризм маршрутлари"нинг мазмуни ва моҳияти
1.2."Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш" фанининг мақсади ва вазифалари.
1.3. Туризм маршрутларининг тарихи.

### 1.1. "Туризм маршрутлари" нинг мазмуни ва моҳияти

Инсон кўриб, эшитиб юрган ҳар қандай мўжизавий, қизиқарли объектлар, табиатнинг сўлим гўшалари, қадимдан сақланиб келаётган обидалар, дарёлар, шаршаралар, ҳайвонот ёки турли–туман ўсимликлар ўсадиган жойлар, томоша боғларининг ҳаммасига маълум бир йўлдан борилади. Бу йўл туризмда «маршрут» дейилади. Маршрут–французча marche–юриш, олдинга ҳаракат, route–йўл, рус тилида ҳам марш-олдинга юриш ҳисобланади. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш давлат миқёсида, раҳбарлигида олиб борилаётган барча чора-тадбирларининг энг муҳим вазифаларидан бири туризм маршрутларини ишлаб чиқувчи мутахассислар тайёрлаш дир.

Туристик ресурслар бўлган миллий парклар, табиат қўриқхонаси, тарихий, табиий, табиат ва унинг бойликлари, маданий обида, археология, маданий меърос ва ҳоказоларга турист ҳар тарафлама ўнғайликда борадиган маршрутни талаб қилади. Ушбу туристик маршрутда турист ёки туристлар мазмунли дам олиш, қониқиш олгандан кейин, аста–секинлик билан туристлар оқимини ўзига жалб қила бошлайди.

Республикамиздаги барча туристик ресурсга–объектга-манзилу-маконга-масканга йўл бор. Бу йўллар асфальтли, тошли, маҳаллий тупроқ йўллари, сўқмоқлар ва ҳакозо кўринишларидир. Лекин, бу йўлларда туристик маршрут хизматлари ташкил қилингандан кейингина туристик ресурсда туристлар сони кўпайиши мумкин. Туристик ресурсга ҳозирги йўллар билан ҳам туристлар олиб борилади. Лекин бу йўлдаги туристик маршрут туристнинг эркин ҳаракатланиши, у хохлаган вақтда тўхташи, қизиқиб қолган йўл бўйи «объектлар»га экскурсияга чиқишни талаб қилиши, ёки чой ичиб дам олишни ва туристнинг қўшимча хизматларини, эҳтиёжларини қондириши керак. Иккинчидан, туристик маршрут икки талаблар натижасида ишлаб чиқилади. Туристик махсулотлар ишлаб чиқарувчи туристик фирмалар ва туристик ташкилотлар ўзларининг фаолиятларини муваффақиятли юритиши учун ички ва халқаро туризм бозорларига туристик маршрутлар чиқариши, иккинчиси, туристларнинг талаблари бўйича туристик маршрутлар ишлаб чиқарилишидир.

Туристик маршрут қайд қилинган, кутилмаган «таклифлар»нинг бажарилиши ёки «хизматлар» мажмуаси аъло даражада кафолатланиши учун ҳам туристик маршрутлар дейилади. Туристларнинг барча эҳтиёжларини, талабларни бажаришда фойдаланадиган йўллар -туристик йўллар дейилади.

Туризмдаги маршрутлар деярли мавзули бўлади ва мавзу номидаги туристик маршрут дейилади. Қайд қилганимиздек, маршрут туристнинг ёки

туристларнинг талаб ва эхтиёжларини тўлик кондириш дастурига эга бўлгандагина туристик маршрут дейилади. Бошка холларда маршрут умумий йўл бўлиб колаверади.Туристик маршрутлар туризмдаги турларнинг мавзулари бўйича хам бўлиши мумкин. Кўп холатларда аралаш ёки мажмуали мавзудаги туристик маршрутлар ёки бир мавзуда–зиёратгох жойларга ишлаб чикилган туристик маршрутлар хисобланади.

Агарда туристлар талаби билан экотуризм маршрути ишлаб чикилганда экотуризм ресурслари асосан узок масофаларда жойлашганлигидан туристлар зерикмаслиги учун йўл бўйи туристик объектлар хам турмаршрутга киритилади ва йўл-йўлакай кизикарли экскурсиялар уюштирилади.Бундай маршрутлар мажмуали мавзудаги туристик маршрутлар дейилади.Демак, туристик маршрутларнинг мавзулари кўп холларда туризмнинг турлари номи билан боғлик бўлади.

Туристик маршрутда туристларнинг транспорт воситаларида харакатланиши даврида бу транспорт воситалари факат турист ёки туристларга хизмат килади. Туристик маршрутда транспорт воситаларининг хайдовчилари йўл-йўлакай одамларни олиши ёки йўл хакки учун ишламайди ва бунга йўл кўйилмайди. Шунингдек, туристик маршрутда туристларнинг хохиши ёки илтимослари билан маршрут рахбарининг рухсати билангина маршрутнинг олдиндан белгиланган йўналиши ёки йўналишлари ўзгариши, ўзгартирилиши мумкин. Янада аникрок килиб айтилганда турнинг туристик маршрути туристларнинг талаблари бўйича улар кизикган ёки туристларни кизиктирган туристик объектга маршрут дастуридаги барча хизматларни кўрсатиш хисобланади.

## 1.2. “Туристик маршрутларини ишлаб чикиш” фанининг максади ва вазифалари

*Фанниг ўрганиш объекти*–маршрутлар билан боғлик географик манзилнинг масофаси, туристлар пиёда ёки транспорт воситалари ёрдамида юриладиган йўл хисобланади. Туристик маршрут туристнинг ўзи танлаган, географик манзилда, маконда жойлашган туристик ресурсга туристнинг талаб, эхтиёжларини хисобга олган ва бажарган холда туристни олиб бориш ва кайтариб дастлабки манзилга келтириб кўйишдир- яъни *тур*дир.

*Туризм маршрутларини ишлаб чикиш фанининг максади*–бакалаврга ва туризм мутахассисларига туристик маршрутларни ишлаб чикишнинг тамойилларини, усулларини, ташкил килиш, амалда ўтказиш, уларни тўғри танлашнинг назарий асосларини ўргатишдан иборат.

*Туризм маршрутларини ишлаб чикиш фанининг вазифаси*–бакалаврларга ва туризм мутахассисларига туристик маршрутларни ишлаб чикишнинг амалий асосларини, туристик маршрутлар ишлаб чикишни ва амалиётда кўллашни ўргатиш хисобланади.

*Туризм маршрутлари.* Маршрут сўзи аникланган, белгиланган йўлни билдиради. Маршрут сўзи факат туризм сохасида тегишли эмас балки, инсонларнинг туризм билан боғлик бўлмаган доимий, мунтазам равишда



маълум томонга аникроғи, ўзига маълум географик манзилга харакатланишини хам англатади.Маршрутнинг узок-якинлигига караб инсон харакатланиш воситасини танлайди. Масалан, Самарканддан Жиззахга борувчи киши албатта автомобил, автобус ёки поезд транспорти турларидан бирини танлайди. У хеч качон Жиззахга самолётда бориш учун харакат хам, орзу хам килмайди. Чунки, Самарканддан Жиззахга самолёт билан бориш маршрути йўклигини жуда яхши билади. Лекин, Жиззахга велосипед, мотоцикл, арава, от, эшак ёки туя билан хам бориш мумкин. Бу транспорт инсоннинг илмий-техника тараккиёти давригача бўлган харакатланишида фойдаланган транспорт воситаларидир.

Инсон хозирда Жиззахга бориш учун харакатланиш воситаларининг энг тезкоридан фойдаланади. Вактдан фойдаланиш нуктаи-назаридан ўтмишда асосий транспорт воситалари бўлган арава, от, туя ва эшакдан шахарлараро харакатланишда хозир фойдаланилмайди. Шунингдек, Жиззахга замонавий транспорт воситалари билан киска муддатда етиб борган турист шахар атрофларидаги тоғларга чикмокчи бўлса, ўша ўтмишдаги асосий транспорт воситалари бўлган от, эшак ёки аравадан фойдаланишга мажбур бўлади. Бу махаллий транспорт турларининг хам ўз йўли-маршрутлари бор. Демак, инсоннинг харакатланиши вакт давомида тезланиб бориб, шароит бўйича секинлашади, маршрутлар эса деярли ўзгармайди ёки техник, кулайлик жихатидан ўзгариши мумкин.

## 1.3.Туризм маршрутларининг тарихи

Туризм маршрутларининг даврийлик жихатидан номланиши нисбий тушунча. Чунки, туризм ва турист атамасининг ўзига берилаётган таърифлар, бахслар ханузгача тўхтагани йўк. Туризмнинг ва туристнинг хозирги таърифи бўйича то Томас Кукгача бўлган саргузашту–саёхатларнинг барчаси ни туризм саёхатлари ва уларнинг саёхат йўлларини туризм ёки туристик маршрутлар деб бўлмайди, саёхат маршрутлари дейиш мумкин. Саёхатчи билан туристнинг фарки эса жуда катта.

Чунки ўтмишдаги саёхатларнинг хатто, буюк георафик кашфиётларнинг хам деярли аксарият кисми янги номаълум бўлган ерлани аниклаш, бойлик излаш, давлатлар чегараларини кенгайтириш ёки боскинчилик максадларида амалга оширилган. Бу хил саёхатларда ва уларнинг маршрутлари тахминий бўлиб, бориб келгач аник манзилнинг координаталари ва маршрутлари ишлаб чикилган. Хозирда ўтмишдаги саёхатларнинг аниклаган маршрутлари, даврийлиги жихатидан куйидаги географик маршрутларга бўлинади:

1. Кадимги маршрутлар.
2. Буюк географик кашфиётлар давридаги сайёхларнинг маршрутлари
3. Ўзгартирилган маршрутлар
4. Ўзгармайдиган маршрутлар
5. Тикланадиган маршрутлар
6. Тикланмайдиган маршрутлар

7. Янги, замонавий маршрутлар

*Қадимги саёҳатларнинг маршрутлари* инсониятнинг то буюк географик кашфиётларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Дастлабки маршрутлар олдиндан ўрганиладиган жойларга саёҳатлар уюштириш ҳисобланади. Инсоният тараққиётида қадимий ибтидоиий одамларнинг овқат излаб кўчиб юришларининг излари ҳам ҳозир топилган, исботланган. Қадимий даврларда ги саёҳатчиларнинг маршрутлари асосан эрамиздан олдинги даврлардаги саёҳатчиларнинг маршрутлари ҳисобланади. XX асрнинг буюк сайёҳи Тур Хейердал Полинезияликларнинг папирус ва бальс қайиқларида Тинч океани ни сузиб ўтганлигини ва Америкага Х.Колумбдан ҳам олдин борганлигини исботлади.

Эрамиздан 2 минг йил олдин Мисрлик Синухит Эдем мамлакатида саёҳатда бўлди, бу саёҳат тафсилотлари папирус қоғозида ёзилган"Синухит саёҳати" деб номланган асарда қайд қилинган. Энг катта ва дастлабки саёҳатлардан бири эрамиздан олдинги VI асрда Миср фиравъни Нехао топшириғи бўйича Африканинг денгиз кирғоқ чизиклари бўйлаб амалга оширилган 3 йиллик саёҳат ҳисобланади. Бу саёҳатни Финикияликлар амалга оширди. Улар кемаларда Қизил денгиздан Ҳинд океанига чиқишди, 3йилдан сўнг Гибралтар бўғозидан ўтиб Ўрта Ер денгизи орқали Мисрга етиб келишди. Бундай саёҳатлар тарихда жуда кўплаб қайд қилинган. Нехао топшириғи бўйича финикияликларнинг саёҳатини келтирганимизнинг сабаби шундаки, айнан шу саёҳатдан кейин 2 та қитъанинг номлари аниқланди:

1.«Асу», «Азу» - кун чиқар–кейинчалик Осиё номи[21].

2.«Эреб» - кун ботар кейинчалик Европа номи.

Қадимги маршрутларни ҳаракатланиши жиҳатидан 2 хил шароитли маршрутларга ажратишимиз мумкин:

1. Денгиз–сув йўли маршрутлари.

2. Қуруқликдаги маршрутлар.

Денгизлар орқали амалга оширилган маршрутлар: Фернандо Магелланнинг ер шари бўйлаб саёҳати, Роберт Скотт ва Р.Амундсеннинг шимолий ва жанубий қутбларга саёҳатлари, Семён Дежнёв ва Витус Берингнинг Шимолий муз океани бўйлаб саёҳатлари, Ф. Беллинсгаузеннинг жанубий қутбга саёҳати, Миклухо Маклай саёҳати, Христофор Колумб ва Жеймс Кукнинг океанлар бўйлаб саёҳатларининг маршрутлари, Жак ив Кустонинг океан ва денгизлардаги тадқиқотлари саёҳатининг маршрутлари дир. Қуруқликда ўтган энг катта маршрут–«Буюк ипак йўли» маршрути ҳисобланади. Шунингдек, хитойлик сайёҳ Чжан Цянь юрган йўл ҳам жаҳондаги энг катта маршрутдир.

*Буюк географик кашфиётлар* давридаги маршрутларга 1490-1600 йиллардаги Фернандо Магеллан, Христофор Колумб, Америго Веспуччи, Васко да Гама, Жеймс Кук, Давид Ливингистон, Афанасий Никитин, Абел Тасман, Миклухо Маклай, Давид Диксон, Витус Беринг, Семён Дежнёв ва

[21] Соколова М. В., История туризма. Учебное пособие. Москва, "Мастерство", 2002.-352 с.



бошқа сайёҳлар очган маршрутлар киради. Бу маршрутлар қадимги саёҳатларнинг маршрутлари тизимига ҳам киради.

*Янги замонавий маршрутлар* Европада ва Америкада дастлабки автомобиллар,поездлар ва самолётлар,буғ билан сузадиган кемалар ихтиро қилинган 17-18 асрлар тўғри келади.

*Ўзгартирилган маршрутларни* инсон ўзи учун қулайлик, шароит яратадиган географик рельф шакллари ўзгарганидан кейин ўзгартиради. Албатта, янги йўл олдингисига (эскисига) қараганда ўзининг хавфсизлиги, қулайлиги, ҳаракатлар учун кўплаб шароитлар, имкониятлар мавжудлиги билан ажралиб туради.

Ўзгартирилган маршрутлар кўпинча давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий меъёрларнинг ўзгаришидан келиб чиқади. Худди шунингдек, давлат ичидаги маршрутлар янги шаҳарлар қурилиши, бой табиий минерал ресурсларнинг очилиши билан боғлиқ бўлади. Саноат объектларининг марказлашуви, археологик топилмалар ва табиат қўриқхоналарининг ташкил қилиниши ҳам кўпинча янги маршрутларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

*Ўзгармайдиган маршрутлар*–барча йўллар Римга олиб боради шиорида бўлади ва асосан дунёнинг қадимий–тарихий обидалари, диний раҳномалар дафн этилган жойлар, табиатнинг ноёб ҳайкаллари жойлашган манзиллар билан боғлиқ бўлади. Масалан, Мисрдаги пирамидалар, Хитойдаги «Буюк ипак йўли» Ҳиндистон, Таиланддаги қадимий, тошдан қурилган ибодатхоналар, Макка, Мадина, Қуддус, Бухоро, Самарканд, Хива, Ватикан каби шаҳарларга, табиат хайкаллари, Ниагара шаршарасига, ғорлар, булоқлар, тоғларга бориладиган маршрутлар ўзгармайди. Шаҳарлар, давлатлар ўртасидаги темир йўл, ҳаво йўли, автомобил йўллари маршрутлари ҳам деярли ўзгармайди.«Буюк Хитой девори» бўйлаб ўтган маршрут ҳам бу девор то йўқолиб кетгунча ҳаракатда бўлади, ўзгармайди.



*Ислом оламининг муқаддас Маккаи Шарифнинг маршрутлари ҳам инсоният билан бирга абадий ўзгармайди.*

*Тикланадиган маршрутлар.* Бундай маршрутлар асосан қадимий маршрутлар бўлиб асрлар ўтиши ва илмий-техника тараққиёти, маршрутла транспорт турларининг ўзгариши туфайли дастлабки аҳамиятини йўқотган маршрутлар хисобланади.Масалан: Эрамиздан олдинги II-III асрларда машҳур бўлган, асосан туя карвонлари билан ҳаракатланадиган «Буюк ипак йўли» маршрутини тиклаш учун халқаро ҳаракатлар бошланди.Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 1995 йил 2 июнда 1162 рақамли «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» фармонини қабул қилди

"Буюк ипак йўли"нинг халқаро туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти йилдан-йилга оммавийлашиб бормоқда. Бу оммавийлашишда халқаро туризмнинг Ўзбекистонга қизиқиши натижасида 2019 йилнинг 13-ноябрида «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида «Ипак йўлида туризм» 25-халқаро туризм кўргазмаси ўз ишини бошлади. Дунёда 80 фоиздан ортиқ сайёҳлар Ипак йўли ҳақида билишади. Forbes журнали эса Ипак йўлини энг кудратли брендлардан бири эканини тан олди. Ўзбекистон Ипак йўлида алоҳида ўрин тутган бўлиб, «Ипак йўли юраги» мақомига эга[22].«Буюк ипак йўли» маршрутини тиклаш мумкин. Бу тиклаш қадимий йўл маршрути аниқланиб замонавий автомагистрал ёки замонавий темир йўл транспорти тармоқларига айланиши ҳам мумкин. Лекин туя карвонлари маршрутини экзотик туризмни ривожлантириш учун қисқа-қисқа масофаларда ташкил қилса етарли бўлади.

*Тикланмайдиган маршрутлар* ҳам империя давлатнинг ёки алоҳида давлатнинг парчаланиб кетиши, шаҳарлар, саноат марказларининг салоҳияти пасайиши ёки илмий-техника тараққиёти ривожи билан ўз мавкеини йўқотади. Масалан: Христофор Колумб, Тур Хейердал ёки Фернандо Магелланнинг океанлараро кемаларда ўтказган, ойлаб муддатлар кетган денгиз маршрутларини тиклашга хеч ҳожат ҳам, зарурат ҳам йўқ.

*Андижон–Тошкент–Нукус–Қўнғирот атотрассаси.*Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларини Россия орқали Ғарбий Европа мамлакатлари билан боғлайдиган автомагистрал Жаҳондаги энг йирик автомагистраллардан бири бўлади.Бу автомаршрут Роттердам (Голландия)–Шанхай (Хитой) портларини боғлайди. Умумий узунлиги 10 минг км. дан ортиқ. Автомагистралнинг Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисми–*Андижон–Тошкент–Нукус-Қўнғирот* трассасининг умумий узунлиги 1422 км, барча кириш йўлларининг узунлиги 500 км бўлиб, Фарғона водийси вилоятларидан бошланиб, сўнгра Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари, Қизилқум орқали Хоразм вилояти ҳудудидан ўтиб Нукусга чиқади.

Трасса Афғонистон ва Туркманистон йўналишидаги халқаро трассалар ни ҳам кесиб ўтади. Трассани лойиҳалаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 август қарори асосида 1999-2000

[22] Ўз А, 19:05 / 13.11.2019,842



йилларда амалга оширилди. Лойиҳалаш ечимлари жаҳон стандартлари даражасида қабул қилиниб,қурилган янги трасса автотранспорт воситалари нинг катта тезликдаги ҳаракатини таъминловчи Ўзбекистон Миллий магист ралига айланади. Трасса автотранспорт воситаларининг катта тезлигини таъминлайди, мамлакат иқтисодиётида ва туризмнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

*Тошкент–Андижон–Ўш–Қашқар автотрассаси.* Бу йўл халқаро аҳамиятдаги йўл ҳисобланади. Умумий узунлиги 940 км. Ўзбекистон (408 км), Қирғизистон (272 км), Хитой (260 км) ҳудудларидан ўтади. Йўлда денгиз сатҳидан турлича баландликда бўлган 6 та довон бор. Шундан Ўзбекистонда Қамчиқ (денгиз сатҳидан 2268 м) ва Резак (2254 м) довонларида тунеллар қурилган.

Қирғизистон ҳудудида Чайирчик (2406), Толдиқ (3645 м) ва Таунмурун (3536 м) довонлари оша ўтилади. 1960-70 йиллар оралиғида йўлдаги транспорт қатновининг ортиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, йўлнинг параметрлари (кенглиги) III-IV тоифага (10-12 м) га келтирилиб, тегишли, зарурий қисмларига асфальт-бетон ётқизилиб, қайта таъмирланган.

XX аср охирига келиб йўлнинг халқаро аҳамияти кучайди. 1997 йил 24-28 апрелда Тошкентда 18 мамлакат иштирокида йўлни таъмирлаш, ундан фойдаланиш ва шу йўналишда темир йўл қуриш масалаларига бағишланган халқаро кенгаш ўтказилди. 1998 йил 19 февралда Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой ҳукуматлари ўртасида *Тошкент–Андижон–Ўш–Қашқар* автомобил йўлида халқаро автомобиль транспорти қатнови тўғрисида битим имзоланиб, йўл қурилиши бошланди.Бу йўллар билан ҳам Ўзбекистоннинг-Шарқ давлатларига бўладиган туристик маршрутлари кўпаяди. Албатда қайд қилинган қитъалараро бу иккала маршрут XXI асрнинг энг замонавий маршрутлари бўлиб қолади.

Бугунги кунда замонавий туризм асосчиси сифатида англиялик *Томас Кук* тан олинган. У биринчилардан бўлиб саёҳат мақсадида оммавий сафар уюштиришнинг моҳияти ва фойдалилигини англаб етди ҳамда 1843 йилда у дастлабки темир йўл орқали биринчи турни муваффақиятли ташкиллаштир ди. 1851 йилда у мамлакатнинг барча ҳудудларидан келган 165 минг кишини Парижлаги кўргазмада иштирок этишини ташкил қилди. Кўргазмага қилинган саёҳат катта фойда келтирганлиги сабабли, Кук Англиялик туристларнинг 1865 йилда Парижга Бутунжаҳон кўргазмасига оммавий равишда ташриф буюришининг ташкилотчиси бўлди.

Томас Кук 1872 йилда биринчи бўлиб саноат асосида жаҳон бўйлаб саёҳат уюштиришни таклиф қилган. Бугунги кунда «Томас Кук» компанияси бутун дунёда 12000 дан ортиқ туристик агентликларга эга бўлиб, йилига 20 миллиондан ортиқ туристга хизмат кўрсатади. Томас Кукнинг Америка Қўшма Штатларига ташкил қилган саёҳатида машҳур ёзувчи Марк Твен ҳам иштирок этган.Ҳозирда туризмни саноат миқёсларида ташкил қилувчи ҳам, туризм маршрутларининг асосчиси ҳам Англиялик Томас Кук ҳисобланишини ҳамма тан олган.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Инсониятнинг кадимий даврларидаги маршрутларини гапириб беринг.
2.Қандай туристик маршрутлар умуман ўзгармайди?.
3.Туристик маршрутлар кандай сабаблар натижасида ўзгаради?.
4.Буюк ипак йўли маршрутидан туризмда фойдаланса бўладими?.
5.Янги маршрутлар қандай яратилади.

## 2-Мавзу. ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

**Режа:**

2.1.Туризм маршрутларининг таснифи
2.2.Туризм маршрутларининг турлари

### 2.1.Туризм маршрутларининг таснифи

Туристик маршрутларни таснифлашда ҳозирда жуда кўп фикрлар билдирилаяпти. Баъзи таснифлар туристик маршрут мавзулари бўйича ёзилмокда. Туристик маршрутларни туризмдаги тур мавзулари бўйича таснифлаш мумкин. Чунки турнинг мавзуси маршрут шароитини билдирмайди. Масалан, экотуризм маршрути туристни у ҳохлаган экологик масканга олиб боради. Экотуристик маршрут деганда ана шу экологик масканга қандай шароитда ва қандай воситалар ёрдамида етиб боришни тушуниш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам туристик маршрутларни ҳаракатланиш воситалари, йўллар, мавсумлар ва даражалари ва ҳакозолар бўйича таснифлаш мумкин.

**1.Туристик маршрутларнинг мавзулари бўйича таснифланиши:**

а) Экскурсия маршрутлари
б) Рекреация маршрутлари
в) Тарихий обидалар бўйлаб ўтадиган маршрутлар
г) Якка тарихий обидаларга маршрутлар.
д) Мажмуали тарихий обидаларга маршрутлар
ж) Экотуризм маршрутлари
з) Овчилик маршрутлари
к) Зиёратгоҳ масканларга ишлаб чиқилган маршрутлар
л) Сув ҳавзаларига маршрутлар
м) Спорт – соғломлаштириш маршрутлари

**2.Маршрутнинг ҳаракатланишида йўл даражалари бўйича** қуйидагича таснифланади:

а) Тўғри трассалар
б) Айланма трассалар (тоғ йўллари)
в) Тош йўллар
г) Маҳаллий йўллар
д) Сўкмоклар
ж) Очик дала бўйлаб маршрутлар
з) Ўрмонзор ичидан ўтадиган маршрутлар.
к) Тоғдаги сўкмоклар
л) Табиат минтақалари бўйлаб таваккалига юриладиган маршрутлар.

**Ҳаракатланиш воситалари бўйича** туристик маршрутнинг таснифи.



а) Замонавий транспортда ҳаракатланиш маршрутлари (автомобил, автобус, велосипед, самолёт, ҳаво шарлари).
б) Махсус транспортда юриш маршрути (тоғларда, чўлда, маҳаллий йўлларда ЖИП, УАЗ машиналарида)
в) Маҳаллий аҳоли транспортида ҳаракатланиш маршрутлари (от, эшак, туя, арава).
г) Комбинациялашган маршрутлар (автомобил, поезд, самолёт, от, эшак, туя, арава, чанғи).
д) Сув ҳавзаларидаги туристик маршрутлар (қайиқ, кема, катер, соллар).

**3.Об-ҳаво ўзгаришига боғлиқ ҳолда фаолият юритадиган туристик маршрутлар** баъзи ҳолларда мавсумий туристик маршрутлар деб ҳам аталади.

а) Ёзги маршрутлар
б) Кузги маршрутлар
в) Қишки маршрутлар
г) Баҳорги маршрутлар
д) Йил давомида фаолият кўрсатадиган туристик маршрутлар.

**4.Маршрутларнинг даражалари (категорияси) бўйича**таснифланиши:

а) Халқаро маршрутлар
б) Мамлакатлар бўйлаб маршрутлар
в) Қўшни мамлакатга маршрутлар
г) Мамлакат штатларига маршрутлар (ички маршрутлар)
д) Маҳаллий маршрутлар

**Ҳаво маршрутлари.**

а) Маҳаллий ҳаво маршрутлари
б) Давлатлараро ҳаво маршрутлари
в) Қитъаларда ҳаво маршрутлар
г) Коинот маршрутлари

**Сув маршрутлари**

а) Маҳаллий сув ҳавзалари маршрутлари
б) Давлатлараро сув маршрутлари
в) Қитъалараро сув маршрутлари
г) Халқаро сув маршрутлари

**Қуруқликдаги туристик маршрутлар**

а) Маҳаллий автомагистрал маршрутлари
б) Давлатлараро автомагистрал маршрутлари
в) Евро-Осиё автомагистрал маршрутлар

**Темир йўллар маршрутлари.**

а) Маҳаллий темир йўл маршрутлари
б) Давлатлараро темир йўл маршрутлари
в) Евро-Осиё темир йўл маршрутлари
г) Қитъалараро темир йўл маршрутлари

Қайд қилинганлардан маълум бўладики, туристик маршрутлар кўплаб белгилари бўйича таснифланади. Туристик маршрутларни таснифлашнинг муҳим ёки эътиборга молик томонлари борми?. Диккат қилсангиз юқорида

кайд килинганлар туристик маршрутларнинг таснифларини ташкил килади. Таснифлардаги барча белгилар, воситалар хар кандай туристик ресурсга ишлаб чиқарадиган туристик маршрутда қўлланилади ва ишлатилади. Шунинг учун хам, туристик маршрутларнинг таснифини яхши ўзлаштириб, ўрганиб олиш тавсия этилади.

Энди, юкорида кайд килинган туристик маршрутларнинг амалиётда ишлатилиши нуқтаи-назаридан кўриб чиқамиз.Яъни-маршрутнинг харакатланиш йўл даражалари бўйича-туризмда харкандай туристик маршрут маълум бир йўлда амалга оширилади. Турист ёки туристларнинг маршрутдаги самарали хракатланишини йўлнининг сифат даражалари белгилайди. Шунинг учун хам маршрутнинг технологик харитасида йўлнинг холати алоҳида кайд килинади. Бу кайдга биноан маршрутда фойдаланиш учун транспорт воситаси танланади.

Эътибор килсак, маршрутдаги хар кандай хизматларни сифатли амалга оширишда баъзида арзимас элемент деб кабул кинадиган хизматлар бу хизматларни бажариш вақтида катта муаммоларга айланиб кетиши мумкин. Юкорида кайд қилинган таснифларнинг барчасида алоҳида-алоҳида таҳлиллар хулосаларни келтиришимиз мумкин. Энг муҳими, туристик маршрут ишлаб чикилганда маршрутнинг хужжатларида маршрут йўлларининг сифат даражалари аниқ тавсифланиши талаб қилинади.

Яна бир муҳим фикрни кайд килиш лозимки, туризмни ўрганувчилар албатда кўплаб чет давлатларда нашр қилинаётган илмий адабиётлар билан танишмоқдалар, ўқимоқдалар. Бу холат албатда яхши, чунки биз кўплаб давлатлардаги туризм сохасининг ривожланишини ва бу соҳанинг илмий адабиётларини ўрганишимиз керак.

Туризм соҳасини эътибор, диккат билан ўрганмаганлар илмий матбуотда бошка давлатларда кабул килинган анча ноаниқ ва бизнинг туризм соҳамизга умуман тўғри келмайдиган атамалар ва сўзларни ишлатишмокда. Масалан, самалёт туризми, велосипед туризми, денгизлар туризми ва бошқалар. Асосан Россия туризмида ишлатилаётган бу атамаларни ишлатсак от туризми, туя туризми, эшак туризми, автомобил туризми, арава туризми ва шунга ўхшаш бошқа атамаларни хам кўпайтириб юборамиз.

Қайд килинган атамалар туристик фаолиятни амалга оширишдаги транспорт хизматларига киради. Юқоридаги номланишлар тур эмаску. Масалан, экологик тур манзилига велосипед билан ҳам бориш мумкин ва бу турни велосипед тури деймизми? Шунинг учун хам туристик маршрутлар ишлаб чикишда кайд килганимиздек, туристик маршрутнинг номи туристик маршрутларнинг таснифлари бўйича аталса тўғри бўлади. Маршрутнинг мавзусининг ўзи туристга кўплаб ахборотларни беради.

### 2.2.Туризм маршрутларининг турлари

Россия давлати туризмида таникли олим М. Б. Биржаков «туристик маршрутни саёхат давомида юриш йўлларининг барча кўринишларини тасвирловчи географик ёзиб чиқиш» деб тасвирлайди. Унинг хулосалари



бўйича маршрутнинг бошланиши-туристларга маршрут дастуридаги биринчи хизматларни кўрсатиш, маршрутнинг тугаши маршрут дастуридаги охирги хизматларни кўрсатиш ҳисобланади. Маршрутда дастурда белгиланган барча жойларнинг географик тавсифлари олдиндан ёзиб чикилган бўлиши шарт.

Маршрутлар дастурларида белгиланган экскурсия объектларини кўриш, томоша килиш, дастурдаги хизматларни кўрсатиш бўйича (овқатлантириш, дам олиш, тунаш ва бошк..) линияли маршрутлар, радиал маршрутлар, айланали маршрут ва комбинацияланган маршрутлар типларига ажратилади.

***Линияли маршрут-*** маршрут йўли турли хил географик манзиллардан ўтади. Маршрут муддати тугагандан кейин худди шу йўл билан турист маршрут бошланган жойга қайтади.

***Радиал маршрутлар-*** маршрутнинг бошланиши ва тугаши бир географик манзилдан бошланади. Туристлар ушбу бошланиш манзилига келгандан кейин маршрут дастурида белгиланган атроф географик манзиллар га саёхатларга чиқишади ва дастлабки жойга етиб келишади .

***Айлана маршрутларда*** хам маршрутнинг бошланиши ва тугаши бир географик манзилда юз беради лекин турист бу маршрутда:

- Бир мамлакатга транзит орқали келиб бир неча географик манзилларда бўлиши ва қайтиб кетиши мумкин;
- Турист бир географик манзилга келиши ва бошқа географик манзилда қайтиши мумкин.

***Комбинацилашган маршрутларда*** линияли, радиал ва айланали маршрутларнинг барча элементлари, усуллари ва шароитлари бирга, мажмуа ли холда қўлланилади.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1. Туристик маршрутларнинг мавзулари бўйича қандай таснифланади?.
2. Об-ҳаво ўзгаришига боғлик холда фаолият юритадиган туристик маршрутлар қандай таснифланади?.
3. Маршрутларнинг даражаларини тушунтиринг.
4. Ҳаракатланиш воситалари бўйича маршрутларнинг таснифини тушунтиринг.
5. Халқаро маршрутларга мисоллар келтиринг.

## 3-Мавзу.ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

**Режа:**

3.1. Туризм маршрутларини ишлаб чикиш тамойиллари
3.2. Туризм маршрутларини ишлаб чикиш усуллари

### 3.1.Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш тамойиллари

Иқтисодий адабиётларда ғоя ва назарияларнинг шаклланишида ишлатиладиган принцип сўзи асос, талаб, негиз маъноларини англатгани учун давлат тилида тамойил деб таржима қилинган. Туристик маршрутлар ишлаб чикишнинг асосий принципларини (тамойилларини) ана шу маршрутлар ишлаб чикишдаги бирламчи талаблар, мезонлар деб қабул килсак бўлади.

Ҳозиргача туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг 7 та тамойили бор. Бу тамойилларни туристик маршрут ишлаб чиқишдаги асосий талаблар сифатида бирор бир олим ёки туризм мутахассиси таклиф қилмаган. Балки, туристик маршрутлар ишлаб чиқишдаги йўл-йўлакай кузатув, талаб, амалиёт, ўй-фикр ва таклифларни жамлаган мутахассисларнинг умум, хулосавий, ижодий қарашларидир.

Туристик маршрутлар ишлаб чиқувчи бу тамойилларни қўллаганида маршрутга киритиш объектлари, шарт-шароитлар, туристлар ёки хизмат қилувчиларнинг, маҳаллий аҳолининг таклифлари ёки талаблари билан бойитиб, мукаммаллаштириб бориши мумкин. Туристик маршрутларга бўйсунадиган стандартлар маршрутларнинг техник жиҳатларидир.Туристик маршрут ишлаб чиқиш бу-маълум туристик объект, ресурсга туристларни жалб қилишдаги энг биринчи ҳаракатдир. Шунинг учун ҳам маршрут ишлаб чиқиш–турни ишлаб чиқиш, маълум туристик объектдан туризмда фойдаланишни турлар ҳам ўта даражада мукаммал, ҳар томонлама қулайлик имокниятларига эга бўлган маршрутлар асосида амалга оширилишини талаб қилади.




*Туристик маршрутлар ишлаб чиқиш учун туристик объектни баҳолашда фойдаланиладиган асосий тамойиллар*

Туристик маршрутнинг мукаммал ишлаб чиқилиши бу–туристнинг эркин ҳаракат қилишини ва турдаги хизматларга бўлган талабларини ўз вақтида қондиради. Ҳозирда туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг тамойиллари яратилганки, туризмда ҳар қандай туристик маршрутлар ишлаб чиқишда



асосан ана шу тамойиллардан фойдаланилади. Бу тамойиллар қуйидагича номланади. Туристик маршрутлар ишлаб чиқишдаги биринчи талаб қайд қилинган «тамойиллар»ни пухта билиш ва ўз ўрнида, талабига қараб қўллаш, ишлатиш ҳисобланади. Туристик маршрутлар ишлаб чиқишдаги тамойиллар алоҳида-алоҳида ёки мажмуали ҳолда қўлланилиши мумкин.

***Жозибадорлик, бетакрорлик тамойили.*** Жозибадорлик, бетакрорлик тамойилига эътибор бериш лозимки, маълум бир туристик объектга, ресурсга туристик маршрут ишлаб чиқишда туроператорнинг биринчи навбатдаги асосий вазифаси айнан ана шу туристик объектнинг энг жозибадор, бетакрор жойини, кўринишини аниқлашдир. Туризмдаги барча туристик объектларда жозибадорлик, бетакрорлик мавжуд. Бу жозибадорликсиз бирон-бир турис тик объект туристларни ўзига жалб қилаолмайди. Жозибадорлик ва бетакрор лик деганда маълум бир халқаро ёки маҳаллий талаб ва стандартларнинг ўлчамларига, даражаларига жавоб берадиган объектнинг тарихийлиги, мўъжизавий кўриниши ва ҳоказоларни тушунишимиз керак.

Шу нуқтаи-назардан туристик объектдаги жозибадорлиги, бетакрорлик ни 4 даражага бўлишимиз мумкин:

- халқаро миқёсдаги туристик объектлардаги жозибадорлик ва бетакрор лик;
- давлатлардаги туристик ресурсларнинг жозибадорлиги ва бетакрорли ги;
- табиатнинг биологик хилма-хиллигидаги жозибадорлик ва бетакрор лик;
- туристнинг хоҳиши бўйича туристик объектда белгиланадиган жозибадорлик ва бетакрорлик.

*Халқаро миқёсдаги туристик объектлардаги жозибадорлик ва бетакрорлик* деганда мазкур туристик объектнинг халқаро миқёсда маълум ва машҳурлиги, мўжизавийлигини, дунё аҳолиси, бу объектни билиши тан олинади.



*Миср пирамидаларига инсоният то ҳозиргача таъриф ва тавсиф беролмади*

Бундай микёсдаги жозибадорлик ва бетакрорлик асосий холларда мўжиза деб номланади. Дунё микёсидаги туристик объектнинг мўжиза дейилиши ўтмишдаги инсоният бунёд этган улкан иншоотларнинг кай тартибда курилганлиги, уларда ҳозиргача (коинотни ўзлаштириш даври) кўплаб очилмаган сир-синоатларнинг мавжудлигидир.

Етти мўжизадаги асосий жозибадорлик, бетакрорлик уларнинг ўта даражада улканлиги ва курилиши жиҳатидан хозирги инсон ахлини лол колдирганидир. Шу ўринда эътибор бериш керакки, дунёда етти мўжизадан хам мўжизалирок туристик объектлар жуда кўп. Мазкур тарихий ёдгорликлардаги жозибадорлик ва бетакрорлик, кадимийлик ва инсон ахлини лол колдирган курилиш санъатидир.

*Давлатларда жойлашган туристик объектдаги жозибадорлик ва бетакрорлик.* Жаҳоннинг барча давлатларида хам ўша мамлакатда яшаётган аҳоли учун хам ва бошка мамлакатларда яшаётган аҳолилар учун хам таникли бўлган туристик ресурс объект мавжуд бўлади.



*Буюк Хитой девори*





*Англияда эрамиздан 3 минг йил олдин қурилган Стоунхендж ёдгорлиги қолдиқлари билан боғлиқ кўплаб саволларга ҳозиргача жавоб топилган эмас.*
*Қадимий қўлёзмалар бўйича Стоунхенджнинг дастлабки ҳолатини шундай тасаввур қилмоқдалар.*



Кўп мамлакатларда эса факат шу мамлакат аҳолисига таниш, эъзозли туристик объект бўлиши мумкин. Бу эъзозли туристик объект жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлмаганлигидан бошка давлатлардаги одамлар деярли кизикишмайди, улар бу давлатга ушбу объектни кўриш учун келиб-кетувчи туристлар бўлаолишмайди.

Жаҳондаги кўпгина давлатларда эса цивилизация кадимдан ривожлангани учун ўша давлат аҳолиси учун ҳам, бошка давлатлардаги аҳоли учун ҳам ҳатто жаҳоншумул аҳамиятга, кизикишга молик туристик объект мавжуд бўлади. Бундай давлатларга Европадаги кўплаб мамлакатларни мисол килиб келтириш мумкин. Масалан: Франция давлатида қадимий, тарихий обидалар ҳам, маданият марказлари ҳам жуда кўп. Лекин, французлар халкаро микёсда ўзларининг Эйфел минораси билан фахрланишади.





Яна бир давлат Ҳиндистонни олсак, табиати жиҳатидан ҳам тарихий обидалари (кўҳна ибодатхоналар, тоғларни ўйиб ишланган тош ибодатхоналар ва хакозолар) жиҳатидан ҳам туристик ресурсларга жуда бой бўлган,





мамлакат. Лекин, бу мамлакатга келган халкаро туристлар деярли

*Малайзиянинг машҳур эгизак бинолари*

биринчи навбатда севги-муҳаббатдаги садокат тимсолига қурилган Тож Махал макбарасини кўриш ва зиёрат қилиш учун келишади. Бу ҳолатдан хулоса шулким, Тож Махал мақбараси Ҳиндистондек катта ва кадимий мамлакатдаги туристик ресурсларнинг жозибадорлиги ва бетакрорлигида ёркин тож ҳисобланади.

Малайзия давлатида тарихда машҳур кишилар қурдирган тарихий обидалар ҳам жуда кўп. Лекин бетакрор табиати (қирғоқларини океан сувлари ўраб туриши, жунгли ўрмонлари, ранг-баранг ўсимликлар олами, турли-туман ҳайвонат дунёси ва ҳакозолар) билан жаҳон туризмида (рекреация туризми, экотуризм) шунингдек, замонавий шаҳарсозлик, дунёга танилган улкан иморатлари, масжидлари билан янги-халқаро туризм йўналишини ривожлантирмоқда. Демак, Малайзия туризмидаги жозибадорлик, бетакрорлик ва улуғворлик кўринишлари, объектлари, унинг табиатида ва замонавий шаҳарсозликдаги баланд, мўжизалар биноларида мужассамлашган. Петронаснинг эгизак бинолари жаҳондаги энг баланд ва жозибадор бинолар хисобланади (баланд лиги 452 метр).

Дунёнинг давлатларида жойлашган туристик объектларидаги жозибадорлик ва бетакрорликни Ўзбекистондаги туризм ресурсларида таҳлил қилганимизда кўз ўнгимизда жуда катта ва турли-туман мавзули туризм ресурслари ва бу ресурсларнинг ҳар бирида ўзига хос ва мос бўлган жозибадорлик ва бетакрорлик борлигини кўрамиз.

Қисқа қилиб айтганимизда Тўмарис, Спитамен, Заҳириддин Бобур, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Шайбонийхон, Темур Малик, Инолчик каби жаҳонга машҳур саркардалар, соҳибқиронлар бизнинг ватанимизнинг фарзандлари ва уларнинг фаолияти, ҳаёти, улар қурдирган нилий гумбазли мақабаралар, мадрасалар ва бошқа тарихий обидалардаги жозибадорлик, бетакрорлик фақатгина Ўзбекистонда бор.

Жаҳон цивилизациясининг маданияти, табобати, астрономияси, математикаси, географияси, шеърияти, геологиясининг тамал тошини қўйган, жаҳон шумул мактабларни, дунёдаги дастлабки академияларни (Байтул ал-хикма, Маъмун академияси, Улуғбек академияси) ташкил қилган Ал-Беруний, Ибн-Сино, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Ал-Фарғоний, Абу-Наср Фаробий, Али Қушчи, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Лутфий каби буюк сиймолар ҳаёти билан боғлиқ тарихий обидалардаги жозибадорлик ва бетакрорлик фақатгина Ўзбекистонда бор.





Ислом оламининг мукаммал таълимотини яратган, Ислом оламининг буюк дахолари бўлган Ахмад Яссавий, имом Термизий, ат-Термизий, Мотрудий, Баҳовиддин Накшбанд, имом ал-Бухорий, Махдуми Аъзам, Қусам ибн Аббос, Бухоролик етти пирлар, Бухоролик чор Бакрлар, хазрати Дониёр пайғамбар, Довуд пайғамбар, Хўжа Аҳрор Вали каби азиз авлиёлар ва бошқа



кўплаб улуғ инсонлар ҳаёти-фаолияти билан боғлиқ тарихий обидалардаги ўзига хос ва ўзига мос жозибадорлик ва бетакрорлик фақатгина Ўзбекистонда бор.

Табиатимизда биологик хилма хил ресурслар,тўрт экологик табиий географик минтақанинг ва ернинг табиати, эндемик турлар, иқлим, тўрт иқлимий фаслнинг зийнатидаги жозибадорлик ва бетакрорлик фақатгина Ўзбекистонда бор. Туризмнинг ривожлантиришга бел боғлаган эканмиз, туризм ресурсларимиздаги жозибадорлик ва бетакрорликни жаҳонга кўз–кўз қилишнинг фақатгина уддасидан чиқишимиз лозим бўлади.





*Табиатнинг биологик хилма–хиллигидаги жозибадорлик ва бетакрорлик.* Табиатнинг биологик хилма–хиллигидаги жозибадорлик ва бетакрорлиги ҳақида гапирилганда қандайдир тортишувлар, исботлашувларга ўрин қолдирмаслик зарур. Лекин табиат гўзаллиги, унинг бетакрорлиги ҳақида тортишувлар, бу бетакрорликни баъзи бир олимлар, ўзларининг ўрганиш, илмий тадқиқотлари мавзулари бўйича тушунади ва табиатдаги бетакрорликни олдинги ўринларга чиқаришга харакат қилишади. Биологик хилм-ахиллик деганда ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёсининг ўзи эмас, улар ўсадиган ва яшайдиган табиий мухит ҳам тушунилмоғи керак.

*Туристнинг ҳоҳиши бўйича туристик объектда белгиланадиган жозибадорлик ва бетакрорлик.* Жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган туристик объектларга туризмдаги оқим ҳам катта бўлиши ўз–ўзидан маълум. Масалан, Мисрдаги пирамидалар, Самарқанддаги Темурийларнинг тарихий, маданий иншоотлари, Ҳиндистондаги Тож Маҳал мақбараси, Париждаги Эйфел минораси, Хитойдаги «Буюк Хитой devori», Россиядаги «Кремль» мажмуаси, Англиядаги «Стоунхеж» қолдиқлари ва х.к. Шу билан бирга халқаро туризмда ҳам, ички туризмда ҳам алоҳида гуруҳ туристларнинг ўз қизиқиш объекти бўлади. Кўп ҳолларда бундай туристлар ёки касбий фаолияти бўйича ёки табиатдаги бирон-бир ўсимликнинг ўсиш тарзи ёки бир ҳайвоннинг яшаш тарзининг табиатига қизиқиши, айнан ўша турни яхши кўриши, унга ана шу турнинг ҳаракатлари ёки ўсиши, гули, барги, ёки ранги кичиклиги, миттилилиги ёки улкан, кучлилиги ёки йиртқичлиги маъқул бўлади.

Лекин турист ёқтирган ўсимлик ёки ҳайвон тури ўзи яшаётган мамлакатда йўқ бўлганлиги учун у шу тур ўсадиган ёки яшайдиган бошқа

мамлакат табиатига саёҳатлар уюштиради. Масалан, чўлнинг гўзал ҳайвонлари жайрон ва сайғоқлар Марказий Осиё давлатларининг барчасида камсонли бўлсада сақланиб колган. Ана шу жайрон ва сайғоқларни кўриш, яшаш тарзини ўрганиш ва бошқа давлатлар табиатида ёки ҳайвонот боғида саклаш ва кўпайтиришга қизиқувчилар, олимлар, табиатшунослар ҳозирда деярли Ўзбекистонга келишади (Бухоро вилоятидаги «Жайрон» экологик маркази). Бу ерда уларнинг фаолияти учун барча шарт–шароитлар яратилган.

Сўнгги йиллардаги кузатишлардан маълум бўлмоқдаки, юртимизга келувчи туристлар ичида коятошларимиздаги қадимий тасвирлар, расмларга қизиқувчилар, кўҳна археологик қолдиқларга қизиқувчилар сони кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Республикамиз ҳудудларидаги тоғларда, дараларда қадимий расмлар, тасвирлар ва ёзувлар туширилган қоятошларни рўйхатга ва давлат назоратига олишимиз кечиктирилмай бажариладиган иш ҳисобланади. Яна бир мисол келтирганимизда ёввойи қўйлар архарларни кўриш учун ҳам давлатимизга кўплаб туристлар келишади. Чунки, «Нурота» тоғ–ўрмон қўриқхонасининг асосий фаолияти Марказий Осиё учун эндемик ҳисобланган «архарларни» сақлаб қолиш ва кўпайтиришга қаратилган.

Эътибор қилинг, «Ёввойи Африка» ва «Халқаро география жамияти» нинг ёввойи йиртқич ҳайвонлар (шер, йўлбарс, коплон, пума, леопард, пантера, гиена ва ҳакозлар) ҳаёти ҳақидаги табиатда олган фильмларини ҳамма зўр қизиқиш билан томоша қилишади. Шу билан бирга томошанинг энг қизиқ жойи йиртқич ҳайвонларнинг ов қилиши ва овқатланиши усулларидир. Ушбу фильмлардаги бетакрорлик айнан ана шу ов қилиш кўринишларининг берилишидир.

Агар ушбу фильмларда йиртқич ҳайвонларнинг ов қилиш кўриниши бўлмаса фильм жуда зерикарли ва бир маротаба (ёввойи ҳайвон бўлганлиги дан) кўришга арзийди. Туризм маршрутларини ишлаб чиқишда шунинг учун ҳам инсонни қизиқтирувчи бирорта объект (катта, кичик, майда, улкан, хароба ва бошқ.) эътибордан четда қолмаслик лозим бўлади. Шу ўринда яна такрорлаймизки, бугунги кунда эътибордан четдаги объект эртага қизиқарли бўлиши мумкин деган хулоса билан туристик ресурсларнинг барчасини рўйхатга олиб, ҳозирдан туристик ресурслар катологини тузишга киришимиз лозим бўлади.

***Туристик маршрут ишлаб чиқишда имкониятларнинг яратилган лиги тамойили.*** Бу тамойилда туристга туристик маршрут давомида туристик хизматлардан фойдаланишнинг энг қулай имкониятлари яратилган бўлиши лозим. Бундай имкониятлар қуйидаги хизматлар кўрсатишдаги имкониятлардир.

1.*Транспорт хизматларидаги имкониятларнинг* дастлабки шароити туристларга хизмат қилувчи транспорт хилларининг замонавий бўлишлигидадир.Маршрут бошланганидан турист биринчи навбатда ўз юкларини жойлаштириш ташвиши билан банд бўлишади. Туроператор бу ташвишни доим назарда тутиши лозим. Транспорт хизматларини таклиф қилишда албатта баланд ўриндиқларга эга бўлган автобус ёки микроавтобусларни таклиф қилиш яхши натижа беради. Баланд ўриндиқли



автобусларда турист йўл-йўлакай кўп нарсани кўради. Уларнинг юкларига келганда энг яхши вариант ҳозирча турист ўз юкини ёнида олиб ўтиришидир. Унинг хотиржамлиги ҳам шундай таъминланади.

Туристларга транспорт хизматлари кўрсатишда турист юкининг (халтасининг) алоҳида жойда бўлиши даври ўтди дейишади мутахассислар. Транспорт хизматларидаги яна бир имконият транспорт ичида экологик тоза ичимлик сувларининг бўлиши, транспорт ойналарининг очилиши ёки ёпилиши, радио, ТВ.нинг бўлиши, туристнинг автобус салонида эркин ҳаракатланишга шароитнинг бўлишидир.

2.*Маршрутдаги экскурсия вақтидаги имкониятлар*. Туристик маршрут ларнинг аксарият қисмида (экологик туризм, археологик туризм, рекреация туризми, тарихий, диний туризм ва ҳакозо турларда) экскурсиялар ташкил қилинади.Айникса экотуризм маршрутларида, рекреация туризми маршрут ларида ва туристик лагерларда дам олувчилар учун турли мавзуларда ландшафтни кўриш, томоша қилиш экскурсиялари уюштирилади. Экскурсия вақтидаги имкониятларнинг биринчиси юриш йўллари, сўқмоқлар, маҳаллий кўприклар, даралар ёки тоғ бағридан чиқиш, тушиш, жарликлар ичидаги юриш йўллари текис, хавфсиз бўлишидир. Тоғ сўқмоқларидан, жарликлар бўйлаб юрганда товуш, шовкин эффектининг ҳалокатли бўлиши албатта туристларга тушунтирилади.

Экскурсия вақтида туристларга яна бир имконият яратиш лозимки, замонавий туризмда замонавий хизмат дейиладиган–яъни экскурсия давоми да туристларни дам олиш танаффусига чорлаш. Бу усулни айникса тоғ ва чўллардаги экологик туризм маршрутларидаги экскурсиялар вақтида қўллаш туристнинг кайфиятини кўтаради. Бу усулда маршрут раҳбари маҳаллий аҳолидан от, эшак ёки маҳаллий арава олиб туристларнинг ўзини ҳам шу транспорт турларида олиб юриши, агар туристлар пиёда юришни хоҳлашса уларнинг юкини, ичимлик сувини, қисқа муддатли экзотик овқатланиш маҳсулотларини ва энг муҳими йиғма стул ва йиғма кароватчаларни албатда бирга ортиб юриш керак.

Маршрутдаги экскурсияларда бизнинг иқлимимизда халқаро туристлар ҳам маҳаллий туристлар ҳам ёз мавсумида тезда чанқаб қолиши ёки тоғлар ва кушхаволи табиат бағрида тезда оч қолиши мумкин. Бундай вақтларда маршрутнинг ёки экскурсиянинг раҳбари туристларга соя-салқин жойларда йиғма стул ва йиғма кароватлардан иборат дам олиш жойини таклиф қилиш мумкин. Бундай имкониятлардан фойдаланган турист албатта яхши кайфиятда бўлади.Маршрутдаги бошқа хил химатларда ҳам имкониятлар нинг яратилганлик тамойилини қўллаш маршрутнинг муваффақиятли ўтишини таъминлайди.

***Мазмундорлик тамойили.***Туристик маршрут ишлаб чиқишнинг мазмундорлиги тамойили.Бу тамойилдаги талаблар кўпроқ биринчи-жозибадорликни ташкил қилиш тамойилига ўхшаб кетади. Лекин жозибадор ликдан бошқа таъсуротлар мазмундорликларга эътибор берилиб ишлаб чиқилган туристик маршрут ҳар қандай даражадаги туристлар учун энг яхши туристик маршрут ҳисобланади.Бу тамойилда туристик маршрутлар ишлаб

чиқишда туристнинг қисқа вақт давомида кўп объектлар ни кўриши, билиб олиши ёки эшитиш таъминланган бўлиши керак. Бундай имкониятлардан фойдаланган турист туристик фирманинг бошқа маршрутларига ҳам буюртма бериши мумкин. Масалан: турист Республикамизнинг табиий худудлари, минтақаларидаги экотуризм ресурсларини кўришни танлайди. Бу ҳолатда туроператорда худди ана шу турист танланган экотуризм ресурсига олиб борадиган 2 та туристик маршрут бўлиши лозим.

*Биринчи туристик маршрут*–Экотуризм ресурсига–объектига тўғридан –тўғри боради. Бу маршрутдаги жозибадорлик ва бетакрорлик экотуризм объектининг ўзида бўлади албатда. Объектга тўғри борилганидан йўл-йўлакай турист кўрган мазмундорлик ҳам узуқ-юлуқ бўлади, ахборотлар кам, тўхташ деярли йўқ ва ҳакозолар. Албатда, бундай туристик маршрут туристга, айникса хорижий туристга унчалик ҳам хуш келмаслиги мумкин.

*Иккинчи туристик маршрут* йўл-йўлакай, тарихий маданий, меъморий обидалар,табиатнинг ранг-баранглиги,кўнгил очар ўйинлар, кўргазмалар, фавворалар, ҳайвонат боғлари, агротуризм объектларининг ўзгариб туриши, сойлар, баланд, ҳайбатли қоятошлар ёки бепоён кенгликларнинг ястаниб ётганлиги ва бу ерда яшаётган маҳаллий халқнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, жарликлар, дарё соҳили ва ҳакзоларга туристлар эътиборини жалб қилади. Агар тур оператор йўлдаги сойлар ёки қандайдир тарихий жойларнинг тарихдаги машҳур кишиларнинг ҳаёти билан боғлиқ (масалан, Темурийлар, Чингизийлар ёки Шайбонийхон, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик ва бошқ.) қизиқ афсона ва ривоятларни топиб туристларга қизиқарли усулларда, жонли равишда айтиб берса маршрутдаги мазмундорлик янада ошади.

Агар туристик гуруҳда диний йўналишлардагилари кўпчилик бўлса албатда маршрут йўлидаги диний раҳномалар, шайхлар, авлиёлар, саййидлар ва эшонларнинг қабрлари, улар яратган обидалар, улар яшаган жойлардан ўтиши мақсадга мувофиқ бўлади. Қайд қилинганлардан маълум бўладики, иккинчи туристик маршрутда жозибадорлик, бетакрорлик ва айникса мазмундорлик манбалари кенг қўлланилган. Албатда, биринчи туристик маршрутнинг баҳосига нисбатан иккинчи туристик маршрутнинг баҳоси анча баланд бўлади. Чет эллик туристлар туристик маршрут давомида мазмундор объектларини кўриш, яхши дам олиш учун маблағ харажат қилишдан тортинмасликлари халқаро туризм ривожидаги таҳлиллардан маълум.

***Туристик маршрутлар ишлаб чиқишдаги фаолиятлилик тамойили.*** Бу тамойилда бир туристик маршрутдан йил давомида фойдаланиш тушунилади. Лекин мавсумлар ўзгариши билан ушбу туристик маршрутдаги хизматларнинг турлари бироз мураккаблашиши ёки енгилланиши мумкин. Масалан, тоғ дараларига, сойларга, булоқ ва дарёларга, рекреация объектларига туристик маршрут ёзда уюштирилса, худи шу маршрутдан қиш мавсумида тоғларда чанғи спортини ташкил қилишда, сойлар ва дарёлар бўйича овчилик маршрутларини ташкил қилишда фойдаланиш мумкин. Қисқаси туристик маршрут ҳаракатдан тўхтамайди.

Туристик маршрутларнинг фаолиятлилик тамойилида фақат транспорт хиллари ва маршрутдаги хизматлар бироз ўзгаради. Масалан, кишнинг совуқ



ҳаво шароитида ҳам эркин юрувчи, салони иситиладиган махсус автомашиналар кузги-қишки маршрутларда хизматга олинади. Кузги-қишки маршрутларга туристларни таклиф қилганда туристларнинг ҳаёти хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларга жуда эътиборли бўлиш талаб этилади.

***Туристик маршрутлар ишлаб чиқишдаги кўп қирралик, (вариантлилик) тамойили.*** Бу тамойил бўйича маълум бир тур учун ишлаб чиқилган маршрутнинг бир неча вариантлари олдиндан тайёрланиб қўйилади. Масалан, об-ҳаво ўзгарган ҳолларда туристик маршрутдаги хизматлар ҳам ўзгаради. Айникса туристик маршрутдаги экскурсияларни ўтказиш кийин лашади (масалан, ёмғир ёғаётган вақтда). Бундай вазиятларда экскурсияга ажратилган вақтни самарали ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқиш зарур бўлади ва маршрут листурига киритилади. Энди бу маршрут ўзгартирилган маршрут ҳисобланади. Маълум бир тур учун маршрутнинг ўзгартирилган вариантлари туристлар сони ўзгарганда ҳам ишлаб чиқилади. Чунки, бу ҳолатда ҳам олдинги маршрутдаги ҳажм ўзгариб кетади (масалан транспорт сонига, овқатлантиришга, экскурсияга буюртмалар). Шу ўринда туристларнинг (маълум бир гуруҳи) жисмоний тайёргарлиги, ёши билан боғлиқ ҳолатларида ҳам маршрутнинг янги вариантлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

***Туристик маршрутлар ишлаб чиқишдаги қулайлилик тамойили.*** Бу тамойилдаги талаблар шундан иборатки, маршрутдаги барча хизматларни туристга таклиф қилишда биринчи навбатда комфортга, қулайлиликга эътибор бериш керак бўлади. Бу қулайликлар ҳақида туристик маршрутнинг олдинги тамойилларида батафсил тўхталди.

***Туристик маршрут ишлаб чиқишнинг ахборотланганлик тамойили.*** Туристик маршрут ҳақидаги барча маълумотлар–брошюра, буклетлар, маълумотлар, газета, радио, ТВ, алоқа воситалари маршрут иш бошлаганидан олдин тайёр бўлиши лозим. Турист маршрутда нимани кўради, нималар ҳақида маълумотлар эшитади, қандай юради, транспорт турлари, дам олиш, овқатланиш тартиби, кўнгил очар ўйинлар тури, экскурсиялар, учрашувлар ва ҳакозоларга жавоб бўлиши керак.Ахборотланганлик тамойили туризмдаги барча туристик ресурсларга ишлаб чиқиладиган туристик маршрутларда қўлланилиши шарт.

Қайд қилинган тамойиллар туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг асосларини, кўрсатмаларини, йўл-йўриқларини ташкил қилади. Маълум бўладики, туристик маршрутлар ишлаб чиқиш анча мураккаб жараён бўлиб, туристик хизматларни амалга оширишда юқори малакали мутахассисларни жалб қилишни талаб қилади.Шунингдек, туристик маршрутдаги хизматларни бажарувчилар ҳам тилларни биладиган, зиммаларига олган вазифаларни сидқидилдан бажарувчилар бўлишлари керак.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Туризм маршрутларининг туризмни ривожлантиришдаги тамойиллари нималарда намоён бўлади?.

2.Туризм маршрутларининг ижтимоий аҳамиятини тушунтиринг.

3.Туризм маршрутларининг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги ўрнини аниқланг.

4.Туризм маршрутларининг туристик инфратузилмалар яратишдаги аҳамияти нималарга асосланг?.

### 3.2.Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш усуллари

Туристик маршрутларни ишлаб чиқишда турли услубий ёндашишларни хисобга олиш талаб қилинади. Туризм соҳаси дастлабки ривожланиш даврида туристик маршрутлар ҳам, туристик экскурсия маршрутлари ҳам асосан оғзаки ташкил қилинади ва аниқроғи оғзаки дастурга асосланиб ўтказилаверади. Бундай ҳолатларда турист ўзи кўришни, боришни истаган туристик объектни тавсия қилади ва унга кўрсатиладиган хизматларнинг барчаси режалаштирилган оғзаки дастурлар бўйича амалга оширилади.

Туризм ривожлана борган сари туристларга бундай усулларда хизматлар кўрсатиш самара бермай қолади. Чунки, биринчидан, туристлар оқимининг кўпайиши, иккинчидан, барча туристларга оғзаки хизматлар кўрсатишга вақт етишмайди. Учинчидан, замонавий вақт талаби бўйича ҳозирда жуда кўплаб туристлар ўзи қизиқган туристик объектларга олдиндан буюртмалар беришга одатланган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда туристларга оғзаки ваъдалар бериш ва оғзаки усулларда туристик маршрутлар хизматларини кўрсатиш даври тугади. Одатланганимиздек, ҳозирча ички туристларга оғзаки туристик маршрутлар хизматларини кўрсатишимиз мумкин. Чунки, ички туристлар шу шароитларга ҳозирча ўрганишган. Ҳозирги замонавий туризмда, айниқса халқаро туристларга мукаммал режали, дастурли туристик маршрутларни ишлаб чиқишимиз талаб қилинмоқда.




Умумий қилиб олганда туристик маршрутларни ишлаб чиқиш 3 усулда амалга оширилади. Бу усулларнинг барчасида туристик маршрутлар ишлаб чиқиш фақат бир тизим талаблари асосида амалга оширилади. Аниқроғи, туристик маршрутлар ишлаб чиқиш технологияси бир усулда мавзулари турларнинг талабларига риоя қилади.

***Мавзули усул.*** Туристик маршрутларни ишлаб чиқишда энг кўп қўлланиладиган усул мавзули усул ҳисобланади. Туристик ресурсларнинг барчаси маълум бир тизимда (системада) турганлигидан, аниқроғи номланиши бўйича турларга ажратилган. Масалан: экотуризм, диний-зиёратгоҳ туризм, спорт туризми ва ҳакозолар. Қайд қилинган номланишлардан маълум бўладики, экотуризм маршрутлари табиат ландшафтлари ва унинг биологик ресурслари билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам, экотуризм маршрутларининг барчаси табиат ресурслари ва унинг турлари номи билан аталади. Масалан, «Табиат қўриқхонасининг ҳайвонот олами», «Табиат қўриқхонасининг ўсимликлар дунёси».Бу мавзулардаги туристик маршрутларни қўриқхонадаги ушбу туристик объектларга қизиқган туристларнинг ўзлари танлашади.



Экотуризм маршрутлари алоҳида табиий ландшафтларга ҳам ишлаб чиқилиши мумкин. Шунингдек, экологик-рекреция мавзусида ҳам мажмуали ҳолатда ишлаб чиқилиши мумкин. Масалан, қўриқхоналарда ишлаб чиқилган туристик машрутларни экотуризмнинг мажмуали маршрутлари деб атаса тўғри бўлади. Чунки, қўриқхонада турист табиатни ва унинг биологик хилма-хиллигини мажмуали ҳолда (ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар, сойлар, даралар, ўрмонлар, сув ҳавзалари ва ҳакозолар) томоша қилишади, дам олади-рекреация. Шунинг учун ҳам туризм маршрутлар ишлаб чиқиш асосий ҳолатларда туристик ресурс номи билан номланади.

***Мажмуали усулда*** туризм маршрутлар ишлаб чиқилганда маршрут номи бир мавзуда бўлиши ҳам ёки икки, айрим ҳолларда учта мавзуда бўлиши ҳам мумкин. Масалан: тарихий–диний зиёратгоҳ туризми маршрут лари; тарихий –рекреацион–спорт туризми маршрутлари. Бундай мажмуали туризм маршрутларни ишлаб чиқиш кўпинча халқаро туристларнинг талаб ва истаклари асосида амалга оширилади.

Мажмуали туризм маршрутлар аксарият ҳолларда узоқ масофалардаги туристик маконга–объектга туристлар ташриф қилинганда ишлаб чиқилади. Масалан: экотуризм ресурслари шаҳарлар ва туманлар марказларидан анча узоқда чўл ёки тоғ минтақаларида жойлашган. Табиий ҳолатки, бундай ресурсларга бирданига етиб бориш туристни чарчатади ва зериктиради. Шунинг учун ҳам, мажмуали маршрутларни ишлаб чиқилганда туристни қизиқтирган сўнгги (охирги) туристик ресурсга боришдаги йўл-йўлакай барча туризм ресурсларига экскурсиялар уюштириш, сўлим жойларда дам олиш, тунашини ташкил қилиш, энг муҳими, маршрут атрофидаги диққатга сазовар жойлар, қадимий масканлар, тарихий–маданий обидалар ҳам маршрутга киритилади.

Бундай мажмуали туристик маршрутлар гуруҳлар учун ҳам алоҳида турист (буюртма) учун ҳам ишлаб чиқилиши мумкин. Баъзи бир ҳолларда касбий фаолият туфайли келган турист туристик ресурсларнинг тарихи билан қизиқиши мумкин. Масалан, экотуризмдаги ҳайвонат олами билан қўриқхонада танишган турист унинг яшаш тарзи, ареали, биологияси билан қизиқиб қолганда туристик маршрут тузувчи мазкур ҳайвонот турлари бўйича ишлайдиган илмий марказлар, университетлар ва тажриба марказлари ва бу марказларда ишлайдиган олимлар билан учрашувларни ташкил қилишни ҳам маршрут дастурига киритади. Ана шу тариқа бир мавзули туристик маршрутлар кўп мавзули ёки мажмуали мавзули туристик маршрутларга айланиб боради.

***Картографик (харитали) усулда*** туристик маршрутлар асосан узоқ масофаларга мўлжаллланганлиги учун ҳаракатланиш маршрут ўтадиган

жойлардан харитадан фойдаланиб ишлаб чиқилади. Туристик маршрутни ўтказиш давомида ҳам харитадан фойдаланилади. Харита билан амалга ошириладиган туристик маршрутларда маршрутда дам олинадиган аҳоли жойлари ёки шаҳарларда дам олиш ёки овқатлантириш, тунаш хизматлари нинг даражалари олдиндан белгиланган бўлиши керак. Энг муҳими шундан иборатки, туроператор ушбу маршрутнинг йўли ҳолатини олдиндан яхши билиши, ўрганиши лозим бўлади. Чунки, мамлакатимизда кишки ва баҳорги мавсумлардаги сув тошкинлари, сел ходисалари баъзи холларда кўприклар ни, йўлларни ювиб кетиши ҳоллари учрайди.

Бу ҳолатлардан хабарсиз бўлиш натижасида узок масофали маршрут бузилиши мумкин. Бу усулда саргузашт туризми, сув хавзаларидаги саёхат, ғоршунослик туризми,табиий минтақаларга, тоғларга туристик маршрутлар ишлаб чиқилади. Картографик усулда туристик маршрут кўп холларда археологик ёки палеонтологик саёҳатларни ташкиллаштиришда ҳам жуда кўл келади.Тажрибали ва билимли туроператор ўзи ишлаб чиқган барча(узок ва якин туристик ресурсга, объектга) туристик маршрутнинг карта-схемасини қўйиши туристларда қизикиш ҳосил қилади. Айникса, карта-схемада асосий туристик объектга боришдаги йўл-йўлакай учрайдиган объектлар (маршрут даги экскурсия объектлари) шартли белгилар ва изоҳлар билан қўйилганда маршрут давомидаги саволлар камаяди.

### 3.3.Туристик маршрутларнинг мавзулари тур номларини англатиши.

Туристик маршрутларни тарихий ва диний зиёратгоҳ туризми жиҳатидан таърифлашда бу иккала турнинг бири–бири билан боғланганлиги ҳисобга олинади. Аслини олганда хам бу иккала турни ажратиб бўлмайди. Бу холат кўп холларда туристнинг талаби билан боғлиқ бўлади. Аникроғи халқаро туристлар бирор жойдаги диний зиёратгоҳлар, диний раҳномалар дахмаларини зиёрат қилганда бу раҳнома фаолияти, тарихи билан хам қизиқишади.Баъзи туристик маршрутларда номоз амалларини бажариш шароитларини талаб килиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда маршрутда қатнашувчи гид-таржимон тарихий жиҳатдан кучли билимга эга ва талаб қилинган шароитларни тезкор усулда яратиш тажрибаларига эга бўлиши талаб этилади. Махаллий туризм сайёҳлари эса аксарият ҳолларда фақат зиёратни ижро этишиб унинг тарихи билан қизикмайди.Тарихий ва диний туризм маршрутларини ишлаб чиқишдаги тайёрланган буклет, маршрут дастурида диний зиёратгоҳ маскани ва бу масканнинг юзага келишидаги тарихий даврлар ҳақида жуда қизикарли, қисқа-қисқа маълумотлар албатта туристни қизиқтиради.

Эътибор қилсак, хар қандай туристик ресурснинг ўзига хос тарихи мавжуд бўлади. Туризмдаги барча турларга туристик маршрутлар ишлаб чикканда туроператор бу саволга албатта маршрутда жавоб топиши лозим бўлади. Шунинг учун ҳам, туристик маршрутлар мавзусини номлаш, белгилаш асосан туристик ресурс-макон номи билан аталади. Масалан,



Регистон ансамбли, Шоҳизинда ёки Амир Темур дахмасига ишлаб чиқилган маршрутлар ана шу тарихий обидалар номи билан аталиши ҳаммага аён албатта. Бу маршрутларда баъзи туристлар (асосан ислом динидаги) биринчи навбатда зиёрат билан шуғулланишади ва қуръон оятларидан дуолар ўқишади. Кейинчалик эса бу зиёрагоҳ тарихи билан қизиқиши мумкин. Иккинчи хил туристлар (ислом динига эътиқод қилмаган) дастлаб ушбу туристик маконни томоша қилишади ва кейин унинг тарихи билан қизиқишади.

Қайд қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, туристик маршрутлар нинг деярли барчаси турнинг мавзулари балан номланади тарихий обидалар, зиёратгоҳ жойлар ҳамиша, деярли бир мавзули туристик маршрутларнинг мазмунини ташкил қилади.

*Туристик маршрутларни рекреация ва экотуризм талаблари* асосида ишлаб чиқилганда ҳам бу иккала турнинг бири-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳисобга олиши керак. Экотуризм ресурслари бу-табиат нинг бетакрор кўринишлари, биологик хилма-хиллик, биологик ресурслар, табиий минтқаларнинг ўзига хос иқлим шароитларига қизиқиш ҳисобланиши туризм соҳасидаги мутахассисларга ҳам, экотуризмга қизиқувчиларга ҳам маълум туристик тур ҳисобланади.

Рекреация туризми (рекреация–дам олиш, тикланиш) эса табиатнинг ўзига хос микроиқлимига эга бўлган сўлим гўшаларида (булоқлар, шифо бахш сувли булоқлар, доривор хусусияти бўлган дарахтзорлар, сойлар, даралар ва хоказо...) туристларнинг дам олиши ҳисобланади. Рекреацияли туризм ва экотуризм алоҳида–алоҳида турлар ҳисобланади. Лекин эътибор бериш лозимки, рекреацияли туризм ресурсларининг асосий қисми табиат ландшафтларида жойлашган (тоғларда, табиат минтақаларида, сув ҳавзалари да, дарёларнинг соҳилларида ва хакозо....).

Экскурсия туризми маршрутларини ишлаб чиқишда албатта экотуризм маршрутларидаги талаблар қўйилади. Аникроғи, рекреация туризми маршрутларини экотуризм маршрутлари деб аташ ҳам тўғри бўлади. Чунки, дам олиш масканига турист фақатгина табиат ресурслари орқали етиб боради ва дам олиш вақтида ҳам албатта атроф табиий муҳитни кўриш учун кунлик экскурсияларга чиқади.

Қайд қилинганларни ҳисобга олсак, туристик ресурсга туризм маршрут ларини ишлаб чиқишда туристик ресурсдан мажмуали фойдаланиш томонла рини ҳам ҳисобга олиш тўғри ёндашиш бўлади. Энг муҳими шундаки, туристик маршрут дастури маршрут атрофидаги барча қизиктирувчи объект ларни камраб олиши лозим. Туристик маршрутда туристни қизиқтирувчи, уни тўхтатиб томоша килдирувчи ресурслари канчалик кўп бўлса ушбу маршрутга талаб ҳам кўпаяди, туристик оқим ҳажми ошади.

***Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар ва топшириқлар:***

1.Туризм маршрутлари қандай усуллар билан ишлаб чиқилади?.

2.Мавзули усулда туризм маршрутларини ишлаб чиқишни тушунтиринг.

3.Мажмуали усулда туризм маршрутларини ишлаб чиқишни тушунтиринг

4.Харитали усулда туризм маршрутлари кандай ишлаб чиқилади?.

5.Мажмуали маршрутнинг дастури кандай тузилади?.

## 4-Мавзу. МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК ОЛИМЛАРНИНГ САЁҲАТЛАРИ МАРШРУТЛАРИ

**Режа:**

4.1.Марказий Осиёлик олимлар саёҳатларининг маршрутлари

### 4.1. Марказий Осиёлик олимларнинг саёҳатлари маршрутлари

Ўзга мамлакатларга аниқ мақсадлар билан саёҳат қилиш Марказий Осиё ўлкасида қадим замонлардан ривожланган бўлиб, ўлкамиздаги илк сайёҳлик кўринишлари «Буюк Ипак йўли»га бориб тақалади.Бунда миллод дан аввал и II-асрда очилган Буюк Ипак йўлини аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу йўл фақат савдо-сотиқ йўли бўлмай, айни пайтда дунё халқлари ўртасида маданий-маърифий ва илм-фан тараққиёти ҳамда халқаро алоқалар йўли бўлган.Ўрта Осиёлик саёҳатчиларнинг асосий қисми илм-фанга чанқоқ бўлган алломаларни ташкил қилган бўлиб, уларни сафар қилишга чорлаган сабаблардан бири, ўзга мамлакатлардаги илмий ва фалсафий мактабларнинг фаолиятини ўрганишдан иборат бўлган, қолган қисми зиёратчилардан иборат бўлиб, улар муқаддас жойларга бориб зиёрат қилиш мақсадида узоқ ва машаққатли саёҳатларини амалга оширганлар[23].

VII-VIII асрларда араблар Мовароуннаҳрни забт этиш йўли билан маҳаллий халқнинг урф-одати, дини ва эътиқоди, қадимдан ривожланиб келаётган маданиятга ўз таъсирини ўтказиб, аста-секинлик билан ислом дини кириб кела бошлади. Маҳаллий халқнинг ислом динига ўтиши билан Марказий Осиёни Араб мамлакатлари Маккаю Мадина билан боғлади. Ислом дини фарзларидан бири ҳажга бориш ҳисобланиб, Мовароуннаҳр ликлар ўз юртларидан чиқиб Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия орқали ўтиб, Саудия Арабистондаги Макка ва Мадинада ҳаж амалини бажарганлар. Бу йўл машаққатли, оғир, бир неча ой ва йилларни ўз ичига олган бўлсада, йилдан-йилга ҳажга борувчиларнинг сони ортиб борган.

Туризм тарихидаги туризмнинг шаклланиши масалаларига мутахассис лар турлича ёндашишади ва хулосаларга тўхталишади. Аксария ҳолларда туризмни иктисодиётда ҳам, инсониятнинг дунё бўйлаб характланишида ҳам янги феномен-кўриниш, соҳа деб қарашади.Иккинчи тараф-аслида туризм нинг тарихи ўтмишдаги дунё бўйлаб қилинган саёҳатлардан бошлан ган деб хулоса қилувчилар ҳам кўпчилик олимларни ташкил қилади.Лекин, туризм ҳақидаги замонавий таълимот дунёдаги биринчи саёҳатчиларни ҳам, улар нинг саёҳатларини ҳам туризмга алоқаси йўқ деб билишади. Бундай хулосага келувчиларнинг фикри бўйича биринчи саёҳатчилар саёҳатга ўзларининг хоҳиш-истакларича чиқишмаган. Бу саёҳатлар мажбурий бўлиб, эркинликни

[23] Каромиддин Гадоев,Собоҳат Бердиева, Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар, Тошкент-Ўзбекистон, 2012.-270 б



тан олишмаган. Уларнинг мақсади-янги тижорат бозорларини, янги ерларни очиш, зўравонлик билан халқларни бўйсиндириш, динни ёйиш ва ҳакозолар бўлган.

"Туризм" ва "турист" атамалари илмий адабиётларда XVIII асрнинг охирларида ёзила бошланди ва XIX асрда оммавий равишда қўлланила бошланди,XX асрнинг 60 йилларидан бошланиб ўзларининг ҳозирги таърифини халқаро микёсларда олди. Дунёдаги биринчи саёҳатни қадимги Миср маликаси Хетшепсут эрамиздан олдинги 1501-1448 йилларда ташкил қилган деб ҳисоблашади. Шунингдек, эрамиздан олдинги 2000 йилда Мисрлик Синухит ҳам ўзининг шаркга (Эдем) қилган саёҳатини "Синухит саёҳатлари"да ёзиб қолдирган. Ўтмиш тарихда бундай саёҳатлар жуда кўплаб амалга оширилган. Биз қуйида эрамиз остоналарида амалга оширилган ва ундан кейинги даврлардаги саёҳатлар ва бу саёҳатларнинг маршрутларига тўхталамиз.

Туризм маршрутларининг тарихи эса ҳақиқий туризм ва турист талабига жавоб берадиган Томас Кукнинг ташкил қилган маршрутларидан бошланади. Томас Кукгача бўлган саёҳатчиларнинг маршрутларини, янги ерлар очиш маршрутларини, буюк географик кашфиётчларининг маршрутларини ва бошқа маршрутларнинг ҳаммасини уларнинг ўз олдиларига қўйилган мақсадлар-бўйлик излаш, илм олиш,мажбурий ёки қизиқиш билан боғлик саёҳатлар маршрутлари деб баҳолаш мумкин. Туристик маршрут ҳозирги туризмнинг талабларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилгандагина туристик маршрут дейилишини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Марказий Осиёлик олимлар асосан VII асрдан ўз саёҳатларини бошлаган лар ва жаҳон халқлари тараққиётида ер юзида яшаган ва яшаб келаётган халқларнинг, миллатларнинг бирортаси Марказий Осиёлик олимларчалик оламшумул илмий–тадқиқотларни, ихтироларни кашфиётларни амалга оширган эмас. Ушбу қўлланма ҳажми чегараланганлигидан Марказий Осиёлик олимлар ва саёҳатчиларнинг тўлиқ маршрутларини келтиришнинг имкониятлари йўқ. Қуйида дунё халқларида эътироф этилган, эъзозланган ва эъзозланиб келинаётган машҳур ўтмишдошларимизнинг саёҳатлари ва уларнинг саёҳат маршутларининг бир қисмини келтирамиз.

***Аҳмад Фарғоний (797-865).*** Аҳмад Фарғоний Фарғонада туғилган ва дастлабки илмни шу ерда олиб вояга етган. Сўнг ўша замонда Шарқда машҳур бўлган Бағдоддаги "Байт ал-хикма" академиясида Муҳаммад ал-Хоразмий билан ишлаш бахтига муяссар бўлган. Аҳмад Фарғоний Қуёш ва Ой тутилишларини ҳам илмий жиҳатдан исботлаб берган, юлдузлар илмининг султони дейилган мирзо Улуғбекдан беш аср олдин Қуёш ва юлдузларнинг ҳаракат йўналишларини, Ер шар шаклида эканлигини ва у қутблар деб аталувчи икки ўқ атрофида ҳаракатланишини ҳам исботлаб берган.Орадан 800 йил ўтгач Христофор Колумб ҳамда 16 асрда Ер шари бўйлаб айланма саёҳатни оширган Фернандо Магеллан ҳам, Аҳмад Фарғонийнинг Ер шари ҳажмини ҳисоблаш учун ишлатган бир даража меридиан узунлиги ҳақидаги ҳисоб-китобларнинг нақадар тўғри эканлигини ёзиб қолдирган.

Ахмад Фарғоний Нил дарёсининг сувини доимий ўлчаб турувчи нилометр асбобини ясаган. Бу асбоб бўйича бутун Нил дарёзи ҳавзасида муваффакиятли деҳқончилик қилинган. Бу асбоб бўйича Нил дарёсининг тошкинли даврлари олдиндан маълум бўлган.Аҳмад Фарғонийнинг астрономия фанига қўшган ҳиссаси бекиёс ҳисобланади. У юлдузларнинг орасидаги Ердан Қуёш, Ой ва бошқа сайёраларгача бўлган масофани ва бу осмон жисмларининг ҳажмини аниқлаб жадвал тузган. Ушбу жадвалдан барча астрономлар, жумладан, Европаликлар астрономиянинг асосчиси деб ҳисоблайдиган Николай Коперник ҳам фойдаланган. Шунингдек, осмон жисмларининг ҳаракатланишини мукаммал ўрганган Аҳмад Фарғоний Қуёш ва Ой тутилиши ҳодисаларини ҳам илмий асослаб берган[24].

Миср ҳукумати ватандошимиз Аҳмад Фарғонийнинг ушбу мамлакат олдидаги хизматларига юксак эҳтиром сифатида Нил дарёсидаги Рода оролида унинг ҳайкалини ўрнатишга қарор қилди. Ушбу ҳайкал Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда Мисрга қилган расмий ташрифи чоғида тантанали равишда очилди.

***Муҳаммад Наршахий(899-959).*** Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий X асрнинг биринчи ярмида Бухорода яшаган машҳур тарихчи олим. У 943-944 йиллар давомида Исмоил Сомонийнинг эвараси Аҳмад ибн Исмоилас-Сомонийга тақдим этилган машҳур "Таҳқиқи ал-вилоят" асари Ўрта Осиёнинг IX-X асрларга оид маълумотларни ва сомонийлар сулоласи тарихини баён этувчи ягона ва кимматли, мукаммал манба ҳисобланади. Бу асар "Бухоро тарихи" ва "Наршахий тарихи" деб ҳам аталади. Наршахий Зарафшон дарёсини тўлиқ ўрганган ва бу водийдаги кўплаб шаҳар ва қишлоқларнинг жойлашган манзилларини, аҳолисини тасвирлаб берган.

Ўрта асрнинг VIII-XII асрлардаги тарихи ва тарихий географияси ҳақида сўз юритилар экан, Наршахийнинг номи тилга олинмаган биронта тадқиқотни топиш қийин. Шунинг учун ҳам йиллар ўтгани сайин олим яратган дурдона асарнинг аҳамияти ҳам ошиб бораверади. Унинг муборак номи эса Шаркнинг буюк алломалари қаторида бундан буён ҳам фахр билан тилга олинади.

***Замахшарий (1075-1144).*** Абдулқосим Махмуд ибн Умар аз-Замахшарий 1075 йилнинг 19 мартида Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган.У ҳаёти давомида тинмай саёҳат қилган. Сайёҳ-олим Шарқ, хусусан, мусулмон мамлакатларини 1100-11220 ва 1127-1139 йилларда икки марта айланиб чиққан. Замахшарий Хуросон, Эрон, Арабистон, Ироқ, Яман, Сурия, Марв, Нишопур, Исфахон, Бағдод, Ҳижоз, Дамашқ ва Макка шаҳарларида бўлиб асарлари учун бой манбалар тўплаган. Унинг қомусий асари-"Ал-Кашшоф"асари Қуръон тафсирига оид асарлар ўртасида энг мукаммал эканлиги шарқшунос ва арабшунос олимлар томонидан тан олинган.Шу сабабли, мазкур асар дунёнинг турли мамлакатларининг универ ситет ларида асосий дарслик сифатида ҳозиргача ўқитилиб келинмоқ да.

***Ҳофизи Абру (1362-1431).*** Темурийлар сулоласининг тарихчи ва географи Ҳофизи Абру Ҳирот шаҳрида туғилган. Ҳаёти давомида кўплаб саёҳатларга

[24]. Каромиддин Гадоев,Сабоҳат Бердиева, Жахонгашта сайёҳ-олимлар. Тошкент-Ўзбекистон. 2012.-270 б.



чиққан, Евроосиёнинг Ҳиндистондан то Шомгача бўлган ерларини, Кавказ ва Россиянинг кўплаб вилоятларини кезган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзиб қолдирган- "Йирок сафарлар асносида Мовароуннаҳр, Туркистон, Дашти Қипчоқ, Хуросон, Ироқ, Озарбойжан, Эрон, Муғон, Гуржистон, Катта ва кичик Арманистон, Рус ва Шом ерларининг барчасини, Фрот дарёси соҳилларини, Хазар соҳилларини, Қобулни, Мўлтонни ва Ҳиндистонни кўрдим"

***Абдураззоқ Самарқандий(1423-1482).*** 1441-1444 йилларда (Афанасий Никитиндан 25 йил олдин, Васко да Гамадан 56 йил олдин) Ҳиндистонга денгиз орқали бориш йўлини биринчи бўлиб босиб ўтган ва ушбу йўналишдаги ҳудудларни географик жиҳатдан тасвирлаб берган сайёҳ ватандошимиз Абдураззоқ Самарқандийдир. У саёҳат давомида Хуросоннинг қумли чўллари, Марказий Осиёнинг жануби, Озарбойжон, Эрон, Ироқ орқали ўтиб, Форс кўрфазидан Арабистонга чиққан ва мазкур денгиз орқали Ҳиндистонга етиб борган. Ҳиндистонга борган машҳур рус сайёҳи Афанасий Никитин ва голланд сайёҳи Васко да Гамалар Ҳиндистонга денгиз йўли билан боришда ватандошимиз Абдураззоқ Самарқандийнинг асарларидан фойдаланганликларини ёзиб қолдирган.

***Заҳириддин Муҳаммад Бобур(1483-1530).*** Заҳириддин ёшлик чоғларида нок турли саёҳатларни яхши кўрган.У 15-16 яшарлигида Фарғона, Самарқанд ва Тошкент ҳудудларини бир неча марта айланиб чиққан. 19 ёшга тўлганда Ҳисор тарафидан тоққа кўтарилиб Фандарё ва Искандаркўл орқали Зарафшон водийсига ўтиб Смарқандга келган.Бобурнинг ёзишича, 21ёшигача Фарғонадан Бухорогача, Тошкентдан Ҳисор ва Ҳиротгача бўлган барча шаҳар ва қишлоқларда ҳамда дашту тоғларда бўлган. У умрининг 30 йилини сафарларда ўтказди. Саёҳатлари даврида ўзининг шоҳ асари "Бобурнома" учун бой маълумотлар тўплаган.

"Бобурнома" Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон давлатларининг географияси, тарихи. ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, табиати, этнографияси ва тиббиётига оид муҳим маълумотлар тўплами жиҳатидан дунёдаги энг мукаммал асарлар рўйхатига киритилган. "Бобурнома"да 1000 дан ортиқ географик номлар-мамлакат, шаҳар, қишлоқ, қалъа, дашт, тоғ, довон, дара, дарё, кўприк, кечув, кўл, чашма, боғ, яйлов ва жойларнинг номлари келтирилган.

***Абу Райҳон Беруний (973-1048).*** Абу Райҳон Берунийнинг умри доимо саёҳат ва бир шаҳардан иккинчисига кўчиб юриб, тадқиқотлар ўтказиш билан ўтган.Бағдодда ой тутилишини исботлаб берган. Агар Берунийнинг бутун умри давомида қилган саёҳатларини сарҳисоб қилсак, у шимолда Хоразмга, жанубда Ҳиндистонга, ғарбда Каспий денгизи соҳили ва Бағдод оралиғида саёҳат қилган. У Покистон, Афғонистон давлатларида Қизилқум нинг шимолида бўлган. Беруний саёҳатлари натижасида Американи кашф этган Христофор Колумбдан 450 йил олдин Атлантика океанининг нариги қирғоғида қуруқлик борлигини башорат қилган. Берунийнинг хулосалари- XV асрдан бошлаб авж олган Буюк географик кашфиётларнинг амалга оширилишида ўзига хос замин яратган, пойдевор бўлган.

***Абу Али ибн Сино(980-1037).*** Ибн Сино хаёти давомида тез-тез саёхат килган ва кўп юртларни кезган. Бухородан кейин Хоразмда, Туркманистонда, Эрон шахарларида ва Каспий денгизи сохилларига саёхат қилган. Ибн Синонинг асарлари буюк географик кашфиётларнинг амалга оширилишига туртки бўлган. Ибн Сино ўз асарларида Ҳинд океани, Арабистон, Нил водийси, Узоқ Шимол, тропик мамлакатларни таққослаганлиги унинг ўша ўлкалар тўғрисида кўплаб китобларни ўқиганлигидан ва сайёхлар билан жуда кўп суҳбатланганлигидан далолат беради.

***Носир Хисрав (1004-1072).*** Носир Хисрав Балх шахри яқинидаги Қободиён қишлоғида туғилган. У 1045 йилнинг кузида Мурғоб дарёси бўйлаб жанубга юрди ва дарёнинг бошланишигача етиб боришда кўрганлари ни ўзининг эсдаликларига туширди. Иккинчи саёхатни у 1046 йил Арабистон га қараб бошлади..




*Носир Хисравнинг "Саёҳатнома"сидаги хаританинг проф. Ҳамидулла Ҳасанов қайта ишлаган нусхаси*

Манбаларда келтирилишича унинг бу сафари XI-асрда амалга оширилган энг узоқ муддатли, қизиқарли ва маълумотларга бой бўлган саёҳатлардан бири ҳисобланади. Мазкур саёхат Марвдан бошланиб,Эроннинг шимолий қисми, Арманистон, Туркиянинг жануби, Арабистоннинг Макка ва Мадина шахарлари, Ливан ва ҳозирги Исроил ерларидан ўтиб Мисргача давом этган. Шундан кейин, олим Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларига саёхат қилди. Унинг "Сафарнома" асари жаҳон географиясидаги энг нодир асарлардан бири сифатида қабул қилинган.Носир Ҳисравнинг энг катта саёхати 7 йил давом этган, бу саёхатда у 15 минг км йўл босган. Жанубий Осиё ва Арабистонни пиёда кезиб чиқган. Шунинг учун ҳам, Нил дарёси ва Арабистон табиати ва шахар, қишлоқларини мукаммал таърифлаган



***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Абдураззоқ Самаркандийнинг саёҳатлари маршрутини тушунтириб беринг.

2.Носир Хисравнинг саёҳатлари ҳақида презентацияли маъруза тайёрланг.

3.Захириддин Мухаммад Бобурнинг саёҳатлари маршрутини гапириб беринг.

4. Абурайхон Беруний қаерларга саёхат қилган?.

5.Ал -Хоразмийнинг фаолияти ҳақида презентацияли маъруза қилинг.

## 5-Мавзу.ЧЕТ ЭЛЛИК САЁҲАТЧИЛАРНИНГ МАРШРУТЛАРИ

**Режа:**

5.1. Чет эллик саёҳатчиларнинг маршрутлари

### 5.1.Чет эллик саёҳатчиларнинг маршрутлари

Чет эллик саёҳатчилар маршрутлари ҳам нисбий деб олинди.Чунки, чет эллик саёҳатчиларнинг барча саёҳатларини келтиришнинг ҳам иложи йўқ. Шунинг учун ҳам чет эллик саёҳатчиларнинг энг машҳурлари, уларнинг янги дунёни кашф қилишидаги жасурлик билан амалга оширилган саёҳатлари маршрутлари жаҳон халқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта таъсирлар кўрсатганлликлари эътиборга олинди. Масалан, дунё қитъаларини, бу қитъаларда яшовчи халқларни эрамиздан олдиги 1-асрларда бирлаштирган "Буюк ипак йўли"нинг очилиши ва асрлар давомида фаолият кўрсатишини бир киши-Хитойлик машҳур разведкачи, олим, жасур сайёҳ ва кўплаб давлатларда элчи номини олган Чжан Цян номи билан боғлиқ.

***Чжан Цян***(милоддан олдинги 103 йил)."Буюк ипак йўли"нинг очили шида милоддан аввалги 2-асрда яшаган хитойлик дипломат ва сайёҳ Чжан Цяннинг хизматлари катта. Айнан, шу хитой дипломати биринчи бўлиб Тянь-Шань тоғлари оша Хитойдан Ўрта-Осиёга саёҳат қилган. Чжан Цяннинг босиб ўтган йўлидан Европа ва Хитой ўртасида қатнайдиган савдо карвонлари кенг фойдалана бошлаган. Маълумки, Хитой қадим замонларда четга кўплаб миқдорда ипак чиқарган ва шунинг учун ҳам кейинчалик бу йўл "Буюк ипак йўли" номини олган[25].

Чжан Цян милоддан аввалги 138 йилда Хитой императори У Диннинг топшириғига биноан, муҳим дипломатик миссияни амалга ошириш мақсадида Пекиндан Ўрта Осиёга саёҳат қилган. Ушбу саёҳат натижасида сайёҳ биринчи бўлиб Ўрта Осиё, Помир ва Тянь-Шань тоғлари, Амударё ва Сирдарё, Лобнор кўлига қуйилувчи Торим дарёлари ҳақидаги маълумот ларни Хитойга олиб келган. Тарихчилар беда, узум, анор, бодринг, ёнғоқ ва бошқа кўплаб маданий ўсимликларнинг Хитой ҳудудларига кириб келишини ҳам Чжан Цян номи билан боғлайдилар.Милоддан аввалги 118-115 йиллар ўртасида Чжан Цян

[25] Каримиддин Гадоев,Сабоҳат Бердиева,Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар,Тошкент-Ўзбекистон,2012.-270 б.

Тянь-Шань тоғлари оркали Ўрта Осиёга иккинчи саёҳатни муваффакиятли амалга оширди. Бу ҳакда хитойлик тарихчи Сима Цян “ушбу саёҳат натижасида Хитой ўзидан шимоли-ғарбда жойлашган мамлакатлар билан алока йўлларини очди” деб ёзган эди.

***Эрик Рауде (Малла)(950-1003).*** Янги Дунёни очган Колумбдан карийб 500 йил илгари шимолий Европалик викинглар Шимолий Американи кашф этишган ва у ерда бирмунча вакт яшашган ҳам. Аммо 10-аср шароитида викингларнинг бу кашфиёти узоқ Гренландия музликларида номаълумлигича колиб кетган. Кейинги вақтларда эса бу тарихий ҳакиқат бирмунча тикланиб, Шимолий Америкага биринчи бўлиб борган Европаликлар каторида Скандинавиялик викинглар, жумладан, Эрик Рауденинг номи ҳам тилга олинмокда.

***Маҳмуд Қошғарий (1029-1101).*** Маҳмуд Қошғарий Хитойнинг Қашкар шаҳрида туғилган. Манбаларга кўра,у Жанубий-Ғарбий Осиёнинг кўплаб шаҳарларида бўлган, Бағдодда ҳам яшаган. Туркий тилларнинг хусусиятларини ўрганиш максадида олим кўп йиллар давомида” Румдан Мочингача”-Ўрта ер ва Қора денгизлари бўйларидан то Хитойгача саёҳат қилган, туркий қабилалар яшайдиган ерлар, шаҳар ва кишлокларни кезган. Унинг “Девони луғотит турк” (Туркий сўзлар луғати)-“Девон” дунё илмининг нодир комусий асари сифатида тан олинган. Шунинг учун ҳам шаркшунос Н. Баскаков Махмуд Қошғарийни-“туркий тилларни қиёслаш борасида йўлчи юлдуз”-деб атаган бўлса, яна бир таниқли шаркшунос олимни “11 асрнинг Радлови”-дея тарифлаган эди.

***Идрисий(1100-1165).*** Идрисий Марокашнинг Сеут шаҳрида туғилган. У 16 ёшидаёқ Кичик Осиёга саёҳат қилган. Тарихчиларнинг манбалари бўйича Ал-Идрисий Европа бўйлаб саёҳат килиб, бу мамлакатларнинг 11-12 асрлардаги ҳиёти тўғрисида кимматли маълумотларни қолдирган дастлабки араб олимларидан ҳисобланади. Марокашнинг Жанубий-Ғарбий Европага географик жиҳатдан яқинлиги боис сайёҳ 1120 йиллар давомида Португалия, Франция, Англия, Шотландия, Ирландия, ва Ғарбий Германияга бир неча бор саёҳат қилган. Шунингдек, сайёҳ Польша, Византия, Болқон ярим ороли, Шимолий Африка ва Шаркий Европадаги баъзи давлатлар ҳақида бой географик маълумотла тўплади. У ўз асарларидаги матнларда 6000 та, илова қилинган хариталарида эса 2500 дан ортиқ географик объектлар номини келтирган.

***Ибн Баттута (1304-1377).*** Марокашлик Ибн Баттутанинг номи Шарк мамлакатларида яратилган географик кашфиётлар рўйхатининг биринчи ўрнида туради. Унинг “Ибн Баттутанинг саёҳати” китоби дунёнинг машҳур географлари эъзозлаган асарлардан бири ҳисобланади.У 21 ёшида-1325 йилда Саҳрои Кабирни пиёда кесиб ўтиб Маккага саёҳат қилди. Шундан сўнг Ибн Баттута Яқин Шарқ ва Ўрта Шаркнинг энг гуллаб яшнаган шаҳарлари Қуддус, Дамашк, Макка, Басра, Бағдод ва Табризда бўлди.






*Ибн Баттутанинг саёҳатлари харитаси*

У Маккада ватандошимиз Имом ал- Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” деб номланган машҳур ҳадислар тўплами бўйича маърузалар ўқиди. Унинг иккинчи сафари *Қизил денгиз–Яман–Сомали–Форс кўрфази–Арабистон ярим оролидан* (пиёда)да ўтди.Сайёҳ-олимнинг учинчи саёҳати Туркия шаҳарлари ва Қора денгиз соҳилларини ўрганишга бағишланди. Шундан кейин Ибн Баттута Қрим-Азов денгизи–Шмолий Кавказга саёҳат уюштирди. Бу саёҳат давомида Баттута Астраханга келди ва Хоразмлик савдогарлар билан Ўрта Осиёга йўл олди. Унинг 15 йиллик саёҳати шу тарика бошланди.

Унинг асарларида марказий Осиёнинг ўша вактдаги энг йирик шаҳарларининг таърифлари мукаммал ёзилган. Баттута Самаркандда кейин Хуросонга-Эрон ва Афғонистоннинг барча шаҳарларида бўлди. У ўзи бир умр орзу қилган Ҳиндистонга 1333 йилда етиб келди. Баттута 1342 йилда ҳинд элчиси сифатида Хитойга сафар килди. Шундан сўнг сайёҳ Малазия- Бенгалия оркали яна Ҳиндистонга сўнгра денгиз йўли билан Тунис-Италия оркали Марокашга қайтиб келди.

Машҳур сайёҳнинг сўнги сафари Африка табиатини ва давлатларини ўрганиш бўлди. Бу саёҳат давомида Ибн Баттута Саҳрои Кабирни иккинчи маротаба пиёда юриб ўтди. У дунёнинг уч китъасида 28 йил бўлиб 120 минг километр масофани босиб ўтди.

Қуръони каримни рус тилига таржима қилган рус арабшунос олими И.Крачковский-*“Машҳур Ибн Баттута барча мусулмон давлатларини айланиб чиққан охирги буюк сайёҳ ва универсал географ-амалиётчи эди. Унинг саёҳати ҳамиша эҳтиром билан тилга олинади.Ўрта асрлардаги Олтин Ўрда ва Ўрта Осиё ҳақидаги бирор-бир илмий ишни Ибн Баттутага мурожаат қилмасдан бажаришнинг иложи йўқ”.*

Таникли немис географи Р. Хенниг - “*14-асрда яшаган Марокашлик Ибн Баттута қадимги дунё ва Ўрта асрлар билган сайёҳларнинг энг буюги сифатида тан олиниши лозим*”.

**Марко Поло(1254-1324).** Марко Поло ўрта асрлардаги Осиё давлатларининг хаёти билан европаликларни таништиришга муяссар бўлган жасур сайёх эди. Марко Поло ўз саёҳатларини ўз даврининг йирик савдогари бўлган 1271 йилда отаси Николло Поло билан бирга бошлади. Улар Венециядан Туркияга, ундан кейин Ироқга, Хуросон ўлкасида бўлишди. Хуросондан Хитойга ўтишди. Ғоят билимдон бўлган Марко Полони Хитой хони Хубилай хон ўз саройига ишга олди ва бутун Хитой ҳудудларини ўрганишни топширди.




Марко Полонинг барча саёҳатлари "Дунёнинг ранг-баранглиги хакида китоб" тасвирланган. Бу китобда Марко Поло Бухорони йирик савдо маркази сифатида тасвирлаган. "Бухородаги бинолар қуёшда ялтирайди, бозорлари қимматбахо буюмларга тўлиб кетган"- Бу сўзлар Марко Полонинг китобидан олинган. Сайёҳ Самаркандни "Буюк ва улуғвор шаҳар, жуда кўп боғлари бор" деб тавсифлаган.У Осиё мамлакатлари, Марказий Осиё давлатларининг географияси, Эрон, Мўғулистон, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия ҳакида батафсил маълумотлар ёзиб қолдирган. Якин вақтларгача Самарқанднинг темир йўл вокзалида Марко Полонинг барельфи туширилган катта хотира мармар тош сақланарди. Дунё таниган, Самарқандимизга келган жасур сайёх Марко Пологa қўйилган бу ёдгорлик жойида турса бўлар эди. Ҳеч кимга халакт қилмаган, болаларимизга кўплаб қизиқишларни берадиган ёдгорлик манман,тайинсиз раҳбарлар томонидан йўқ қилинди. Афсус.

**Афанасий Никитин(1433-1475).**



Афанасий Никитин Озарбайжон ва Эрон орқали Ҳиндистонга саёҳат қилган таниқли сайёх, савдогар ва ёзувчидир. Ҳиндистон сафаридан қайтишда У Африканинг Эфиопия ва Сомали қирғоқларида Уммон ва Туркияда бўлди. А. Никитин саёҳатларини батафсил ёзиб борган. Унинг кундаликлари "Уч денгиз оша саёҳат" номи билан нашр қилинган. Унинг номи Россиянинг буюк географлари рўйхатига кири тилган.




Ватани Твер шаҳрида ҳайкали қўйилган. У Португалиялик сайёх Васко да Гамадан 35 йил олдин Ҳиндистон йўлини очган жасур саёх сифатида тарихда қолди. Биз учун энг муҳими шундан иборатки, савдогар-географ бўлган Афанасий Никитин ўзининг кундаликларида мардлиги туфайли Ҳиндистонга боришида ватандошимиз Абдураззок Самарқандийнинг асарларидан фойдаланганлигини ёзиб қолдирган. Унинг бу маълумотларига қарамасдан руслар Ҳиндистонга қуруқлик маршрутини очган сайёҳ бизнинг Афанасий Никитин деб овоза қилишди. Шу ерда яна бир бор таъкидлаймизки, қуруқликда ҳам, денгиз йўли билан ҳам Ҳиндистонга бориш маршрутини биринчи бўлиб очган ватандошимиз Абдураззоқ Самарқандий ҳисобланади.

**Руи Гонсалес Де Клавихо (?-1412).**Соҳибкирон Амир Темур ҳукмронлик қилган XV асрдаги Мовороуннаҳр ва унинг баъзи шаҳарлари ҳакида ёзилган тарихий-географик манбалар ичида машҳур испан сайёҳи Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга қилган сафари тенгсиз ҳисобланади. 1403 йилда Кастилия қироли Энрике III нинг Амир Темур саройида элчи қилиб тайинланган Клавихо Самарқанд атрофларини яхши ўрганган ва бу кузатишларини «Амир Темур саройига 1403-1406 йиллардаги кундалик" асарида баён қилган.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Ватанимизда бўлган чет эллик сайёҳлар ҳакида маълумотлар беринг.
2.Соҳибкирон Амир Темур саройига элчи бўлиб келган сайёҳ ҳақида презентацияли маъруза тайёрланг.
3.Ибн Баттутанинг саёҳатлари маршрутларини тушунтиринг.
4.Марко Поло саёҳатлари маршрутларининг схемасини тайёрланг.
5.Буюк ипак йўлининг очилишига сабабчи бўлган сайёҳни аниқланг ва у ҳақида гапириб беринг.

## 6- Мавзу. БУЮК ГЕОГРАФИК КАШФИЁТЧИЛАР САЁҲАТЛАРИНИНГ МАРШРУТЛАРИ

**Режа:**

6.1.Буюк географик кашфиётчиларнинг саёҳати маршрутлари

### 6.1.Буюк географик кашфиётчилар саёҳатларининг маршрутлари

***Христофор Колумб(1451-1506).*** Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини излаб Марказий ва Шимолий Американи кашф қилган, географик кашфиётлар борасида ҳам, хато-хулосаларга келишда ҳам, унинг ҳаёти кирраларини тадқиқ қилинган ва қилинаётган асарлар сони бўйича ҳам машҳурликда Христофор Колумбга тенг келадиганлар жуда кам. У 1492-1493 йилда Америкага биринчи экспедиция, 1493-1496 йилларда иккинчи экспедиция, 1498-1500 йилларда учинчи экспедиция ва1502-1504 йилларда тўртинчи экспедицияни ташкил қилган.

***Васко Да Гама (1469-1524).*** Ҳиндистон кадим замонлардан бери Европалик олим ва сайёҳларнинг тинчини бузган давлат эди. Бу ғаройиб давлатга курукликдан борадиган йўллар кашф қилинган бўлсада Европаликлар учун бу йўллар жуда хатарли бўлган. Шунинг учун ҳам15 асрда Европалик сайёҳлар Ҳиндистонга денгиз билан бориш йўлларини излай бошлади. Ватандошимиз Абдураззоқ Самарқандийнинг бу йўлни очгани овоза бўлмаганди. Бу муаммони Португалиялик Васко Да Гама ҳал қилди ва инсониятнинг буюк кашфиётчилари рўйхатидан жой олди.




*1497-1499 йилларда Васко да Гаманинг Ҳиндистонга денгиз йўлини очиши*

***Америго Веспуччи (1454-1512).*** Американинг яхлит китъа эканлиги ҳақида биринчи бўлиб хабар берган, Марказий Америка ва Жанубий Америка қирғоқларига 1499-1500 йилларда биринчи, 1501-1502 йилларда иккинчи ва 1503-1504 йилларда учинчи экспедицияни ташкил қилган ва бу саёҳатлари туфайли номининг абадий унутилмаслигига эришган машҳур тадқикотчи-географ. Америка унинг номи билан аталиб келинмоқда.






*Америго Веспуччининг марказий ва жанубий Америкага саёҳатлари маршрути*

Шу ўринда афсусланарли шу ҳолатни қайд этишимиз керакки, инсоният тараққиётини бутунлай янги йўналишларга солиб юборган Буюк географик кашфиётлар даврида тузатиб бўлмас тарихий ҳақсизликга Христофор Колумб ва ватандошимиз Абдураззок Самарқандий учради. Юқорида қайд қилганимиздек, ватандошимиз А. Никитиндан 25 йил олдин, Васко Да Гамадан 56 йил олдин Арабистон ярим оролига етиб бориб, Ҳиндистонга денгиз ва океан орқали биринчи йўлни очган эди. Ўша даврларда А.Никитин ҳам, Васко Да Гама ҳам Ҳиндистонга денгиз йўли билан боришда Абдураззок Самарқандийнинг асарларидан фойдаланганликларини ёзишган. Уларнинг хабарларига ўша давр тарихчилари ҳам тадкикотчилари ҳам албатда эътибор беришликлари керак эди.

***Фернандо Магеллан (1480-1521).*** Буюк географик кашфиётлар тарихига португалиялик машҳур сайёҳ Фернандо Магеллан Ернинг шарсимон эканлигини тасдиқлаган ва сайёрамиз атрофи бўйлаб биринчи айланма денгиз саёҳатини амалга оширган машҳур инсон сифатида киритилган. Ф. Магелланга дунёдаги жуда кўплаб давлатлар ҳайкал қўйишган. Унинг номига "Инсоният тараққиётининг янги даврини бошлади" сўзлари ҳам қўйилган.Таъкидлаш керакки, Магеллан саёҳатнинг муваффақиятли тугашига ишонмаган (балки, у ўзининг фожиали ўлимини сезгандир). Аммо саёҳат муваффақиятли якунланди. Ушбу саёҳатдан ватанига қайтиш насиб этмаган бўлсада Магеллан ўлими олдидан ўз мақсадига эришганлигини айтган (Филиппин оролларидаги қабилалар бошлиқларининг жанжалларига аралашиб қолган Магеллан 1521 йилнинг 21 апрелида Лапу-Лапу қабиласининг сардори томонидан ўлдирилган).




*Ф. Магелланнинг 1519-1522 йиллардаги Ер шари бўйлаб биринчи айланма саёҳати маршрути*

***Семён Дежнёв (1605-1673).*** Семён Иванович Дежнёв-таникли рус денгизчи-сайёхи. У даниялик рус сайёхи Витус Берингдан 80 йил олдин Осиё ва Американи ажратиб турувчи Беринг бўғизидан биринчи бўлиб ўтган. Осиё ва Американинг бирлашган ва бирлашмаганлиги ўша замонларда аник эмасди. Жасур сайёх С. Дежнёв бу йўналишда шимолга кўплаб экспедиция лар ташкил қилди ва ниҳоят 1648 йилги экспедицияда У Осиё ва Американинг алоҳида-алоҳида континент эканлигини хал қилди. Унинг экспедиция хисоботида *"эскимослар яшайдиган ороллар ёнидан денгиз-океан орқали ўтдим ва катта ернинг (Осиёнинг) қирғоқлари ҳеч қаерда "Янги ер" (Америка) билан туташмаган"*.

Тарихда биринчи марта ушбу бўғиздан сузиб ўтган ва кашф қилган С. Дежнёв муҳим географик масалани хал қилди. У мазкур саёҳати натижасида Американинг мустақил континент экани ва Европадан Хитойга Шимолий денгиз йўли орқали бориш мумкинлигини исботлади. Аммо жасур сайёҳнинг хисоботлари Якутскда қолиб кетган ва кенг жамоатчилик ҳам илм аҳли ҳам буюк кашфиётни ўз вактида билмаган. Аммо ҳозиргача кўплаб тадкикотчи лар Якутияликларни илмсизликда ва С.Дежнёвга нисбатан хиёноткорликда айблайдилар.

Европа давлатларида ушбу кашфиёт ҳақида маълумотларнинг бўлмаганлиги сабабли, Америка ва Осиё ўртасидаги бўғизнинг кашфиётчиси деган ном Витус Берингa насиб этди ва ушбу бўғизга унинг номи берилди. Кеч бўлсада Россия хукумати С. Дежнёв номини абадийлаштирди. Сайёх хотирасига хурмат тариқасида Шимолий муз океанидаги орол, ярим орол, қўлтиқ ва Ёкутистондаги қишлоқ унинг номи билан аталган. Сайёхнинг ватани Великий Устюгда ва Россия шон-шараф боғида унга ҳайкал ўрнатилган.






*Семён Дежнёв саёҳати маршрути*

***Витус Беринг (1631-1741).*** Витус Иоанассен Беринг-машҳур рус денгизчи сайёхи, рус флотининг командири. Асли келиб чиқиши Даниялик. В. Беринг 1725-1730 ва 1732-1742 йилларда рус флоти томонидан амалга оширилган биринчи ва иккинчи Камчатка экспедицияларига бошчилик қилди. В. Беринг биринчи экспедицияда кўплаб ороллар ва бўғизларни ерларни кашф қилди ва Америка билан Осиёнинг ўртасидаги бўғиздан ўтган, лекин қуюқ туман бўлганлигидан Америка кирғоқларини кўрмаган.

Иккинчи экспедицияда-1741йилнинг 17июлида денгизчилар 58 даража ли шимолий кенгликдан юқорирокда баланд тоғ тизмасини кўрдилар. Бу Шимолий Америка эди. В.Беринг бу ерда 7 та орол, битта ярим орол ва Алеут тоғларини кашф этди ва харитага туширди. В. Беринг 1741 йилнинг 4 ноябрида кейинчалик ўзининг номи билан номланадиган оролга етиб келди. Экспедицияда озиқ-овқат тугаган, кучли совуқ натижасида денгизчилар касалликка чалина бошлади. Худди шу ерда В. Беринг ва кўплаб денгизчилар ҳалок бўлишди. Қолган 46 денгизчи музлаб қолган кемадан қайиқ ясаб, елкансиз фақат эшкаклар ёрдамида узок сузиб, 1742 йилнинг августида Петропавловск шаҳрига етиб келишди.

Витус Берингнинг олиб борган тадкикотларининг нақадар тўғрилиги ни биринчи бўлиб инглиз сайёхи Жеймс Кук эътироф этди ва Америка билан Осиё ўртасидаги бўғизни Беринг бўғизи деб номлашни таклиф этди. Жасур денгизчи сайёх номига кўплаб ороллар, дарёлар қўйилди. Тинч океанидаги сайёх вафот этган Беринг оролида унинг ҳайкали ўрнатилган.

***Жеймс Кук (1728-1779).*** Жеймс Кук машҳур инглиз денгизчи-сайёхи ва картографи, кўплаб янги ороллари кашф этган, Ер шари бўйлаб учта айланма саёхатга бошчилик қилган, китъаларнинг қирғоқларини ва денгиз, океанларни тадқиқ қилган, биринчи бўлиб Австралия қирғоқларини харитага туширган, айсбергларга биринчи бўлиб таъриф берган, дунёнинг кўплаб давлатларининг халқаро мукофотларини олган машҳур сайёх. Дунёда ўтмишда ҳам, ҳозирги

даврларда ҳам машҳур бўлган ва ҳаёти даҳшатли даражада фожиа билан тугаган жасур инсон.

Жеймс Кукнинг ўша вақтдаги машҳур "Индевор" кемаси 1799 йилнинг январ ойида ўзи кашф қилган Гавайи ороли қирғоқларида лангар ташлади. Маҳаллий–аборигенлар-каннибалларлигини (одамхўрлар) Жеймс Кук яхши биларди. Ҳатто у олдинги саёҳатларида уларни қўй гўштига ўргатиш учун Англиядан кўплаб тирик қўйлар ҳам олиб келганди.



Жеймс Кукнинг Ер шари бўйлаб айланма саёҳатлари харитаси:
—— – биринчи саёҳат; —— – иккинчи саёҳат;
—— – учинчи саёҳат.

*Жеймс Кук саёҳатлари маршрути*

Аборигенлар Кукни ўз худоларидек кутиб олди. Ўз навбатида Кук ҳам уларнинг кемани томошо қилишига рухсат берди. Бунга Гавайиликларни яхши биладиган тажрибали денгизчилар қарши чиқишди. Лекин Кук айтгани ни қилди ва даҳшатли хатога йўл қўйди. Маҳаллий аборигенлар кемадаги кўплаб нарсаларни муқаддас билиб ўғирлай бошлади, хатто кеманинг муҳим қисмларини синдириб уни ишдан чиқарган. Бунинг натижасида маҳаллий аҳоли билан денгизчлар ўртасида тўқнашувлар келиб чиқди.

Кеманинг ўғирлаб кетилган қисмларини кайтариб олиш мақсадида маҳаллий аҳолининг сардори Каланиопуни гаровга олинди. Сардорини қутқариш учун аборигенлар кемани ўраб хужум қилдилар. Ана шундай тўқнашувларда бирида, 1779 йилнинг 14 февралида Жеймс Кук орқасидан найза санчиб ўлдирилди. Экспедиция аъзолари Кук жасадининг каннибал аборигенлардан ортган қолдиқларини орадан анча кун ўтиб, яъни 22 февралда денгизга дафн этдилар. Англияликлар Жеймс Кук номини Англия нинг ўтмишдаги ва ҳозирги тараққиётига буюк хизматлар қилган улуғ фарзандлари рўйхатига киритишган. Унинг ҳаёти, Англия ва дунё халқлари олдидаги



хизматлари мактабларнинг, институт ва университетларнинг ўқув дастурларига киритилган.

Жеймс Кук бутун ҳаёти давомида "интилиш ва мақсадга эришиш" деган шиорга қатъий амал қилиб яшаган. Унинг хотираси 20 дан ортиқ географик объектларда абадийлаштирилган. Гавайиликлар ўз ватанларида Жеймс Кукга ҳайкал қўйишган ва Гавайилиликлар ҳозиргача ўтмишдошларининг мудҳиш жинояти учун Жеймс Кук авлодларидан ва бутун инсониятдан кечирим сўраб келмоқда.

***Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар ва топшириқлар:***

1. Христофор Колумб неча марта саёҳат қилган ва қаерларни биринчи бўлиб кашф қилган?.
2. Жеймс Кук ким бўлган?
3. Витус Беринг нима мақсадларда саёҳатларга чиқган?.
4. Америка қирғоқларининг Осиёдан ажралиб турганлигини ким кашф қилган?.
5. Австралиянинг яхлит материк эканлигини ким исботлаган?.

## 7-Мавзу. ЯНГИ ДАВР ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИНГ МАРШРУТЛАРИ

**Режа:**

7.1.Янги давр географик тадқиқотчиларининг маршрутлари

### 7.1. Янги давр географик тадқиқотчиларининг маршрутлари

Янги давр географик тадқиқотлари асосан XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Бу даврларда инсоният ўз тараққиёти зиналарининг анча баландларига чиқиб олган ва навбатдаги чўққиларга чиқишни бошлаган даврлар эди. Лекин, ҳали инсонларнинг қадами етмаган ерлар ("очилмаган кўриклар"), халқлар ва элатлар, кўплаб табиий минтақалар, тоғлару-саҳролар ва ер сайёрасининг иқлим хусусиятлари, ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ сиру – синоатлар жуда кўп эди. Шу билан бирга бу вақтларга келиб саёҳатларнинг транспортлари, асбоб-анжомлари, улар билан алоқа қилиш воситалари, оғир ҳолатларда уларни қутқариб қолиш имкониятлари анча такомиллашган бўлса ҳам бу даврларнинг саёҳатчилари янги кашфиётлар учун ўз ҳаётидаги барча нарсалардан, имкониятлардан, нозу-неъматлардан ва шоҳона яшашдан воз кечган, ҳаттоки, ҳаёти хавф–хатарларга тўла бўлишини билган жасур олимлар, машҳур инсонлар эди. Шунинг учун ҳам ҳозирги инсоният уларни тилдан қўймай ёдида сақлаб, хотирасини ардоқлаб келмоқда.

***Александр Гумбольдт(1769-1859).*** Германиялик машҳур географ олим "XIX асрнинг Аристотели» номини олган эди. У Европа, Марказий ва Жанубий Америка табиатини мукаммал ўрганган. У ўз асарлари билан Ер қобиғидаги қаттиқ, суюқ ва ҳаво қобиқлари ўртасидаги қонуниятларни ўрганишга қаратилган табиий географияга асос солди. У жанубий

Америкадаги 700 дан ортиқ тепалик ва тоғларнинг гипсометриясини аниқлади, саёҳатлари даврида 4 мингга яқин ўсимликлар тури, фанга номаълум бўлган 1800 та ўсимликларнинг гербарийсини тўплади. Унинг ўзи ва шогирдлари Америка саёҳатлари натижаларини чоп қилиш учун 26 йилини сарфлади. Бу машҳур асарнинг 1-жилди 1807 йилда, 30-жилди 1833 йилда чоп қилинган. 1827-йилда у Қуёш тасвири туширилган «Дунёни ёркин нурлар билан ёритган шахс» медалига сазовор бўлган. Унинг «Коинот» деб номланувчи 5 жилдлик асари ҳозир ҳам машҳур ҳисобланади.




*А.Гумбольдтнинг Россияга саёҳати маршрути*

**Фритьоф Нансен(1861-1930).** Шимолий муз океанини ва энг катта муз ороли–Гренландияни ва жанубий қутбни тадқиқ қилган машҳур норвег олими, сайёҳи.




*Ф.Нансеннинг 1893-1896 йиллардаги экспедициялари маршрутлари*



**Руаль Амундсен(1872-1928).** Илм–тадқиқот йўлида жаҳонда машҳурлар нинг машҳури бўлганлар анча озчиликни ташкил қилади. Ана шу озчилик нинг ҳам биринчиларидан бири-Руаль Амундсендир. Шимолий ва Жанубий қутбларга якка ўзи биринчи бўлиб борган.




*Р. Амундсеннинг Жанубий қутбга саёҳати маршрути*

Шимолий қутб денгизи йўлини ҳам биринчилардан бўлиб кашф қилган. У шимолий муз океани қирғоқларини биринчи бўлиб тўла босиб ўтган қутбшунос олим сифатида ҳам тарихда қолган. Жасур денгизчининг машҳурлигининг асослари унинг хавф-хатарлар тўла, инсон қадами етмаган нотаниш, қаҳратон қиш ойларида шимолий ва жанубий қутбга якка ўзи биринчи бўлиб етиб борганлиги ва эсон-омон уйига қайтганлиги ҳисоблана ди. Р. Амундсен географик кашфиётлар тарихида қатор янги саҳифалар очган. Узоқ йиллар давомида у Ер шарининг шартли ўқи ўтадиган ҳар иккала нуқталар-Шимолий ва Жанубий қутбларда бўлган ягона сайёҳ ҳисобланиб келинган. У Шимолий денгизда адашиб қолган сайёҳларни излашда ҳалокатга учраган.

**Жак ив Кусто(1910-1997).** Бу олим ҳақида маълумотларни келтириш нинг зарурати йўқ. Чунки, машҳур Кустони дунёдаги барча халқлар яхши билишади. Фақат у умрининг охирларида Гибралтар бўғизи орқали туташиб турувчи Ўртаер денгизи ва Атлантика океани сувларининг асрлар давомида бири-бири билан қўшилиб кетмаганлигининг сабабини билгандан сўнг

*"Замонавий фанни 1400 йил ортда қолдирган Муборак Қуръон инсоннинг сўзлари эмас, балки фақат яратганнинг каломи эканлигига"* ишонди.

***Тур Хейердал(1914-2002).*** Дунё океани қадимги цивилизацияларни бири-биридан ажратувчи эмас, балки ўзаро омил бўлганлиги ҳақидаги назарияни яратди ва океанлардаги бутун умри бўйлаб қилган саёҳатлари натижасида бу назарияни инсониятга исботлаб берди.

XX асрнинг машҳур тадқиқотчиси тур Хейердал Полинезия оролларига қизиққан. Ўша даврда фанда бу оролнинг аждодлари Жанубий–Шарқий Осиёдан келиб қолган деган хулосалар мавжуд эди. Т.Хейердал Полинезияликларнинг оролларга шимолдан–Гавай ороллари орқали келиб қолганлигини исботлаб берган (Тур Хейердалнинг Ра –қадимий усулда ва ёғочлардан ясалган қайиқдаги океанлараро биринчи саёҳати).

Дунё илм аҳли Америкалик ҳиндуларнинг қадим замонларда Тинч океани оролларига оддий қайиқларда сузиб борганлиги ҳақидаги исботларга ишонишмаган Тур Хейердал 1947 йилда Эквадор ўрмонларидан олинган бальс дарахтларидан сол ясаб, унга инклар юртидан қувилган афсонавий сардор "Кон-тики" номини қўйди ва 1947 йилнинг 28-апрелида Перудан Тинч океанига сузиб кетди. Океанда 101 кун сузишга чидаган сол-қайиқ 1947 йилнинг 30 июнида Туамоту архипелагига етиб келди. Тур Хейердалнинг назарияси исботланди, яъни бальс қайиқларида Тинч океанидан сузиб ўтиш мумкин.

1952 йилда Тур Хейердал Галапагос оролларига экспедиция ташкил этди. Бунинг натижасида жанубий Американикларнинг оролга Колумбгача бўлган замонларда ҳам сузиб боришганлигини исботлади. Машҳур олим тропик қамишдан кема ясаб Тинч океанидан сузиб ўтишга қарор қилди ва "Ра" деб номланган қамиш кемада 7 давлат вакиллари БМТ байроғи остида Тинч океанини 1969 йилда муваффақиятли сузиб ўтди. У океанлардаги саёҳатлари вақтида дунё океанининг ифлосланганлиги ҳақидаги маълумот ларни тўплаб БМТга топширди. "XX асрнинг буюк сайёҳи» номини олган Тур Хейердал 2002 йилнинг 18 апрелида 87 ёшида вафот этди.

***Ҳамидулла Ҳасанов(1919-1985).*** Ўзбекистонда география фанининг ривожига катта ҳисса қўшган ва халқига танилган забардаст олимларнинг бири, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби", география фанлари доктори, сайёҳ олим Ҳамидулла Ҳасанов ҳисобланади. Олимнинг "Ўрта Осиёлик географ сайёҳлар", "Сайёҳ олимлар","Бобур сайёҳ ва табиатшунос", "Маҳмуд Қошғарий" каби йирик асарлари чет эл географиясида ҳам тан олинган. У Осиё, Европа, Шимолий Америка ва Африка давлатларига кўплаб саёҳатлар қилган ва бу саёҳатлар таъсуротларини доимо талабаларга ўргатган жонкуяр устоз сифатида тарихимизда қолди.

Ҳ. Ҳасанов биринчилардан бўлиб, ўзбек телевидениясида "Оламга саёҳат" кўрсатувини ташкил қилиб, узоқ йиллар давомида ўзи бошловчилик қилган. Таниқли олимдан қолган яна бир ёдгорлик-У ясаган "Тошкент глобуси"дир [26] .У Пермлик географлар билан 5 йиллик ҳамкорликда ер

[26] .Каромиддин Гадоев,Сабоҳат Бердиева.Жаҳонгашта олимлар.Тошкент Ўзбекистон,2012.-269 б.



шарининг 7 миллион марта кичрайтирилган шаклини ясади. Глобуснинг баландлиги 2,5 метр, оғирлиги 500 кг, айланасининг узунлиги 6 метр. Глобуснинг энг аҳамиятли томони шундаки, унда ер юзининг турли шакллари табиатда қандай кўринишда бўлса шундай тасвирланган.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1."XX асрнинг буюк сайёҳи» номини олган сайёҳни аниқланг ва унинг кашфиётлари ҳақида гапириб беринг.

2. Жак ив Кустонинг саёҳатлари қайсиокеанларда амалга оширилган?.

3. Ўзбекистонлик сайёҳ профессор Ҳамидулла Ҳасановнинг илмий ишлари ҳақида нималарни биласиз?.

4.Шимолий ва Жанубий қутбларни қайси сайёҳ очган?.

5.Фаддей Беллинсгаузеннинг кашфиётлари нималардан иборат?.

## 8-Мавзу.ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИДАГИ ХИЗМАТЛАР

**Режа:**

8.1.Транспорт хизматлари дастури.

8.2.Жойлаштириш, овқатлантириш, дам олиш ва тунашдаги хизматлар дастури.

8.3.Маршрутдаги экскурсия хизматлари дастури.

### 8.1. Транспорт хизматлари дастури.

Туристик маршрутларнинг таркибий қисмлари деганда туристларни туристик объект-маконга олиб бориш ва дастлабки-туристларни қабул қилиш жойигача қайтаришдаги хизматлар ва маҳсулотлар дастурини тушунмоқ керак. Туристик маршрутнинг таркибий қисмлари қуйидаги хизматлардан иборат. Туристик маршрутларнинг таркибий қисмлари бири-бири билан боғлиқ ҳолда ҳаракатланади. Маршрутдаги таркибий қисмларнинг барчаси хизматлардир. Ана шу хизматлар борлигидан туристик маршрут бошқа маршрутлардан ажралиб туради (1-Жадвал).

**1 – Жадвал**

**Маршрутдаги хизматларнинг хиллари ва шароитлари**

| № | Маршрутдаги хизматларнинг хиллари | Хизматлар кўрсатиш шароитлари |
|---|---|---|
| 1. | Транспорт хизматлари | Транспорт воситалари (поезд, автомобил, автобус, самолёт, маҳаллий транспорт турлари), йўлда юриш қоидалари, чегараланган тезлик, транспортда юришдаги хаёт хавфсизлиги, тўхташдаги талаблар, транспортдаги ўринлар, кўчма дам олиш транспорт воситалари, транспорт ва экологик омил ларни назарда тутиш |
| 2 | Жойлаштириш хизматлари | Жойлаштириш воситалари (меҳмонхона, туристлар базаси, туристлар лагери, кемпинг, |

| | | |
|---|---|---|
| | | ижара уйлари, очик экспедиция кўрпаларида, ҳавода-ухлаш палаткада)нинг манзиллари, даражалари, шароитлари, хизматлар кўрсатишнинг даражалари, экологик омилларни назарда тутиш |
| 3 | Овқатлантириш хизматлари | Овқатлантириш корхоналарининг хиллари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона, бар, манзиллари, даражалари, хизматлар қилиш даври, вакти (нонушта, тушлик, кечки овқат), овқатлантириш хиллари (швед столи, тўлик пансион, ярим пансион, махсус овқатлар, аля карт, табльгот, палатка усули, экспедиция усули,) экологик омил ларни назарда тутиш |
| 4 | Экскурсия хизматлари | Экскурсияларнинг сони, мавзулари, мазмуни ўтказиш шакли (пиёда, транспортда, ўтказиш кетма-кетлиги) экскурсияда дам олиш, овқатлантириш масалалари, экологик омилларни назарда тутиш |
| 5 | Туристик маршрутнинг ҳужжатлари | Маршрутнинг мавзуси, мазмуни, технологик харитаси, маршрутдаги ахборотлар, маршрут катнашчиларига кўрсатмалар, маршрут схемаси, маршрутни амалга ошириш учун рухсатнома, хизматларни амалга оширувчилар, (ҳайдовчи ва унинг ёрдамчиси, таржимон, сув, чой берувчилар, ошпазлар, юк ташувчилар, ахборотчилар, бошловчилар ва бошк.) ҳақида ҳужжатлар. Маршрут ҳақида ҳисобот ҳужжатлари |

*1.Транспорт воситаларини туристик маршрут мавзуси* бўйича танлаш маршрутни ишлаб чикишдаги биринчи ва асосий талаблардан ҳисобланади. Туристик маршрутдаги транспорт хизматларини ташкил қилишда қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

- Транспорт воситаларини туристик маршрут мавзуси бўйича танлаш;
- Транспорт воситаларини ижарага олиш.
- Транспорт воситаларининг техник кўригини ўтказиш ваҳужжатлаштириш.
- Транспорт воситаларини об-ҳаво иклим, мавсумий шароитлар ва йўллар ҳолати бўйича танлаш.
- Транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигини чегаралаш масалалари.

Бу талаб барча туристик ресурсларга маршрут ишлаб чикилганда қўйилади. Бу ҳолатда туристик маршрутга транспорт воситаларини турнинг маршрутлари шароити бўйича танлаш осон бўлади. Аксарият ҳолларда турнинг мавзуси транспортни танлайди.






*Туристик маршрутнинг таркибий қисмлари*

Туроператор ёки маршрутни ишлаб чиқувчи маршрут йўлини, унинг шароитини яхши билса транспорт турини тўғридан-тўғри, ҳеч иккиланмасдан танлайди. Маршрут йўлини, шароитини айниқса йўл шароити ва ҳолатини мавсумлар бўйича ўзгариб туришини билмайдиган туроператор маршрут давомида кўплаб кутилмаган қийинчиликларга дуч келиб маршрут режасини бузиб қўйиши мумкин. Масалан: шаҳарлар ичидаги тарихий обидалар, зиёратгоҳ жойлар ва бошқа масканларга транспорт тури туристлар сонига караб енгил танланади. Агар турист 2-3 киши бўлса, енгил автомобил, ундан кўпроқлари автобус ўринлари сони бўйича танланади. Шаҳар ва туманларгача амалга ошириладиган сайёҳатларга транспорт воситаларини танлаш муаммоли эмас. Чунки шаҳар ва туманлар орасида йўллар ҳар ҳолда ишончли.Агар туристик маршрут экотуризм, саргузашт туризми, ғоршунослик туризми ёки овчилик туризми мавзусида бўлса, транспорт воситаси енгил машиналар ўта олмайдиган йўл учун махсус мосламалар қўйилган (ЖИП, НИВА, УАЗ, ГАЗ-66) машиналар танланади.

**2.Транспорт воситаларини ижарага олишда** ҳам маршрут мавзусига караб танланади. Танлаш усуллари юқорида қайд қилинди. Эътибор бериш лозимки, туристик маршрутга ижарага олинадиган транспорт хиллари камида бир неча кун олдин шартнома асосида қабул қилиниб, унинг техник созлигини ДАН мутахассис хулосаси бўйича ҳужжатлаштириш зарур. Транспорт воситаларини ижарага олишда эсда тутиш лозимки, шаҳарлардан чиқишда транспорт масаласини ҳал қилиш осон кечади.Чунки, кўп ҳолларда туристик фирмалар ёки меҳмонхоналарнинг ҳам ўз шахсий машиналари бўлади.Агарда туристлар шаҳарлар ташқарисига айниқса экотуризм, экзотик туризм археологик туризм ёки овчилик туризмига чиқишганда маҳаллий транспорт турларига (от, эшак, туя, арава) эҳтиёж бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда турмаршрут ишлаб чиқувчи маршрутни ўтказишдан олдин маҳаллий аҳоли билан уларнинг транспортидан фойдаланиш ҳақида келишувларни амалга

оширишни лозим. Чунки, маҳаллий аҳолидаги транспорт турлари ҳам ижарага олинади.

*3. Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш* ва ҳужжатлаштириш фақат махсус ташкилотлар (ДАН) иштирокида ва уларнинг рухсатномалари билан расмийлаштириши керак.

*4. Транспорт воситаларини об-ҳаво, иқлим, мавсумий шароитлар* ва йўллар ҳолати, бўйича танлаш шартлари 1-қисмда келтирилди. Уларга қўшимча қилиб айтиш зарурки, республикамизда қиш ойлари шаҳарларда ҳам, шаҳарлар ташқарисидаги йўлларда туман ва табиат манзилларига бориладиган маҳаллий йўлларда ҳам музлаш, эриш натижасида лойгарчилик ҳолатлари кўпроқ учрайди. Иккинчидан, куз-қиш ойларида об-ҳаво илиқ ҳароратдан совуқ ҳароратга қараб тез ўзгаради. Қайд қилинганларни ҳисобга олиб на туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида куз-қиш ойларида туристик маршрутларда махсус автомобил ва автобуслардан фойдаланиш хавфсизлироқ бўлишига эътибор бериш лозим

*5. Транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигини чегаралашда* туроператор ёки маршрутни ўтказувчи раҳбар тўлиқ йўл-транспорт қоидаларига биноан транспорт бошқарувини назорат қилиб бориши шарт.

## 8.2. Жойлаштириш, овқатлантириш, дам олиш ва тунашдаги хизматлар дастури.

Туристларни жойлаштириш шаҳарларда муаммо эмас. Турист ёки туристларнинг хохиш-истакларига қараб уларни турли даражадаги меҳмонхоналарга жойлаштириш мумкин. Жойлаштириш муаммолари шаҳардан узоқ масофалардаги туристик объектларга сайёҳатлар давомида юзага келади. Республикамизда туризмни ривожлантиришдаги энг оғриқли, муаммоли масала ҳам экотуризм, археологик туризм, овчилик туризм каби туризм турларига маршрутлар ишлаб чиқишда юзага қалқиб чиқади. Ўзбекистон нинг табиат минтақаларига туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаётганлиги нинг асосий сабаблари ҳам бу туристик маконларда туристлар учун тунаш жойларининг йўқлигидадир.

Экотуризм, археологик туризм ва овчилик туризмини ривожлантиришни режалаштирар эканмиз биринчи навбатда туристларнинг тунаши (жойлаштириш) шароитларини яратишимиз керак бўлади. Шаҳарлардан узоқда бўлган туризм ресурсларида (экотуризм, рекреация туризми) туристлар учун тунаш жойларини ҳозирча туристик базалар ёки туристик лагерлар усулида яратиш имкониятлари мавжуд. Лекин, туризмда тадбиркорликнинг кенгаймаётганлигидан бундай тунаш жойлари ҳозиргача яратилмаяпти.

Агарда табиат бағридаги экотуризм масканида (ресурсида) бундай тунаш жойлари яратилганда эди. Туристларнинг ҳам тунаш, ҳам дам олиш ва овқатлантириш муаммолари бирданига ҳал қилинган бўларди. Бу муаммоли ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли экотуризм, рекреация туризми ёки овчилик туризмдаги туристик ресурсларга маршрут ишлаб чиқишда ресурсга яқин жойдаги аҳоли уйларини ижарага олиш ҳисобланади. Лекин, унутмаслик



лозимки, халқаро туристлар ҳар қандай шароитларда ҳам тунаб қолавермайди. Шунинг учун ҳам бундай шароитлардан маҳаллий туризмдаги туристларни жойлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Табиат ландшафтларидаги туризм масканларига (ресурсларига) маршрут ишлаб чиқишдан олдин бундай жойларда туристик базалар ва туристик лагерлар барпо қилишга қатъий равишда киришишимиз лозим. Туристик лагерларни палаткали ёки юрта (чўпоннинг қора уйи) усулида тезкор вақтларда мавсумларга мослаштириб қуриш имкониятлари жуда катта.

Туристлар шаҳар меҳмонхоналарига жойлаштирилганда уларни овқатлантириш муаммо эмас. Чунки, турист жойлашган меҳмонхонада ҳам шаҳарнинг ҳар бир кўчасида ҳам туристнинг эҳтиёжини қондирадиган ресторан, кафе, ошхона ва чойхоналар бор.

Шаҳарлар меҳмонхоналарида жойлашган туристларни *овқатлантириш да халқаро меъёрлардаги таклифлар* қуйидагича:

а) тўлиқ пансион – 3 марта овқатланиш (нонушта, тушлик, кечки овқат);

б) ярим пансион – 2 маротаба овқатланиш (нонушта–тушлик, нонушта – кечки овқат ёки тушлик – кечки овқат);

в) фақат нонушта;

г) фақат тушлик;

д) фақат кечки овқатланиш.

*Овқатланишда хизматлар шакли қуйидагича:*

а) «Швед столи»-ўз-ўзига хизмат. Бу усулда ресторан ёки ошхонада турли-туман овқат хиллари тайёрланган бўлади. Туристлар (мижозлар) ўзлари ёқтирган овқат ва ичимлик хилларини хохлаганларича (эҳтиёжаларига яраша) олиб, еб-ичишлари мумкин. Овқатланиб бўлгандан кейин турист (мижоз) идиш – товоқларни йиғиштирмайди.

- «Табльгот»-ҳамма мижозлар учун фақат битта меню тайёрланади (мижозларга овқат танлаш ҳуқуқи берилмайди).
- «А ля карт» - ресторан менюсида туристлар хохлаган овқат турини эркин танлайдилар.

Овқатланишнинг қайси шакллари бўлмасин шаҳарда ва туман марказларида туристларни овқатлантириш юқорида қайд қилганимиздек муаммо туғдирмайди. Фақат туристик маршрутда шаҳарда (туманда) овқатлантириш жойи ва шароитлари ёзиб қўйилса етарли бўлади. Туристларни овқатлантиришдаги муаммолар шаҳарлардан (туманлардан) узоқ масофадаги туристик объектларга маршрут ишлаб чиқишда қийин вазиятларни келтириб чиқармоқда. Шаҳарлардан узоқ масофаларда жойлашган туристик объектда тунаш муаммоси юқорида келтирилди. Бундай шароитларда овқатлантириш ҳам ана шу муаммони такрорламоқда.

Қайд қилинганлардан қуйидаги хулосалар ҳосил бўлади:

1. Туристик маршрут ишлаб чиқишда агар маршрут экотуризм, овчилик туризми, саргузашт туризми ёки ғоршунослик ва рекреация туризми мавзулари бўйича ишлаб чиқилганда туристларни «палатка усули»да овқатлантиришни ташкил қилиш мумкин. Бу усулда туристларни қизиқтириш учун миллий экзотика вариантини–яъни кўчма қозон–товоқ усулида–«табиат

бағрида табиийлик» шароитида овқат тайёрлашда таклиф этиш ва овқатлан тириш.

2.Қайд қилинган туризм мавзуларида туристик маршрут ишлаб чиқилган да туристик маконда–объектда овқатлантиришни туристик лагер (мавсумий палатка усулида) ташкил қилиш мақсадига мувофиқ.

3.Ҳар қандай мавзуда туристик маршрут ишлаб чиқишда маршрут давомида минерал сувлар, термосда иссиқ чой, совутилган чой ва экологик тоза шарбатлар бўлишлигини таъминлаш шарт.

4.Туристик маршрутда экскурсияга чиқилганда экспедиция усулида овқатланишни (консервалар, қотирилган колбасалар, тушонкалар ва ҳако..) иссиқ чой билан ташкил қилиш мумкин.

### 8.3.Маршрутдаги экскурсия хизматлари дастури.

Туристик маршрутда экскурсия хизматларини ташкил қилиш турнинг жизабадор, қизиқарли ўтишини таъминлайди. Ҳар қандай туристик маршрут да экскурсияларни ташкил қилиш туроператорнинг тадбиркорлигига боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда шаҳарлардаги диққатга сазовар жойларни кўришга ва диний зиёратгоҳ масканларга келиб-кетувчи туристларни экскурсияларга таклиф қилиш деярли йўқ ҳисобланади. Чунки бундай жойларга ҳам пухта тузилган туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаган. Энг афсусланарли жойи шундаки, ҳозиргача туристларга турист юрмоқчи ва кўрмоқчи бўлган маршрут унга оғзаки ҳолда таклиф қилинмоқда. Шаҳарлардаги хотира боғлари, ўлкашунослик, халқлар тарихи ва ҳайвонот олами билан боғлиқ музейлар, халқимизнинг ҳунармандчилиги устахоналарига махаллий туризм да ҳам, халқаро туризмда ҳам қизиқарли экскурсиялар уюштиришнинг катта имкониятлари деярли барча шаҳарларимизда мавжуд.

Шаҳар ичидаги туристик маршрутда албатта экскурсия маршрутлари қўйилиши лозим. Бунинг учун шаҳарлардаги экскурсия объектлари тўлиқ рўйхатга олиниб ундаги хизматларнинг турлари ва баҳолари аниқланиши лозим.Энди шаҳарлардан чиқиш ва узоқ масофаларга (экотуризм, археологик ёки овчилик туризми кабилар) бориладиган туристик маршрутларда албатта йўл-йўлакай кўриб ўтиладиган экскурсия маршрутлари бўлиши маршрутни қизиқувчанлиги, турли-туманлигини кучайтиради. Чунки, узоқ масофага автотранспортда тўхтовсиз юриш туристларни толиқтиради (айникса,табиий рельефи қарийиб бир хил бўлган чўл худудларидан юрилганда).

Узоқ масофаларга туристик маршрут ишлаб чиқилганда дастлаб йўл ва йўл атрофида бўлган диққатга сазовор жойлар, тарихий обидалар, булоқлар ёки қадимий дарахтлар, сойлар ва бошқа тўхташ мумкин бўлган объектлар ҳақида маълумотлар тўпланади.Туристик маршрут тузувчи бу объектларнинг энг жозибадор, қизиктирувчиларига экскурсиялар уюштиришини туристик маршрутга киритиши туристнинг йўлда зерикишининг олдини олади. Шу ўринда яна бир муҳим фикрни ёдда сақлаш лозимки маршрут ҳақидаги буклетда ёки ахборотномада маршрут йўли атрофидаги барча диққатга



сазовор объектларнинг рангли расмлари қисқача изоҳда берилиши туристлар нинг экскурсияларни танлашига шароит яратади. Экскурсияларни танлашда объект асосий йўлдан жуда ҳам узоқ бўлмаслигига эътибор бериш лозим.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Маршрутнинг таркибий қисмларига қандай хизматлар киради?
2.Маршрутдаги овқатлантириш хизматлари қандай усулларда амалга оширилади?.
3.Маршрутга транспорт воситалари қандай танланади?.
4. Маршрутдаги экскурсия хизматлари дастури қандай тузилади?.
5. Маршрутда тунаш хизматлари қандай амалга оширилади?.

## 9- Мавзу.ТУРИЗМ МАРШРУТИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ

**Режа:**

9.1.Туристларга хизматлар кўрсатиш талабномаси
9.2.Туристик маршрутнинг технологик харитаси
9.3.Маршрутда туристларга хизматлар кўрсатиш дастури
9.4.Туристик ҳужжатлар.
9.5.Маршрутнинг ахборотлар варақаси.
9.6.Туристларнинг маршрутда харакатланиши дастури
9.7.Сафар трасса паспорти

### 9.1. Туристларга хизматлар кўрсатиш талабномаси

Туристик маршрутда турни лойиҳалаштириш Россия давлати туризмида қабул қилинган ГОСТ Р-50681–94–«Туристик–экскурсия хизматларини кўрсатиш» бўйича амалга оширилмоқда. Бу хужжат бўйича туристларга хизматлар кўрсатиш талабномасида қуйидагилар бўлиши шарт.

- туристларга хизматлар кўрсатишнинг шакли ва усуллари, жараёнларини ёзиш;
- туристларга хизматлар кўрсатиш жараёнини тавсифлаш;
- хизмат кўрсатувчиларнинг сони ва малакавий жиҳатдан тайёргарлиги;
- Хизматлар кўрсатишнинг шартномалиги ёки штатдалиги;
- туристларга хизматлар кўрсатишнинг кафолатланганлиги;
- хусусий мулкга айлантирилган туристик объектлар, ёнғинга қарши курашадиган ташкилотлар ва санитария-эпидемиология назорати ташкилотлари билан ўзаро келишувлар.

«Туристик саёҳатлар»даги хизматларни лойиҳалаштириш икки босқичда амалга оширилади:

1. Турни лойиҳалаштиришда туристларга хизматлар кўрсатиш дастури «туристик саёҳат»даги хизматларга мос келиши.
2. «Туристик саёҳатдаги барча хизматларни лойиҳалаштириш».

Биринчи босқичдаги–«туристларга хизматлар кўрсатиш дастурида қуйидагилар аниқланади»:

- саёҳат маршрути;
- хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг рўйхати;
- хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг хизматлар кўрсатиш вакти;
- объектларнинг диккатга сазоварлиги ва экскурсия таркиби;
- туристларнинг сайрларга чикиш ва хар хил ўйинлар ўтказиш вакти руйхати;
- дам олиш тадбирлари;
- маршрутнинг хар бир объектга тўхташ ва кўришга ажратилган вакт;
- саёҳатда иштирок этадиган туристларнинг сони;
- хизматлар кўрсатувчи транспортнинг хиллари ва уларнинг етарли бўлиши;
- гидга, экскурсия раҳбарига, инструктор (йўрикчи), чет эллик вакилга талаб, уларни маршрутга кайта тайёрлаш;
- туристларга бериладиган реклама, ахборотлар варақаси, буклетлар, маршрут тавсифи ёзилган маълумотларни тайёрлаш;
- технологик харита;
- турист йўлланмасига ахборот варақаси;
- туристларга хизматлар кўрсатиш дастури.

Қайд килинганлардан ташқари ГОСТ. Р 50690-94 бўйича яна куйидаги талаблар ҳам туристик маршрутда (турда) бажарилиши таъминланиши лозим.

- туристларнинг буюмлари сақланиши, ҳаёти хавфсизлиги таъминланиши ва табиатни муҳофаза қилувчи тадбирларнинг маршрутда ёзилиб чиқилишнинг мажбурийлиги;
- маршрутда хизматларнинг аниқ ва ўз вақтида сифатли бажарилиши, мажмуалилик, хушмуомилалилик, комфорт (қулайлик), хизмат кўрсатувчиларнинг фаросатли, ақлилиги, мехмондўстлиги.

### 9.2.Туристик маршрутнинг технологик харитаси

Туристик маршрутнинг технологик харитаси турнинг асосий хужжати хисобланади ва бу технологик харита расмий жихатдан тўлдирилиши ва туристик фирманинг раҳбари томонидан имзоланиши ва мухрланиши керак. Қуйидаги технологик харитани тўлдириш намуналарини келтирамиз:

*Туристик маршрутнинг технологик харитаси*

1. ***Маршрутнинг номи, мавзуси***–*«Экотуризм»-Бахмал тоғлари ва шаршараларига_саёҳат*
2. ***Маршрутнинг муддати (бошланиши ва тугаши)***-бошланиши-*10-март,2020 йил, тугаши-15-март 2023 йил*
3. ***Маршрут тури*** – *тўғри ва тоғ айланма йўллари,сўқмоқлар*
4. ***Маршрут масофаси (км)***-*100 км*
5. ***Маршрутнининг ҳаракатланиши:***
   а) ***транспортда (км)***_-*80 км*
   б)***пиёда (км)***-*6км*
   в) ***маҳаллий транспортда (км)***-*14км*



г) ***сув ҳавзаларида (км)*** –*йўқ*

**6. *Маршрутдаги туристлар сони***-*12 турист, ҳайдовчи ва гид*

**7.*Маршрутдаги экскурсиялар мавзуси ва ёзма шакли***-*1-Арчазорлар, Новқа ота, Бахмалсой, Айиқсой, Шаршара ,Чинор*

**8. *Маршрут эгаси бўлган корхона манзили***-*СамИСИ*

М.Ў. раҳбарнинг фамилияси ва имзоси-

### 5.3. Маршрутда туристларга хизматлар кўрсатиш дастури

Қуйидаги ҳар бир графалар тўлик тўлдирилиши шарт

| *Бориладиган объектлар, улар орасидаги масофа, ҳаракатланиш усули, объектга етиб бориш, кириш ва чиқиш муддатлари* | *Жойлаштириш шароитлари, хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг рўйхати, манзили* | *Режалаштирилган туристик хизматлар экскурсиялар сони, мавзуси, кўрсатиладиган асосий объектлар рўйхати,* | *Маршрут ичидаги (доираси даги) ҳаракатланиш тартиби* | *Бир кишига харажатлар (сўм)* |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| 5. Тунаш жойлари ва шароити (мехмонхона, кемпинг, палатка)- *меҳмонхона ва палатка* | | | | |
| Туристик ташкилот раҳбари: | | | | |
| М.Ў. (имзо) | | | | |
| Тасдиқланган вакти | | | | |

Намуна маршрутнинг мисолида хизматлар кўрсатиш дастурини ишлаб чиқиш тўғри бўлади. Хизматлар кўрсатиш дастурида асосий объектлар, қўшимча объектлар, экскурсия объектлари, овқатланиш вақтлари, дам олиш ва кўнгил очар ўйинлар соат, минутигача ёзилиши шарт. Шунингдек, харажатлар бир кишига ҳисобланиб берилади ( харажатларни ҳисоблаганда турдаги барча хизматларнинг қийматини алоҳида-алоҳида кўрсатиш керак. Масалан, транспорт харажати…сўм, овқатланиш харажати…сўм ва ҳакозо лар).

### 9.4. Туристик ҳужжатлар

Ҳар бир тур учун технологик ҳужжатлар йиғиндиси қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Маршрутда туристлар саёҳатнинг технологик харитаси (ГОСТ Р 50681 - 94).
2. Маршрутда хизматлар кўрсатувчи туристик корхоналарнинг буюртмаларни бажариш графиги.
3. Туристик саёҳат йўлланмасига ахборот варақаси (ГОСТ Р 50681 - 94).
4. Ҳамкорлар билан шартномалар (меҳмонхона, транспорт, экскурсия бюролари, туристик ташкилотлар).
5. Турнинг баҳоси (калькуляцияси).
6. Маршрутнинг ёзма матни.
7. Маршрутнинг ҳаракатланиш графиги.
8. Маршрутнинг карта схемаси.
9. Маршрут давомида (автобусда, йиғилишларда) бериладиган ахборотлар рўйхати, манбалари, мазмуни.
10. Туристлар учун маслаҳат буклети (маршрутда қандай кийим ёки пойафзал керак бўлиши, маршрутдаги экскурсиялар вақтида нималар кераклиги ва ҳакозолар).
11. Маршрут ҳақида маълумотлар тўплами.
12. Маршрут ҳақида буклетлар, реклама вариантлари.
13. Транспорт воситаларининг йўл қоидаларига асосанҳаракатланиш ҳужжатлари.
14. Маршрутда йўл-йўлакай тўхташ объектлари (қисқа муддатли дам олиш, чой ичиш, ахборотлар эшиттириш ва бошқ…).

## 9.5. Маршрутнинг ахборотлар варақаси

Маршрутнинг ахборотлар варақаси иккита бўлимга ажратилади: биринчи бўлимда (а) маршрутда белгиланган ва тўлиқ бажарилиши режалаштирилган ахборотлар; иккинчи бўлимда (б) вазият юзасидан келиб чиқадиган қўшимча ахборотлар.

Бу ахборотлар рўйхати қуйидагича тузилади:

а) биринчи бўлимда:

- туристик саёҳатнинг тури, саёҳатда кўрсатиладиган асосий хизматларнинг дастури, маршрутнинг масофаси ва муддати, сайрлар ва уларнинг даражаси, ўтказилиш усуллари;
- саёҳат трассасининг ёзма матни–ҳар бир объектларга етиб бориш вақти, бу объектда бўлиш ва нималар билан машғул бўлиш (жойлаштириш, овқатлантириш, сайр қилиш, ахборотлар бериш, санитария-гигена ҳолатларини билиш, ҳаракатланиш йўлакларини аниқ белгилаш–ошхонага, сойга, бошқа иморатларга, тиббий хизмат пунктига, ҳожатхонага, сартарошхонага, саунага, бассейнга ва ҳоказолар);
- саёҳат ўтказиладиган ҳудуд, районнинг қисқача географик тавсифи (рельефи, ўсимликлари, дарёлари, аҳолиси ва уларнинг касбий фаолиятлари, диққатга сазовар жойлари, ҳар бир объектда туриш вақти ва бу объектда кўрсатиладиган хизматлар дастури);



- қўшимча хизматларнинг рўйхати;
- спорт объектларининг (ўйин майдони, транспорт тўхташ жойи, сув ҳавзалари, кутубхона, кинозаллар) борлиги ҳақида маълумотлар;
- саёҳатни ташкил қилган туристик корхонанинг манзили ва унга етиб бориш ҳақидаги маълумотлар.

б) иккинчи бўлимда

- маршрутда қатнашадиганларнинг ёшини белгилашдаги чегараланиш, ота-оналарнинг болаларини ўзи билан бирга олиши ёки олишга рухсат берилиши ва берилмаслиги;
- туристик саёҳатдаги экскурсиялар ва сайрларда қатнашиш шартлари, чегараланишлар, рухсатномалар, тиббиёт хулосалари;
- вазият юзасидан келиб чиқадиган ахборотлар.

## 9.6.Туристларнинг маршрутда ҳаракатланиши дастури

Туристларнинг келиш жойи ва муддати ____________________

____________________дан____________гача

**1-кун**

Туристларнинг йиғиладиган жойи ____________________

Туристларнинг йиғилиш вақти ____________________

Авиарейс, поезд номерлари (маршрут номи ____________________

Гуруҳни рўйхатга олиш ва учиш ёки поездга жойлашиш вақти _

Божхона ва паспорт назоратидан ўтиш____________________

Туристларнинг етиб келиши ва қабул қилиш жойи____________

Меҳмонхонага жойлаштириш (аэропортдан, автовокзалдан, темир йўл вокзалидан)____________________

Меҳмонхонанинг номи, манзили, телефони ____________________

Овқатлантириш (нонушта, тушлик, кечки овқат (қаерда)________

**2-кун ва кейинги кунлар**

Нонушта вақти ва жойи ____________________

Экскурсия мавзуси ва давомийлиги ____________________

Тушлик вақти ва жойи ____________________

Бўш вақт ____________________

**Охирги кун:**

Нонушта (тушлик, кечки овқат) вақти ва жойи____________

Меҳмонхонадан чиқиш вақти (аэропортга, автовокзалга, темирйўл вокзалига) ____________________

Авиарейс, поезд номери ва кетиш маршрутининг номи ________

Учиш, поездга ёки автобусга ўтириш ва жўнаб кетиш вақти ____

Манзилга бориб етиш вақти ____________________

***Маршрутда ҳаракатланиш дастурига қўшимча маълумотлар***

Маршрут муддатлари «__» ___2023 йилдан «__» ___2023гача.

Туристларнинг қайси мамлакатдан келиши ва қайси мамлакатга етиб келиши (мамлакат, штат, вилоят, туман, хўжалик, кишлок, транзит пунктлар шаҳарлар) ________________________________

Маршрутда хизмат қиладиган транспорт хиллари ____________

Яшаш жойларининг тавсифлари (жойлаштириш даражалари, комфорт, номердаги шароитлар, бассейн, пляж, ўйин майдонлари, парк ва бошқ…..)________________________________

Овқатланиш шароитларининг тавсифлари ___________________

Овқатланиш жойи, нонушта, ярим пансион, тўлиқ пансион, қисман, швед столи, спиртли ва бошқа ичимликлар ва бошқ……)___________

Экскурсия хизматлари, транспорт хиллари, экскурсия мавзулари, давомийлиги,шароитлари,экскурсиядаги«алоҳида»шароитлар __________

Трансфер (кўчириш, кузатиш шароитлари, жойи, вақти, транспорт хиллари) ________________________________

Маршрут баҳосига киритилмаган қўшимча хизматлар ва бу хизматлар нинг баҳоси ________________________________

қабул қилиш ҳақида алоҳида белгилар ёш жиҳатидан чегараланишлар, болалар ота-оналари билан, болалар алоҳида, оила аъзолари билан, алоҳида якка ташкилот вакиллари ва бошқ…..

Туристлар келган мамлакатнинг қисқача тавсифи, тарихий маълумотлар, табиий иқлим хусусиятлари, миллий урф-одатлар ва анъаналар, пул маблағларини олиб келиш ёки олиб кетиш ҳақидаги чегараланишлар, (АҚШ долларида), эпидемия ҳолати (юқумли касалликлар), транзит пунктлар, визани рамийлаштириш талаблари________________________________

Ҳар хил ахборотлар ва тавсиялар: кийим–бош, пойафзал, миллий кийимлар керак бўлиши, махсус кийимлар керак бўлиши, хулқ-атвор, этика талаблари ва бошқ…________________________

Туристларни қабул қилувчи фирманинг манзили, телефонлари _

Туристлар келган давлатда улар доимий яшаётган мамлакатнинг элчихонаси жойлашган шаҳар, кўча, телефонлари, (манзили).________

Мавзуда келтирилган маълумотлар, мулоҳаза–фикрлар туристик маршрутни, турни лойиҳалаштириш ўз таркибига мураккаб талабларни, жараёнларни олишни кўрсатди. Туристик маршрут лойиҳаси пухта, ҳар тарафлама ҳисоб-китоблар хулосалар асосида лойиҳалаштирилса туристик маршрутни ишлаб чиқиш ва истеъмолга бериш осон кечади. Бу турга талаб ошади, натижада туристик маршрут ишлаб чиқган фирмага ишонч кучаяди.

### 9.7.Сафар трасса паспорти

1.Туристик корхонанинг номи ________________________________

Туризм тури ______________________ сафар трассаси ___________

Узунлиги _______________км, давомийлиги ________________сутка

Бир гуруҳдаги туристлар сони ________________нафар

Иш даври _________________дан ________________гача

Паспорт тузилган пайт 2023________йил, ____________нусхада



Ўзгаришлар киритилган: 2023______йил, ___________саҳифа

2023_______йил __________саҳифа

**Сафар трассасини босиб ўтиш режаси**

| *Йўл кунлари* | *Трасса участкаси* | *Км* | *Ҳаракат воситаси* |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |

Жами фаол харакат воситалари билан______________________км.

4.Сафар трассаси схемаси (сафар трассаси кўрсатилган, масштаби 1: 200000 дан кам бўлмаган босма харита ва схемалар елимланиши мумкин).

***Паспорт тузиш бўйича кўрсатмалар:***

1. Паспорт давомийлиги 1 суткадан кам бўлмаган ҳар бир асосий ёки синов сафари трассаси учун алоҳида тузилади.
2. Паспорт сафар бошланадиган туристлик корхонаси томонидан тузилади.
3. Саёҳат ҳудудидаги иқлим ва эҳтимоли бўлган фавқулотда ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар гидрометеохизмат маълумотлари асосида киритилади.
4. Паспорт сафар трассада хизмат кўрсатувчи ҳар бир туристлик корхо насига жўнатилади.

Сафар трассаси эксплуатацияси жараёнида юзага келган ўзгаришлар, бир ой ичида паспортнинг барча нусхаларига киритилиши керак. Зарур ҳолларда баъзи саҳифалар алмаштирилади ёки янги паспорт тузилади.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:***

1.Туристик маршрутнинг технологик харитасини тушунтиринг.

2.Туристик маршрутнинг хизматлар дастури қандай тайёрланади ва унинг таркибий қисмлари нималардан иборат?.

3.Туристик маршрутларда гид бошловчининг вазифаларини тушунтиринг.

4.Туристик маршрутнинг сафар трасса паспорти нима учун керак?.

5. Турмаршрутнинг схемаси қандай тайёрланади?.

## 10-Мавзу.ТУРИСТИК МАРШРУТЛАРДАГИ ЭКСКУРСИЯЛАР

**Режа:**

10.1.Туристик-экскурсия хизматларининг асослари ва ҳуқуқий меъёрлари

10.2.Гид-экскурсия хизматларининг моҳияти ва таснифи

10.3.Гид-экскурсия хизматларидан самарали фойдаланиш методикалари

10.4.Экскурсия хизматларида гид-экскурсиячи фаолиятини баҳолаш методикалари

## 10.1. Туристик-экскурсия хизматларининг асослари ва ҳуқуқий меъёрлари

Экскурсия сўзи лотинча "экскурсион"-қисқа муддатли сафар ёки саёҳат, саёҳатга жўнамоқ, саёҳат қилиб келмоқ маъноларини англатади. Туризм сўзи пайдо бўлмасдан, инсонларда атроф-муҳитга қизиқиш, узоқларда нималар бор, тоғлар ортида ёки дарёнинг ёки қир-тепаликлардан кейин нималар борлигига оид кўплаб саволларнинг тўпланиниб қолиши натижасида уларни сафарга (уйдан чиқиб кетишга) чорлайдиган ички хис-туйғу-қизиқишнинг ҳаракатга келиши бўлган.

Ҳозирги ривожланган жамиятимизда жаҳонда экскурсияга-саёҳат-сайрга чиқмаган биронта инсон бўлмаса керак деган хулосага тўхталамиз. Ушбу сайрларнинг асосий сабабчиси табиатдаги биологик хилма-хиллик, бетакрорлик, бойликлар бўлган. Жамиятдаги дастлабки саёҳатлар албатта ўзга юрт, мамлакатлар ҳақидаги хабарлар натижасида юз берган.

Экскурсия хизматларини туризмнинг юраги деб таърифлашади. Ҳақиқатдан ҳам турист меҳмонхонага жойлашганидан сўнг биринчи навбатда экскурсияга чиқишга ҳаракат қилади. Ички туризмда барча давлатларда экскурсия хизматлари биринчи ўринда туради. Чунки мамлакат ичкарисида ги аҳоли туризмнинг деярли барча турлари бўйича доимо экскурсия хизматларидан фойдаланади.Шу ўринда турист билан экскурсантни фарқлаш лозим бўлади, чунки туризмни режалаштиришда туристнинг талаби нафақат экскурсия хизматлари билан чегараланмасдан, балки бошқа кўрсатиладиган хизматларни ҳам ҳисобга олишни тақоза қилади.

*Турист*-Ўзбекистон Республикаси худуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс[27].

*Экскурсант*-тунаб қолмайдиган ва экскурсия маршрутида 24 соатдан кўп бўлмайдиган шахснинг соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий, қизиқиш, кўриш, билиш, танишиш ёки бошқа мақсадларда саёҳатга чиқувчи ҳисобланади.

*Экскурсия хизматлари қуйидаги талабларга жавоб беради:*

1. Экскурсия хизматлари иктисодий фаолиятни бажаради (туристик фирма экскурсия маршрутларини сотишдан даромад олади, экскурсия аъзоларидан тушган маблағ ҳисобига даромад олади, гид-таржимон иш ўринлари яратилади, экскурсия объектида туристик инфратузилмалар ҳосил бўлади);
2. Экскурсия хизматларининг ғоявий сиёсий фаолияти (ватаннинг тарихий меросларини, янги технологиялар билан танишишда ғурур ҳисси, сиёсий мўтадилликни сезиш хусусиятлари пайдо бўлади);
3. Экскурсия хизматларининг умумий таълим бериш фаолияти (экскурсия экскурсантларга универсал билим беради-тарихий маданий мерос ҳақида, ишлаб чиқариш ҳақида, маданий-маърифий маънавият ҳақида, санъат ҳақида, янги технологиялар ва ҳоказолар);

[27]. «Туризм тўғрисида»ги Қонуни //«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил, 14 сентябр.



4. Экскурсия хизматлари ахборот ташиш, ахборотлар бериш фаолияти ни бажаради (ўтмиш ва хозирги воқеалар, жараёнлар, цивилизация тараққиё ти, хозирги ривожланиш, глобал воқеалар, халқаро интеграция ва бошқалар);
5. Экскурсия хизматлари тарбиявий фаолиятни бажаради (Ватан бойликларини асраш, авайлаш, ғурур ҳиссиётлари, фахрланиш ва бошқалар);
6. Экскурсия хизматлари мазмунли дам олдириш фаолиятини бажаради (табиатга ва унинг сўлим гўшаларига экскурсия, дарё соҳилларига экскурсия, ўрмонларга, тоғларга, сойларга экскурсия ва бошқалар);
7. Экскурсия хизматлари инсонларда дунё қарашни кенгайтириш фаолиятини бажаради (оламниг чексизлиги, оламнинг бир бутунлиги, ҳаёт нинг даврийлиги, жисмларнинг айланма биологик ҳаракати ва бошқалар);
8. Экскурсия хизматлари инсонларда қизиқишни шакллантиради (ҳаётга қизиқиш, яшашга қизиқиш, ижодга қизиқиш, санъатга қизиқиш, янги технологияларга қизиқиш, тарихга қизиқиш ва бошқалар);
9. Экскурсия хизматлари мутахасисларни, кадрларни қайта тайёрлайди, малакасини оширади ва бошқалар.

*Экскурсия хизматларининг объектини баҳолашда* қуйидаги мезонлар (талаблар) асос қилиниб олинади:

- Экскурсия объектининг билишни англатиши, ҳис қилиши ҳусусиятлари, жозибадорлиги, бетакрорлиги;
- Экскурсия объектининг маълумлиги, машҳурлиги, экзотиклиги, янгилиги;
- Экскурсия объектининг таъсирчанлик кучи баҳоланади. Бунда экскурсия объектининг ўзининг алоҳида кўринишлари ва бу объектнинг атрофдаги объектларга нисбатан уйғунлиги, мазмундорлиги ва бошқа жиҳатлари;
- Экскурсия объектининг ҳозирда сақланиш ҳолатлари;
- Экскурсия объектининг манзили баҳоланади (экскурсия объектига тўлиқ қийинчиликсиз бориш, айланиб томоша қилишнинг қулайлиги, экскурсантларнинг тўлиқ жойлашиши, транспорт тўхташ майдонларининг борлиги ва бошқалар.).

Экскурсия хизматлари объектлари баҳолангандан кейин экскурсия маршрутини тузишда ва ишлаб чиқишда экскурсиянинг асосий объектлари ва қўшимча объектлари белгиланади. Асосий объект бўлиб, экскурсантлар танлаган ёки туристик фирма экскурсантларга таклиф қилган объект ҳисобланади. Қўшимча объектларни экскурсия ташкилотчилари (туристик фирма) белгилайди. Экскурсия хизматларининг қўшимча объектлари асосий объектга бориш ва қайтиш маршрутларида кўрсатилади.

1. *Туристик-экскурсия фаолияти.* Туризмда туристик-экскурсия фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг(20.08.1999 й.) 831-1-сонли Қарори билан қабул қабул қилинган «Туризм тўғрисида»ги Қонун билан мувофиқлаштирилади.
2. *Туристик-экскурсия фаолиятни бошқариш ҳуқуқлари ва шароитлари.* Бу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга қуйидаги мъёрий ҳужжатлар киради:

«Стандартлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (25.04.2003й.), Ўзбекистон Республикасининг «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаш» ҳақидаги Қонуни (28.12.1993й.,1006- XII-сонли)

Булардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги рўйхатга олган ва Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш, метеорология ва сертификация маркази тасдиқлаган «Туристик хизматларни сертификатлаш тартиби (18.03.2000й.),Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туристик фаолиятни Лицензиялаш тартибларини тасдиқлаш» (11.11.2003й., 497-сонли) каби давлат ҳужжат ва қарорлари туристик-экскурсион фаолиятини тўғри олиб боришнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади.

*3.Туристик-экскурсия маҳсулотни яратишни бошқариш шароитлари.* Бу блокда туристик-экскурсия фаолиятини мувофиклаштирадиган қуйидаги қонун, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд. «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг хаво кодекси» (07.05.1993й.), Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасига туристларнинг кириши ва чиқиши тартиблари ҳақида»ги «Ўзбектуризм» М.Книнг 13.09.2004йилдаги Қарори билан тасдиқланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги (25.12.1998 й., 724-И-сонли), Ўзбекистон Республикаси Юстиция вазирлиги рўйхатга олган «Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона хизматларини таклиф қилишдаги қоидалар» (12.01.1998 й., 389-сонли) ҳам туристик-экскурсион хизматларни олиб бориш, туристик-экскурсион хизматлардаги тартиб-қоидаларнинг меъёрларини билишда, экскурсия хизматларини амалга оширишда муҳим ҳужжатлар бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги давлат томонидан қабул қилинган ҳужжатлар республикамизда экскурсия хизматларини ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади. Экскурсия мавзулари бўйича туризм экскурсияларини ишлаб чиқишда юқорида келтирилган қонун ва ҳуқуқий меъёрларга суянади.

Экскурсия мавзуларини танлашда албатта чекловлар бўлиши мумкин. Бу чекловлар махфийлик ёки харбий мақсадларда эмас балки, экскурсия аъзоларининг хаёти хавфсизлиги нуқтаи-назаридан ҳам бўлиши мумкин. Республикамизда экскурсия хизматларини ривожлантиришда юқорида қайд қилинган қонунлар, ҳукумат ва тегишли вазирликларнинг қарорлари бошқарув воситасини бажаради. На фақат туоператор балки, туризмда ишлаётган барча мутахссислар, тадбиркорларнинг шиори-“ Туризмнинг юраги-экскурсия” деган шиор бўлишлигини ёдидан чиқармаслиги лозим.

## 10.2.Гид-экскурсия хизматларининг моҳияти ва таснифи. Гид-экскурсиячи

Гид-кузатувчи, гид бошловчи–туристлар гуруҳини бошқаради; диққатга сазовор жойларга экскурсия ўтказади; экскурсия мавзусини, маршрутини ишлаб чиқади; мавзу бўйича материаллар тўплайди; экскурсиянинг матнини



тузади, материалларини ҳикоя қилиб беради; «гид портфели»ни тахлайди; иш жараёни юқори даражадаги мулоқот маданиятини талаб қилади.Гид-кузатувчи қуйидаги билим, кўникма ва малака талаблари эга бўлиши лозим: тарих, адабиёт, география, иқтисодиёт, сиёсат, журналистика соҳаларига қизиқиши; экскурсия ўтказиш методикаси ва техникасини, экскурсантларга хизмат кўрсатиш тартибини билиши; камида иккита хорижий тилда эркин мулоқот кила олиши; таҳлил, мулоҳаза қилиши; ҳужжат ва материаллар билан ишлай олиши керак.

Туризм экскурсия хизматлари хизматларнинг қай даражада ташкил қилинганлигига ва хизматларнинг сифатига караб ривожланади. Бунда албатта туризм инфратузилмасидаги технологияларнинг даражалари ҳам биринчи навбатта чиқадиган шароитлардан ва асослардан бири ҳисобланади.Шу билан бирга туризмдаги асосий хизматларнинг технологик-сервис даражалари ҳам экскурсия хизматларининг ташкил қилинишига боғлиқ бўлади.

Экскурсия хизматлари юқори даражада ташкил қилиниб туризм инфратузилмалари ана шу юқори даражаларга жавоб бермаса экскурсия хизматларининг амалда ўтказиш натижалари юқори сифат даражаларига эриша олмайди. Лекин хар қандай шароитда ҳам экскурсия хизматларининг мақсади ва вазифаларини яхши англаб олиш, яхши ўзлаштириб олиш туроператор ёки гид таржимон бошловчидан талаб қилинади. Экскурсия хизматларининг мақсади ва вазифаларини тўғри белгилаш экскурсантларда қониқиш, яхши кайфият ҳолатларини келтириб чиқаради ва натижада туристик фирманинг нуфузи, ракобатбардошлиги ортади.

*Экскурсия* жамоада, гуруҳлар ёки якка кишилар иштирокида ҳам ташкил қилиниши мумкин. Экскурсантларнинг маълум сонда бўлишлиги экскурсиянинг моҳиятини белгилайди. Экскурсия лотинча- «ekskursio»-қисқа муддатли сафар ёки саёҳат қилиб келиш, саёҳатга жўнамоқ, саёҳатга бориб келмоқ маъноларини англатишини мавзунинг кириш қисмида келтирган эдик.

Россиялик йирик мутахасис Б.В. Емельянов хулосалари бўйича-«Экскурсия-ўраб турувчи дунёни кўз билан кўриб ҳис қилиш жараёнидир». Шунингдек, экскурсия -атроф муҳит воқеълигини, бизни ўраб турган табиий ва моддий муҳитни кўз билан кўриб ҳис қилишдаги мақсадли жараёндир.Демак, экскурсия жараёни кўрсатиш билан ҳикоя қилишдан иборат ҳисобланади. Кўрсатиш тўхтатилса ҳикоя марузага айланади. Масалан, табиат ҳақида ҳеч қандай кўрсатувлар бўлмаса бу маърузани тингловчилар зеҳнида маълум билимлар тўпланади. Лекин, табиат ва ундаги биологик хилма-хилликни ҳис қилиш, завқланиш юз бермайди. Шунинг учун хам экскурсиянинг кўриб ва кўришаётган, томоша қилинаётган объект ҳақида гид ҳикоясини эшитиш ҳисобланади.

Экскурсия хизматларининг мақсадини белгилашда жуда кўп омилларни келтириш мумкин. Масалан, экскурсия–ватанпарварлик, меҳнатни севиш, эстетик ва экологик тарбия, ўтмиш маданий ва тарихий меросни, ўтмиш ва ҳозирги хаётни, табиатдаги биологик ресурсларни, иклимий ўзгаришларни,

замонавий ва ўтмишдаги ишлаб чиқаришни, миллий либослар ва ўтмишдаги яшаш тарзини (музейлар), ўтмишдаги ва замонавий технологияларни, ўтмишдаги транспорт ва замонавий транспорт воситаларини, ўтмишдаги деҳқончилик ва замонавий деҳқончиликни, ўтмишдаги санъат ва замонавий санъатни миллий ўйинлар, миллий ҳунарманчилик ва ҳоказоларни ўргатади, дунё қарашни кенгайтиради.

Экскурсия хизматларининг мақсади ва вазифалари шу қадар кенг қамровли ва турли туманки, бу йўналишларнинг барчаси инсоннинг камол топишига хизмат қилади. Экскурсия хизматлари мақсади ва вазифаси бўйича инсонларни дам олдиради, билим даражасини оширади, яшашга бўлган хис туйғуларни кучайтиради. Экскурсияларни таснифлаш ҳам юқорида қайд қилинган мақсад ва вазифалардан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам экскурсиялар моҳиятига қараб тасниф гуруҳларини ҳосил қилади.

**I.** *Экскурсия хизматларини таснифлашда қуйидаги белгиларга эътибор берилади:*

1. Мазмуни бўйича;
2. Экскурсантлар таркиби бўйича;
3. Ўтказилиш жойлари бўйича;
4. Ҳаракатланиш воситалари бўйича;
5. Ўтказилиш шакллари бўйича.

**II.** *Мазмуни бўйича экскурсиялар тайёрлаш экскурсиялари ва мавзули экскурсияларга бўлинади.* Мавзули экскурсиялар ҳам қуйидаги экскурсия гуруҳларига бўлинади.

1. Тарихий мавзудаги экскурсиялар;
2. Харбий-тарихий мавзудаги экскурсиялар;
3. Ишлаб-чиқариш мавзусидаги экскурсиялар;
4. Табиашунослик мавзусидаги экскурсиялар;
5. Санъат йўналишлари мавзуларидаги экскурсиялар;
6. Адабиёт мавзуларидаги экскурсиялар;
7. Меъморчилик, шаҳарсозлик мавзуларидаги экскурсиялар.

**III.** *Экскурсиялар экскурсияда қатнашувчилар таркиби бўйича ҳам таснифланади:*

1. Каттаёшдагиларга мўлжалланган экскурсиялар (студентлар, ишлаб чиқарувчилар, мутахасисларвабошқалар);
2. Ҳар хил ёшдаги болаларга мўлжалланган экскурсиялар (мактабгача тарбиядагиболалар, бошланғичсинфўқувчилари, ўрта ва юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган)
3. Махаллий ахоли эхтиёжлари ва талабларига мўлжалланган экскурсиялар;
4. Шаҳарликларга мўлжаллнган экскурсиялар;
5. Чет элликларга мўлжалланган экскурсиялар.

**IV.** *Ўтказиш жойлари бўйича экскурсиялар қуйидагича таснифланади:*

1. Шаҳарларда ўтказиладиган экскурсиялар;
2. Шаҳарларнинг ташқарисида ўтказиладиган экскурсиялар;



3. Ишлаб чиқариш масканларида ўтказиладиган экскурсиялар;
4. Музейларда ўтказиладиган экскурсиялар;
5. Маданият саройларида ўтказиладиган экскурсиялар;
6. Табиат бағрида ўтказиладиган экскурсиялар.

**V.** *Экскурсиялар ўтказилиш шакллари бўйича қуйидагича таснифланади:*

1. Одатдаги экскурсиялар;
2. Ўқув-услубий экскурсиялар;
3. Оммовий чиқиш экскурсиялари;
4. Сайр-экскурсиялари;
5. Концертларга экскурсия.

*Экскурсиянинго бъектлари* ҳақида фикрларнинг ўзини исботлаб бирон-бир тартибга ёки бирор-бир таснифу, қоидага тузиш жуда мураккаб бўлган бўлар эди. Чунки инсонни ўраб турган дунё ажойиботларининг ҳам барчаси ва инсоният яратган моддий ресурсларнинг ҳаммаси ҳам экскурсия объектлари ҳисобланади. Қискача қилиб айтганимизда, экскурсия объектлари цивилизациянинг келиб чиқиши ва тараққиёт, фан ва техника тараққиёти, инсоният жамияти тараққиётидаги яратувчиликнинг натижалари ҳисобланади.

Шундай қилиб, экскурсиялар объектлари сифатида қуйидагилардан фойдаланишимиз мумкин:

- *Табиатдаги экскурсия обектлари*–геологик ётқизиқлар, алоҳида дарахтлар, буталар, ўсимликлар, кўзикоринлар, табиат минтақалари, водийлар, дарёлар, кўллар, ўрмонлар, тоғлар, сув ҳавзалари, музликлар, ғорлар, даралар, сойлар ва бошқалар;
- *Меъморчилик ва шаҳарсозлик экскурсия объектлари*–фуқароларнинг уйлари, саройлар, қўрғонлар, арклар, мавзолейлар, масжидлар, мадрасалар, монастирлар, черковлар, машҳур иморатлар, фонтанлар, вокзаллар, парклар, ҳайкаллар, кинотеатрлар, театрлар, санъат ва ҳукумат саройлари ва ҳоказолар;
- *Кўчалар, майдонлар, посёлкалар;*
- *Ўзбекистон ҳаётидаги ўтмишда* қурилган тарихий-маданий обидалар;
- *Машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ жойлар* ва машҳур кишиларнинг ҳайкаллари;
- *Археологик ёдгорликлар*–қадимий шаҳарлар харобалари, қалъалар қадимий расмлар, табиат ёдгорликлари ва ҳайкаллари.

Экскурсиянинг объектларига қараб унинг мавзулари ҳам турли-туман йўналишларга бўлиниб кетади. Экскурсияларни тартибга солиш учун гуруҳлаш усуллари кўплаб ишлатилади:

**I.** *Табиатшунослик мавзуларидаги экскурсиялар:*

1. География мазудаги экскурсиялар;
2. Геологик мавзулардаги экскурсиялар;
3. Гидрологик мавзулардаги экскурсиялар;
4. Ландшафтлар мавзуларидаги экскурсиялар.

**II.** *Экологик мавзудаги экскурсияларнинг бир қисми:*

1. Экология ва инсон мавзусидаги экскурсиялар;
2. Сув ҳавзалари экологияси мавзусидаги экскурсиялар;
3. Флора ва фауна мавзусидаги экскурсиялар;
4. Тоғ табиати мавзусидаги экскурсиялар.

***III. Тарихий мавзудаги экскурсиялар:***

1. Тарихий-ўлкашунослик мавзусидаги экскурсиялар;
2. Археологик мавзудаги экскурсиялар;
3. Этнография мавзусидаги экскурсиялар.

***IV. Санъатшуносликка бағишланган экскурсиялар:***

1. Тасвирий санъат мавзусидаги экскурсиялар;
2. Мусиқа-театр мавзуларидаги экскурсиялар.

***V. Адабиётшунослик мавзусидаги экскурсиялар:***

1. Машҳур ёзувчилар ҳаёти билан боғлик мавзудаги экскурсиялар;
2. Бадиий адабиётнинг машҳурлари билан учрашув мавзуларидаги экскурсиялар.

***VI. Меъморчилик – шаҳарсозлик мавзуларидаги экскурсиялар:***

1. Меъморчилик обидалари мавзусидаги экскурсиялар;
2. Меъморчилик санъати мавзусидаги экскурсиялар;
3. Шаҳарсозлик мавзусидаги экскурсиялар.

***VII. Ишлаб чиқариш соҳаси мавзусидаги экскурсиялар:***

1. Тарихий ишлаб чиқариш мавзусидаги экскурсиялар;
2. Алоҳида завод ва фабрикалар мавзусидаги экскурсиялар;
3. Замонавий технологиялар мавзусидаги экскурсиялар.

*Янги гид-экскурсия хизматларини тайёрлаш технологиялари.* Янги экскурсия хизматларини тайёрлаш асосан куйидаги 3 босқичда бажарилади:

**I**-*Босқич* – Бу босқичда янги экскурсия мавзуси танланади, илмий-амалий манбалар ўрганилади, ушбу экскурсиянинг объектлари мавзу бўйича танланади.

**II**-*Босқич*- Бу босқичда экскурсиянинг маршрутлари ишлаб чиқилади, маршрутдаги экскурсияларнинг технологик харитаси, сафар трасса паспорти тайёрланади, экскурсиянинг дастури ва ахборотлар варақаси ишлаб чиқилади.








**III**-*Босқич* –Бу босқичда экскурсия лойиҳаси ҳимоя қилинади, маршрут олдиндан ўрганилиб чиқилади, экскурсия раҳбари тайинланади, экскурсиянинг гид-бошловчиси тайинланади ва экскурсия лойиҳаси тасдиқланади.

Экскурсия хизматини ўтказиш жараёни 3 қисмдан иборат бўлади: кириш, асосий қисм ва хулосалар.

1. Экскурсиянинг *кириш қисми* асосан 3 бўлимдан иборат ҳисобланади:

- Экскурсия гуруҳи билан танишув;
- Экскурсиячиларнинг экскурсия маршрутида бўлган пайтида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш ҳақида кўрсатиладиган чора-тадбирлар (хавфсизлик мезонлари);
- Ахборотлар (мавзу ҳақида қисқача ахборот, маршрут муддатлари ҳақида, экскурсиянинг бошланиши ва тугаши, санитария-гиббиёт ҳолати, экскурсиячиларнинг таъсуротлари).

2. *Асосий қисм*–бу қисмда асосан экскурсия қатнашчиларига экскурсия ҳақида қисқача ахборотлар берилади. Шунингдек, экскурсиячиларга бошқа экскурсиялар ҳақида ахборотлар ҳам етказилади.

3. Экскурсиянинг *хулосалари* қисмида экскурсиянинг ўтказилганлиги ҳақида ҳисобот тайёрланади ва муҳокамага қўйилади, сўнгра тасдиқланади.

Бу босқичда экскурсияни ишлаб чиқиш 14 та жараённи ўз ичига олади:

1. Экскурсиянинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш.
2. Мавзуни танлаш.
3. Адабиётларни таҳлил қилиш ва адабиётларнинг рўйхатини тузиш.
4. Мавзу бўйича музей фондлари ва тегишли адабиётларни танлаш.
5. Экскурсия объектларини танлаш ва ўрганиш.
6. Экскурсия маршрутларини тузиш.
7. Маршрутни олдиндан айланиб, кўриб чиқиш.
8. Экскурсиянинг объектларини кўриб чиқиш.
9. Экскурсиячи «портфелини» жамлаштириш.
10. Экскурсияни ўтказиш методларини аниқлаш.
11. Экскурсияни ўтказиш техникасини белгилаш.
12. Методик ишланмаларни тузиш.
13. Экскурсия маршрутини ишлаб чиқиш.
14. Экскурсияни тасдиқлаш.



*Экскурсия хизмати кўрсатишни ташкил қилиш*

Экскурсия мазмуни ва моҳияти жиҳатидан экскурсиячи + экскурсант + экскурсия объекти бир схемада бир-бири билан боғлиқ ҳолда бир мажмуада ишлаши лозим бўлади .




А- экскурсиячи
Б –экскурсант
В–экскурсия объекти

*Гид-экскурсия хизматларидан самарали фойдаланиш методикалари*

Экскурсия хизматининг методикалари экскурсияшуносликнинг асосий кисми ҳисобланади. Экскурсия хизматлари методларининг вазифаси экскурсияшуносликда ва экскурсия хизматларида туризм мутахасисларига ёрдам бериш ҳисобланади. Қуйидаги жараёнда экскурсиянинг максади ва экскурсия жараёнининг қуйидаги чизмаси кўрсатилган.




Экскурсавод экскурсияни ишлаб чикишдан то экскурсияни ўтказгунча факат экскурсия методларига суянади. Экскурсия методлари экскурсия объектларини баҳолашда ҳам, экскурсия ахборотларида ҳам, экскурсия мазмунини эшитишда ҳам ишлатилади. Яни экскурсавод йўл-йўлакай экскурсия методлари бўйича экскурсиячилар билан мулокотлар қилиб боради.






*Экскурсия хизматининг экскурсиячилар билан мулоқотлар олиб бориш методлари*

Расмни таҳлил қилганимизда ушбу ҳолатдаги объектни экскурсиячиларга томона қилдиришда экскурсавод маъруза методини қўллайди. У объектнинг жозибадорлигини сўз билан исботлайди. Экскурсиячилар эса кўриш, эшитиш таъсуротлар олишда экскурсия методларининг экскурсавод томонидан ишлатилаётганлигини сезмай ҳам қоладилар.




Шу тариқа экскурсия жараёни юз беради. Экскурсия жараёнида объектнинг тавсифи-изоҳлари экскурсавод томонидан кетма-кет, босқичма-босқич амалга оширилгандагина экскурсиячилар экскурсиядан ўзлари кутган нарсани оладилар, яъни ишонч ҳосил қиладилар.

Экскурсавод методлардан фойдаланиб экскурсиядаги компонентлар нинг (экскурсавод+объект+экскурсантлар) ўзаро ҳаракатини бирлаштиради. Ушбу ҳолатда экскурсия жараёни юз беради . Экскурсиячиларда объектга қизиқиш ҳосил бўлганлигидан диққатларини объктни кузатишга қаратади. Ўзаро савол-жавоб ва бири-бирига тушунтиришларга ўтишади.Шундай қилиб, экскурсия хизматида экскурсия объектларини кўрсатиш нинг қуйидагилар энг кўп ишлатиладиган қулай усуллар ҳисобланади:

1. *Олдиндан кўриш, томоша қилиш усули.* Бу усулни иккига бўлиш мумкин. Биринчи қисмда экскурсантлар ўзлари томоша қила бошлайди. Кейин экскурсавод объектнинг қурилишдан бошлаб у билан боғлиқ маълумотларни аста-секин ахборот тариқасида гапира бошлайди.

2. *Панорама усулида кўрсатиш*–баланд жойдан катта ҳудудларни кўрсатиш ва таништира бориш. Масалан, Чўпонота қирларидан туриб

Самарканд шаҳрининг тарихий обидалари ва баланд миноралари ҳақида экскурсия ўтказиш мумкин.

3. *Кўриб қайтадан тиклаш усули* – экскурсавод объектнинг дастлаб кандай бўлганлигини ишончли маълумотлар асосида хикоя кила бошлайди ва тиклайди

4. *Кўришда монтаж* (кайта ишлаш) усули бу усул хам олдинги-кўриб кайтадан тиклаш усулига ўхшаб кетади;

5. *Воқеаларни йиғиш усули*–айнан вокеа содир бўлганжойда экскурсо вод экскурсантларнинг бу вокеа хақидаги барча фикр ва билимларни йиғади;

6. *Кўришни таққослаш усули*–Объектни бошка объектлар билан таккослаш (баландлиги, усули, кенглиги, сирлилиги, катталиги, тарихийлиги, кандайдир вокеаларга боғликлиги ва бошкалар).

### 10.4.Экскурсия хизматларида гид-экскурсиячи фаолиятини баҳолаш методикалари

Ҳар кандай касб меҳнат фаолият билан боғлик бўлиб шу касбнинг асосий хусусиятларини белгилайдиган билим ва тажрибага эга бўлишни талаб килади. Бундай билимлар ушбу касб йўналишидаги таълимни ўрганишдан, тажриблар эса меҳнат фаолияти давомида ўзлаштирилади.Шунинг учун ҳам гид–экскурсаводга, унинг малакавий касбига қўйиладиган талабларнинг дастлабкиси куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1. Интеллектуаллик;
2. Ўз-ўзига ишончлилиги, қатъийлиги;
3. Жавобгарлик;
4. Шахс-мутахасис сифатида ўзига ишониши ва бошка ижобий хусусиятлари;
5. Касбий маҳоратига ишониши юзасидан юқори поғоналарда туришини хис килиш.

Гид-экскурсовод касбини эгаллашда эса куйидаги хусусиятларга эга бўлиши талаб қилинади:

1. Ташкилотчилик.
2. Ҳар томонлама дунёкарашга эга бўлиш.
3. Маданиятлилик.
4. Таҳлил кила билиш.

Гид-экскурсиячи фаолиятини баҳолашда куйидаги талаблар қўйилади. Яъни гид-экскурсиячи қуйидаги малакавий ишларини бажаришга кобилиятли бўлиши лозим:

- Маълум бир мавзуга оид экскурсия маршрутларини йиға билиши ва янги экскурсия маршрутини тайёрлай билиши;
- Экскурсиянинг методларини яхши билиши ва амалда эркинлик билан қўллай олиши;
- Экскурсиянинг ўтиши давомида янги методларни қўллай билиши;



- Экскурсия давомида кўргазмали куроллар билан ишлай олиши, уларни тайёрлаб қўйиши;
- Экскурсиячиларни (гурухларни) бошқара билиши;
- Экскурсияларни реклама қила билиши.

*Гид-экскурсиячининг вазифасига эса қуйидаги мажбуриятлар киради:*

- Экскурсияшуносликни яхши билиши;
- Экскурсия объектларини яхши билиши;
- Экскурсия маршрутларини ишлаб чиқа олиши;
- Янги экскурсияларни ишлаб чиқа олиши;
- Экскурсиянинг методларини яхаши ўзлаштириш ва янги методикалари бўйича маърузалар қила билиши;
- Экскурсияларни моҳирлик билан бошқара билиши.

*Гид-экскурсиячининг шахсий фазилатларига қўйиладиган талаблар* қуйидагилардан иборат бўлади: ёкимли ташқи кўриниш; эътиборли; кучли хотира; ишда ижодий ёндашув; тез қарор қабул қилиш қобилияти; ташкилотчи; ўзига ишонувчан; дунёкараши кенг; нутқ маданияти, тўғри талаффузга эга бўлиш, сўз бойлигига эга бўлиши керак.

*Шахсий фазилатларга тўғри келмайдиган кўрсатмалар:* юрак кон-томири касалликлари билан оғриганларга, руҳий ва асаб тизимлари бузилганларга, нутқида ва жисмоний камчилиги борларга бу иш тавсия этилмайди.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Экскурсиячи мутахасислигини эгаллашдаги босқичларни тушунтириг.
2. Экскурсия хизматларида гид-экскурсиячи фаолиятинибаҳолаш методикалари нималарга асосланган?.
3.Экскурсия объектлари қандай тавсифланади?.
4. Экскурсияларни ўтказишнинг қандай методикаларини биласиз?.
5.Янги гид-экскурсия хизматларини тайёрлаш технологияларининг таркибида нималар бўлиши керак?

## 11 -Мавзу. ЭКОТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

**Режа:**

11.1.Экотуризм маршрутларини ишлаб чикишда тамойилларни қўллаш
11.2.Экотуризм маршрутидаги хизматлар

### 11.1.Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишда тамойилларни қўллаш

Мавзунинг режаси бўйича туризмда маршрутлар ишлаб чикиш тамойиллари билан экотуризм маршрутларининг таъриф ва тавсифларини ишлаб чиқамиз.

*1.Экотуризм маршрутларидаги жозибадорлиги, бетакрорлик тамойили* талаблари хақида таърифлашни батафсил келтиришга изоҳ бу ерда ортикчалик

қилса керак. Экотуризмнинг келиб чиқиши ҳам инсоннинг табиатни соғиниши, ҳозирги цивилизация бўҳронларидан (атмосферанинг ифлосланиши, ерларнинг ишдан чиқиб бораётганлиги, ноёб ўсимлик ва ҳайвонотнинг инсондан узоқлашиб бораётганлиги, тоза ҳавонинг етишмаётганлиги ва ҳакозолар…) чарчаганлигидан, инсоннинг табиатдаги тоза ҳаволи табиий минтақаларига саёҳатни хохлаганлигидан келиб чиқди. Бу соҳа маршрутларини тузганда табиатдаги жозибадорлик–бетакрорликнинг ўзи ҳам табиий минтақаларнинг ўзига хос бўлган ландшафтлари, шу минтақада ўсувчи ўсимликлар ва шу минтақа табиатига интилиш жиҳатларини ҳисобга олиш тўғри бўлади.

Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишда ишлатиладиган жозибадорлик ва бетакрорлик кўринишлари Ўзбекистондаги 5 та табиий экологик минтақада мавжуд. Шунинг учун ҳам экологик масканларга–ресурсларга маршрут тузишда бу тамойилни қўллашнинг кутилгандан зиёда бўлган имкониятлари бор. Энг муҳими, маршрут тавсифида экологик ресурсдаги жозибадор ва бетакрор табиий кўринишлар биринчи навбатда расмлар тасвирида берилиши керак. Бу типдаги маршрутларни ишлаб чиқишда албатта ноёб ҳайвонот оламидаги қушлар, ҳайвонлар, «Қизил китоб»даги ҳайвонот турларининг расмлари, таърифлари маршрут маълумотларида берилиши мақсадли бўлади.

*2.Имкониятнинг яратилганлиги тамойилида* экотуризм ресурсига маршрутлар ишлаб чиқиш жуда жиддий масала. Бу тамойилга амал қилиб экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишда қуйидаги имкониятлар бўлиши талаб қилинади.

1. Экотуризм масканларига киришнинг ҳуқуқий-қонуний тартиблари яратилганлиги.
2. Экотуризм масканида туристлар учун махсус маршрутларнинг (сўқмоқлар, йўллар, дам олиш жойлари) ишлаб чиқилганлиги ва фаолият кўрсатиши.
3. Экотуризм масканларида туристларга хизматлар кўрсатиш тизимлари нинг ташкил қилинганлиги (дам олиш, тунаш, овқатланиш, кўнгил очар ўйинлар, қисқа муддатли экскурсиялар ва ҳако…).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Давлат муҳофазасидаги табиат ландшафт лари, қўриқхоналар, тоғ тизмаларига туристлар киритилишининг ҳуқуқий-қонуний меъёрлари ишлаб чиқилмаган.Бу меъёрлар энди яратилмоқда. Демак, бу экотуризм масканларидан экотуризмда фойдаланишнинг энг муҳим имкониятлари ҳозирча йўқ. Шунинг учун ҳам бу тамойилнинг талаблари (1,2,3) амалда бажарилгандагина экотуризм ресурсларига, объектларига туристик маршрутлар ишлаб чиқиш зарур бўлади.

*3.Мазмундорлик тамойили* ўз талаблари жиҳатидан жозибадорлик ва бетакрорлик тамойилига қўшилиб кетади. Табиатдаги бетакрорликни кўрган, унинг гўзал бағрида дам олган, ранг-баранг ўсимликлар олами ва ҳайвонат дунёсини кўрган турист руҳий жиҳатдан ҳам жисмоний жиҳатдан ҳам туристик маршрутнинг мазмунли ўтганлигини ҳис қилади. Унинг кайфияти



яхшиланиб ўзида бой таъсуротлар пайдо бўлганлигини сезади.Шунинг учун ҳам, экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишда маршрут бўйлаб ўзгараётган табиат элементларигача маршрут тузувчи эътибор бериши лозим бўлади. Шунингдек, маршрут йўналишида туризмнинг бошқа ресурс манзиллари (зиёратгоҳ жойлар, танқли инсонлар қабри, машҳур кишилар номи билан боғлиқ обидалар, тарихий–маданий, маъмурий обидалар ва бошқа..) бўлса албатта маршрутнинг маълумотларига қисқача таъриф билан киритиш фойдали бўлади.

Масалан, турист ёки туристик гуруҳ Омонкўтон воҳаси маршрутни танлади. Албатта турист ёки туристик гуруҳ тезроқ Омонкўтон воҳасига шошилади. Энди агар маршрут маълумотларида жозибадорлик-бетакрорлик, имкониятларнинг яратилганлиги тамойили ресурслари мавжуд бўлса турист ва туристик гуруҳ маршрут йўлидаги бу ресурсларни кўришга қизиққанлигидан ёки кўп ҳолларда кўриш учун тўхтайди. Бу ҳолатда мазмундорлик тамойили ҳам ишга тушиб маршрутдан кўнгил тўлиш қониқиш ҳисларини келтириб чиқаради. Бу натижа эса маршрутни ташкил қилган туристик фирма обрўсини оширади.

*4.Фаолиятлилик тамойилида* экотуризм маршрутларининг ҳаракат линиш вақтлари, муддатлари тушунилади. Фаслларимиз алмашиб турганлиги дан экотуризм маршрутларини тузишда бу тамойилга жиддий эътибор бериш талаб қилинади. Чунки, экотуризмнинг муҳим ресурслари бўлган тоғ ҳудудларидаги экотуризм ресурсларига қишки маршрутлар ишлаб чиқишда туристларнинг ҳаёти хавсизликларини таъминлаш масаласи биринчи навбатдаги ўта жиддий масаладир.Тоғлардаги экотуризм ресурсларига етиб боришда автойўлларда қорнинг эримаслиги, баланд довонлардан ҳар қандай транспорт воситаларининг чиқаолмаслиги, тоғдаги маршрут сукмоқларининг қор билан кўмилиб қолиши, қор кўчкилари туристлар ҳаётига жиддий хавф солади. Шунинг учун ҳам тоғ ҳудудларига қиш мавсумида экотуризм маршрутларини ташкил қилишда чегараланиш муддатларини ва бу маршрутларнинг ҳаракатланиш вақтларини аниқ белгилаш экотуризмда жиддий аҳамиятга эгадир.

Тоғ ҳудудларига кеч баҳор фаслидан то кеч куз мавсумларигача экотуризм маршрутларини ташкил қилиш мақсадли бўлади. Экотуризм маршрутларини Ўзбекистондаги бошқа табиий минтақалардаги экологик масканларга ишлаб чиқилганда ҳам бу экотуризм масканларида йил фаслларидаги иқлимий хусусиятларни ҳисобга олиш, тур маршрутнинг ҳаракатланиш ҳолатларини аниқ билиш талаб қилинади.

*5.Кўпқирралик, кўп вариантлилик тамойили* бўйича экотуризм маршрутлари қуйидаги вариантларга бўлинади.

1. Фақат қуруқлик бўйлаб экотуризм масканига бориш.
2. Ҳаво транспорти ёрдамида экотуризм масканига бориш.
3. Сув маршрути орқали экотуризм масканига бориш.
4. Аралаш транспорт воситаларидан фойдаланиб экотуризм масканига бориш.

Қайд қилинган йўналишлар бўйича экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш тушунарли. Бу ишлаб чиқариш тамойилининг кўп вариантлилиги га кириб турист ёки туристик гуруҳнинг талаби, хохиш-истаклари бўйича улар хохлаган экотуризм маршрутлари бўлиши мумкин. Бу маршрутлар табиий мухит-шароит, йўл-йўлакай турли–туман объектларини кўриш имкониятлари бўлганлигидан кўпқирралиликка ҳам киради.Шу билан бирга экотуризмнинг кўп қирралилик тамойили экотуризмнинг асосий объектига боргунча туризмнинг бошқа ресурсларига ҳам маршрутнинг кириб-ўтишини таъминлайди. Бу ҳақда экотуризм маршрутларини тузишда мазмундорлик тамойилини қўллаш кисмида зарур талаблар ҳақида изоҳ берилди.

*6.Экотуризм маршрутларида қулайлик тамойилини* қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу тамойилда экотуризм маршрутларида қуйидаги қулайлик манбалари яратиш лозим бўлади:

1. Транспорт ва транспорт хилларидан фойдаланишдаги қулайлилик.
2. Маршрут давомида хизматларни қабул қилиш қулайлиги.
3. Маршрут давомида дам олиш, кўнгил очар ўйинларга катнашиш, экскурсияларга чиқиш, овқатланиш ёки тунаб қолишдаги қулайликлар.
4. Маршрут давомида тиббий ёрдамни олиш қулайлиги.
5. Маршрут давомида турист учун минимум (термосда чой, палатка, ётиб дам олиш учун йиғма кароват, бироз қаттиқ овқат, катик, шарбатлар, тухум) ва оптимум (меҳмонхонада тунаш, ресторанда овқатланиш, спорт залида машк қилиш, бассейнда чўмилиш) қулайлиги пухта ишлаб чиқилиши лозим.

*7.Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишда ахборотланганлик тамойилини* қўллаш маршрутни ўзига хос равишда реклама қилиш, туризм бозорига киритиш ҳам ҳисобланади. Бу тамойилда маршрут ҳақидаги барча маълумотлар турист учун муҳайё қилиниши керак–брошюра, журнал, буклет, газета, радио, телевединия. Турист маршрутда нималарни кўради, нималар ҳақида маълумотлар эшитади, қандай юради, қайси кийимлар керак бўлади, қандай транспорт воситалари таклиф қилинган, қайси хил овқатлар ичимликлар тайёрланади, қандай дам олади, овқатланиш тартиби қандай ташкил қилинади ва ҳакозаларга – ҳаммасига жавоб бўлиши шарт бўлади.

Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш тамойилларидаги талабларни ўрганиб таҳлил қилганимизда ҳар бир тамойилнинг маршрутда муҳим ўрни борлигини англаймиз. Бу тамойилларни асос қилиб олиб ишлаб чиқилган маршрут ўзида маршрутнинг барча талабларини мажмуали равишда мужассамлаштирган бўлади, экомаршрутнинг рекламалиги аҳамиятини оширади.

## 11.2. Экотуризм маршрутларидаги хизматлар.

Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишнинг тамойиллари ўз моҳияти жиҳатидан туристик маршрутлардаги хизматларни ҳам ўз ичига олади. Айникса, имкониятнинг яратилганлиги, кўп вариантлилик, қулайлилик ва ахборотланганлик тамойилларида маршрутларда туристлар учун қандай хизматлар ташкил қилиниши ва кўрсатилишининг айрим, умумий номланиши



ларига тўхталдик. Экотуризм маршрутларидаги хизматлар қуйидаги, алоҳида алоҳида соҳадаги хизматларни ўз ичига олади:

1. Транспорт хизматларидан маршрутда бўлиш давомида қуйидаги ҳолатлардан фойдаланиш мумкин.

а) Туристик фирманинг хусусий транспортларидан фойдаланиш мумкин.

б) Бошқа ташкилотлардан махсус жиҳозланган транспортхилларини ижарага олиш мумкин.

в) Турист маҳаллий аҳолидан от, эшак, туя ва араваларни ижарага олиши мумкин.

г) Турист ўзининг шахсий транспортидан фойдаланиш мумкин.

Экотуризмнинг катта масофали маршрутларидан фойдаланилганда албатта ҳозирда мавжуд бўлган қуйидаги транспорт турлари турмаршрутнинг ўзига тегишли хизматини бажариб беради:

1. Авиация транспортлари (самолёт, вертолёт).
2. Автобус транспортлари (кичик ва катта хажмдаги автобуслар, микроавтобуслар).
3. Автомобиллар транспорти (енгил, жиплар, арзон, киммат, махсус).
4. Темир йўл транспортлари.
5. Махаллий аҳоли транспортлари (от,эшак,туя,арава, буғу, ит чаналари).
6. Комбинациялашган транспорт хиллари.
7. Сув ҳавзалари транспортлари (катер, қайиқ, кемалар, махсус соллар).

Экомаршрут давомида туристларга хизматлар кўрсатиш хиллари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Дам олишни ташкил қилиш хизматлари (маршрут давомида қисқа муддатли дам олишда йиғма стол-стулларнинг бўлиши, кофе ёки чой тайёр лаш,тунаш-палаткаларда, йиғма кароватлар, кўчма теле-радио воситалари, меҳмонхонада).

2.Маршрут давомида ва маршрут охирида–экологик ресурс масканидаги хизматлар (қисқа муддатли ва 1-2 кунлик экскурсияларда).

3. Туристларга кўнгил очар хизматларни (ўйинлар, мусобақалар, экзотик ҳаракатлар) кўрсатиш.

Қайд қилинган хизмат хиллари экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишдаги ахборотланганлик тамойили бўйича ҳам талаб қилинади. Экотуризм маршрутларида хизматларни сифатли қилиб бажариш, туристга таклиф қилишнинг мукаммал ишлаб чиқилгани ва аъло даражада бажарилгани туристик фирмада туристлар оқимини кўпайтириб олинадиган даромаднинг ошишини таъминлайди, туризм бозорида тур фирманинг мавқеини кўтаради.

**Экотуризм маршрутларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш.** Туризмдаги бошқа туристик маршрутларларга таққослаганда экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётига хавф солувчи манбалар анчагина. Чунки экотуризм маршрутлари табиатимиздаги барча экологик иқлим минтақаларини ўз ичига олади.Бу экологик иқлим минтақаларининг барчасида табиатдаги заҳарли ҳашоротлар, судралиб юрувчилар яшашади. Экотуризм

маршрутларида туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва манбаларини қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин:

1. Заҳарли судралиб юрувчилар (илонлар) ва ҳашоротлар (қорақурт, фаланга, пашшалар) чақиши хавфи.
2. Иқлимнинг таъсири хавфи (иссиқ уриши, тоғларда қон босими ошиши, ўсимликларнинг аллергия чиқариши, шамоллаш).
3. Ички касалликларнинг келиб чиқиши хавфи (мева –сабзавотлардан, маҳаллий сувлардан, маҳаллий-миллий овқатлардан).
4. Транспорт воситаларининг чўлда ва тоғликларда, нотекис йўлларда юришдан келиб чиқадиган хавф.

Экотуризм маршрутларида табиатдаги заҳарли илонлар, ҳашоротлар ҳақида маршрутнинг «ахборотланганлик» тамойили бўйича заҳарланиш ҳақида маршрут маълумотларида огоҳлантириш хабарлари ёзилиши, заҳарли илонлар, чаён ва кора-куртларнинг қаерларда кўпроқ учраши ёки бўлиши албатта ёзилиши шарт бўлади.

Маҳаллий иқлим шароитлари, манбалари асосида туристларда ички касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш учун маҳаллий сувдан фойдаланмаслик, маҳаллий аҳоли овқатларини билган ҳолда овқатланиш, меваларнинг хусусиятлари ҳақида оғзаки огоҳлантиришлар, ахборотлар, суҳбатлар ўтказиш албатта кутилмаган хавфнинг олдини олади. Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётида хавф пайдо бўлганда қуйидаги хавф олди ва хавф сўнгидаги тадбирлар маршрут ҳужжатларида акс эттирилиши албатта зарур:

1. Экотуризм маршрутларида илонлар, чаён, қорақуртдан заҳарланишга қарши ва бошқа ички касалликларнинг олдини олувчи дорилар, зардоблар воситалари бўлган «экотуризм аптечкаси - дорихонача» си бўлиши.

2. Туристларнинг экотуризм ресурслари маконларида якка ҳолда юрмаслиги.

3. Заҳарланган ҳолатда биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббиёт мутахассисининг маршрут давомида туристлар билан бирга бўлиши.

4. Экотуризм маршрутлари ўтадиган жойлардаги яқин касалхоналар, врачлик-фельдшерлик маконларининг адреслари, телефонлари маршрут ҳужжатларида бўлиши, доимий мобил алоқаларининг ишлаб туришини таъминлаш.

5. Транспорт воситаларининг техник созлигини доимо назоратга олиш ва маршрутга чиқиш олдидан йўлларнинг ҳолатини кузатиб чиқиш.

Қайд қилинган тадбирлар экотуризм маршрутларига чиқишдан олдин канчалик мукаммал ўтказилса маршрутнинг–турнинг хавф-хатарсиз, кутилмаган нохуш жанжалларсиз муваффақиятли ўтказилишини таъминлайди. Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқувчилар ва маршрутларни ўтказувчилар маршрутларда туристлар ва хизмат қилувчилар ҳаётига хавф солувчи манбаларни олдин башоратлаб бу хавфни ўз вақтида бартараф қилиш ишларига ўта маъсул ва жавобгардир.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***



1.Экотуризм маршрутлари бошка тур маршрутларига нисбатан қандай фаркларга эга?.

2.Экотуризм маршрутларида хавф-хатарлар нималардан иборат?.

3.Экотуризм маршрутларининг дастурини тузишда нималарга асосий эътибор қаратилади?

4.Экотуризм маршрутларида жойлаштириш хизматлари қандай амалга оширилади?.

5. Экотуризм маршрутларида овқатлантириш хизматлари қандай амалга оширилади?.

## 12-Мавзу. ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ МАРШРУТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

**Режа:**

12.1. Зиёрат туризми маршрутларини тайёрлаш.

Республикамизда ислом дини таълимотининг дунёга машҳур бўлган уламоларининг жуда кўпчилиги ватандошларимиз хисобланади ва уларнинг мансублик билан боғлиқ ишлари, фаолиятлари ва қабрлари жойлашган зиёратгоҳ жойларни ҳалқимизнинг билиш даражаси ўрганилмаган. Иккинчидан, зиёрат туризмида машҳур авлиёларнинг кабрлари жойлашган ерлар, масканлар ҳақида дунё бўйича етарли ахборотларнинг таркатилмаганлиги, ишончли маълумотларнинг реклама қилинмаганлиги ҳам ушбу масканларда ҳалқаро туристларни ҳам, ички туристларни ҳам жалб қила олмайди.

Шунинг учун ҳам, зиёратгоҳ жойлардан ички туризмда ҳам, ҳалқаро туризмда ҳам фойдаланиш масалаларини, муаммоларини ўрганиш туризмни ривожлантиришда жуда долзарб масала ҳисобланади. Республикамизда зиёрат туризмини ривожлантиришдаги яна бир муҳим долзарб масала шундан иборатки, Республикамиздаги зиёратгоҳ жойлар, масканларга туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаганлигидан, зиёрат туризми имкониятларимиз даражасида ривожланмасдан қолмоқда. Бу ҳолатда муҳим бир масалага эътибор бериш зарурки, зиёратгоҳ масканларга туристик маршрутларга ташкил қилишгина бу жойларда туристларга хизмат қилувчи инфратузилмаларни юзага келтиради.

Чунки, маълум бир туристик объектга турист оқимининг кўпайиши албатта эхтиёж нуқтаи-назаридан уларга хизматлар қилувчиларни чорлайди. Натижада туристларнинг эҳтиёжларини сезган маҳаллий аҳоли туристларга мажмуали хизматларни таклиф қила бошлайди. Шунинг учун ҳам бундай муқаддас зиёратгоҳларни дунё миқёсида реклама қилиш республикамизда ички ва ҳалқаро туризмнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Ана шундай зиёратгоҳлардан бири ҳақида маълумотларни келтирамиз.

***Маршрутнинг ахборот варақаси:***

*(Гид экскурсиячи учун маълумотлар)*

Зиёратгоҳ масканлардан ички ва халқаро туризмда фойдаланишда жуда катта имкониятлар бор. Биргина саҳоба Саъд ибн Абу Ваққос–Авлиё ота зиёратгоҳи бу фикримизга мисол бўла олади. Бу инсоннинг номи бутун ислом оламига таниш бўлганлиги, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбаримизнинг тоға авлодларидан бўлганлиги, якин сафдошларидан бири эканлиги, пайғамбаримиз бу улуғ зотни беҳад хурмат қилганлиги ва жасур лашкарбоши бўлганлиги учун ҳам бу зиёратгоҳга халқаро ислом олами микёсида туристларни жалб қилиш мумкин.

Саъд ибн Абу Ваққос ғайридинлар билан жанг қилган (Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани). Жангда унинг бир бармоғи киркилиб кони тўкилган жой 14 асрдан буён азиз зиёратгоҳ ҳисобланади. Зиёратгоҳда ўша давр манбаларида қайд қилинган шифобахш булоқ оқиб турибди. Саъд ибн Абу Ваққос жасур лашкарбоши сифатида Эрон юртини забт қилгандан кейин юртимизга келган.Шу ўринда саҳобалар ҳақида қисқача тўхталамиз. Мусулмон умматининг биринчи авлодларидан бўлган саҳобалар, ҳақиқатда инсоният тарихидаги улуғ зотлардир. Мусулмонларнинг бу авлоди аллоҳ таолонинг каломида тилга олинган, Муҳаммад Пайғамбарнинг(с.а.в.) ҳадисларида мақталган, мусулмонлар жумҳури томонидан мадҳ этилган ва этилаётган саодатманд бир авлоддир.

Саҳобалар ер юзида иймоннинг барқарор бўлиши, Аллоҳ таолонинг тавҳиди ширк ва куфрдан устун келиши учун молларию, жонларини фидо қилган, бу мақсад йўлида дуч келган барча тўсиқларни собитқадам билан енгиб ўтиб мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган буюк инсонлардир.

«Саҳоба» сўзи луғатда –«дўстлик» ва «йўлдош бўлмоқ» маъноларини англатади. Али ибн Мадинийнинг(р.а.) таърифи бўйича «Расулуллоҳ(с.а.в.) билан суҳбатлашган ёки бир соат бўлса ҳам ўнгида У зотни кўрган киши саҳобадир». Имом ал- Бухорий (р.а.) шундай таъриф қилганлар- «Расулуллоҳ(с.а.в.) билан суҳбатлашган ёки У кишини кўрган ҳар бир мусулмон У зотнинг саҳобаларидандир».

Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин саҳобалар ҳам туғилиб ўсган, ўзлари севган ватанларини ташлаб Аллоҳ таоло розилиги ҳамда муқаддас ислом динини ер юзига таркатиш учун турли юртларга тарқалиб кетдилар.1-Ҳижрий асрнинг ўрталарида Мовороуннаҳр диёрига ислом кириб кела бошлади.

Биринчи келган фотиҳлар орасида кўплаб саҳобаларни учратиш мумкин. Бунга Мовороуннаҳр заминида уларнинг кабрлари, излари борлиги ёрқин далилдир.Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг амакиси Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда), тоғаси Саъд ибн Абу Ваққос шулар жумласидандир. Пайғамбар(с.а.в.) шундай марҳамат қилган-«Эй Саъд, ота-онам сенга фидо бўлсин». Ҳазрати Саъд (р.а.) Абубакр Сиддиқ воситасида исломга кирган беш зотнинг учинчиси, Маккалик мусулмонларнинг эса олтинчиси эди.

Ашаран мубашшарадан (яъни Аллоҳ таоло номидан жаннатга кириши башорат қилинган саҳобалардан бири) Саъд олтинчи отада Пайғамбаримиз нинг сулолаларига боғланади. Саъд ибн Абу Ваққос бану Зухра кавмидан



бўлиб Пайғамбарнинг(с.а.в.) тоғаларидир. Бу хақда Расулуллоҳ(с.а.в.)-«Мана бу киши менинг тоғам! Қани бошқалар ҳам ўзининг шундай тоғасини кўрсатсин-чи» деган сўзлари тарихда қолган.

Халқаро туризм бозорига ўзбек, араб ва рус тилларида ишлаб чиқилган мукаммал туристик маршрут ва ахборотлар чиқиши натижасида бутун ислом олами ва ватанимиз аҳолиси Пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в.)нинг сафдоши ва тоғасининг ватанимизда бўлганлиги, унинг муборак кони тўкилган жойда 1400 йилдан бери муқаддас ва шифобахш булоқ оқиб турганлигини, бу жой халқимизнинг азиз зиёратгоҳига айланганлигини ва ушбу манзилга бориш йўлларини билишади. Албатда, Марказий Осиё, хорижий ислом мамлакатларидан ва Республикамиз вилоятларидан келувчи зиёратчиларнинг оқими кучаяди.Бу муқаддас зиёратгоҳлар атрофидаги маҳаллий халқнинг иш бандлиги таъминланади, маҳаллий халқ туризм инфратузилмаларини яратилар, танишиш натижасида халқаро ҳамдўстлик алоқалари кучаяди, Ўзбекистонликларни халқаро ҳамжамият халқлари, эл-элатларининг билиб олиши кучаяди, хизматлар кўрсатиш натижасида миллий ғурури ва ижтимоий-иқтисодий даражалари ошади.



*Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманидаги Авлиё ота қишлоғида жойлашган*





Халқимизнинг барча ижтимоий-иқтисодий қатламларига, ёш таркибларига мос келувчи зиёрат туризми махсулотларини ишлаб чиқиш ва туризм бозорига чиқариш вақти келди. Маълумки, халқимиз азалдан ватанимиздаги барча зиёратгоҳларни азиз ва муқаддас билиб келишади.

Зиёрат туризмини ривожлантиришда халқимиздаги бу улуғ одатни ва хусусиятларни этиборга олишимиз, зиёрат ахборотларини, шароитларини яратишимиз лозим.

***Туристик экскурсия маршрутининг технологик харитаси***

1.Маршрутнинг номи, мавзуси *«Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳига зиёрат +экотуризм+рекреация"* **маршрути**
2.Маршрутнинг муддати (бошланиши ва тугаши)- ***1кунлик, 2023 йил давомида***
3.Маршрут тури *–зиёрат+экотуризм+рекреация*
4.Маршрут масофаси (км)-***90 км***
5.Маршрут ҳаракатланиши:-***Автобусда***
а) транспортда (км)-***90 км***
б)пиёда (км)- ***Зиёратгоҳда***
в) махаллий транспортда (км)-***0***
г) сув ҳавзаларида (км)-***0 км***
6. Маршрутдаги туристлар сони- ***10турист ва 3 хизмат қилувчилар.***
7. Маршрутдаги экскурсиялар мавзуси ва ёзма шакли- ***илова қилинади.***
8. Маршрут эгаси бўлган корхона манзили- ***Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй, телефон-***

***Маршрутнинг дастури***

1.Экскурсиячиларни "Регистон" майдонида кутиб олиш-$8^{00}$ да
2.Автобусда маршрутга чиқиш-$8^{30}$ да
3.Зиёратгоҳга етиб бориш-$9^{00}$ да
4.Зиёратгоҳ билан танишиш ва ахборотлар олиш то-$10^{00}$ гача
5.Зиёрат амалларини бажариш то $12^{00}$ гача
6.Тушлик- $12^{00}$ дан-$14^{00}$ гача
7.Зиёратгоҳдан бошланувчи Моргузар тоғларига экотуристик экскурсия-$14^{00}$-$16^{00}$
8. Кечки овқатланиш-$16^{00}$ -$17^{00}$
9.Самарқандга қайтиш $17^{00}$ дан ва экскурсиячиларни "Регистон" майдонига етказиш.






*Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳига Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидан экскурсия маршрути схемаси*

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар;***
1.Сахобалар кимлар?.
2.Зиёрат нима ва сиз уни кандай амалга оширасиз?.
3.зиёраттуризмининг маршрутларидаги талабларни ўрганинг ва амалий машғулотларда гапириб беринг.
4.Авлиёлар кимлар?.
5. Туманингиздаги зиёратгохга маршрут ишлаб чикинг ва амалий машғулотларда гапириб беринг.

## 13-Мавзу. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ПАРКЛАРИГА МАРШРУТЛАР ТАЙЁРЛАШ

**Режа:**
13.1.Ўзбекистоннинг миллий паркларига маршрутлар тайёрлаш

### 13.1.Ўзбекистоннинг миллий паркларига маршрутлар тайёрлаш

*Самарқанд вилоятидаги Зарафшон миллий паркига экотуристик-рекреация маршрути.* Инсоният баркарор ривожланиш ҳақида ташвишлана бошлаганиданоқ туристик фаолиятнинг асосий йўналиши-баркарор ривожланиш ҳисобланади. Бутунжахон Туризм Ташкилотининг (БТТ) ва "Яшил дунё" экологик ташкилотининг самарали меҳнатлари туфайли "XXI асрда

туризмнинг баркарор ривожланиши Концепцияси” (Agenda 21 for travel and tourizm industry) ишлаб чикилди.

Баркарор ривожланиш асосида иктисодий масалалар билан биргаликда экологик муаммолар ва хавфсизлик жараёнлари ётади, бу жараёнларда харакат килувчилар давлат таркиблари ва хусусий бизнес, жамоавий ва ижтимоий институтлар, маданий ташкилотлар ҳисобланиб, маҳаллий ҳамжамиятнинг самарали ривожланиши ва яккаликларнинг маданият, ижтимоий кооперациялар, маданият, тараккиёт учун ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фаолиятда бўлишини таъминлайди. Шу нуктаи-назардан БТТнинг “XXI асрда туризмнинг баркарор ривожланиши Концепцияси”да сайёрамиз табиатини келажак авлодларга саклаб колишнинг энг умидли йўллари жаҳонда экотуризмни ривожлантириш деб топилган.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш муаммоларининг максадли тадкикотларини амалга ошириш учун жаҳон туризмида экотуризмнинг ривожланиши тенденцияларини кўриб чикиш лозим бўлади. Жаҳон туризми ривожланишида йилдан-йилга устиворликга интилиб бораётган экотуризмда 3 та йўналишни ажратиш мумкин:

1.Жаҳоннинг миллий парклари, табиат кўрикхоналари ва табиат резерватларга туристик окимнинг ошиб бориши(глобаллашув).

2.Океанлар ва денгиз соҳилларида экотуризм-рекреация йўналишидаги туристик окимнинг ошиб бориши (глобаллашув).

3.Давлатларда ички экотуристик окимнинг ошиб бориши (глолокаллашув)[28].

Ўзбекистон ўзининг экотуризм салоҳиятлари ва экотуризмни ривожлантиришдаги имкониятлари бўйича жаҳон экотуризмидаги кайд килинган кучли йўналишларнинг биринчи ва иккинчи йўналишларига сусти кўшилишининг салоҳиятли имкониятлари бор. Бу ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Кириш туризмини ривожлантиришнингг чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор [29] ва “Ўзбекистонда ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда ички ва халкаро экотуризмни ривожлантиришнинг тамал тошларини кўйди [30].Иккинчидан, Ўзбекистонда экологик муҳит ва табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитасининг карори билан ватанимиз аҳолисининг экотуризмда тўлик иштирок этиши ва рекреацияда фаол дам олишини такомиллаштириш максадларида “Зарафшон” давлат табиат кўрикхонаси “Зарафшон миллий парки”га айлантирилди.

---

[28].В.И. Кружалин, Н.С. Мироненко, Н.В. Зигерн-Корн, Н.В. Шабалина. М.:География туризма. Учебник. Федеральное агентство по туризму, 2014. – 336 с.

[29] .Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Кириш туризмини ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.Тошкент ш., 2018 йил 6 февраль,ПҚ-3509-сон

[30].Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистонда ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори,Тошкент ш.,2018 йил 7 февраль.ПҚ-3514-сон



Навбатдаги вазифа биринчи навбатда янги-“Зарафшон миллий парки”га экотуризм-рекреация маршрутларини ишлаб чиқиш кечиктирилмай диган долзарб масала ҳисобланади. Миллий паркга ички туристик оким тобора кучайиб бормокда.Чунки бу янги миллий парк “Зарафшон” давлат табиат кўрикхонаси бўлганлиги учун экотуризм ва рекреацияда фойдаланишга рухсат берилмаган эди.

*Зарафшон миллий паркининг ташкил қилиниши, табиий географик тавсифи*(Туристлар учун ахборот буклети). Зарафшон дарёсининг ўнг киргоғида жойлашган Зарафшон миллий парки Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг 1975 йил 11 мартдаги 264-сонли фармойишига асосан давлат табиат кўрикхонаси максадида ташкил этилган эди. Кўрикхона ўз олдига йўқолиб бораётган кенжа тур Зарафшон қирғовулини муҳофаза килиш ва сонини кўпайтириш, ҳамда кимматбахо доривор ўсимлик ҳисобланган чаканда (облепиха)ни, ҳудуддаги тўкай ландшафтларини муҳофаза килиш, кайта тиклаш, табиий жараёнлар кечишини тадкик ва таҳлил этиш, табиат муҳофазаси илмий асосларини яратиш, омма орасида экологик билимларни тарғиб килиш режаларини кўйган эди.

Ўтган 43 йил давомида мураккаб кийинчиликларга қарамасдан кўрикхона ўз олдига кўйган максадлари ва режаларини тўлиқ бажарди. Кўрикхонанинг кадимий тўкай табиий ландшафтлари табиий ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар олами тўлиқ давлат муҳофазасида бўлиб, асосий муҳофазадаги Зарафшон тустовуғи ва чаканда ўсимлиги сақланиб колинди.

Ҳозирги куннинг эркин бозор шароитларида давлат табиат кўрикхоналарининг молиявий таъминоти анча оғирлашиб бормокда. Кўрикхонада инсоннинг хар кандай хўжалик фаолияти таъкикланганлиги учун кўрикхона бойликлари тўлик муҳофазада бўлганлиги учун кўшимча маблағларни топишнинг иложи йўқ. Доимий муҳофаза ишларига давлат ажратган маблағлар етишмайди. Бу иктисодий кийинчилик бутун жаҳон давлатларидаги табиат кўрикхоналарининг олдидаги мураккаб масала бўлиб турибди.

Европа давлатлари, АҚШ, Канада, Кариб денгизи давлатлари, Япония, Австралия, Ҳиндистон, Шри-ланка, Малайзия, Индонезия ва Африкадаги кўплаб давлатлар шу сабабдан, давлат табиат кўрикҳоналарини миллий паркларга айлантириб ва бу миллий парклардан чегараланган тартибда экотуризм ва рекреацияда фойдаланиб, миллий парк иктисодини тобора кўтариб бормокда.

Ўзбекистон ҳам сўнги йилларда экотуризм ва рекреация ривожланган хориж давлатларининг илғор тажрибаларини ва технологияларини кўллаб, экотуризмни ва аҳолининг рекреация эхтиёжларини ҳисобга олиб миллий парклардан экотуризм ва рекреацияда фойдаланиш имкониятларини яратмокда. Ҳозирги кунда Зомин миллий парки ва Угом-Чоткол миллий паркидан экотуризм ва рекреацияда тўлик фойдаланмоқдамиз. Якинда Чўл табиатида жойлашган Сармишсой миллий паркида экотурист ва рекреантлар учун дастлабки инфратузилмалар (дам олиш, овкатланиш, гид-экскурсиячи

хизматлари ва бошк..) ишга туширилди.Зарафшон миллий парки Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, жами майдони 2426,4 га ни ташкил этади. Шундан Жомбой тумани худудида 1169.4 га, Булунғур тумани худудида 1257 га ажралган ва 47 км масофага чўзилиб кетган.

***Ўсимликлари.*** Миллий паркда дала шароитида олиб борилган илмий текширишлар ва олдинги йилларда терилган гербарийларга асосланиб қўриқхона худудида 307 та ўсимлик турлари ўсиши аниқланган, улар турли оилаларга мансуб. Ғаллагулдошлар – 48; мураккабгулдошлар – 40; дуккаклилар – 23, карамдош – 20, атиргулдошлар – 16 ва сигиркуйрукдошлар – 12 тур. Доривор ўсимликлар 80 дан зиёд турни ташкил этади, уларга дала қирқбуғими, турли хил торонлар, жингалак отқулоқ, қизил зирк, наматак, зуптурумлар, ялпизлар, чаканда ва бошқалар киради. Манзарали ўсимликлар 20 дан кўпроқ турни ташкил этиб, уларга Кесселринг савринжонии, иксилирион, илонпечак, қизғалдоқлар, гулхайрилар киради.Техник ўсимликлар 23 турни ташкил этади, уларга тол ва тераклар нинг турли турлари, эриантус, сусак ва бошқалар киради.

***Ҳайвонот олами.*** Миллий парк худудларида хашаротларнинг 88 тури, малюскаларнинг 26 тури рўйхатга олинган. Миллий паркнинг Зарафшон дарёси ва унинг майда ирмоқларида балиқларнинг 18 тури учрайди. Бу балиқларнинг 2 тури: туркистон усачи, Орол щипи Ўзбекистоннинг «Қизил китоб»ига киритилган. Судралиб юрувчиларнинг 10 тури миллий паркнинг худудлари бўйлаб учрайди.

*Миллий паркдаги экотуризм-рекреация объектларининг тавсифи* Зарафшон миллий паркидаги экотуризм-рекреация объектлари (табиати, экотуризм-рекреация объектлари) ҳақида Зарафшон давлат табиат қўриқхонаси ташкил қилинганда бирорта сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Лекин бу хужжатлар қўриқхона низоми бўйича асосий муҳофаза қилинадиган ҳайвонот ва ўсимликлар турлари сифатида белгиланган. Бу янги миллий паркдан экотуризм ва рекреацияда фойдаланишга рухсат берилгандан кейин экотуризм ва рекреацияда фойдаланиши мумкин бўлган экотуризм ва рекреация объектларини тавсифлаш талаб қилинади.

Қайд қилганимиздек, бу тўқайзорларда сут эмизувчиларнинг 24 тури, қушларнинг 207 тури, сувда қуруқликда яшовчиларнинг 2 тури, судралиб юрувчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури, манглюскаларни 26 тури ва хашоротларнинг 88 тури мавжуд. Улардан Зарафшон қирғовули (тустовуғи) ва Бухоро хонгули буғуси Ўзбекистон "Қизил китоб"ига киритилган. Бухоро буғуси халқаро "Қизил китоб"нинг йўқолиб бораётган ноёб, йирик турлар рўйхатига ҳам киритилган.Миллий паркнинг экотуризмдаги асосий қизиқарли объекти ҳайвонот оламидан Бухоро буғуси, Зарафшон тустовуғи, ўсимликлар дунёсидан Чаканда (облепиха) ҳисобланади.

***Бухоро буғуси–Хонгул.*** Зарафшон миллий парки худудларида йўқолиб кетган Бухоро буғуларини вольера шароитида парваришлаб кўпайтириш, очиқ майдонда яшашига кўниктириш ва уларни қўриқлаш ишлари билан ҳам шуғулланмоқда. Бухоро буғулари гўзаллиги, мағрурлиги билан нафақат



қўриқхонанинг балки, табиатимизнинг фахри ҳисобланади. Уларни кўпайтириш, табиат бағрида эркин юришини таъминлаш энди миллий паркнинг асосий мақсадларидан биридир.

Буғуларнинг эркакларида бир ёшга етгач шох усиб чиқади. Урғочи буғуларда шох бўлмайди. Буғуларнинг қулоқлари узун учи айлана шаклида, кўзлари катта, қош усти қовоқлари яққол кўринган. Кўзларининг соққаси тўқ жигарранг, қорачиғи ясси айлана горизонтал жойлашган. Нар буғиларнинг шохлари урғочиларининкидан каттароқдир, шу билан бирга жуссаси ҳам йирикроқ бўлади. Нар буғилар йилига бир маротаба шохларини ташлашади. Бу жараён йилнинг баҳор фаслига, яъни март ойи ва апрел ойининг бошларига тўғри келади.

Буғуларда шох ташлаш жараёни ўртача 10-25 кунни ташкил этади. Шох ташлаш жараёнида буғулар анчагина куч сарфлашади, шунингдек фаолияти ҳам сусайиб қолганлигини кузатиш мумкин. Буғулар иккала шохини ташлаш оралиғи ўртача 1-3 кунни ташкил қилади. Бу даврда улар битта шох билан ҳам юришади. Улар олдинма кейин пана, тўқай ландшафтлари орасига шохларини ташлаб кетишади. Буғуларнинг шохлари шох ташлаб бўлганидан бир хафта ўтиб яна ўсиб чиқа бошлайди. Уч-тўрт ой ичида олдинги кўринишидан ҳам бақувватроқ ҳолга келади. Буғу шохларининг йилдан йилга катталашиши бу буғуларнинг ёши билан боғлиқ. Ёши улғайган сари шохлар катталашиб боради.

Бухоро буғусининг болалаш даври май-июл ойларига тўғри келади. Буғулар ниҳоятда зийрак ва эхтиёткор жонивор ҳисобланади. Ёш буғучаларни табиий хавфлардан саклаш учун улар то оёққа турғунларича она буғулар уларни ўт-уланлар орасига яшириб қўйишади. Буғучаларнинг туғилган вақтдаги ўртача тирик вазни нар буғучаларда 7-9 кг, урғочи буғучаларда эса 6-8 кг ни ташкил этади.



*Миллий паркда Бухоро буғусининг табиий подалари яратилмоқда*





*Зарафшон қирғовули қиш мавсумида*

Орқа бикинлари ва сонларининг ташқи сатҳи кўкраклар атрофи кизғиш турли тусларга ва оқ доғларга эга. Умуртка бўйлаб тўқ жигарранг чизик ўтади. Икки тарафидан бир-бирига қушилувчи оқ доғлар билан қопланган. Она буғулар болаларини 3-4 ой давомида она сути билан боқишади. Буғуларнинг урчиш даври сентябрнинг ўрталаридан то октябрнинг охирлари гача давом етади. Бу вақтда нар буғуларни ўта жанговор ҳамда жахлдорлигини кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтда миллий парк худудидаги волъерада 27 бош хонгул яшайди. Миллий паркнинг ҳудудларида эса уларнинг сони 100 дан ошган.

***Зарафшон қирғовули.*** Миллий парк ҳудудида доимий яшовчи, ноёб кушлардан бири бу–Зарафшон кирғовулидир. Унинг патлари ёркин ва жилокор бўлиб, ноёб қушлар турига киради. Қирғовул халкаро табиатни асраш кенгашида "кизил куш"лар қаторига киритилган. Зарафшон қирғовулининг модаси наридан кичик бўлиб, яшаш жойига мос рангда, яъни ҳимоя рангида бўлади. Нар қирғовулнинг ташқи кўриниши эса кизил тусда бўлиб, куёшда товланади. Зарафшон қирғовули уясини ерга, чангаллар тагига қуради ва 8-15 дона тухум қуяди. Мода қирғовул тухумларни босиб ётади, 28-30 кунда полапонлар очиб чиқади. Жўжалари тухумдан чиққан заҳоти она қирғовулга эргашиб, уруғ, мева, куртак, хашорот, чувалчанг ва моллюскалар билан озиқлана бошлайди.

Зарафшон тустовуғининг гўшти жуда мазали бўлганлигидан ўтмишда йил давомида режасиз овланган. Шунингдек, бу қушнинг ердан учиши ҳам анча секинрок бўлганлигидан уни тажрибасиз овчилвар ҳам отиб олишлари мумкин бўлган. Натижада ўтган асрнинг 70 йилларида бу ноёб куш сони кескин камайиб кетганлиги учун Зарафшон давлат табиат қўриқхонаси ташкил қилинган эди.Жўжалар икки ойгача она қирғовул химоясида бўлади. Зарафшон қирғовули жуда тез югуради, агар хавф-хатар туғилгудек бўлса, 100- 150 метргача учиб жон саклайди. Қирғовулга кўпинча шоғол, тулки, ёввойи мушуклар хавф туғдиради. Нар қирғовул ўзига хос чиройли овозда сайрайди. Бу билан у ўз чегарасини хавф-хатардан ҳимоя қилади.

***Чаканда (Облепиха).*** Чаканда – Облепиха - жийдадошлар оиласига ва бутасимонлар туркумига киради. Мевали доривор ўсимлик. Евросиёнинг илиқ иқлимли минтақаларида 3 тури тарқалган. Шарқий ва Ғарбий Сибир, Кавказ, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда дарё соҳиллари ва тўқайзорлар да



Чаканданинг жумруцимон тури ёввойи ҳолда ўсади. Россиянинг Олтой, Сибир зоналарида маданийлаштирилган навлари ўстирилади.Табиий ҳолда ўсадиган чакандазорлардан ҳам кенг фойдаланилади. Чаканда ёруғсевар, қурғоқчилик ва совукка чидамли. Буйи 2-5 метр, сершох, барги наштарсимон зич, усти кулранг, ости кумушсимон. Чаканда икки уйли (еркак ва урғочи дарахтли) Ўсимлик. Баҳорда барг чиқариши билан гуллайди, шамол ёрдамида чангланади.

Гуллари майда сарғиш, хидли. Меваси августнинг охири сентябрнинг бошларида пишиб етилади, майда, тухумсимон ёки думалок новдаларга зич жойлашган, ранги оч сарик ёки сарғишкизил, таъми нордоншири н. Таркибида органик кислоталар, қанд, С, В ва Е гурухи витаминлари, каротин ҳамда тиббиётда ишлатиладиган шифобахш мой бор. Чаканда бачки, парҳиш ҳамда каламчасидан кўпайтирилади.



*Чаканданинг меваси*



*Чаканда дарахти*

Қумликларни, сув буйларини, қирғоқларни, темир йўл бўйларини мустаҳкамлаш, йўлакларни кордан химоя қилиш мақсадида ҳам экилади. Мевалари янгилигида ейилади, мураббо, джем, шарбат тайёрланади, мой олинади. Чаканда мевасидан ошқозон ичак касалликларини даволаш учун яра ва куйган жойларни даволашда сурткилар тайёрланади.Миллий парк ҳудудида чаканда кенг тарқалган. Чакандазорлар асосан дарё бўйларида очиқ жойларни эгаллаган ва 70 гектарга яқин майдонни ташкил этади. Чаканда халкимиз табобатида қадимдан кенг фойдаланилади ва ундан уй шароитларида ҳам ҳар хил доривор ичимликлар тайёрлаш мумкин.

Миллий паркда ҳозиргача қушларнинг 207 тури қайд қилинган. Учиб ўтувчи йирик қушлардан катта бирқозон ва кичик бирқозон, бўз турна, турналарнинг кўплаб турлари, қора лайлак миллий паркда қишлайди ва баҳор келиши билан учиб кетади. Йиртқич қушларда бургут, миккий, қирғий қора бургут миллий паркнинг доимий қушларидан ҳисобланади. Миллий паркда йирик йиртқич қушлардан оқбош тасқара, қора тасқара, ўрмон бойўғлиси ва қарғаларнинг кўплаб турлари мавсумий яшайди. Миллий паркдаги 26 тур қушлар Ўзбекистоннинг "Қизил китоб"ига киритилган.

## Миллий паркнинг табиати, флора ва фаунасидан экотуризм+рекреацияда фойдаланиш йўналишлари

Алоҳида муҳофазадаги ҳудудлар давлат томонидан муҳофаза қилинганлиги учун ҳам бу ҳудудларда табиат ва унинг бойликлари сақланиб қолган. Албатда, бу ҳудудларга биринчи келган киши учун ҳар бир кўриниш қизиқарли ва жозибали ҳисобланади. Лекин, миллий паркдан экотуризм ва рекреацияда фойдаланиш тартиблари бўйича миллий паркнинг табиати, флора ва фаунасидан экотуризм- рекреацияда фойдаланиш йўналишларини ҳозирги ташкилий даврда қуйидагича белгилаш мумкин:

1.Миллий паркнинг табиатидаги тўқазор ландшафтларидаги экотуризм ва рекреация.

2. Миллий паркнинг ўсимликлар оламида экотуризм ва рекреация

3. Миллий паркнинг ҳайвонот оламидаги экотуризм ва рекреация.

***Биринчи***-Миллий паркнинг табиатидаги тўқазор ландшафтларидаги экотуризм ва рекреация йўналишида асосан миллий паркнинг тўқай ўрмонлари, бу ўрмонларни ҳосил қилувчи устивор турлар, шифобахш ўсимликлар, тўқайзор ўрмонларининг турлар бўйича ўзгариши ва бетакрор кўринишларни ҳосил қилишини кўриш, томоша қилиш ва дам олиш инфратузилмаларидан фойдаланилади.

Тадқиқотлар ва кузатувлардан маълумки, бу йўналишдаги экотуристлар табиатдаги ўсимликлар копламининг ўзгаришларидан завқланади, улар ҳар бир ўсимликларнинг ўсиши ҳолатларини кузатади, бу ўсимликларнинг биологик ва хўжалик хусусиятларини сўраб –суриштиради.

Миллий паркнинг табиатида сайр қилинганда албатда миллий паркда илмий тадкикотлар олиб бораётган ботаник олимларни йўл бошловчи қилиб олиш тавсия қилинади. Чунки улар миллий паркнинг ўсимликлар оламини яхши билишади ва экотурист-рекреантларга ўсимликлар ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни айтиб беришади.



*Миллий паркнинг тўқайзор ўрмонларининг кўринишлари.*

Рекреантлар эса табиатдаги ҳар бир ландшафт кўринишларида тўхтаб дам олишни хуш кўришади. Улар одатда рекреацияга гуруҳли ёки оилали бўлиб чиқишади. Шунинг учун ҳам, рекреантларга мўлжалланган туристик экскурсия маршрутларида табиий ландшафтларнинг ўзгариш жойларида ўзига



хос бўлган табиий қурилиш материалларидан дам олиш айвонлари қуриш тавсия қилинади. Албатда бундай жойларда рекреантлардан ҳосил бўладиган чиқиндилар учун махсус қутилар қўйилиши керак.

Ҳозирги замон халқаро рекреация туризмида табиат бағрида тунаш, тунги фаолият кўрсатадиган қушларни томоша қилиш йўналиши кучайиб бормоқда. Бундай дам олиш даврида рекреантлар албатда гулханлар ёқишни, гулханларнинг ёнишидан завқ олишни, гулхан атрофида жимгина суҳбат қуришни режалаштиради. Бундай шароитлар учун миллий парк маъмурияти «Рекреантларнинг миллий парк ҳудудларида тунги дам олиш шароитларини ташкил қилиш Дастурлари»ни ишлаб чиқиши ва бу дастурлардаги шароитлар, тартиб-қоидалар, талаблар билан рекреантларни муфассал таништиришлари шарт.

***Иккинчи***-Миллий паркнинг ўсимликлар оламида экотуризм ва рекреация асосий объект-чаканда (облепиха) ўсимлиги ҳисобланади. Ватанимиз табиатидаги бу ноёб шифобахш ўсимликнинг энг катта майдонлари айнан миллий паркнинг ҳудудларида сақланиб қолинган ва [illegible] "Зарафшон" давлат табиат қўриқхонаси ташкил қилинганда асосий муҳофазага олинган ўсимлик ҳисобланади.Бу ўсимлик-дарахт ҳақида олдинги бўлимларда тўлиқ маълумотлар берилди. Миллий парк ходимларининг энг масъулли вазифаларидан бири шундаки, улар экотуристлар ва рекреантларга бу шифобахш ноёб ўсимликнинг шифобахш лик хусусиятларини, уни ҳовлиларда кўпайтириш агротехникасини ва шифобахш мураббoлар, [illegible] тайёрлаш технологияларини муфассал тушунтириб беришлари керак. Бундан ташқари, миллий паркнинг флораси ва флорадаги асосий ўсимликлар ҳақидаги маълумотлар ҳам экскурсантларни анча қизиқтиради.

***Учинчи***-Миллий паркнинг ҳайвонот оламидаги экотуризм ва рекреацияда экотуристлар учун асосий объектлар-мамлакатимиз учун эндемик, халқаро "Қизил китоб" рўйхатига киритилган Бухоро буғуси-хонгул(Расмлар) ва Зарафшон тустовуғи, шунингдек, миллий паркдаги турли-туман қушлар ҳисобланади.



*Миллий паркнинг энг жозибали ва қизиқарли экотуристик объекти- Бухоро буғуси-хонгул*




*Зарафшон миллий паркидаги асосий муҳофазадаги тустовуқлар*

Зарафшон миллий паркига келувчи экотуристлар ва рекреантлар миллий паркда бу қушни кўрмасликлари мумкин. Чунки Зарафшон тустовуғи ўтган 50 йил давомида қаттиқ муҳофазада бўлганлиги ва давлат қўриқхонасига илмий ходимлардан бошқа кишиларнинг қўйилмаганлиги, қўриқхона ҳудудларида ҳар қандай хўжалик ишлари таъқиқланганлигидан тустовуқнинг одамларга кўникиши юз бермади ва қўриқхонадаги 3-4 км масофада юрилганда ҳам уни кўриш қийин. Шунинг учун ҳам миллий парк раҳбарияти экотуристлар ва рекреантлар учун ёввойи қушлар учун стандарт сунъий вольерада бу қушнинг 5-10 жуфтини сақлашнинг имкониятларини яратиши лозим.

Зарафшон миллий парки ҳудудлари тўқайзор ландшафтларидан ташкил топганлиги учун унда табиатимиздаги қушларнинг 207 тури рўйхатга олинган. Миллий паркнинг кичик майдонида қушларнинг бунчалик кўплигининг яна бир сабаби миллий парк атрофларининг маданий ландшафтлар билан ўралганлиги ва цивилизация қурилишларининг яқинлигидан табиатдаги кўплаб қушлар айнан миллий паркдаги тинчликга кўчиб келганлиги хисобланади.




*Миллий парк ҳудудларида энг кўп тарқалган ва миллий парк ҳудудларидаги қушларнинг табиий меъёрларидаги мувозанатни бошқариб турадиган лочин*





*Қирғийнинг миллий паркдаги тустовуқларнинг ҳаётидаги муҳим табиий мувозанатни сақлаб туришини рассом жуда яхши тушунган ва ифодалаган*




*Қирғийлар ва лочинлар*




***Туристик маршрутнинг технологик харитаси***

1.Маршрутнинг номи, мавзуси–***«Зарафшон миллий паркида» экотуризм- рекреация маршрути***

2.Маршрутнинг муддати (бошланиши ва тугаши)- ***1 кун, 2023 йил давомида***

3.Маршрут тури – ***экотуризм-рекреация***

4.Маршрут масофаси (км)-***20 км***

5.Маршрут харакатланиши:-***Автобусда ва пиёда***

а) транспортда (км)-***15 км***

б)пиёда (км)- ***5 км***

в) маҳаллий транспортда (км)-***0***

6. Маршрутдаги туристлар сони- ***20 экотурист ва 3 хизмат қилувчилар.***

7. Маршрутдаги экскурсиялар мавзуси ва ёзма шакли- ***илова қилинади.***

8. Маршрут эгаси бўлган корхона манзили- ***Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй, телефон-…***

***М.Ў. Раҳбарнинг исми фамилияси ва имзоси-***




*Зарафшон миллий паркига экотуристик-рекреация экскурсия маршрути рекламаси ва схемаси*

***Туристик экскурсия маршрутининг ҳужжатлари.***

1.Маршрутда туристлар саёҳатнинг технологик харитаси (ГОСТ Р 50681 - 94).

2.Маршрутда хизматлар кўрсатувчи туристик корхоналарнинг буюртмаларни бажариш графиги-…*май 2023йил*

3.Туристик саёҳат йўлланмасига ахборот варақаси (ГОСТ Р 50681 - 94).

4.Ҳамкорлар билан шартномалар (меҳмонхона, транспорт, экскурсия бюролари, туристик ташкилотлар).

5.Турнинг баҳоси (калькуляцияси)- ***30 000 сўм.***

6.Маршрутнинг ёзма матни-**илова қилинади.**

7.Маршрутнинг харакатланиш графиги-***илова қилинади.***

8.Маршрутнинг харита-схемаси-***илова қилинади.***

9.Маршрут давомида (автобусда, йиғилишларда) бериладиган ахборотлар рўйхати, манбалари, мазмуни-***илова қилинади.***



10.Туристлар учун маслаҳат буклети (маршрутда қандай кийим ёки пойафзал керак бўлиши, маршрутдаги экскурсиялар вақтида нималар кераклиги ва ҳакозолар).

11. Маршрут ҳақида маълумотлар тўплами.

12. Маршрут ҳақида буклетлар, реклама вариантлари.

13.Транспорт воситаларининг йўл қоидаларига асосанҳаракатланиш ҳужжатлари.

14.Маршрутда йўл-йўлакай тўхташ объектлари (қисқа муддатли дам олиш, чой ичиш, ахборотлар эшиттириш ва бошқ…).

***Маршрутнинг трасса паспорти***

| Объектлар | Трасса | Км | Ҳаракатланиш воситаси |
|---|---|---|---|
| 1.Самарқанд-Зарафшон миллий парки | Катта Ўзбек трakти-Самарқанд-Тошкент йўли | 15 | Автобусда |
| 2.Миллий парк ҳудудларида сайр ва дам олиш | Миллий парк ўрмонларида | 5 | Пиёда |
| Зарафшон миллий парки- Самарқанд | Катта Ўзбек тракти-Самарқанд йўли | 15 | Автобусда |

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1. Миллий паркнинг тавсифлари ва таърифларини тушунтириб беринг.
2.Ўзбекистонда нечта миллий парк бор?.
3. Миллий паркнинг фаолиятига нималар киради?.
4.Миллий парклардан экологик туризмда фойдаланиш мумкинми?.
5.Миллий паркларнинг табиат муҳофазаси ва рекреациядаги ўрни ҳақида маъруза тайёрланг.

## 14-Мавзу. ЎЗБЕКИСТОННИНГ СУВ ҲАВЗАЛАРИГА МАРШРУТЛАР ТАЙЁРЛАШ

**Режа:**

14.1.Ўзбекистоннинг сув хавзаларига маршрутлар тайёрлаш

***Айдаркўл-Арнасой сув ҳавзасига* «Айдаркўлда дам олинг» *экотуризм- рекреация маршрути***

Биз мамлакатимизда экотуризмни фақат биологик ресурслар асосида эмас балки, ватанимизнинг сув ҳавзаларида ҳам ривожлантиришимиз лозим. Чунки, Ўзбекистонда 500 дан сал кўпроқ кўллар, майдони 10 км$^2$ дан кўпроқ 32та кўллар бор. Ўзбекистонда энг катта кўллар тизими – бу Айдар-Арнасой, майдони 3600 км$^2$, ҳажми эса 42 км$^3$, ҳамма сув омборлари захирасидан устин

туради. Кўллардан ташкари ҳозирги вактда республикада 55 сув омбори ишлаб турибди. Уларнинг тўлик лойиҳа хажми 18,8 $км^3$, фойдалиси 14, 8 $км^3$ дан иборат. Энг йириклари: Туямўйин, Чорвок, Тудакўл, Каттакўрғон сув омборлари ҳисобланади. Улар дарё сув окимларини йил давомида бошкариб туриш, экинларни суғориш даврида фойдаланиш, фавкулодда сув тошкинларини олдини олиш учун курилган. Экотуризм-рекреацияни ривожлантиришда кайд килинган кўллар ва сув омборларидан фойдаланиш халкаро экотуризмни ҳам, ички экотуризмни ҳам ривожлантиришдаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

***Туристик маршрутнинг технологик харитаси.*** Туристик маршрутнинг технологик харитаси турнинг асосий ҳужжати ҳисобланади ва бу технологик харита расмий жиҳатдан тўлдирилиши ва туристик фирманинг раҳбари томонидан имзоланиши ва мухрланиши керак. Қуйидаги технологик харитани тўлдириш намуналарини келтирамиз:

***Туристик экскурсия маршрутининг технологик харитаси***

1.Маршрутнинг номи, мавзуси–***«Айдаркўлда дам олинг» экотуризм-рекреация маршрути***

2.Маршрутнинг муддати (бошланиши ва тугаши)- ***1кун,…..май 2023йил.***

3.Маршрут тури – ***экотуризм-рекреация***

4.Маршрут масофаси (км)-***150 км***

5.Маршрут ҳаракатланиши:-***Автобусда ва пиёда***

а) транспортда (км)-***140 км***

б)пиёда (км)- ***5 км***

в) маҳаллий транспортда (км)-***0***

г) сув ҳавзаларида (км)-***5 км***

6. Маршрутдаги туристлар сони- ***20 экотурист ва 3 хизмат қилувчилар.***

7. Маршрутдаги экскурсиялар мавзуси ва ёзма шакли- ***илова қилинади.***

8. Маршрут эгаси бўлган корхона манзили- ***Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй, телефон-…….***

***М.Ў. Раҳбарнинг исми фамилияси ва имзоси-***

***Туристик маршрутнинг ҳужжатлари.***

Ҳар бир тур учун технологик ҳужжатлар йиғиндиси қуйидагилардан иборат бўлади:

10. Маршрутда туристлар саёҳатнинг технологик харитаси
11. Маршрутда хизматлар кўрсатувчи туристик корхоналарнинг буюртмаларни бажариш графиги-***…май 2020Зйил***
12. Туристик саёҳат йўлланмасига ахборот варақаси
13. Ҳамкорлар билан шартномалар (меҳмонхона, транспорт, экскурсия бюролари, туристик ташкилотлар).



14. Турнинг баҳоси (калькуляцияси)- ***50 000 сўм.***
15. Маршрутнинг ёзма матни-**илова қилинади.**
16. Маршрутнинг ҳаракатланиш графиги-***илова қилинади.***
17. Маршрутнинг карта схемаси-***илова қилинади.***
18. Маршрут давомида (автобусда, йиғилишларда) бериладиган ахборотлар рўйхати, манбалари, мазмуни-***илова қилинади.***

10. Туристлар учун маслаҳат буклети (маршрутда қандай кийим ёки пойафзал керак бўлиши, маршрутдаги экскурсиялар вактида нималар кераклиги ва ҳакозолар).
11. Маршрут ҳақида маълумотлар тўплами.
12. Маршрут ҳақида буклетлар, реклама вариантлари.
13. Транспорт воситаларининг йўл қоидаларига асосан ҳаракатланиш ҳужжатлари.
14. Маршрутда йўл-йўлакай тўхташ объектлари (киска муддатли дам олиш, чой ичиш, ахборотлар эшиттириш ва бошк…).

***Маршрутнинг трасса паспорти***

| **Объектлар** | **Трасса** | **км** | **Ҳаракатланиш воситаси** |
|---|---|---|---|
| 1.Самарқанд-Жиззах-Айдаркўл | Катта Ўзбек тракти-Самарқанд-Тошкент йўли | 150 | Автобусда |
| 2.Айдаркўл соҳиллари бўйлаб экскурсиялар | Айдаркўл соҳилларидаги маҳаллий йўллар, Айдаркўлда | 5<br>5 | Пиёда<br>Сув хавзасида |
| 3.Айдаркўл-Самарқанд | Катта Ўзбек тракти-Самарқанд йўли | 100 | Автобусда |

*М.Ў. Раҳбарнинг исми фамилияси ва имзоси*

Мавзуда келтирилган маълумотлар, мулоҳаза–фикрлар туристик маршрутни, турни лойиҳалаштириш ўз таркибига мураккаб талабларни, жараёнларни олишни кўрсатди. Туристик маршрут лойиҳаси пухта, ҳар тарафлама ҳисоб-китоблар хулоса лар асосида лойиҳалаштирилса туристик маршрутни ишлаб чиқиш ва истеъмолга бериш осон кечади. Бу турга талаб ошади, натижада туристик маршрут ишлаб чиқган фирмага ишонч кучаяди.

Туризмдаги маълумотлардан маълумки, туристик объектга туристлар оқимининг кўпайишига биринчи навбатда туристик маршрутда бўлган ва бу маршрутдаги хизматлардан қоникиш ҳосил қилган туристларнинг ўзи бўлган маршрут ҳақида яқинларига ва танишларига завқ-шавқ билан сўзлаб бериши ахборот етказиши ҳисобланади. Бу туризмда энг қулай рекламадир.Шунинг учун ҳам, экотуризм-рекреация маршрутларда режалаштирила ётган экскурсия маршрутлари иложи борича маҳаллий қизиқарли объектларни қамраб олишлари керак. Бунинг учун, туроператор ҳар бир экотуризм-рекреация маршрутлари ўтиладиган жойлардаги туристик ресурсларни яхши билиши лозим.

### Ҳайдаркўл-Арнасой сув ҳавзасининг табиий географик тавсифи

(*Гид экскурсиячи учун маълумотлар*)





Айдар (Ҳайдар) кўли, Нурота тоғ тизмаларининг шимолида жойлашган. Шимолий қирғоқлари Шарққий Қизилқумга туташади. Жиззах ва Навоий вилоятларининг ҳудудларида. Айдар кўлининг ўрни Нурота синклинал тектоник букилмасидан иборат. 1969 йилгача Айдар шўрхоги ботиғида майда шўр кўллар ва шўрлар (Жалпоқшўр) кенг тарқалган эди.1968-1969 йилларда ёғигарчиликнинг ҳаддан ташқари кўп бўлганлиги натижасида Сирдарё оқимининг бир қисми (қарийб 21 км$^3$) Чордара сув омбори ва Арнасой орқали Айдар ботиғига оқизилди. Чунки, Орол денгизига оқизиш учун шунча сув Сирдарёнинг ўзанига сиғмас эди. Айдар кўли шу тариқа ташкил топди.

Айдар кўлининг тоғ этагидаги жанубий қирғоқлари анча теки ва сув ости ён бағирлари нисбатан тикроқ, шимолий қирғоқлари нотекис ва қия, орол ва ярим ороллар мавжуд. Айдар кўлининг шимолий қисми анча саёз бўлиб, ўртача чуқурлиги 10-12 метр, чуқур жойлари 26-30 метр, айрим жойлари 40 метргача етади.Айдар кўли тор йўлаклар орқали Тузкон ва Арнасой кўлларининг ҳудудлари билан туташган. Айдар кўли Жиззах вилоятининг Оқбулоқ, Сангзор дарёсининг Қийли ташламаси, чордара сув омбори ва Арнасойга қуйилаётган Марказий Мирзачўл ташламаси оқими ҳисобига тўйинади.1994-1995 йилларда қиш ва баҳорда чордара сув омборидан катта ҳажмда сув келиши натижасида Арнасой, Тузкон ва Айдар кўлларининг сув майдони 184 минг га дан 320 минг гектарга етди. Узунлиги 159 км, эни 26 км ни ташкил қилди.

Сувнинг минераллашув даражаси 1 литрда қарийиб 10-12 г ва ундан ортиқ. Айдар кўлининг қирғоқга яқин саёз жойлари ва ороллари атрофи камиш ва бошқа сув ўсимликлари билан банд. Айдар кўлида зоғора балиқ, лаққа балиқ турлари мавжуд. Балиқ овланади (йилига ўртача 3 минг тонна атрофида). Қоравой, соққақуш, чайка, ёввойи ўрдаклар ва бошқа кўплаб турлардаги сув қушлари яшайди. Ҳозирда Айдар-Арнасой кўллари тизимлари ватанимизда қишловчи қушлар учун республикамиздаги энг катта ва қулай



табиий шароитлари бўлган сув ҳавзаси ҳисобланади[31]. Шу билан бирга, ватанимизда миллий туризмни ривожлантиришда сув ҳавзаларидан фойдаланишда дастлабки туристик марказга айланиб бормоқда.

Заминимизнинг бетакрор табиати, турфа манзараларга бой сўлим гўшалари ҳар қандай одамни мафтун этади. Айдар, Арнасой ва Тузкон кўллари бирлашган жойда ҳосил бўлган Айдаркўл кўллар тизими катталиги жиҳатдан Марказий Осиёда тўртинчи ўринда туради.





Айдаркўл маъмурий жиҳатдан Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг шимолий ҳудуди қисман Қозоғистон Республикасини ҳам ўз ичига олади. Нурота тоғ тизмаларининг шимолий этагида жойлашган кўлнинг шимолий қирғоқлари шарқий Қизилқумгача туташиб кетган. Майдони 3702 квадрат километр, узунлиги 350 километрдан ортиқ, кенглиги 40 километрга етадиган кўлнинг ўртача чуқурлиги 10-12 метр, чуқур жойлари 26-30, ҳатто 40 метрга ҳам боради. Ундаги сув ҳажми республикамиздаги барча сув омборининг сув ҳажмидан икки баробар кўп.

Ушбу кўллар ичида дастлаб Тузкон кўли вужудга келган. Ўтган асрнинг 60-йилларида Мирзачўлда ерларининг интенсив ўзлаштирилиши коллектор-зовур тизимларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Ҳудуд ер юзасининг Айдаркўл ботиғи томон қия бўлганлиги туфайли коллектор зовур сувлари ва ер ости сувлари Айдаркўл ҳамда Тузкон томон ҳаракатлана бошлади. Натижада Тузкон ботиғида доимо сув сақланиб, Айдаркўл ва Арнасой ботиқларининг энг чуқур жойларида алоҳида кичик кўллар ҳосил бўлди.

Ҳудуд сувга тўлгунга қадар шўрхоклар, botқоқликлардан, ёзда суви қуриб, тағида туз қоладиган алоҳида саёз кичик кўллардан иборат бўлган. 1969 йилда ботиққа катта миқдордаги сувнинг ташланиши, кейинги йилларда Чордара сув омборидан ортиқча сувнинг қуйиб юборилиши натижасида турғун сув ҳавзаси пайдо бўлди. Шу тариқа Айдар, Тузкон ва Арнасой кўллари бир-бирига қўшилиб кетди. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳудудда ўзига хос микроиқлим шаклланиб, янги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси юзага келди. Айниқса, мутлақо янги қушлар дунёси шаклланди.

[31] Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Тошкент, Давлат миллий нашриёти, 2005, 156-б.

Кўллар майдонининг катталашуви, чукур бўлмаган сув ҳавзаларининг пайдо бўлиши, озуқа ва химоя шароитларининг кулайлиги кушларнинг яшаши ва кўпайишига хизмат қилмоқда. Бу ерда 14 туркумга мансуб 220 тур кушлар борлиги аниқланди.Шунга карамай, мавжуд куш турлари йил сайин камайиб бораётгани хам кузатилмоқда. Жумладан, 2000 йилда 192 минг (37 тур), 2004 йилда 32 минг (43 тур), 2007 йилда эса 24 минг (72 тур) кушлар хисобга олинган. Булар орасида умумбашарий хавф остида турган, муҳофазага мухтож бўлган кушлар хам анча. Жингалак сакоқуш, оқбош ўрдак, ола қанотли ўрдак, киронкора, узун қуйрук сув бургути, таскара, йўрға тувалок шулар жумласидан. Шундан 13 турдаги қушлар халқаро, 24 тури эса Ўзбекистон "Қизил китоб"ига киритилган.






Мутахассисларнинг фикрича, киш мавсумида кўлда илмий туризмни ривожлантириш вилоят ижтимоий-иктисодий, маданий ҳаёти учун ниҳоятда истикболли соҳа хисобланади. Сабаби, Айдаркўл Марказий Осиёда кушларнинг учиб ўтувчи йўлида жойлашган бўлиб, нотуристик мавсумда юзлаб қушлар бу ерга қишлов учун учиб келади. Бу, ўз навбатида, жаҳон орнитологларининг ҳам кизиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Кўл балик овини хуш кўрувчилар учун ўзгача кайфият бағишлайди. Айдаркўлнинг сувости дунёси ранг-баранг ва ўзига хос. Бу ерда баликнинг 22 тури мавжуд. Шундан 13 тури маҳаллий хисобланади. Оқ амур, гамбузия, дўнгпешона каби балик турлари келтириб кўпайтирилган.

Кўлнинг ўсимлик дунёси хам ўзига хос. Бу ерда дарахтларнинг 9 тури, шу жумладан, 21 бута, 9 ярим бута, 19 бутача, 96 кўп йиллик ўтлар хамда 146 бир йиллик ўтлар (жами 300 хил ўсимлик) тури рўйхатга олинган. Сув ўтларининг 25 тури аниқланган, улардан 13 хили диатом, 8 таси кўк-яшил, 4 таси яшил сув ўтларига мансуб саналади. Ушбу сув ўтларининг 6 тури барча мавсумда кенг тарқалади. Кўлларда сув ўтларнинг мавсумий ўзгариши йил давомида ўзгариб турувчи ташки муҳит таъсирларига боғлик.

Айдар-Арнасой кўллари қирғоқларида турли хил кенгликка эга бўлган тўқайзорларнинг мавжудлиги унга янада бетакрорлик, мафтункорлик, табиийлик бахш этади. Тўқайлар ташки омиллар хисобига ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, сув тошқини йилларида улар сув остида колиши ёки кўл



чекинган пайтларда тўқай майдонлари қирғоқ томон силжишини кузатиш мумкин.

Тўқайзорда ўсадиган туронғил, шумтол, жийда, юлғун, тол, оқ ва қора жингил, саксовул, шўражрик, қамиш, янтоқ, ширинмия, илончирмовик, печак, қизжак, оқбош каби дарахт, бута ва ўсимликларнинг аксарияти сув тошиб турини ва шўрланган шароитда ўсишга мослашган.

Ҳудуднинг бой ўсимлик дунёси, ранг-баранг ҳайвонот олами табиат шайдоларини бирдек ўзига мафтун этади. Сув бўйида мароқли ҳордиқ чиқариш эса кўлнинг туристик имкониятлари истиқболли эканлигини кўрсатади. Қолаверса, унинг муҳим таркибий қисми бўлган Тузкон кўли ўзининг шифобахш балчиғи билан маҳаллий аҳоли эътиборини козонган.

**Ҳайдаркўл-Арнасой сув ҳавзасидан экотуризм ва рекреация туризмларида фойдаланиш имкониятлари**

1971 йил 2 февралда сув ва боткоқ ҳудудлар тўғрисидаги халкаро конвенция имзоланди. 1997 йилдан бошлаб ушбу сана жаҳон сув ва боткоқ ҳудудларини муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Ушбу халкаро конвенцияга 160 дан ортиқ мамлакат аъзо. 2001 йил 30 августда Ўзбекистон ҳам ушбу конвенция аъзоси бўлди. 2008 йил 20 октябрдан бошлаб Айдар-Арнасой кўллар тизими халкаро мухофаза этиладиган кўллар мақомини олди.Заминимизнинг бетакрор табиати, турфа манзараларга бой гўзал гўшалари ҳар қандай одамни мафтун этади. Айдар, Арнасой ва Тузкон кўллари бирлашган жойда ҳосил бўлган Айдаркўл кўллар тизими катталиги жиҳатдан Марказий Осиёда тўртинчи ўринда туради.Майдони 3702 квадрат километр, узунлиги 350 километрдан ортиқ, кенглиги 40 километрга етадиган кўлнинг ўртача чукурлиги 10-12 метр, чукур жойлари 26-30, ҳатто 40 метрга ҳам боради. Ундаги сув ҳажми республикамиздаги барча сув омборининг сув ҳажмидан икки баробар кўп.

Ушбу кўллар ичида дастлаб Тузкон кўли вужудга келган. Ўтган асрнинг 60-йилларида Мирзачўлда ерларнинг интенсив ўзлаштирилиши коллектор-зовур тизимларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Ҳудуд ер юзасининг Айдаркўл ботиғи томон кия бўлганлиги туфайли коллектор зовур сувлари ва ер ости сувлари Айдаркўл ҳамда Тузкон томон харакатлана бошлади.Натижада Тузкон ботиғида доимо сув сақланиб, Айдаркўл ва Арнасой ботикларининг энг чукур жойларида алоҳида кичик кўллар ҳосил бўлди.

Ҳудуд сувга тўлгунга қадар шўрхоклар, боткокликлардан, ёзда суви куриб, тагида туз коладиган алоҳида саёз кичик кўллардан иборат бўлган. 1969 йилда ботикка катта микдордаги сувнинг ташланиши, кейинги йилларда Чордара сув омборидан ортикча сувнинг қуйиб юборилиши натижасида тургун сув хавзаси пайдо бўлди. Шу тариқа Айдар, Тузкон ва Арнасой кўллари бир-бирига қўшилиб кетди. Бунинг натижаси ўларок, ҳудудда ўзига хос микроиқлим шаклланиб, янги ўсимлик ва хайвонот дунёси юзага келди. Айникса, мутлако янги қушлар дунёси шаклланди.



*Айдаркўлга албатда Жиззах вилояти, Мирзачўл туманининг маркази Гагарин шаҳри орқали бориш қизиқарли ҳисобланади.*





Кўллар майдонининг катталашуви, чукур бўлмаган сув хавзаларининг пайдо бўлиши, озука ва ҳимоя шароитларининг кулайлиги кушларнинг яшаши ва кўпайишига хизмат килмокда. Бу ерда 14 туркумга мансуб 220 тур кушлар борлиги аникланди. Шунга қарамай, мавжуд куш турлари йил сайин камайиб бораётгани ҳам кузатилмокда. Жумладан, 2000 йилда 192 минг (37 тур), 2004 йилда 32 минг (43 тур), 2007 йилда эса 24 минг (72 тур) кушлар хисобга олинган. Булар орасида умумбашарий хавф остида турган, муҳофазага муҳтож бўлган кушлар ҳам анча. Жингалак сакокуш, окбош ўрдак, ола канотли ўрдак, қиронқора, узун куйрук сув бургути, таскара, йўрға тувалок шулар жумласидан. Шундан 13 турдаги кушлар халкаро, 24 тури эса Ўзбекистон "Қизил китоб"ига киритилган.

Мутахассисларнинг фикрича, киш мавсумида кўлда илмий туризмни ривожлантириш вилоят ижтимоий-иктисодий, маданий ҳаёти учун ниҳоятда истикболли соха хисобланади. Боиси Айдаркўл Марказий Осиёда кушларнинг учиб ўтувчи йўлида жойлашган бўлиб, нотуристик мавсумда юзлаб кушлар бу ерга кишлов учун учиб келади. Бу, ўз навбатида, жаҳон орнитологларининг ҳам кизикишига сабаб бўлиши мумкин.Кўл балиқ овини хуш кўрувчилар учун



Ўзгача ҳузур бағишлайди. Айдаркўлнинг сувости дунёси ранг-баранг ва ўзига хос. Бу ерда балиқнинг 22 тури мавжуд. Шундан 13 тури маҳаллий ҳисобланади. Оқ амур, гамбузия, дўнгпешона каби балиқ турлари келтириб кўпайтирилган.

Экологик муаммолар кун сайин ортиб бораётган бир пайтда табиатни муҳофаза қилиш, ундаги биологик хилма-хилликни таъминлаш ва саклаш бугуннинг долзарб муаммоларидан. Мамлакатимизда бу борада қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2000 йилда Айдаркўл соҳилларига, яъни Қизилкум чўли ҳудудларида хориждан келтирилган тождор лочинлар парвариш қилина бошланди.

Лочинларнинг бир нечтаси махсус белгилар остида кўл атрофига қўйиб юборилди. Мутахассисларнинг айтишича, уларнинг сони ҳозирги кунда 40-50 нафарга етиб қолди. Чўл ва ярим чўллар экотизимлари учун характерли бўлган бу қушлар Айдар-Арнасой кўллари экотизимлари, яъни кўл атрофи экотизимлари билан ҳам ўзаро уйғунликда парвариш қилинмоқда. Мазкур қушларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш мақсадида Айдар-Арнасой кўллар тизимида Арнасой орнитология буюртмахонаси ташкил қилинган.




*Айдаркўл-Арнасой сув ҳавзасига экотуризм-рекреация маршрутининг рекламаси*

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Ўзбекистоннинг сув ресурсларини гапириб беринг.

2.Сув ҳавзаларига маршрутлар ишлаб чиқишнинг талаблари қандай?.

3.Сув хавзаларига маршрутлар ишлаб чиқишнинг хуқуқий-меъёрлари яратилганми?.

4.Сув ҳавзаларига экотуризм ва рекреация маршрутини ишлаб чиқиш ва амалий дарсларда гапириб беринг.

5.Сув ҳавзаларига маршрутлар ишлаб чиқилганда хаёт хавфсизлигини таъминлаш қандай амалга оширилади?.

## 15-Мавзу. ТУРИЗМНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ТУРЛАРИГА МАРШРУТЛАР ТАЙЁРЛАШ

**Режа:**

15.1. Туризмнинг истиқболли турлари учун маршрутлар ишлаб чиқиш

### 15.1.Туризмнинг истиқболли турлари учун маршрутлар ишлаб чиқиш

Инсониятнинг ибтидоси хали ёзувнинг нима эканлигини билмаган вақтидаёқ ўзи яшаган даврни келажак учун мухрлаб қўйганлигини энг замонавий технологиялар асосида эндигина ўрганмоқдамиз. Лекин инсониятнинг қадимги мўжизавий иншоатларига тилсимланган кўплаб сиру-асрорлар хозиргача сонсиз-саноқсиз тортишувларни чиқармоқда, бу тортишувлар хали жуда кўп асрлар давом этса керак. Аммо мавзу инсоният қурган мўжизали иншоатлар ҳақида эмас. Табиатнинг ўзи яратган “сирли иншоатлар” хақида.

Табиатнинг ўзи яратган мўжизаларнинг хали кўпчилиги ўз ечимини топган эмас. Мавзумиз табиат яратган, балки инсониятнинг хам ақли-шуури текган сирли тошлар ҳақида. Ўтмиш мозийнинг миллионлаб йилларида табиатнинг ўзи хозирги авлодларга жуда кўплаб жумбоқли объектларни етказиб келди. Бу объектларнинг кўпчилиги ҳозирги фан тили билан табиатнинг музейлари ёки табиатнинг ҳайкаллари деб аталмоқда.

Табиат музейлари ўзининг алоҳида диққатга тортиши, эстетик завқ бериши, лол қолдириши билан умумий кўринишдан ажралиб туради. Табиат музейлари дам олиш, саёҳатга чиқиш ёки спорт иншоатлари, парклар куринишида ишлатилиб келинмоқда, улар илмий-тадқиқот лабораториялари хамдир. Республикамиз тоғларидаги қадимий расмларни бунга мисол қилиш мумкин. Бундай жойларни А. Гумбольд "Табиат эсдаликлари, хайкаллари" деб хам атаган.

Ўзбекистоннинг табиат музейларининг рўйхатга олинганлари 400 га. Буларнинг кўпчилигини "ботаника музейлари" ташкил қилади. Бу музейлардан 75 тасига "паспорт" берилган, яъни давлат томонидан қайд қилинган ва алоҳида муҳофаза қилинади.



Сўнги йилларда мамлакатимизда туризмнинг ривожланиб бориши натижасида ватанимизнинг тарихини, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсини, муқаддас ва тарихий жойларни туризмга соҳасига тортиш, туризм кўзи билан баҳолаш тадқиқотлари анча жонланиб бормоқда. Кўплаб туристик фирмалар аста секинлик билан туризмнинг соҳаларига ва турларига ихтисослашиб бормоқда. Туризм соҳасидаги кўплаб олимлар ва мутахассислар имконият даражаларида янги туристик объектларни излаб топмоқдалар ва бу объектлардан туризмда фойдаланиш тавсияларини яратишмоқда.

### Жиззах вилоятининг сирли тошлари манзилларига экотуризм маршрутларини яратиш

Ватанимизда табиий келиб чиқиши жихатларидан турли шаклларни эслатувчи тошлар ва бу тошларга чизилган қадимий расмлардан ҳам туризмда фойдаланиш туризмда тобора қизиқарли объектларга айланиб бормоқда. Ана шундай объектларнинг бир қисми хақида доцент М. Ҳошимов хабар беради[32]. Унинг кўлёзмасига кўра ватанимизнинг Жиззах вилоятида, Ғаллаорол туманининг Қоронғул қишлоғидаги сирли тошлар мажмуаси жойлашган. Биринчи тошнинг шаклига эътибор қилинг. Бу тош хозиргача сирли бўлиб қолмоқда. Ким ва қачон?-жавоб йўқ.




*Жиззах вилоятидаги сирли тошларга экотуристик*




*маршрутнинг рекламаси*

[32] Муродхон Ҳошимов. Сангзор соҳилидаги самовий тошлар.(Уй босмаси), Самарқанд, 2015, 16 б.

 

Бу тошлар ҳақида доцент М. Ҳошимов ҳам ўз фикрлари билан тошларнинг расмларини кўлёзма ҳолида эълон қилди [33] .Ушбу кўлёзма маълумотлари бўйича бу тошларни геологик жиҳатдан геолог Р. Миркамолов 2014 йилда батафсил ўрганган ва тошларнинг қоралиги, шарсимон эканлиги ва келиб чиқиши вулканик эканлиги ҳақидаги хулосаларга келган. Биз ҳам қизиқишимиз натижасида бу сирли тошлар жойлашган Қоронғул қишлоғида бўлдик ва ватанимизда ҳам ликопчасимон тошлар мавжудлиги, бу қишлоқдаги сирли тошлар ҳақида имкон даражасида кўпчилик билиши зарурлиги ва экотуризмда экотуристик маршрут яратиш лозимлигини англадик.

Бу тошлар Европанинг бирорта давлатида бўлганида эди, Улар бутун дунёга авлодларининг буюк муҳандислиги ҳақида шов-шувларни тарқатишар, дунё бўйича минглаб туристларни жалб қилишарди. Биз эса ҳайрон қолишимизни ҳам зўрға айтаоламиз.

**«Жиззах вилоятидаги сирли тошлар» манзилларига экотуристик маршрутнинг *технологик харитаси***

1.Маршрутнинг номи, мавзуси–**«Жиззах вилоятидаги сирли тошлар»**
2.Маршрутнинг муддати (бошланиши ва тугаши)- **1 кун, 2023 йил.**
3.Маршрут тури – **экотуризм-рекреация**
4.Маршрут масофаси (км)-**200 км**
5.Маршрут ҳаракатланиши:
а) транспортда (км)-**190 км**
б)пиёда (км)- **10 км**
в) маҳаллий транспортда (км)-*0*
г) сув ҳавзаларида (км)-*0 км*
6. Маршрутдаги туристлар сони- *20 турист ва 3 хизмат қилувчилар.*
7. Маршрутдаги экскурсиялар мавзуси ва ёзма шакли- *илова қилинади.*
8. Маршрут эгаси бўлган корхона манзили- Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй, телефон-……..

*М.Ў. Раҳбарнинг исми фамилияси ва имзоси-*

---
Мурадхон Ҳошимов. Космические пришельцы в долине реки Санзар(туристический буклет), Самарқанд 2015, 12 б.



**«Жиззах вилоятидаги сирли тошлар»** *маршрутининг трасса паспорти*

| Объектлар | Трасса | км | Ҳаракатланиш воситаси |
|---|---|---|---|
| 1.Самарқанд+Жомбой тумани+Булунғур тумани+Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани+Қоронғул қишлоғи. | Катта Ўзбек тракти-Самарқанд-Тошкент йўналиши | 80 | Автобусда |
| 2.Қоронғул қишлоғидан тоғ тарафга йўл бўйлаб экскурсиялар | | 10 | Пиёда |
| 3.Қоронғул қишлоғи+ Самарқанд ш. | Катта Ўзбек тракти-Самарқанд йўли | 80 | Автобусда |

*М.Ў. Раҳбарнинг исми фамилияси ва имзоси-*

Мавзумиздаги сирли тошлар вилоятнинг Ғаллаорол туманидаги Қоронғул қишлоғида жойлашган. Шунинг учун ҳам, бу сирли тошларга туристик маршрутлар ишлаб чиқилганда биринчи навбатда туристларни овқатлантириш хизматларини ташкил қилишга эътибор бериш талаб қилинади. Лекин, овқатлантириш манзиллари сирли тошлар жойлашган Қоронғул қишлоғидан 5-8 км масофада жойлашганлиги учун туристларни овқатлантириш муаммолари келиб чиқмайди. Иккинчидан, сирли тошлар асосан тоғ бағрида жойлашганлиги учун ва бу ерлардаги соя-салқин жойларда овқатлантиришни ташкил қилиш мумкин.

**Шахрисабз шаҳрига туристик маршрут яратиш**

Шаҳрисабз-Амир Темур шаҳри, бу ерда ҳамма нарса у ёки бу тарзда унинг номи билан боғлиқ. Бу ерда унинг отаси Муҳаммад Тарағай ва маънавий устози Шамсиддин Кулол кўмилганлар, бу ерда унинг катта ўғиллари Жаҳонгир Мирзо ва Умаршайх Мирзолар гўри жойлашган. Улуғ Соҳибқироннинг ўзи ҳам унинг жони шу ерда арши аълога учиб кетади, деб ўйлаган эди. Ҳаттоки, мақбарани ҳам тайёрлаб қўйди. Лекин тақдир буни бошқача ҳал этди…

Улкан Мовароуннаҳр давлатини яратган ва унинг чекланмаган ҳукмрони - амири бўлган Темур Самарқандни ўз пойтахти сифатида танлади. Лекин ўзининг туғилиб ўсган кичик ватанини ҳам ҳеч қачон унутмай, доимо унга ғамхўрлик қилди. Аслида Шаҳрисабз давлатнинг иккинчи пойтахти эди. Темурнинг авлоди, Буюк Мўғуллар сулоласининг асосчиси Бобур ёзишича: «Кеш шаҳри Темурбекнинг туғилган жойи бўлгани учун, у шаҳарни тахт шаҳрига айлантириш учун кўп ғамхўрлик қилган эди».





Амирнинг буйруғи билан бу ерга энг яхши меъморлар, қурувчилар, меъморчилик безакларининг усталари юборилган, маҳаллий усталар билан биргаликда улар турли мамлакатларнинг тажрибаси ва анъаналарини уйғунлаштириб, улуғвор биноларни барпо этганлар. Уларнинг ижодий билимлар, тажриба, анъаналар ва яратувчилик уринишларининг яхлитлашуви туфайли ажойиб мевалар берди, улар XIV аср охири – XV аср боши Ўрта Осиё меъморчилигнинг хусусиятларини белгилаб берган монументал услубининг асосларини яратдилар.

**Сайидлар Гумбази.** Улуғбек 1438 йилда Шамсиддин Кулол мақбараси нинг жанубий девори ёнида ўзининг туғишганлари ва авлодлари учун мақбара қурдиради. XV-XVII асрдаги қабр тошларида ёзувлар Термиз сайидларини, Пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в.)нинг авлодларини эслатади. Шунинг учун ҳам, бу мақбара Сайидлар Гумбази деб номланган.



Оксарой саройи байрамона ҳукумат биноси– резиденциянинг намунаси бўлиши мумкин. Саройнинг қурилиши 1380 йилда бошланган, лекин 1404 йилда ҳам унда пардоз ишлари тугатилаётган эди. Бу улуғвор иншоотнинг ўксимон гумбази оралиғи 22 метрдан ортиқ бўлиб, темурийлар барпо этган барча иншоотлар орасида энг антиқадир. Темур ва темурийларнинг даврида шаҳрларнинг ансамбллар билан – мажмуий қурилиши кенг тарқалган. Бу Шаҳрисабзда ҳам яққол кўринади, бу ерда Дор-ус-Тиловат ва Дор-ус-Саодат ансамбллари ажралиб туради. Дор-ус-Тиловатни собиқ маҳаллий зодагонлар



мақбарасида сақланиб қолган учта иншоат ташкил этади. Бу Шамсиддин Кулол ва Гумбази Сайидон мақбаралари ҳамда Кўк-Гумбаз жомеъ масжиди иншоатларидир. Шамсиддин Кулол мақбараси энг биринчи қурилган. Шайх 1370 йилда вафот этган бўлиб, унинг гўри иззат-эхтиром қилинган эди. Унинг ёнида Гумбази Сайидон-Сайидлар гумбази номли Улуғбек авлодлари нинг мақбараси қурилган. Бу кичик бино ўзининг нафис мутаносиблиги ва чуқур ўймакор нақшлар билан қопланган, ажойиб ишланган кириш эшиги билан инсонни маҳлиё қилади.

Меъморчилик ансамблини мўғулларгача бўлган қурилиш пойдеворида қад кўтарган Кўк-Гумбаз жомеъ масжиди тугаллайди. Дорус-Саодат ансамбли ҳам учта қисмидан иборат: Жаҳонгир мирзонинг гўри, Ҳазрати Имом масжиди ва Темурнинг мақбараси, 1376 йилда соҳибкироннинг севимли ўғли Жаҳонгир мирзо ўлганидан кейин Амир Темур шундай қайғуга чўмдики, соҳибкироннинг қалби ҳамдардлик учун 30 йил ёпиқ эди». «Адолатли шаҳзода, жасур жангчи, ер юзида атиргулдек бир кўриниб йўқолган» шаҳзоданинг жасади аждодларининг ватанига келтирилди, бу ерда унинг учун мақбара қурилди.

Кейинроқ мақбара оилавий катта мақбара ичига киритилган эди. Хона оқтош билан қопланган бўлиб, аркали ўйма токчалар бўйлаб Қуръондан олинган фоний дунёнинг бекорлиги ва боқий дунёнинг ғолиблиги тўғрисидаги оятлар ўйиб ишланган. Масжид ва Жаҳонгирнинг мақбарасига яқин жойда фақат Темур учун мўлжалланган гўр сақланиб қолган мақбара бўлган, лекин унинг ўзи маълумки, Самарқандда дафн этилган. Лекин Шаҳрисабз фақатгина буюк амирнинг «тахт замини» бўлмаган. Темурнинг туғилишидан анча илгари у ўз тарихига эга эди. Аввало бу жаҳоннинг энг қадимги шаҳарларидан бири. Олимларнинг фикрича, Шаҳрисабз 2700 ёшда, бу эса «Боқий шаҳар» Римнинг ёшидир. ЮНЕСКО қарорига кўра айнан шу сана 2002 йилда бутун маданий дунёда нишонланган.

Эрамиздан аввалги III асрда Искандар Зулқарнайн лашкарлари дам олиш учун Кеш воҳасида тўхтаган, Бақтриянинг сатрапи бўлган Бесс Доро III ни ўлдириб, ўзини «осиё подшоҳи» деб эълон қилган, лекин унинг ўзи айнан шу ерда асирга олинган. VII асрда шаҳарни араблар қамал қилган, бир аср кейин эса Кеш шаҳри Муқанна раҳбарлиги остида арабларга қарши кучли қўзғолоннинг маркази бўлди. Тинч даврда шаҳар ҳеч қандай тўсқинликсиз ўсиб ривожланар эди, бунга унинг гавжум Буюк Ипак йўлидаги ниҳоятда қулай жойлашуви сабаб бўлган.

Ўрта асрлар шоири Маҳмуд ибн Вали шундай ёзган: «Кеш-Мовароуннаҳр шаҳарларидан… уни жаҳоннинг энг гўзал жойларидан бири, жуда яхши ва ёқимли иқлим бўлган жой деб ҳисоблашади. Унинг далалари ва боғ-роғлари жуда жозибали ва завқли». Ҳақиқатан ҳам, Шаҳрисабз ўзининг «Яшил шаҳар» исмига жуда мосдир.

***Кўк-Гумбаз масжиди.*** Кўк гумбаз масжидини Шохрух Мирзо отаси Улуғбек номидан қурдиради. Марказий гумбазнинг диаметри 48 метрга тенг бўлиб Самарқанддаги Бибихоним масжиди гумбазидан катта.Бу масжид

Шамсиддин кулол макбараси якинида курилган бўлиб шаҳарнинг бош масжиди хисобланган. Кейинчалик Кўк Гумбаз масжидининг бир хонасига Амир Темурнинг отаси Амир Тарағайнинг хоки кўмилади. Шундан бошлаб Шаҳрисабзга келган зиёратчилар албатда Амир Тарағайнинг қабрини зиёрат қилишади. Ҳозир хам шундай.

***Дор-ут-Тиловат мажмуаси.*** Дор-ут-Тиловат мажмуаси (Муборак Қуръонни ўқиш ва англаш) 1370-1371йилда Амир Тарағай, Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанднинг устози бўлган Шамсиддин Кулолнинг вафотидан кейин азиз-авлиёларга доимий тиловат қилиш учун қурилган.




***Дор-ус-Саодат.*** Дорут-Тиловат мажмуаси Дорут-Саодат мажмуасидан 200 метр масофада жойлашган. Амир Темур отаси Амир тарағайнинг(Амир Тарағай 1360 йилнинг қишида вафот этади), отасининг ва ўзининг пири Шамсиддин Кулолнинг ва бевақт ўлган катта ўғли Мирзо Ғиёсиддин Жаҳонгирнинг (1376 йилда вафот этади) хотирасини абадийлаштириш учун Кўк Гумбаз атрофида, Оксаройнинг жанубида хар бири учун учта мақбара қуришга буйрук беради. Бу мақбаралар биргаликда Дорус-Саодат номини олади. Бу мажмуада Амир Темур ўзига ҳам қабр тайёрлатади. Бу қабрнинг қурилиши ва безакланиши ва мажмуанинг шухрати шарқдаги бирон-бир мамлакатда такрорланган эмас.

***Жаҳонгир мирзо мақбараси.*** Дорус-Саодат мажмуаси темурийлар династиясига мўлжалланган эди. Шунинг учун ҳам Жаҳонгир Мирзонинг кўкисдан вафот этилиши натижасида унинг жасади Самарқанддан Шаҳрисабзга Амир Темурнинг авлодлари ватанига келтирилади. Бир неча йилдан кейин Амир Темур Хоразмдан энг машхур меъморларни Шаҳрисабзга чақиради ва суюкли катта ўғли Жаҳонгир мирзонинг қабри устига мақбара қуришга буйрук беради. Амир Темур саройининг тарихчиси шарофиддин Али Яздийнинг хабари бўйича янги мақбара амирзода Жаҳонгир Мирзонинг ва барча темурийлар авлодига мўлжалланди.

***Умар Шайх мақбараси.*** Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх 29 ёшида (1393-1394 йиллар) Эронда Курд қалъасини қамал қилиш вақтида ўк-ёй дан отиб ўлдирилади ва Дорус-Саодат мажмуасига дафн қилинади. Амир Темур Умар Шайх Мирзога ҳам мақбара қуришга буйрук беради. Лекин Бизнинг вактимизга келиб Жаҳонгир мирзо ва ўзига курдирган мақбара сакланиб қолган.






*Амир Темур ўзига қурдирган хилхона*

Улуғ соҳибқирон Амир Темур фарзандлари ва пирлари, устозлари хотирасини абадийлаштириш учун маблағни керагича ажратарди. Тарихдан маълумки, барча қурилишларда у хеч качон қурилишга ажратилган маблағларини аямаган ва қисқартмаган. У ўзи учун ер остидан оддий хилхона. қабр тайёрлашга буйруқ берди. Унинг буйруғида шундай сўзлар бор-"Фақат тошлар ва уларда менинг исмим ёзилсин". Хилхона безалмаган. Муборак Қуръон оятлари ёзилган.






*Хона деворлари бежирим ишланган тошлар билан қопланган ва Соҳибқироннинг таржимаи ҳоли ёзилган қабр тоши қўйилган.*

Дор-ус-Саодат шайбонийлардан бўлган Абдуллахон II нинг қўшинлари Шаҳрисабзни ишғол қилган вақтда қисман вайрон қилинган. Дор-ус-Саодат мажмуасидан фақат Жаҳонгир Мирзо ва Амир Темур хилхонаси сақланиб қолган. XIX асрнинг ўрталарида Дор-ус-Саодат мажмуасида кўп хонали хазрати Имом масжиди қурилган.



*Ҳазрати Имом Масжиди*





***Туристик маршрутнинг технологик харитаси***

**1.Маршрутнинг номи, мавзуси**–*«Шаҳрисбз- Соҳибқирон Амир Темурга таъзим".*

**2.Маршрутнинг муддати (бошланиши ва тугаши)**-бошланиши-*2023 йил.*

**3.Маршрут тури** –*Тарихий-маданий ва зиёрат туризми туристик маршрути.*

**4.Маршрут масофаси (км)**-*100 км*

**5.Маршрут харакатланиши:**

а) **транспортда (км)**_-*90 км*

б)**пиёда (км)**- *10км*

в) **маҳаллий транспортда (км)**- *йўқ*

г) **сув хавзаларида (км)** –*йўқ*

**6.Маршрутдаги туристлар сони**-*12 турист, ҳайдовчи ва гид*



**7.Маршрутдаги экскурсиялар мавзуси ва ёзма шакли**-*Шаҳрисабз шаҳридаги тарихий обидалар.*

**8.Маршрут эгаси бўлган корхона манзили**-*"Диёр ишонч сайёҳ МЧЖ"*




*«Шаҳрисбз- Соҳибқирон Амир Темурга таъзим"*
*маршрутининг схемаси*

***Сафар трасса паспорти***

**1.Туристик корхонанинг номи** - *"Диёр ишонч сайёҳ МЧЖ"*

**2.Туризм тури**- *тарихий-маданий туризм*

**3.Сафар трассаси**- *Самарқанд ш.- Шаҳрисабз ш.*

**4.Узунлиги** – *100 км*

**5.Давомийлиги** – *бир сутка*

**6.Бир гуруҳдаги туристлар сони** - *25 нафар*

**7.Паспорт тузилган пайт** -*2023 йил*

**8.Паспорт нусхалари жўнатилган:**

*1.Самарқанд шаҳар ДАН бошқармасига;*

*2. Туризмни ривожлантириш Самарқанд вилояти Бошқармасига*

*3.Қашқадарё ички ишлар бошқармасига*
*4.Қашқадарё вилояти ДАН бошқармасига*




*«Шаҳрисбз- Соҳибқирон Амир Темурга таъзим" маршрутининг рекламаси*

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Сирли тошларнинг маъносини тушунтириб беринг.
2.Оқсарой ҳақида амалий машғулотларда гапириб беринг.
3.Жиззах вилоятидаги сирли тошлар ҳақида қандай маълумотларни биласиз?.
4.Сирли тошларнинг рекламаси қандай берилиши керак?.
5.Нима учун Соҳибқирон Амир темур Шахрисабзда ўзига хилхона қурдирган?.



**16 -Мавзу. ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИНГ БАҲОСИ ВА РЕКЛАМАСИ**

**Режа:**

16.1.Рекламада маршрутнинг йўналиши бўйича жойлашган диққатга сазовор туристик объектларни тасвирлаш.

16.2.Рекламада маршрут давомида кўрсатиладиган хизматларни тасвирлаш.

16.3.Туризм маршрутларининг бахоси

**16.1. Рекламада маршрутнинг йўналиши бўйича жойлашган диққатга сазовор туристик объектларни тасвирлаш.**

Бу талабда рекламага барча турларнинг асосий объекти рангли тасвирда киритилади. Бу усул жаҳон туризмида энг қулай, натижали ва тан олинган усул хисобланади. Республикамиздаги тарихий обидалар туризмида қайд қилинган усулда реклама маҳсулотлари жаҳон андозаларида чоп қилиниб дунё мамлакатларига тарқатилмоқда.Диний туризмда ҳозиргача жаҳон микёсида олимлари машҳур бўлган алломаларнинг қабрини зиёрат қилувчилар бу муқаддас жойларни билганли гидан туристик маршрут рекламасиз ҳам ватанимизга келиб кетмоқда. Туризмда реклама туристик объектга тур маршрут ишлаб чиқилгандан кейин туризм бозорига–истеъмолчига чиқарилишини лозим.

Реклама фалон жой ёки фалон қизиқарли туристик объект фалон жойда жойлашган деган ахборотлар билан реклама бўлиб қолмайди. Бундай рекламалар ҳозирча бизнинг, маҳаллий аҳоли талабини қондиради. Биз туристик объект ёки зиёратгоҳ манзилини сўраб-суриштириб боришга ўрганганмиз.Рекламада туристни туристик ресурсга–объектга чорлайдиган марказий объект биринчи бетда, кўринарли холатда, рангли тасвирда, қисқача изоҳ билан берилиши лозим. Масалан, экотуризм ишқибозлари хилма-хил ҳайвонот дунёсига қизиқишади, бири қушларга, бири ҳайвонларга. Бундай рекламаларга маълум жойларда (тоғларда, қўриқхоналарда, буюртмахоналарда, сув ҳавзаларида ва ҳако.) яшаётган, кўпайтирилаётган, асосий диққат–эътибордаги якка ёки ўша жойда яшаётган ҳайвонот оламининг турлари биргаликда берилади.

Нурота Қўриқхонасида 600 тур ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликларнинг умумий фондини рангли қилиб бериш рекламанинг таъсирчанлигини оширади. Шунингдек, қўриқхонанинг Осраф дарасида тоғ ҳайвонлари тасвирланган қоятошларни ҳам рекламага киритиш реклама билан танишган туристларда қизиқиш ҳосил қилади.Қўриқхона ҳудудидаги Мажрум қишлоғида минг ёшли улкан арча дарахти ҳозир ҳам кўкариб турибди, бу арчани ҳам тайёрланадиган рекламага киритиш рекламанинг таъсирчанлигини кучайтиради. Шунингдек, қўрикхонада бургут, лочин ва қора калхатлар ҳам рекламага албатда рангли тасвирда киритилиши рекламанинг жозибадорлигини кучайтиради.

Туризм рекламаларини ишлаб чикишда туроператорнинг етук билимли, малакали ва қизиқувчанлиги туристик фирма учун жуда муҳим омилдир. Туристни белгиланган маршрут билан тўғридан-тўғри у танланган туристик объектга (маконга) олиб бориш мумкин. Туроператорнинг билими, қизиқувчанлиги ва устамонлиги омилини ишлаётганимизда ёки ундан талаб қилганимизда турист танлаган маълум бир туристик маршрут рекламасига мазкур маршрут бўйлаб жойлашган қизиқарли тур-объектларнинг расмларини қисқача изоҳлаш албатда қизиқарли бўлади.

Масалан, Самарқанд шаҳрига келган турист реклама бўйича вилоятимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири бўлган Омонқўтон воҳасида 1-2 кун дам олишни хоҳлайди (рекреацион ва экологик туризм). Бундай буюртмаларга турфирма ва меҳмонхоналарда ишлаётган туроператорларда ҳамиша заҳирада қўшимча туристик маршрут рекламалари бўлиши лозим ва шундай бўлиши ҳам керак.

Омонқўтон воҳасига борадиган туристик маршрутнинг захирадаги рекламасига маршрут бўйлаб жойлашган кўплаб ёки асосий диққатга сазовор туристик объектларни жойлаштириш мумкин. Масалан, Самарқандга келиб Омонқўтонни кўришни хоҳлаган турист ва туристлар албатда биринчи куни Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни томоша қилишади ва иккинчи кундан бошлаб Омонқўтон воҳасига туристик маршрут асосида йўлга тушади.Ана шу туристик маршрут рекламасига биринчи навбатда Самарқанд шаҳридан чиқишда жойлашган, нақшбандия тариқатининг жаҳонга машҳур алломаси Хожа Аҳрор Вали ҳазратларининг мадрасаси биносини рангли тасвирда жойлаштириш мақсадли бўлади. Чунки, Хўжа Аҳрор Вали номи ҳам Темурийлар даврида қурилган Хўжа Аҳрор Вали мадрасасининг қурилиши, маҳобати ва ранг-баранглиги ҳам Темурийлар қурган улкан, тарихий бинолардан кам эмас.

Худди ана шу рекламага шаҳардан чиқишдаги қадимий Дарғом каналининг расми ва қисқача тарихини бериш ҳам туристни қизиктиради. Ушбу рекламага Омонқўтон йўлидаги тош ҳайкалларнинг расмларини жойлаштириш ҳам албатда туристларни ўзига жалб қилади. Улар табиий жараёнлар таъсирида ҳайратомуз кўринишни ҳосил қилган табиий тош ҳайкалларни томоша қилишади, расмларга тушишади, туристлар жозибадорлик, такрорланмасликни кўриб яхши кайфиятда бўлишади.

Ҳар бир туристик маршрут рекламасида қайд қилинган усулларни қўллаш мумкин. Туристик маршрут рекламаси фақат диққатга сазовар туристик объектлар билан тўлдирилиши мумкин. Баъзи ҳолларда туристик маконга етгунча бирорта ҳам қизиқарли туристик объектлар бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай маршрутларда табиий ва антропоген ландшафтлардаги сўлим, рекреацион объектларга экскурсиялар уюштириш лозим бўлади.

*Рекламада маршрут давомида ўтказиладиган экскурсия объектларини тасвирлаш.* Туризмда ишлаб чиқиладиган маршрутларда экскурсиялар (сайрлар) қанчалик кўп бўлса маршрутнинг бетакрорлиги, жозибадорлиги, турли-туманлиги шунчалик кучли бўлади.Ҳар қандай туробъектга туристик



маршрутнинг рекламасини ишлаб чиқилганда маршрут давомида нечта экскурсия ўтказиш режалаштирилса барчаси ҳақида турмаршрут рекламасида рангли расм ва қисқача изоҳ бўлиши маршрутни танланган турист учун яхши ахборот бўлади.

Рекламада маршрут давомида ўтказиладиган экскурсия объектларини тасвирлашда туроператорларимизнинг Ўзбекистонда тарихий, маданий ва табиий жойларнинг расмий ва норасмий рамзларини жуда яхшилаб ўрганиб олишлари керак бўлади. Европалик туроператорлар туристик маршрутлар ишлаб чиқишда туристик маршрутнинг карта-схемасига асосий объектгача ва асосий объект йўлидаги қизиқарли жойларнинг рамзларини рангли тасвир ларда қўйишади(Бу объектлар туристик маршрут дастурига киритилмаган).

Бу рамзларни кўрган туристлар кўп ҳолларда уни кўриш таклифларини билдиришади(қўшимча хизматлар). Шундай, оддий тадбиркорлиқлик билан ҳам улар туристларнинг вақтини узайтиришади(қўшимча даромад). Европаликларнинг бу хил тадбиркорлигини туроператорларимиз яхшилаб ўрганиб олишларилозим.Бунинг учун эса албатда билимли бўлиш, Ўзбекистоннинг тарихини, маданиятини ва табиатини жуда яхши билиш талаб қилинади.

Жаҳон туризми соҳасида XXI асрда экологик туризмни ривожлантириш энг истиқболли йўналишлардан бири бўлиши ҳар тарафлама башорат қилинмоқда.Шунинг учун ҳам туристик маршрутларни ишлаб чиқувчилар ватанимизнинг табиатини, унинг биологик хилма-хил ресурсларини яхши билишлари лозим. Чунки, мамлакатимизга келиб-кетаётган ҳар 100 туристнинг 60-65 таси табиат қўриқхоналаримизда сақланаётган ва кўпайтирилаётган флора ва фаунамиз билан қизиқишмоқда. Бундай хулоса қилиш мумкинки, туроператорларимиз мамлакатимиздаги табиат қўриқхоналари ва улардаги биологик ресурсларни, қўриқхоналарнинг рамзларини яхши ўзлаштириб олишлари керак.

Табиийки, юқорида келтириган рамзлар туристик маршрутнинг дастурига киритилмаса ҳам туристик маршрутнинг карта-схемасига қўйилса туристик маршрутдаги ҳарқандай туристни албатда қизиктириши мумкин.

Экотуризм, рекреацион туризм ва бошқа туризм турлари бўйича шаҳарлардан узоқ масофадаги диққатга сазовар жойлар, тарихий обидалар ва машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ бўлган тарихий-маданий жойлар албатда турмаршрут рекламасида акс эттирилиши лозим. Масалан, Самарқанд шаҳридан Қашқадарё томон чиқилганда бу йўналишдаги барча туристик маршрут рекламасида албатда йўл бўйидаги Оксой қишлоғи тоғларидаги Довуд пайғамбар ғорига экскурсия уюштирилиши ва бу ғорнинг жаҳонга машҳурлиги, жаҳон миқёсидаги зиёратгоҳ жойлиги маршрут рекламасидан албатда жой олиши туристларда катта таъсурот қолдиради.

Қайд қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, туристик маршрутни реклама қилганда маршрутни ишлаб чиқувчи ҳам ва уни реклама қилувчи ҳам ватанимизнинг табиий, тарихий географиясини жуда яхши билиши, айникса

туристик маршрут атрофидаги диккатга сазовор объектлар,жойлар ва марказларни туристдан олдин яхшилаб танишиб чикиши зарур.

### 16.2.Рекламада маршрут давомида кўрсатиладиган хизматларни тасвирлаш

Туристик маршрут давомида туристларга кўрсатиладиган хизматлар хакида ушбу ўкув кўлланмадаги мавзуларда батафсил ёзилди. Туристик маршрутдаги хизматларни хам маршрут рекламасида акс эттириш туристлар учун талаб қилинадиган ахборотлар рўйхатида туради.

Туристик маршуртлардаги хизматлар рекламада тасвирлаганда реклама даги асосий объектлардан, кўшимча объектлардан ва экскурсия объектларидан кейин қўйилиши мумкин. Бу холатда дастлаб маршрутда хизмат киладиган юкори комфортли транспорт хиллари, овкатланишдаги миллий таомлар, энг сўнгида дам олишдаги шароитлар кичик рангли расмларда хам берилиши туристларни анча хотиржам килади. Улар маршрут давомида юкорида кайд килинган хизматларни сўраб-суриштириб юрмайди.

Республикамизда хозирги кунга келиб Чимён тоғ-чанғи спорти туризми мажмуаси, йирик, халкаро курортларимиз жаҳон андозалари талабида реклама чикармокда ва халкаро туризмда туристлар окимининг келишига яхши шароитлар яратмокда. Туризмда реклама ишлаб чикариш мутахассис ларининг фикрича:

- рангли рекламалар ок-кора рангдагиларга нисбатан 65-70 % кўпрок кўзга яхши ташланади;
- сифатли рангланган расмлари бор реклама сифатсиз расмли рекламага караганда бир ярим баробар кўп кишиларга ўзига жалб килади;
- сарик хошиядаги кора рангдаги матн бошка рангларга караганда кўпрок кишиларни матнни ўкишга жалб килади;
- рекламада рамкаланган тасвирлар, изохлар рамкаланмаган матнларга нисбатан биринчи навбатда ўкилади;
- рекламадаги сўз ўйинлари унинг ўкувчанлигини пасайтириб юборади;
- рекламада матн қанчалик қиска бўлса тез ёдда колади.

Реклама туризмнинг доимий йўлдоши бўлиб, туристларга факат саёхат вактида эмас, балки ундан сўнг хам хизмат кўрсатади. Бу эса рекламага алохида маъсулият юклайди ва туризмдаги товар ва хизматларни таклиф килишда туризм бозоридаги ахборотларга тўла моддий махсулот вазифасини бажаради. Ёдда тутиш лозимки, туристик маршрут канчалик мукаммал ишлаб чикилса, унинг рекламаси мазмуни шунчалик кизиктирувчи маълумот ларга бой бўлади. Туризм бозорида реклама канчалик кўп бўлса, халкаро микиёсда хам махаллий микёсида хам туристлар окимининг кучайишига ижобий таъсир килади.



### 16.3.Туризм маршрутларининг баҳоси

*Туристик маршрутнинг баҳосини маркетинг тадқиқотлари асосида аниқлаш.* Туристик маршрутларнинг баҳосини белгилашда туризмда қабул қилинган маълум бир ҳисоб усули ёки тавсиялар ишлаб чикилмаган. Илмий адабиётлардан маълумки, чет эл туризмида туристик маршрутларнинг баҳосини белгилашда кўплаб услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган. Лекин улардаги усуллар ва тавсияномаларни бизнинг туризмда тўғридан-тўғри қўллаб бўлмайди. Чунки, улардаги хизматлар билан биздаги хизматлар ўртасида катта фарқлар бор.Шунинг учун ҳам биз туристик маршрутларнинг баҳосини белгилашда албатда маркетинг тадкикотларини ўтказишни бошлашимиз керак бўлади.

Максад шундан иборатки, туристлар( ички туристлар ва халкаро туристлар) туристик маршрутнинг баҳоларини суриштиришганда уларда хеч кандай эътирозларга ўрин колмаслиги керак. Матбуотдаги маълумотлардан маълум бўлмокдаки, халқаро туристлар кўпчилиги биздаги хизматларнинг анча кимматлилигидан хозиргача шикоят қилишмоқда(масалан, мехмонхона хизматлари).

Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда ёки танлашда маркетинг тадкикотларини ўтказиш бўйича ўтказилади ва бизнинг тавсияларимизнинг чизма холидагиси қуйидагилардан иборат бўлади (26-чизма). Россия давлатида Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда маркетинг тадкикотларидаги асосий йўналишлар жуда кўп. Шулардан халқаро туризмда энг оммавийлашган, кутиладиган натижалар бўйича 6 та йўналишда маркетинг тадкиқотлари ўтказилади.

Туристик маршрутни танлашда маркетинг тадкикотлари йўналиш ларидаги «Бозорни тадкик қилиш» сўровида шу нарса маълум бўлдики, хозирча бизда туристик маршрутларининг бозори йўқ. Маршрутларнинг сотилиши ва рекламаси ҳакида ҳам шундай хулосани келтириш мумкин. Туристик фирмалар туристлар билан кайси маршрутлар бўйича ишлашмоқда?– Бу ҳолат ҳам номаълум. Бундай вазиятларда маркетингда тадкикотлар ўтказиш йўналишлари нинг қуйидагилари туристик маршрутни баҳолашда кутиладиган натижаларни беради:

1.Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда бозорни тадқиқ қилиш бўйича маркетинг тадқикотлари.

2. Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда истеъмолчини тадқик қилиш бўйича маркетинг тадқиқотлари.

3. Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда баҳоларни тадкик қилиш бўйича маркетинг тадқикотлари.

1. Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда сотиш ва рекламани тадқиқ қилиш бўйича маркетинг тадқикотлари.

***Биринчи йўналиш*** бўйича туристик маршрутнинг бозордаги умумий талаби, харидорлари, уларнинг сони тадкикот натижасида аникланади, маршрутнинг туристик ресурслардан фойдаланишдаги ўрни белгиланиши натижасида керакли маршрут тури танланади.

***Иккинчи йўналиш*** бўйича маршрут ҳақида истеъмолчиларнинг (туристларнинг) хоҳиш истаклари, талаблари, танқидий фикрлари ҳисобга олинади. Бу ахборотлар тўпланиб таҳлил қилинади ва истеъмолчилар талабини қондирадиган туристик маршрут ишлаб чиқилиб истеъмолчига таклиф қилинади.

***Учинчи йўналиш*** бўйича туристик маршрутларнинг баҳолари тадқиқ қилинади.Бу тадқиқотларни ўтказиш жуда муҳим ҳисобланади.Чунки республикамизда ишлаб чиқарилаётган туристик маршрутларнинг баҳолари тадқиқ қилинмаган. Ҳозирда Ўзбекистонда муваффақият билан ишлаётган 2 та маршрутнинг баҳолари қуйидагича:

1. «*Тарихга саёҳат*» туристик маршрутда: битта турист учун -2057 АҚШ доллари, иккита турист учун–1498 АҚШ доллари, учта турист учун–1320 АҚШ доллари, 3 та туристнинг бир хонада жойлашиши–615 АҚШ доллари баҳосида белгиланган.

2. «*Тарих ва замонавийлик*» туристик маршрутда: битта турист учун–3334 АҚШ доллари, иккита турист учун – 1865 АҚШ доллари, учта турист учун 1652 АҚШ доллари. 3 та туристнинг бир хонада жойлашиши–768 АҚШ доллари баҳосида белгиланган.

Иккала туристик йўлланманинг нархи ҳам баландми, пастми таҳлил қилиш қийин. Овқатлар нархи, транспорт хизмати, дам олиш ва бошқа хизматлар нархи алоҳида берилмаган ва хизмат турлари аниқ кўрсатилмаган, маҳсулотлар нархи ҳам йўқ. Бу ҳолда туристик истеъмолчига туристик маршрутни қандай таклиф қилиш мумкин?Шунинг учун ҳам туристик маршрут танланганда маршрутнинг барча кўрсаткичлари бўйича баҳолар бўлиши шарт. Маршрутдаги баҳоларни қўйиш мезонлари келтирилиши янада маршрут баҳоларининг ишончли қўйилганлигини ҳам билдиради.

***Тўртинчи йўналишда*** туристик маршрутларнинг оммавийлашган рекламаси ҳам сотиш ҳам харидор ҳам ҳозирча йўқ. Умуман олганда туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг ўзи қониқарсиз ҳолатда, маршрут йўқ бўлгандан кейин унинг бозори, рекламаси ҳам республикамизда шаклланган эмас(Туристик маршрутлар деярли оғзаки ташкил қилиниб оғзаки ўтказилмоқда).

Туроператор барча хизматларнинг нархини жамлаб, уларга қўшимча қилиб фирманинг харажатларини қўшади ва туристик маршрутнинг-турнинг баҳосини чиқаради.Энг муҳими шундаки, туристик фирманинг қўшимча нархи ишонарли, оширилган бўлмаслиги лозим.Шу ҳолатда туристик маршрутнинг баҳосини суриштирган турист баҳони ўрганиб унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилади.Энди айнан шу туристик маршрут маршрутда кўрсатиладиган хизматларга қараб хар хил молиявий таъминланган туристлар учун 4 даражали бўлиши мумкин: 1-арзон; 2-ўртача; 3-қиммат; 4-ўта қиммат(люкс).

Туристик маршрутнинг ишончли баҳосини чиқаришнинг қийинлиги шундан иборатки, агар туристик маршрут шаҳарлараро, туманлараро ва экологик тур мавзуларида бўлса, албатда бу жойлардаги туристик хизматлар,



туристик инфратузилмалар хизматлари, меҳмонхона хизматлари ва овқатлантириш хизматлари туроператор яшаб турган жойдан бошқа нархларда бўлади. Бу нархларни туроператор биладиган бўлса у туристик маршрутнинг баҳосини тўғри чиқаради. Бу нархларни билмайдиган бўлса туристик маршрутнинг баҳосини албатда таваккалига ёки оширилган нархларда қўйишга мажбур бўлади. Бу иккала ҳолатда ҳам у туристик маршрутнинг баҳосини суриштирган туристларга ишончли жавобларни топиб бераолмай ди.

Шунинг учун ҳам туризм соҳасида-«Туроператорлар кучли жойда туризм ривожланади»-деган қатъий қоида бор. Германиялик туроператорлар ўз давлатларининг худудларидаги барча туристик хизматлар, туристик инфратузилмалар хизматлари, меҳмонхона хизматлари, овқатлантириш хизматлари ва ёнилғи хизматлари ҳақидаги ахборотлар ва маълумотларни хар ҳафтанинг биринчи куни «махсус хизматлар кўрсатиш фирмалари»дан тўплаб олишар экан.

Бу маълумотлар билан улар хар ҳафталик туристик маршрутларнинг баҳосини ишончли манбалар асосида тўғри қўйишади. Хулосада қайд қилиш лозимки, туристик маршрутнинг нархини белгилашда туристик маршрутдаги ҳар бир хизматларнинг нархини ҳозирги куннархлари билан қўйиш, жамлаш ва ягона баҳони чиқариш тўғридек бўлмоқда. Туристик маршрутни яратган ва маршрутда хизмат кўрсатувчи бўлган туристик фирманинг ҳақи эса туристик маршрут баҳосига қўшимча 10% қўшиши мумкин.

Туристик маршрутларга баҳо қўйишда маълум бир тушунчаларга эга бўлиш ва туристик маршрут ишлаб чиқишни ўрганиш учун «Самарқанд шарқ гавҳари» мавзусидаги туристик маршрутнинг намунаси қуйида келтирилди.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:***

2. Туризм рекламаларининг мақсади ва вазифаларини тушунтиринг.
3. Туризм рекламаларининг турларини тушунтиринг.
4. Туризм рекламалари қандай тарқатилади?
5. Рекламаларга тасвирларни қандай шаклларда бериш керак?
5.Туризм рекламаларида туристик хизматлар қандай тасвирланади.

## 17-Мавзу.ТУРИЗМДА ХАЛҚЛАРНИНГ ХУЛҚ-АТВОР ВА ИМО-ИШОРАЛАРИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ЗАРУРАТИ

**Режа:**

17.1.Дунё халқларидаги хулк-атвор ва имо-ишоралар ҳақида
17.2.Давлатларнинг халқларидаги имо- ишоралар ҳақида

### 17.1. Дунё халқларидаги хулқ-атвор ва имо-ишоралар ҳақида

Туризмда туристлар ўзларининг туристик фаолияти давомида дунё мамлакатларида яшаётган халқлар, миллатлар, элатлар билан кутилган ва кутилмаган ҳолатларда, баъзида қисқа учрашувларда,суҳбатларда мулоқатда бўладилар. Ана шу мулоқатларда ўзга халқларнинг хулки-одоби ёки имо-

ишораларининг маъносини билиш туризмда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айникса, гид-экскурсиячининг бу хусусиятларни билиши маршрутнинг кўнгилсиз, тасодифий воқеъаларсиз ўтишини таъминлайди.Ўзга миллатлар, халқларнинг урф-одатлари имо-ишоралари мазмуни билан танишиш ва ушбу хусусиятларнинг маъносини яхши ўзлаштириб олиш туристик фаолиятга қизиқадиган ҳар бир инсон учун жуда зарур ҳисоб ланади.

Иккинчидан, бу хусусиятларни билиш инсоннинг зиёлилиги, маданиятлилигини ҳам англатади. Чунки, ўзга давлатларда одамлар билан тасодифан учрашиш ёки суҳбатлашиш вақтида Ўзбекистон халқларидаги ёки айнан ўзбеклардаги "ҳа"-тасдиқлаш маъносини билдирувчи ишора ёки белги, билдириш у халқларда "йўқ" ёки бутунлай "инкор" қилиш маъносини бериши мумкин.

Имо-ишорадаги ёки хулқ-атвордаги хусусиятлар инсоннинг нутқи, гапириши давомида бошини, бармоқларини, қўлларини ҳаракатлантириши орқали билдирилади.Туризмга бағишланган адабиётларда, илмий мақолаларда имо-ишорани тушунмаслик натижасида маҳаллий мезбонлар билан туристлар ўртасидаги оддий ҳаракатлар то судлашувгача давом этган.

Масалан, Москвалик шундай ҳикоя қилади-Яқинда аэропортда менга чет эллик турист яқинлашди ва саломлашиб яқин орада юк сақлаш хонаси борми деб сўради.Мен инглиз тилида керакли сўзларни топиб унинг тўғри келаётганлигини юк сақлаш хонаси борлигини хатто бепул эканлигини ҳам тушунтирдим ва хурсандлигимдан бош ва кўрсатгич бармоғимни айлана холида қилиб "ОК" дедим.

Мен унинг раҳмат айтишини кутгандим. Лекин унинг аввал ранги оқарди сўнгра эса мени қўпол сўзлар билан ҳақоратлай бошлади. Мен ҳам қараб турмадим,ўртада жанжал чиқди. Можорони милиция бўлимида тажрибали таржимон ёрдамида ҳал қилдик. Маълум бўлдики, турист Тунис давлатидан келган бўлиб мен унга бошбармоғим ва кўрсатгич бармоғимни айлана қилиб кўрсатиб "ОК" деганим ва қўлимни ён тарафга ёзиб йўл кўрсатганим уларнинг тушуниши бўйича-"мен сени бепул ўлдираман" дегани экан. Мен ундан кечирим сўрадим. У хўмрайганича таржимон билан милиция бўлимидан чиқиб кетди.

Жестлардаги бош бармоқни юқорига кўтариш америкаликларда йўловчи машиналарни тўхтатиш, илтимосни билдиради. Кўп халқларда эса бу жест "хаммаси аъло даражада" дегани.Европа давлатларининг кўпчилигида мазкур жест–"йўқол" дегани, Греция давлатида-"жим бўл" маъносини билдиради.Энди,йўловчи автотранспортни тўхтатмоқчи бўлган америкалик нинг Европа давлатлари ва Греция давлатидаги ушбу жест билан қилган уринишларининг қанчалик бефойда эканлигини ўзингиз тасаввур қилинг.

Шунингдек, араб давлатларида қўл ва бармоқларнинг юқоридагидек ҳаракати-"беодоблик, ахлоқсизлик" ҳисобланади.Саудия Арабистонида ҳам қайд қилинган жестнинг маъноси-"бу ердан тезроқ йўқол" деган маънони билдиради. Умуман ислом дини тартиби ҳукумрон давлатларда чап қўл"тоза эмас" маъносида қабул қилинади. Шунинг учун бу давлатларда совға ёки



бошқа бирор нарсани чап қўл билан узатсангиз бу ҳаракатингиз билан сиз уларни ҳақоратлаган бўласиз.

Бармоқ билан бошни кўрсатиш МДҲ ва бошқа кўплаб давлатларда-"сен ҳақиқий аҳмоқсан" дейилгани. Бизда ҳам шундай. Голландияда эса тескариси-"шунчалик ақллисан" маъносини англатади. Юқорида қайд қилганимиздек, бош ва кўрсаткич бармоқни думалоқ, айлана қилиб кўрсатиш-"ҳаммаси жойида"-хурсандман дегани ва бу жест бутун Англияда жуда оммавийлашган.Англияликлар фахрланадиган ушбу жест кўплаб давлатларда ҳақорат ҳисобланади. Масалан, Францияда ушбу жест-"сен нолсан, аҳмоқсан" деганидир.

Германиялик ҳайдовчи хизмат постида турган автоназоратчига постдан ўтиш вақтида англияликларнинг "ок"ини кўрсатиб гўёки ўрток полициячи ҳаммаси жойида демоқчи бўлди.Лекин полиция ходими унинг устидан судга ариза топширди.Суд жараёнида маълум бўлдики, постда турган автоназоратчи асли Кипр давлатидан бўлиб уларда германиялик ҳайдовчи кўрсатган жест-"эркакларни аёлларга тенглаштирувчи белги" маъносини билдирар экан.

Бизларда хайрлашувда аксарият холларда қўлимизни бир томондан иккинчи томонга силкитамиз-бу ҳаракат бизнинг меҳмонга яхши боринг деганимиз. Лотин Америкасидаги давлатларда бу жестнинг маъноси-"тезрок олдимга кел" маъносини билдиради.

Баъзи давлатларининг халқларида жуда таъажубли саломлашиш қилиқлари мавжуд.Масалан, Тибет халқлари сиз билан биринчи учрашганида сизга тилини чиқариб саломлашади. Бу-"Мен сенга нисбатан хеч қандай ташвиш келтирмайман. Хотиржам бўлгин" дегани.

Энг муҳими, бу ҳолатни сиз масхарабозлик деб тушинмаслигингиз керак. Шунинг учун ҳам сўнги вақтларда Тибетга борувчи Европалик туристларга Тибет халқларининг урф-одатлари ва имо-ишоралари ҳақида махсус кўрсатмаларни ўргатишади ва аксинча Тибетликларга Европада умуман саломлашишдан воз кечишни уқтиришади.

## 17.2.Давлатларнинг халқларидаги имо- ишоралар ҳақида

**Ҳиндистонда** кўрсаткич бармоғингизни занжирсимон қилиб айлантирсангиз махаллий халқ билан албатда кўнгилсиз можаро юз бериши мумкин. Уларда бу жест-"сен ёлғончисан" деган маънони билдиради. Италия, Мексика ва Испанияликлар қойил қолганликларини билдириш учун учта бармоғини бирлаштириб лабига босади ва ўпич овозини чиқаради. Биз учун бу анча ўнғайсизлик бўлиши мумкин, лекин улар сизнинг ўнғайсизлигингиз га парво ҳам қилишмайди.

**Брунейда** сариқ буюм кийиш ман қилинган. Чунки бу давлатда сариқ кийим фақат султоннинг кийими ҳисобланади. Шунингдек, бу давлатда жамоат жойларида акса уриш, бурунни қаттиқ тортиш, учрашувда қўлни қаттиқ сиқиш, хотин-қизлар билан қўл бериб кўришиш, бармоқлар билан

бирор нарсани кўрсатиш ва бир қўлни иккинчи қўлга уриш каби холатлар хам конун йўли билан ман килинган хисобланади.

**Тунисда, Эмиратда ва Иорданияда** харбийларни, президент саройини, полициячиларни, хотин- кизларни суратга олиш мумкин эмас.

**Италияда** агар турист ресторанда сигарет чекса 200 евро ва ушбу тартибсизликга йўл қўйганлиги учун ресторан директорига 2000 евро жарима солиш қонунийлаштирилган.

**Англияда** жамоат жойларида сигарет чекувчига 1000 фунт жарима солишади.Бутан қироллигида сигарет чекиш умуман ман килинган.Бу қиролликда сигарет контрабанда махсулоти деб эълон қилинган.

**Тайландда** оёкнинг харқандай қисмини умуман кўрсатиш мумкин эмас. Одамни ёки бирор нарсани кўл ёки оёк билан кўрсатиш хақорат хисобланади. Хатто қирол оиласи портретларига, Будда тарафга оёқни чўзиб ўтириш ёки кўрсатиш оғир жиноят деб белгиланган.

**Непал қироллигида** туристлар айникса Европалик туристларга жуда эхтиётлик талаб қилинади.Масала шундаки,бу кроллика тананинг бирор қисми очиқ бўлса жиноий иш қўзғатилади ва турист қироликдан чикариб юборилади.Яъни туристлар қуйидагиларга амал қилишлари лозим

- аёллар барча ери ёпилган холатда юришлари
- ўтирган кишининг олдидан юриб ўтмасликлари
- махаллий халқдан бирор нарсани олишда ёки беришда фақат ўнг қўл билан бериши ёки олиши
- туристлар учун хинд ибодатхоналариги кириш тақиқланган
- Будда ибодатхоналари хамма учун очиқ
- тиланчиларга садақа бермаслик
- барча ибодатхоналарни кўришда фақат соат миллари йўналишида характланишва бошк..

**Иордания Хошимит Қироллигида** хотин-кизларнинг тор буюм кийиши, тананинг баъзи жойларини очиқ қолдириши бу ерлик эркакларда улар хакида нотўғри хулосаларнинг келиб чиқишига асос бўлади.

**Сингапурда** сигарет қолдиғини ташловчиларга 500 сингапур доллари миқдорида жарима солинади. Спиртли ичимликлар ичувчилар ва уларни мамлакатга олиб келувчиларга хатто ўлим жазоси белгиланган. Тананинг бази бир жойларини очиқ қодириш порнога тенглаштирилган ва бундай холатларда камоқ жазосини қўллайдилар.

**Испанияда** сигарет қолдиғини ташловчиларга 90 евро, Исландияда чикиндиларни ташловчилар учун 300 евро, Бангкокда 50 доллар мажбурий жарима солиғи белгиланган.

Дунё давлатларида яшаётган халқларнинг урф-одатлари ва имо-ишора ларининг жуда кичик қисми билан танишдик. Мавзуда қўйилган мақсад шундан иборатки,туризм маршрутларини бошқарувчи гид-экскурсиячилар мамлакатлардаги бу имо-ишоралар, жестларнинг маъноларини иложи борича кўплаб ўрганишлари лозим бўлади.



***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:***

1. Халқларнинг урф-одатлари деганда нимани тушунасиз?
2. Имо-ишора ва жест деганда нимани тушунасиз?
3. Ўзбек халқидаги имо-ишоралар ва жестларни кўрсатинг ва тушунтиринг.
4. Ўзбек халқидаги имо-ишоралар ва жестларга ўхшашлари яна қайси халқларда бор?
5. Туризм хизматларида кимлар дунё халқларидаги имо-ишоралар ва жестларни кўпроқ ўрганишлари керак?

## 18- Мавзу. ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИДА ХАЁТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАРИ

**Режа:**

18.1.Ўзбекистонда туристларнинг хаёти хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий меъёрлари.

18.2.Туристик фаолиятдаги хавф-хатарлар ва уларни бартараф қилишнинг чора-тадбирлари.

### 18.1. Ўзбекистонда туристларнинг хаёти хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий меъёрлари.

Туризмда туристларнинг хаёти хавфсизлигини таъминлаш энг мухим, давлат аҳамиятига молик масала хисобланади. Хозиргача туризмнинг ривожланишига қуйидаги омиллар асосий таъсирларни хосил қилади. Мазкур асосий омилларни 2 гурухга бўлишимиз мумкин;

*I-гурух–«Статистик омиллар»*-бу омиллар вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқотмайди, сақлаб туради. Бу гурухга табиий иқлим омиллари, географик омиллар, маданий – тарихий омиллар киради.

*II–гурух–«Динамик омиллар»*-Бу гурухга қуйидаги омиллар киритил ган;

1. Сиёсий омиллар;
2. Ижтимоий – демографик омиллар;
3. Иқтисодий – молиявий омиллар;
4. Моддий техник омиллар.

Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, ташкил қилиш, ўтказишни қайд қилинган омиллар асосида туристларнинг тур вақтида (маршрут вақтида) хаёти хавфсизлигини таъминлаш, ватанимизга туристлар оқимини кучайтиришдаги энг мухим ва маъсул вазифалардан хисобланади.

Туристларнинг хаёти хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистонда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш соҳасидаги дастлабки қонунларда алохида моддалар билан белгиланган. Ана шундай дастлабки қонун–Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни хисобланади[34].

Бу қонун 20-август 1999 йилда қабул қилинган бўлиб қонундаги 18.19.20 моддалар туристларнинг хаёти хавфсизлигини таъминлашдаги чора–тадбирлар тизимини яратишга асос бўлади. Туризм таълимидаги барча

[34] Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги конуни

мутахассислар ушбу қонун моддаларини яхши ўзлаштириши, мукаммал билиши нуктаи-назаридан кайд қилинган моддаларни келтириш ўринли бўлади. «Туризм тўғрисида» қонуннинг:

*18–моддаси–«Туристларнинг хавсизлиги кафолати».* Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг ҳаёти хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади. Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар. Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар.

*19–моддаси–Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари.* Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

- туристларнинг сафарда хавф–хатардан холи бўлишлари учун шарт-шароитни, сафар, сайр, экскурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг таъминланишлари;
- туристларга жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатишлари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқ беришлари, шунингдек, белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилишлари;
- туристларнинг саёҳатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширишлари;
- фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатишлари;
- автомобил, тоғ-чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, тоғ туризми ва туризмнинг бошқа махсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт;

*20 моддаси–«Туристларни суғурта қилиш».* Туристларни суғурта қилиш мажбурийдир ва у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган битимлар асосида амалга оширилади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) талаблари бўйича ҳар бир давлатда туристларнинг ушбу давлатга келиб–кетиши бўйича давлат низоми бўлиши лозим. Бизнинг Республикамизда ҳам худи шундай низом ҳукуматимизнинг махсус вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. «Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби



тўғрисида Низом»га мувофиқ қуйидаги моддалар сайёҳларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган:

- хавф-хатар манбалари бўлган ҳудудларга чет эллик сайёҳларни олиб чиқишларидан олдин, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли бошқармаларидан бахтсиз ҳодисалар ёки хавф-хатарлар келиб чиқиши мумкин бўлиши ёки бўлмаслиги юзасидан тегишли маълумотлар олиш;
- рухсат этилган хавфсиз йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда белгиланган хавфсиз йўналиш бўйича сайёҳат қилишни таъминлаш;
- белгиланган йўналишнинг хусусияти ва сайёҳларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш;
- қабул қилувчи туристик ташкилот чет эл сайёҳлари билан хавфсизлик чораларига риоя этишлари, Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиби, экологик хавфсизлик талаблари, миллий урф-одатларга ҳамда санитария-гигиена қоидаларига амал қилишлари тўғрисида тегишли тушунтириш ишларини ўтказади.

Туризмда хавфсизлик масалалари долзарблигига қарамасдан ҳозиргача туризм мутахассисларининг эътиборидан четда ҳисобланади. Республикамиздаги туризм мутахассислари ва бакалаврлари тайёрлайдиган коллеж, институт ва университетларда туризмда ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш курсини ўқитиш вақти келди. Чунки, мамлакатимизга халқаро туристик оқим йилдан-йилга ортиб бормоқда. Туризмда ҳаёт хавфсизлиги бўйича ҳозирда ягона манбани, таниқли олим, профессор Н.Тухлиев ва Т.Абдуллаеваларнинг мукаммал асарини келтиришимиз мумкин[35].

Туризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда кутиладиган ва кутилмайдиган хавфларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Экологик туризм маршрутларини ишлаб чиқиш мавзусида–«Экологик туризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш» юзасидан маршрут раҳбари амалга ошириладиган ишлар рўйхати келтирилди. Туристик маршрутларнинг барчасида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чора талбирлари ишлаб чиқилиши ва маршрутни ўтказадиган туристик ташкилот раҳбарининг имзоси ва гербли муҳри билан расмийлаштирилиши лозим.

## 18.2. Туристик фаолиятдаги хавф-хатарлар ва уларни бартараф қилишнинг чора-тадбирлари

Ўзбекистонда «Туризм тўғрисида»ги қонунда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги чора–тадбирларни ишлаб чиқиш бир қатор

[35] Тухлиев Н.,Абдуллаева Т., Основы безопасности в туризме.Государственное научное издательство, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2008, 503 стр.

моддаларда қайд қилинган. Шунга қарамасдан, қайд қилиш лозимки, туристларнинг хаётига хавф солувчи вазиятлар, холатлар ва омиллар ўта сусткашлик билан бир томонлама, умумий хулосалар тарикасида ўрганилмоқда. Айникса, туристик мухитда, туристик маршрутлардаги хизматларда туристларнинг хаётига хавф солувчи хавф–хатарлар умуман тадқиқ қилинмаяпти.

Туристларнинг хаётига хавф солувчи вазиятлар, омиллар бевосита хизматлар кўрсатиш жараёнларида, хар қандай туристик маршрутларда, экскурсияларда, уларни овқатлантиришда, туб жой аҳоли билан бўладиган мулоқотларда ва бошқа шароитларда келиб чиқиши, юз беришини ҳисобга олсак, бу йўналишда аниқ илмий ишланмалар ишлаб чиқиш анча мураккаб бўлиб кўплаб вақт–муддатларни талаб қилади. Шунинг учун хам мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун бу йўналишда аниқ тавсиялар ишлаб чиқишни, илмий тадқиқотларни дадил бошлашни туризм соҳасининг ижтимоий–иқтисодий муҳити катъий талаб қилмоқда.

Туристларнинг хаёти хавфсизлигини ўрганиш ва зарурий чора-тадбирлар талаб даражасидаги илмий–амалий ишланмаларни ишлаб чиқишнинг жуда мураккаблиги шундан иборатки, туристларнинг хаётига хавф солувчи вазиятлар, омиллар ва манбалар хар қадамда хар бир сонияда юз бериши мумкин. Айникса, экологик туризм рекреация туризми, археологик, ғоршу нослик туризмларида, экскурсияларда ва бу туризм турларидаги хизматлар кўрсатиш жараёнларида, табиий иқлим шароитларида туристларнинг хаётига хавф солувчи вазиятлар ва омиллар жуда калтис, кутилмаганда ҳам келиб чиқиши мумкин.

Туризмда хавфсизлик тушунчаси - амалий фанлардан бўлиши лозим ва «Бутунжахон туризм ташкилоти»нинг ишлаб чиқган кўрсатмалари бўйича хар бир давлат ўзидаги туризм сохаси учун «туристларнинг хаёти хавфсизлигини таъминлаш» ўқув дастурини ишлаб чиқиши ва туризм таълими йўналишларда барча мутахассисликларда ўқитилиши зарур. Мамлакатимизда туристлар билан юз берадиган кандайдир фожеани кутиб турмасдан биз миллий туризмда хавфсизлик, туристларнинг хаётига хавф солувчи вазиятлар, омиллар, бундай хавфларнинг келиб чиқиши ва олдини олиш чора–тадбирларини ишлаб чиқишни хозирдан ўрганишимиз зарур бўлади.

«Туризмдаги хавфсизлик»да турист ва экскурсиячиларга кўрсатиладиган хизматларда «хавфсизлик» масалаларини тадқиқ қилиб уларнинг хаёти хавфсизликларини таъминлашнинг методларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш учун қуйидаги асосий вазифаларни ечиш лозим бўлади: «Туризмда хавфсизлик»ни турист экскурсиячиларга кўрсатиладиган хизматларни тадқиқ қилиб уларнинг хаёти хавфсизлигини таъминлашнинг методларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш учун қуйидаги асосий вазифаларни ечиши лозим бўлади:



- Турда жойлаштириш, харакатланиш, овқатланиш ва бошқа фаолиятларда юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирларни аниқлайди ва бахолайди;
- Турда юзага келадиган салбий таъсирларни ёзиш, таърифлаш ва тавсифлашни бир тизимга солади;
- Хавфли ва зарарли омилларнинг олдини олиш ва йўқотиш усулларини, вариантларини ишлаб чиқади;
- Турда комфорт шароитни яратади ва хавфсизлик чора–тадбирларини ишлаб чиқади.

*Туристик муҳит ва туристик хавф ҳақида тушунча.* Инсоният жамиятида ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини қамраб олган «муҳит» лар жуда кўп, масалан: «ишлаб чиқариш муҳити», «маиший мухит», «табиий мухит» ва ҳ.к.. Бу муҳитларда инсон фаолият кўрсатиб (меҳнат қилиб) ўзига зарур хом ашёларни олади, асбоб– анжом тайёрлайди.Хуллас, ўз эҳтиёжлари учун зарурий предметларни олдиндан режалаштирилган мақсад ва вазифалар бўйича ишлаб чиқаради.

Туризмни ривожлан тираётган давлатларда хозирги вактда янги– «туристик мухит» тушунчаси ҳам пайдо бўлди [36]. [37]. [38]. Қайд қилинган муаллифлар бўйича «туристик муҳит» турда, туристик пакетдаги элементлар ва омилларнинг таъсирлари йиғиндисидан ҳосил бўлган.

Туристик мухит элементларига хизматлар пакети ва бу пакетга йўл–йўлакай қўшилиб борадиган хизматлар киради:

- туристик маршрутнинг бошланиши ва тугашидаги трансфер жараёнлар;
- туристик маршрутнинг тугаши оралиғидаги вақтда туристларнинг кўчиб юришлари; бошланиши ва турда туристнинг яшаш жойи:
- тур давридаги яшаш жойи типи;
- яшаш жойи конструкцияси ва қурилишда фойданилган материаллар;
- яшаш жойининг ички жойлашиши; хоналарнинг майдони;
- ёруғликнинг тушиши ва электр ёруғлиги;
- микроиқлим ва иситиш тизими, хавонинг тозалиги ва шамоллатиш усуллари, жойнинг санитария холати, саноат объектларига узоқ ёки яқинлиги.

***Овқатланиш ва маиший хизматлар:***

- сифатли овқатлар ва бир маромдалилиги;
- шахсий гигиена учун барча предметлар ва шароитнинг бўлиши;
- маиший асбоб–ускуналар, телевизор, радио, фен, электр устара, микротўлқинли печ, кир ювиш машинасидан фойдаланиш имкониятлари ва бошқалар;

Экскурсия хизматлари: транспорт воситалари, кўрсатиш ва сайр қилиш учун табиий худудлар ва табиий мажмуалар, табиий қўриқхона фонди,

[36] Волков Ю.Ф., Введение в гостиничный и туристический бизнес- Ростов н/Д: «Финикс», 2004.- 352 с.
[37] Дурович А.П., Организация туризма. Москва, 2005.
[38] Биржаков М.Б., Введение туризма. Издательский дом «Герда»., 2006

даволаш – соғломлаштириш марказлари, спорт мажмуалари ва санитар ҳимоя зонаси ва бошкалар.




- Туристик муҳитни тушунтириш учун тавсия.

*Туристик муҳитнинг ҳосил бўлиши*

Ташкиллаштирилган турда ва ташаббускорлик туризми дастурларида ташкилий жиҳатлар канчалик мукаммал, ишончли тузилган, келишилган бўлишидан катъий назар турларни ўтказиш шароитларида номалум муҳитлар ва вазиятларга дуч келинадики, бундай муҳит ёки вазият кутилмаганда пайдо бўлади,юзага чикади. Бундай холатлар туристик муҳитнинг жипслашмаганлигидан, ўзаро ҳамкорликда карама– қарши фикрлар пайдо бўлганлигидан ва атроф муҳитдаги ўзгаришлардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Шундай ҳолатларда пайдо бўладиган хавф туристлар кайфиятига ноxуш таъсир килиб турдаги туристик муҳитда «хавф» ни келтириб чикаради, турнинг туристик муҳитида бесаранжомлик бошланиб тур дастури ҳам бузилиб кетиши мумкин.

Ўзбек тилидаги «хавф» сўзи ҳозиргача рус тилидаги «риск» сўзининг таржимаси деб тушунилади. «рискнут», «рисковат»–французча–«risquer» таваккал қилмок атамасини билдиради. Россиялик олимларнинг ёзишича риск сўзи испан–португал сўзларидан рус тилига кириб келган ва таржимада «скала»–қоя маъносини англатади. Бу сўз денгиз сузувчилари мулокотларидан келиб чиқиб–риск–скала–қоя–кемалар сузиши учун хавфли, хавф хабарини билдирган[39].

[39]. ДолженкоГ.П.,Экскурсионное дело. Издательский центр»МарТ-Москва-Ростов на-Дону,2006. 301 с.






-Туристик маҳсулотларда туристик хавфларнинг бўлишини тушунтириш учун тавсия

*Туристик маҳсулот таркибларида туристик хавфларнинг мавжудлиги*

Кўрсатиладиган туристик хизматлар одатдаги тур шароитларида ҳам, кутилмаган, фавкулодда ҳосил бўлган (табиий иклимий ходисалар, харакатлар ва бошкалар) вазиятларда ҳам туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавфни пасайтириб хавфсизлик даражаларига тушииришнинг уддасидан чикишлари, хавфни бартараф қилиш имкониятлари билан таъминланган ликлари бўлиши керак.

Хавф–кутилмаган ҳодиса бўлиб туристларнинг ҳоҳиш–эътиборидан четда, кўкисдан уларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солади.Туристик хавф тушунчасида турмаҳсулотни, ҳизматлар кўрсатишни истеъмол қилаётган туристларнинг соғлиги ва хаётига раҳна солувчи хавфларни тушунамиз. Шундай қилиб, туристик хавф фақат тушунча эмас балки, туристик фаолиятининг хусусиятлари, белгилари ва кўриниши, ходисалари ҳисоблана ди.

Турда туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омиллар туристик–экскурсия хизматларини кўрсатишнинг қўйидаги хисобга олинмаган шароитларида кўқисдан юзага чикади:

- Турнинг дастурини тузишда, ишлаб чиқишда ҳисобга олинмаган хавф манбаларининг мавжудлигига эътибор бермасликдан;
- Аниқ таъсир килиш манбалари даражасининг кучайиб кетиши (масалан, секин ёғаётган ёмғирнинг жалага, дўлга айланиб кетиши, санитария–эпидемиология вазиятидаги кутилмаган ахборотлар ва бошқалар);
- Баъзи бир туристларнинг турдаги дастур меъёрларига риоя қилмасдан ўзбошимчалик билан қилган ҳатти ҳаракатлари натижасида келиб чикадиган хавфлар натижасида тур дастурининг бузилиши (туристик жамоавий хавфлар).




[- - - - -] Турда хавфларни аниклаш ва бартараф этиш дастурини ишлаб чиқиш учун тавсиялар.

*Турнинг таркиби ва турда хавфларни аниқлаш ва бартараф қилишнинг назорати*

Қайд қилинган хавфларнинг келиб чиқишини таҳлил қилганимизда тур давомида маршрутлардаги хизматлар кўрсатиш мажмуаларида, туристик пакетнинг таркибини тузганимизда, маршрутдаги харакатланишда ва муддатлардан (вактдан) назорат бўйича фойдаланганимизда турдаги жуда кўплаб туристик хавфларнинг олди олинган ёки туристларнинг соғлиги ва хаётига хавф солувчи вазиятлар, омилларни бартараф қилиш осонлашади.

Чизмадаги (турдаги) туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омилларни аниқлашда туристик пакет, маршрут трассаси ва маршрутдаги хизматлар кўрсатиш дастурлари олдиндан кўриб чиқилади. Хавфлар белгилари ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари аникланади ва хавфларни бартараф қилиш чора– тадбирлари ишлаб чиқилади.

Келтирилган таҳлиллар, тавсиялардан маълум бўладики, туризмдаги хавф–хатарларни умумий ҳолда таърифлаганимизда келиб чиқиши қуйидагича; пиёда ҳаракатланганда, транспорт воситаларида харакатланганда табиий иклим хусусиятлари бирдан ҳалокатли ўзгарганида, яшаш жойи мехмонларда, овкатланишдаги сифатсиз таомлар еганларида, спорт билан шуғулланаётган вактларида.

Баъзи бир хавф–хатарлар давлат худудида сиёсий ва жиноий вазиятнинг бўшлиги туфайли кўчаларда, кўнгил очар ўйинларда катнашган вактларда,



туристга келиб тушадиган ва ватанига кайтадиган аэропортларда, темирйўл ва автовокзалларда юз беради. Бундай жойларда туристларнинг пулларини, юкларини ўғирлаб кетилиши, савдо–сотикда буюмларни юқори нархда сотиб олиниш хавфи, таксида тунаб кетиши, товламачилик ва бошка кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши мумкин. Шунингдек, эътибор бериш керакки, баъзи бир ҳолларда туристларнинг ўзи хам хавф–хатарларнинг, кўнгилсиз ҳодисаларнинг юз беришига ўзлари сабабчи бўлишади (автобус, поезд, самолётларга кечикиб келиш, кутиб олувчи ва кузатиб қўювчи турфирмалар билан шартнома тузмаслик, тунда кўчаларга ўз хохиши билан сайрга чиқиш ва бошқалар). Туристларнинг эхтиётсизлигидан катъий назар туристларни таклиф килган турфирма, меҳмонхона ёки туристик ташкилот маъмурияти туристлар ҳаёти хафсизлигини таъминлашга маъсулдирлар ва жавобгардирлар.

*Маршрутдаги транспорт хизматларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.* Маршрутдаги энг маъсулли хизматлар бу–транспорт хизматлари ҳисобланади. Туристик маршрутга транспорт хиллари маршрут йўлларини, экскурсияларни, йўлнинг ҳолати (автомагистрал, тош йўл, шоссе, махаллий йўл ва ҳакозо) бўйича танланади.

Шаҳарлараро ўтказиладиган туристик маршрутларда транспорт хилларини танлаш муаммо эмас. Бундай маршрутда транспорт турлари туристларнинг сонига караб (енгил автомобил, микроавтобус, автобус ва бошқ…) танланади. Турмаршрутга олинган автотранспорт тури албатта ДАН ташкилотидан техник кўрикдан ўтган бўлиши, тозалиги, созлиги, шунингдек, хайдовчи хақида тавсифнома,унинг хужжатлари,иш тажрибаси билан танишилади ва йўлдаги тезлик ва тўхташ жойлари, харакатланиш факат туристик маршрут раҳбари рухсати билан амалга оширилиши хакида келишилиб олинади.

Туристик маршрут давомида туристларнинг транспортни ўзбошимчалик билан тўхтатишларига рухсат берилмайди. Қайд килганимиздек, транспортни йўлда тўхтатиш турмаршрут раҳбари рухсати билан амалга оширилади. Маршрут давомида туристларнинг транспорт ичида, салонида озодаликни, тартиб–интизомни саклаш, транспорт деразаларидан ҳар хил нарсаларни ташламаслик, қўлни, бошни, гавдани деразалардан чикармаслик ва ҳакозолар бўйича маршрут раҳбари ўта хушмуомилалик билан туристларга мурожаат килиши ҳам зарурий ахборотлардан ҳисобланади. Шунингдек, маршрут давомида транспорт салонида газ ва бошқа ёкимсиз хидларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликда хам хайдовчи маршрут бошланишидан олдин огоҳлантирилади.Туристик маршрутга транспортни ажратган ташкилотнинг адреси, телефонлари, раҳбарлари хакидаги маълумотлар маршрут раҳбарида бўлиши шарт.

*Маршрутдаги жойлаштириш хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш.* Маршрут шахарларда, туманлар марказларидаги туристик ресурсларга уюштирилса туристларни жойлаштириш муаммо эмас чунки, улар маршрутгача меҳмонхоналарда жойлашган бўлишади. Маршрут

шаҳарлардан узоқ бўлганда ёки маршрут режаси бўйича тунашга тўғри келганида хавфсизлик тадбирлари кўрилади. Айникса, маҳаллий аҳоли уйларида бир кунлик тунаш шароитлари туристларга тўлик таништирилиши, тушунтирилиши лозим.

Агар туристлар туристик лагер биноларида жойлаштирилганда хавфсизлик холатларини батафсил тушунтиришга ҳожат йўқ. Чунки, янги жойлаштирилган туристлар улардан олдин келиб жойлашган туристлар билан бирга яшайверишади. Агар туристлар палаткаларда тунайдиган бўлса, албатта йиғма кароватлар, йиғма стол-стуллар, тоза чойшаблар тайёрланиши лозим бўлади.

Дала шаротида қурилган палаткали тунаш шароитларида палаткалар ичи, атроф майдон тўлиқ туристлар етиб келгунча тозаланиб, тартибга келтирилиши зарур. Палаткаларни жойлаштиришда иложи борича очик сайҳонлик, ёки ўтлоқзорлар танланиши максадга мувофиқ. Қалин ўсувчи ўтзор, пичанзорларда ҳашоротлар кўп бўлганлигидан бундай жойларда илон, чаён, корақурт, фаланга, ари каби чақувчи ҳашоротлар туристларнинг ҳаётга хавф солиши мумкин.Туристик маршрутда ёз ойлари далада тунашни хохловчи туристларга ҳавода-ухлаш учун махсус кўрпачалар берилиши лозим. Бу усулда тунаш экспедиция усули хам дейилади. Бундай шароитда махсус кўрпачаларда машиналар бортида, баландликларда бемалол тунаш мумкин.

*Маршрутдаги овқатлантириш хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш.* Маршрут шахар ичида ёки бир-бирига яқин туманларда, шаҳарлардан ўтганидан туристларни овқатлантириш муаммо эмас. Туристларни туристик маршрут давомида овқатлантириш хиллари «Туристик маршрутдаги хизматлар» мавзусида келтирилди.

Маршрутдаги овқатлантириш хизматларида турист хаётига хавф солувчи вазиятлар, холатлар аксарият ҳолларда экологик маршрутларда ёки шаҳарлар ташқарисидаги маршрутларда юз бериши мумкин. Лекин эътибор берилса, туристларни овқатлантиришда турист овқатланадиган барча мавсумларда ва барча харакатланишнинг географик маконларида хаётга хавф солувчи вазиятлар юз бериши мумкин.

*Биринчидан,* мавсумларда туристларни овқатлантиришда жиддий эхтиёт чораларини кўриш талаб қилинади. Мавсумларда туристларни овқатлантиришда дастлаб май-июн ойларида пишиб етиладиган мевалар (кулупнай, гилос, олма, анжир, тут) ни турист дастурхонига тортишда меъёрдан оширмаслик зарур (хатто турист талаб килганда хам). Кузатувлардан маълумки, тропик минтақалардан, Европа давлатларидан келадиган туристлар бизнинг ватанимизда пишиб етиладиган меваларнинг витаминлигининг юқорилиги (калориялигидан) сабабли кўпрок хуш кўриб истеъмол қилишади. Бундай ҳолатларда қайд қилинган мамлакатлардан келган туристларда кон босими бирданига кўтарилиб кетиши кўплаб кузатилган.

*Иккинчидан,* ёз мавсумининг баланд хароратлилигидан туристларни сув билан таъминлашда ҳам кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши ҳоллари хам



кузатилган (сув кранларидан олиб бериш, музлатгичлардан олиб бериш ва ҳакозо).

*Учинчидан,* туристларни миллий таомларимиз билан овкатлантиришда ҳам эҳтиётлик чораларини кўриш лозим бўлади (2-3 хил овкат бериш, ёғли овкатлар бериш ва ҳако..).

*Тўртинчидан,* туристлар маршрут давомида маҳаллий аҳоли ҳаётини ўрганишда, қизиқишларида халкимизнинг ўта меҳмондўстлиги туфайли туристларни уйларига, бир пиёла чойга таклиф қилишади. Ана шундай учрашувлар айникса, экотуризм маршрутларини ўтказишда кўп учрайди. Бундай учрашувларда баъзида спиртли ичимликлар, сифатсиз сувлар (булоклардан, дарёлардан, ариқлардан олинган) ҳам туристларда ошкозон ичак фаолиятларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Туристик маршрут раҳбари ва овкатлантиришни бажарувчилар туристларни овқатлантиришда уларнинг соғлигига зарар етказувчи махаллий манбаларини жуда яхши билишлари лозим бўлади. Туристларни овкатланти ришда озиқ-овқат махсулотларининг, идиш-товоқларининг ва овқатланадиган жойларининг экологик жиҳатлардан тоза бўлишига жиддий эътибор беришла ри талаб қилинади.

*Экскурсия хизматларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.* Туризм маршрутларидаги экскурсияларда туристларнинг хаётига хавф солувчи вазиятлар транспорт хизматларида, дам олиш хизматларида, сайрларда ва овқатланиш хизматларида ҳам юз бериши мумкин. Чунки, маршрутлардаги экскурсияларда ҳам туристик маршрутлардаги барча хизматлар кўрсатилади. Айникса, экотуризм маршрутларидаги (тоғларда, сув ҳавзаларида, даралардаги сўқмоқларда ва ҳакозо…) экскурсияларда ҳаракатланишдаги хавфсизлик олдиндан таъминланиши зарур.

Туристларни тоғ сўқмоқларида табиат билан таништириш экскурсияларида эҳтиётлик чораларига, тартиб-интизомга риоя қилиш керак. Чунки, бундай шароитда туристлар суриниб, пастликларга тушиб кетиши ёки олдинда кетаётган туристларнинг нотўғри харакатларидан пастда келаётганлар устига тошлар юмалаб кетиши ҳоллари юз бериши мумкин.

Экскурсиялар ўтказиш даврида (экотуризм экскурсияларида) табиатнинг сўлим жойларида дам олиш истаги пайдо бўлган ҳолларда, туристларни қисқа муддатли овқатлантиришда тушонка, колбаса, бринза ёки олдиндан пиширилган овқатларнинг тоза сақланганлиги, сифати текширилгандан кейин фойдаланиши лозим. Ичимликлар албатда термосда чой, газланган сув ўз идишларида сақланиши керак.

Туристик маршрутни ўтказишда туристларнинг хаёти хавфсизлигини таъминлашда энг ишончли воситалар бўлиши тиббиёт марказлари ва уларнинг бўлимлари билан доимий телефон алоқаларнинг мавжуд бўлишлиги маршрут раҳбари учун маъсулиятли, мажбурий вазифа бўлишлиги талаб қилинади. Иккинчидан, маршрут раҳбари маршрутга яқин бўлган ва атрофлардаги тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари жойлашган манзилларни жуда яхши билишлари керак. Учинчидан, маршрут давомида тиббиёт дорилар

кутичалари (аптечкалар) бўлишлиги ҳам маршрут ҳужжатларида расмийлаштирилиши талаб қилинади.

Туристик маршрутларда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги биринчи чора-тадбирлар бу-маршрут бошланишида туристларга маршрутда тартиб-интизомнинг сақланиши, хавфли вазиятлар юзага келишидан эхтиёт бўлиш ҳақида қисқача тушунтириш ишлари ўтказилиши ва бу ҳақида маршрут ахборотномасида алоҳида қайдлар бўлишини амалга оширишдир.

Туристик маршрутларда туристларнинг бирортаси билан кўнгилсиз, ҳаётига хавф солувчи воқеалар юз берганда тезкор усулларда бундай воқеаларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилади. Агар бундай воқеъаларга маршрут ташкилотчилари айбдор бўлишса узр сўрашни туристик ташкилот раҳбари бажаради. Маршрут тугагандан кейин юз берган воқеа туристик фирма жамоаси иштирокида муҳокама қилиниб тегишли қарорлар қабул қилиниши керак.

Туристларнинг ҳаётига хавф солувчи омиллар, вазиятлар, объектлар, ҳолатлар ҳақида сўз юритганда эътибор бериш лозимки, турист меҳмонхонага келиб жойлашгандан кейин ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маршрутда бўлади.У ёки улар (туристлар) хоҳиши бўйича меҳмонхона яқинида жойлашган объектларга (паркларга, кўчаларга, биноларга, марказларга ва хако…) қисқа муддатли сайрларга чиқиши ҳам маршрут схемасида бўлади ва бу юришлар, танишишларда ҳам туристларни албатда маршрут раҳбари (туроператор бошлаб юради). Шунинг учун ҳам туристларнинг ҳаётига хавф солувчи ҳолатлар, омилларни маршрут раҳбари (турфирма ходимлари) жуда яхши билиб олишлари зарур бўлади.

Туристларнинг ҳаётига хавф солувчи омиллар қуйидагича таърифланади:

*1. Зарарли омиллар;*

- жароҳат олиш хавфи;
- ёнғинда қолиб кетиш хавфи;
- биологик таъсир қилиш хавфи (атроф - муҳит);
- руҳий-жисмоний юклама олиш;
- кимёвий зарарланиш хавфи;
- тутундан ва газдан заҳарланиш хавфи;
- туристнинг таваккалчасига ҳаракатланишидан келиб чиқадиган хавфлар.

*2. Биологик омиллар;*

- микроорганизмлар (микроблар)дан зарарланиш хавфи (ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши);
- заҳарли ўсимликлардан заҳарланиш хавфи;
- заҳарли судралиб юрувчилар (илонлар, ҳашаротлар), ҳашаротлар (чаён, қорақурт, ари) дан заҳарланиш хавфи;
- юқумли касалликлар ташувчи ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, паррандалардан ҳар хил касалликларни юқтириш хавфли;



аллергия ва бошқа касалликларни чақирувчи ўсимликзор, ўтлоқзор ва ўрмонзорларда ушбу касалликларни юқтириш хавфи;
- мевалар, сабзавотлардан заҳарланиш хавфи.

*3. Кутилмаган омиллар;*

- туристлар жойлаштирилган жойларда табиатнинг фавқулоддаги ҳодисалари (сув тошқини, қор кўчиши, об-ҳавонинг кескин ўзгариши ва ҳоказолар)дан келиб чиқадиган хавфлар;
- туристлар жойлашган жойлардаги аҳоли, жамоатчиликдаги тартиб-интизомнинг бўшлигидан келиб чиқадиган хавфлар;
- туристлар фойдаланаётган меҳмонхона, лагер биноларининг техник ҳолати, канатли сим йўллар, чанғи йўллари, автомагистраллар, сўқмоқлар ва бошқа объектларнинг техник созлиги ҳолатидан келиб чиқадиган хавфлар.

*Экотуризм маршрутларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш.* Туризмдаги бошқа туристик маршрутларга таққослаганда экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётига хавф солувчи манбалар анчагина. Чунки экотуризм маршрутлари табиатимиздаги барча экологик иқлим минтақаларини ўз ичига олади. Бу экологик иқлим минтқаларининг барчасида табиатдаги заҳарли ҳашоратлар, судралиб юрувчилар яшашади.

Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва манбаларни қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин:

1. Заҳарли судралиб юрувчилар (илонлар) ва ҳашоратлар (қорақурт, пашшалар) чақиши хавфи;
2. Иқлимнинг таъсири хавфи (иссиқ уриши, тоғларда қон босими ошиши, ўсимликларнинг аллергия чақириши, шамоллаш);
3. Ички касалликларнинг келиб чиқиши хавфи (мева сабзоватлардан, маҳаллий сувлардан, маҳаллий – миллий овқатлардан);
4. Транспорт воситаларининг чўлда ва тоғликларда, нотекис йўлларда юришдан келиб чиқадиган хавф.

Экотуризм маршрутларида транспорт воситалари ва иқлимий хавфларнинг туристлар ҳаётига хавф солиши ҳақида экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишда «фаолиятлилик» тамойили талабларида ёзилди. Экотуризм маршрутларида табиатдаги заҳарли илонлар, ҳашоратлар ҳақида маршрутнинг «ахборотланганлик» тамойили бўйича захарланиш ҳақида маршрут маълумотларида огоҳлантириш хабарлари ёзилиши, заҳарли илонлар, чаён ва қара-қуртларнинг қаерларда кўпроқ учраши ёки бўлиши албатда ёзилиши шарт бўлади.Маҳаллий иқлим шароитлари манбалари асосида туристларда ички касалликлар келиб чиқишини олдини олиш учун маҳаллий сувдан фойдаланмаслик, маҳаллий аҳоли овқатларини билан ҳолда овқатланиш, меваларнинг хусусиятлари ҳақида оғзаки огоҳлантиришлар, ахборотлар, суҳбатлар ўтказиш албатда кутилмаган хавфнинг олдини олади.

Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётида хавф пайдо бўлганда қуйидаги хавф олди ва сўнгги тадбирлар маршрут ҳужжатларида акс эттирилиши албатда зарур:

1.Экотуризм маршрутларида илонлар, чаён коракуртдан захарланишга карши ва бошка ички касалликларнинг олдини олувчи дорилар, зардоблар воситалари бўлган «экотуризм аптечкаси - дорихонача» си бўлиши;

2.Туристларнинг экотуризм ресурслари маконларида якка холда юрмаслиги.

3.Захарланган холатда биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббиёт мутахассисининг маршрут давомида туристлар билан бирга бўлиши;

4.Экотуризм маршрутлари ўтадиган жойлардаги якин касалхоналар, врачлик–фельдшерлик маконларининг адреслари, телефонлари маршрут хужжатларида бўлиши, доимий мобил алокаларининг ишлаб туришини таъминлаш;

5.Транспорт воситаларининг техник созлигини доимо назората олиш ва маршрутга чикиш олдидан йўлларнинг холатини кузатиб чикиш.

Қайд килинган тадбирлар экотуризм маршрутларига чиқишдан олдин қанчалик мукаммал ўтказилса маршрутнинг–турнинг хавф-хатарсиз, кутилмаган нохуш жанжалларсиз муваффақиятли ўтказилишни таъминлайди. Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқувчилар ва маршрутларни ўтказувчилар маршрутларда туристлар ва хизмат қилувчилар ҳаётига хавф солувчи манбаларни олдин башоратлаб бу хавфни ўз вақтида бартараф қилиш ишларига ўта маъсул ва жавобгардирлар.

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:***

1.Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонунида турист ларнинг ҳаёти хавфсизлигини таминлашнинг чора-тадбирлари кандай белгиланган?.

2.Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонунида турист ларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда суғурта қилиш қандай белгиланган?.

3.Туризмда хавф-хатар масалаларини қандай тушунасиз?.

4.Туризмда хавф-хатарларни бартараф қилишдаги халқаро меъёрларни қандай тушунасиз?.

## 19-Мавзу.ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ

**Режа:**

19.1.Туризм маршрутларини амалда ўтказишни ташкил қилиш ва ўтказиш

### 19.1. Туризм маршрутларини амалда ўтказишни ташкил қилиш ва ўтказиш

Туристик маршрутларни ўтказишни амалда ташкил қилиш туристик маршрутларнинг хилма-хил ёки турли мавзулар бўйича эканлигидан қатъий назар қуйидаги 3-босқичга бўлинади:

1.Тайёргарлик босқичи (маршрут ҳужжатларини тайёрлаш).

2.Маршрутда юриш даври босқичи.

3.Маршрутнинг тугаши босқичи.



Биринчи тайёргарлик босқичида маршрутни ўтказувчи маъсул раҳбар ўта жиддий бўлган тайёрланиш боскичидаги барча талабларнинг тўлиқ, камчиликларсиз бажарилишига пухта тайёрланиши лозим.Бу боскичда туристик маршрут давомида амалга ошириладиган ишлар:хизмат кўрсатиш,тўхташ жойларидаги ўтказиладиган тадбирлар номма-ном режалаштиришни талаб қилади.

Эътибор бериш лозимки, маршрутни ўтказиш дастурида маршрут давомидаги саёҳатлар,тадбирларнинг мазмундорлиги,қизиқиш уйғотиши, туристларнинг саволларига жавобларнинг тўлиқлигига тайёр бўлиш режалари ҳам аниқланган бўлиши керак.

**1. Тайёргарлик босқичидаги талаблар:**

- Маршрут йўлини ўрганиб чиқиш(гид-бошловчи хизматлари);
- Маршрутни ўтказиш дастурини(кунлар бўйича харакатланиш, тўхташ жойлари, овқатланиш жойлари, тунаш жойлари,дам олиш жойлари) тузиш;
- Маршрутда амалга ошириладиган экскурсиялар дастурини тузиш (кунлик биринчи, иккинчи ва хакозо экскурсия объектлари, хар бир экскурсияга кетадиган вактлар);
- Маршрут давомида хизматлар кўрсатиш дастурини тузиш(кунлик режалаштирилган ва кутилмаган хизматлар);
- Туристларга хизматлар кўрсатиш ҳужжатларини расмийлаштириш (маршрутнинг тасдиқланган технологик харитаси, хайдовчининг ҳужжатлари, маршрутнинг тасдиқланган хизматлар дастури, маршрут нинг тасдиқланган карта-схемаси, маршрутнинг тасдиқланган трасса паспорти, маршрутнинг ахборотлар варақаси, маршрутнинг тиббий ёрдам алоқалари манзиллари ва биринчи ёрдам қутичаси).

**2.Маршрутни амалга ошириш босқичида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:**

- Маршрутга чиқиш (бошлаш, йўлга чиқиш);
- Маршрутдаги экскурсиялар, учрашувлар, дам олиш ва бошқа тадбир ларни маршрут дастури асосида ўтказиш;
- Маршрутдан қайтиш;
- Маршрут ўтказилгандан кейин туристларнинг фикри, таъсуротлари, таклифи ва тақризларини тўплаш,таҳлил қилиш.

**3.Маршрутнинг тугаши босқичида қуйидаги ишлар амалга оширилади:**

- Маршрут ўтказилганлиги ҳақида ҳисобот тайёрлаш;
- Маршрут давомида юз берган кутилмаган, келишмовчиликларни мукаммал таҳлил қилиш;
- Маршрутни қайта ўтказишни яхшилайдиган тавсиялар яратиш ва қўллаш;

Туристик маршрутни ўтказишни амалда ташкил қилиш ва ўтказишиш лари, маршрутда белгиланган тадбирлар «маршрут ҳужжатларида» қайд қилиниши лозим.Бу ҳужжатлар қуйидагилардан иборат бўлади:

•Туристик маршрутни ўтказиш ҳақида ҳужжат (рухсатнома, харита ва бошқ…).

•Туристик маршрутда туристларга хизмат қилувчилар ҳақида ҳужжатлар (ҳайдовчи, таржимон, сув, чой, овқат берувчилар, юкларни кўтарувчи, ахборотчи, бошловчи ва бошқалар).

•Ҳисобот учун ҳужжатлар.

***Маршрутларни ўтказиш методикаси.*** Туристик маршрутни ўтказиш методикаси икки қисмдан иборат бўлади:

1.Оғзаки методикалар.

2.Амалий методикалар.

Туристик маршрутни ўтказишдаги оғзаки методика бўйича дастлаб туристлар билан учрашув ташкил (турфирма ёки маршрут раҳбари) қилинади.Бу учрашувда раҳбар маршрут ҳақида барча зарур ахборотларни оғзаки айтиб, саволларга ҳам оғзаки жавоб беради.

Маршрут давомида маршрут раҳбари қуйидаги методик-йўл ахборотларини бериш усулларидан фойдаланади:

- эълонлар;
- тушунтиришлар;
- хабарлар;
- маълумотлар;
- суҳбатлар.

Туристик маршрутни ўтказишда амалий методиканинг тузилиши қуйидагича бўлади. Ахборотлар қисқа, мазмунли, мақсадли, қизиқарли бўлиши маршрут раҳбаридан ўз иши бўйича уста билимдон, етук мутахассис бўлишлигини талаб қилади.

Қайд қилинганлардан маълум бўладики, туристик маршрутларни ўтказишни ташкил қилишда илова қилинган босқичлар, бу босқичлардаги талаблар, маршрутни ўтказиш методикасининг бажарилиши туристнинг барча талабларини тўлиқ қондиришга қаратилмоғи лозим.Ушбу ҳолатда туристнинг маршрутдаги мақсади амалга ошади, маршрутдан тўлиқ қониқиш ҳосил қилиб ўз харажатларини «кўриш», «билиш» ва хулоса чиқаришда тўғри сарфланганлигини аниқ билади, бундан афсусланмайди.






*Туристик маршрутни ўтказиш методикаси*

***Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:***

1.Маршрутни ўтказишда тайёргарлик босқичларини айтиб беринг.

2.Маршрутнинг методик ахборотлари нималардан иборат бўлиши керак?.

3. Маршрутнинг дастурлари қандай тузилади?.

4.Маршрутнинг ҳисоботи қандай тузилади?.

5. Яшаб турган уйингиздан ўқиётган институтгача маршрут тайёрланг ва бу маршрут ҳақида амалий дарсларда гапириб беринг.

# ГЛОССАРИЙ

**АГЕНТ**- туристларни кабул килиш ва хизмат кўрсатиш, турпакетларни сотиш топшириқларини бажарувчи туристик агентлик вакили.

**АКТИВ ТУРИЗМГА** хар - хил саргузаштли саёҳатларни киритиш мумкин саргузаштли туризм (adventure tour), экзотик жойларга, вулконларга, оролларга, шаршараларга ва шу каби жойларга боришга айтилади

**АННУЛЯЦИЯ**-туристлар сафарини бекор қилиш.

**БИРИНЧИ КЛАСС** – бу хам нисбатан юкори даражали хизмат кўрсатиш бўлиб, 4-5 юлдузли меҳмонхоналарга жойлаштириш, бизнес класс даражали ги самалётларда учишни, обрўйли ресторанларда овқатланишни, индивидуал трансфертни, гид хизматларини назарда тутади.

**БОТЕЛ**-Мос равишдаги жиҳозланган кичик кема сифатида фойдаланувчи сувдаги унча ката бўлмаган меҳмонхона.

**БУЮРТМАЛИ ТУР**-Буюртмали турларни сотишда дастурни шакллантириш ва хизматлар таркибини яхлитлаш турист хоҳишига биноан, унинг бевосита иштирокида амалга оширилади.

**ГУРУҲЛИ ТУРИЗМ**-Нисбатан арзон, кўп сонли туристлар учун хамёнбоп, аммо гурухли туризмда гуруҳнинг барча аъзолари ўрнатилган тартибга бўйсу-нишлари лозим.

**ДИНИЙ ТУРИЗМ**- (хаж сафари Маккаю Мадина ва Умра сафар, зиёрати) хозирги вактда жуда юкори талабга эга бўлиб, оммавий тус олмокда.

**ИЖТИМОИЙ ТУРИЗМ** – бу давлат томонидан ижтимоий эхтиёжларга ажратиладиган маблағлар хисобидан саёҳат қилиш ҳисобланади. Ижтимоий туризмнинг максади фойда олиш эмас, балки даромади кам бўлган кишиларни дам олишга бўлган ҳуқукини амалга ошириш учун уларни кўллаб қувватлаш хисобланади.

**ИЛМИЙ ТУРИЗМ**-Ўқиш, таълим олиш мақсадида, малака ошириш мақсадида сафар қилиш халқаро туризмнинг нисбатан янги турлари сафига киради.

**ИНДИВИДУАЛ ТУР**-Туристларга кўпрок эркинлик ва мустақил харакатланиш имконини беради. Гурухли турларга нисбатан қимматрок, чунки индивидуал турлар таркибига кирувчи ички маршрутдаги транспорт, гид хизматлари ва баъзи бошқа хизматлар учун тўлов тўлиғича турист зиммасига тушади.

**ИНКЛЮЗИВ ТУР**-(ИТ) Бу олдиндан режалаштирилган ва дам олишнинг ёки туризмнинг маълум тури, хамда туристларнинг маълум ижтимоий гурухига ва унинг ёнига йўналтирилган қатъий хизматлар тўпламидир.

**ИЧКИ ТУРИЗМ**-ўз давлати чегараси доирасида доимий яшовчи фукароларни вактинчалик ташриф буюровчи жойда (тўланадиган фаолиятсиз) туристик максадларда саёҳат килиши.

**ИҚТИСОДИЙ БЎГИН (КЛАСС) МЕҲМОНХОНАСИ**- Кичик ёки ўрта сиғимли корхоналар (150 ўринли ва ундан ортик) магистрал йўл ёқаларида жойлашади. Хизматлар тўпламини чекланганлиги, оддий ва тез хизмат кўрсатиш билан ажралиб туради. Истеъмолчилари – кўрсатилган (истиеъмол қилинган) хизматлар учун хакикий тўловни амалга оширишга интилувчи ва



тўлиқ пансионга мухтож бўлмаган бизнесменлар, хусусий туристлар учун мўлжалланган.

**ИХТИЁРИЙ СЕРТИФИКАТЛАШ**-қуйидаги холатларда қўлланилади, учинчи шахслар ёки қўшма корхонадаги чет эл шериклари ишлаб чиқариладиган товарлар ва тақдим этиладиган хизматлар учун қўшимча сертификатни талаб этган вазиятларда фойдаланилади.

**КИРУВЧИ ТУРИЗМ**- фаолияти тўланмайдиган туристлик максадларда доимий яшамайдиган шахсларни ўзга мамлакат ҳудудига ташрифи, саёҳати.

**ЛЮКС КЛАСС**-Ушбу класс бўйича турларни ташкил килишда одатда энг юкори даражали хизматлар жалб қилинади: 5 юлдузли хашаматли меҳмонхоналар, биринчи класс ва бизнес авиация самалётларида учиш, хашаматли ресторанларда овқатланиш, алоҳида транспорт люкс класс машиналарида, алоҳида гид хизматлари ва ҳ.к. Бундай турлар VIP-хизмат кўрсатиш туркуми (разряди) бўйича тақдим этилади.

**МАЛАКАВИЙ ИШ ТУРИЗМИ**-Туризмнинг мазкур турига иш максадлари билан сафарлар киради. Ҳозирги замонавий тараккий этган жамиятда хаёт халқаро алоқаларни боғлаш заруриятини чиқармокда. Сўнги йилларда ишчан соҳа вакилларининг, тадбиркорларнинг ташрифлари оммавий тус олмокда.

**МЕҲМОНХОНА-АПАРТАМЕНТ (АПАРТ-ОТЕЛ)**- Сиғими бўйича кичик ёки ўрта ўлчамли (400 ўрингача) йирик шаҳарнинг доимий бўлмаган аҳолиси учун хосдир. Вақтинчалик турар жой сифатида кўп йилларда ўз-ўзига хизмат кўрсатишдан фойдаланиладиган квартира (ижара) типидан ташкил топади. Меҳмонхонани мазкур типида нархлар қоидага кўра жойлашув муддатига боғлиқ равишда (турланиб) туради. Узоқ муддатга тўхтаб ўтувчи оилавий туристлар, бизнесменлар ва ижарачиларга хизмат кўрсатади.

**МЕҲМОНХОНА-ҲОВЛИ**- Отеллардан сиғими, хизмат кўрсатиши, содда стандартлиги билан ажралиб турувчи корхона, учрашувлар ва меҳмонлар ташрифи учун қатор жамоа хоналарини мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Меҳмонхона-ҳовли таркиби (структураси)да ресторан ёки барни мавжуд бўлиши мажбурийдир.

**МОТЕЛ**-Шаҳар ташқарисида, шаҳар бўйида, магистрал йўл ёқаларида жойлашган оддий бир ёки икки қаватли бинолар. Бу кичик ёки ўрта корхоналардир (400 ўрингача). Кам сонли ходимларни ўрта даражали хизмат кўрсатиши ҳарактерлидир. Мижозлари бўлиб ҳаваскор автотуризмига урғу берилган турли категориядаги туристлар ҳисобланади.

**ОТЕЛ-ГАРНИ**-Мижозларга чекланган миқдордаги хизматларни: жойлашув ва континентал нонуштани тақдим этувчи корхоналар.

**ОТЕЛ-ЛЮКС**- Ўз сиғими бўйича меҳмонхонани мазкур типи кичик ёки ўрта корхоналар сафига киради. Одатда шаҳар марказида жойлашади. Яхшигина таълим олган персонал-ходим конференция, хизмат учрашувлари иштирокчилари бизнесменлар бўлиб хисобланган талабчан мижозларга сервисни жуда юқори даражасини таъминлайди. Барча мумкин бўлган хизмат турларини ўз ичига олувчи номерларни нархлари анча киммат туради.

**ОТЕЛ-КУРОРТ-** Ўз сиғими бўйича мехмондорчиликни тўлиқ хизматлар тўпламини таклиф этиш билан ажралиб турадиган корхона. Бундан ташқари, бу ерда парҳез таомлар ва маҳсус тиббий хизмат кўрсатиш комплексини олиш мумкин. Курорт минтақаларида жойлашади.

**ПАНСИОН**-бу уч марталик овқатланишдир. Қимматбаҳо хизмат кўрсатиш вариантларида бутун кун давомида ва хаттоки тунда исталган вақтда ва исталган миқдорда овқатланиш ҳамда ичимликлар (спиртли ичимликларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ичиш имконияти назарда тутилиши мумкин.

**ПИЁДА** – (walking or hiking tour) – туристлик йўналишлари. Traking tour пиёда йўналиш ёки сайр қилиш туризмидир. Одатда йўналишнинг узунлиги 2–6 км.дан хаттоки 20-50 км.гача чўзилиши мумкин.

**РЕКРЕАЦИЯЛИ ТУРИЗМ** – дам олиш мақсадидаги туризм бўлиб, қатор давлатлар учун туризмнинг оммавий шакли бўлиб ҳисобланади. Испанияга, Италияга, Францияга, Австрияга чет эл туристларини ташрифи аввало мана шу мақсадни кўзда тутади.

**РОТЕЛ-** Тунаш учун мўлжалланган креслолар жойлаштирилган бир ёки икки ўринли вагонлардан ташкил топувчи ҳаракатланадиган меҳмонхонадир. Хожатхона, ошхона, музлатгич ва кейиниш учун мўлжалланган хоналар мавжуд.

**САРГУЗАШТЛИ ТУРИЗМ** – ўзига хос тарзда дам олишни бир тури бўлиб, туристларни нафақатгина улар учун жалб қилувчи жойлар билан таъминлаш, балки ғалати, ғайритабиий фаолият тури билан шуғулланишга жалб қилади.

**САФАРИ SAFARY TOUR-** қўриқхонага ҳайвонларни томоша қилиш учун сайр, овчилик, балиқ ови мақсадидаги саёҳат, фотоовчилик, Кения ёки ЖАР қўриқхоналарига сайр, табиатда ажойиб ҳайвонларни эркин холда кўриш мақсадидаги сайрлар.

**СЕРТИФИКАТЛАШ**–бу аҳоли саломатлигини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тайёрланган корхона махсулотлари ёки хизматлари сифатини тартибга солиш жараёнидир.Туризм ва меҳмонхона хизматлари сертификатлашда мажбурий ҳисобланади.

**СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ДАМ ОЛИШ ТУРИЗМИ**-ўта шахсий индивидуал характер касб этади. Лекин кўпгина ҳолатларда, кира хақига чегирмалар олиш мақсадида хамкорлик учун туристлар бирлашадилар. Туризмни бошқа турларига нисбатан даволаниш учун турлар одатдаги муддатлардан кўпроқ бўлиб 24-28 кунни ташкил этади.

**СУВДА САЁҲАТ ҚИЛИШ МАРШРУТЛАРИ** – (water tour) шулардан энг кўп тарқалгани сув сайёҳлиги-boat tour- қайиқларнинг ҳар - хил турларида, яхталарда, пороход-кемаларда сайр қилиб, дам олишни ўз ичига олади.

**ТАНИШУВ (ЭКСКУРСИОН) ТУРИЗМ**-Туризмни бу тури ўз ичига танишув (билиш, кўриш ва эшитиш) мақсадлари билан боғлиқ ташриф ва саёҳатларни ўз ичига олади.

**ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТУРИЗМ** – бу тур ташкилотлар томонидан ташкил этилаган алоҳида шахсларни ёки бир гурух туристларнинг саёҳатидир.



Ташкил этилган туристлар, туристлар йўлланмасини харид қилиш йўли билан саёҳат ҳуқуқини қўлга киритадилар.

**ТЕМИРЙЎЛ ТУРИСТИК МАРШРУТИ** – (rail adenture tour) – бунда туристлар сафар давомида кўпгина жой ва минтақалар билан танишадилар, бу даврда улар вагонларнинг жуда ҳам қулай купеларида яшайдилар, кўчиб юрувчи ресторанларда овқатланадилар.

**«ТУНАШ ВА НОНУШТА» ХИЛИДАГИ ХУСУСИЙ МЕҲМОНХОНА-** АҚШда кенг тарқалган. Бу меҳмонхона кичик (баъзида ўрта) сиғимли. Шаҳар атрофида ёки қишлоқ жойларда жойлашган. Хизмат кўрсатишга, қоидага кўра, нонушта ва уй шароитидаги енгил тамадди киради. Мижозлари бўлиб уй шароитига интиладиган тижоратчилар ва йўналишдаги туристлар ҳисобланади.

**ТУР**-муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой банддаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат.

**ТУРИЗМНИНГ ПАССИВ ТУРИГА** -уристлик сайёҳликнинг тинчроқ ва кам куч сарф қилинадиган, жисмоний зўриқишга хос бўлмаган тури киради.

**ТУРИСТИК АГЕНТЛИК-** хориж ёки мамлакат ичида туристик сафарларга тайёргарлик кўришда маълум ишларини бажарадиган ташкилот.

**ТУРИСТЛИК КЛАСС**-2-3 юлдузли меҳмонхоналарда жойлаштиришни доимо авиарейсларнинг иқтисод классларида учишни, швед столи бўйича овқатланишни, гуруҳли трансфертни назарда тутувчи энг оммалашган хизмат кўрсатиш туридир.

**ТУРТЎПЛАМ**(турпакет)–истеъмолчиларга гуруҳли ёки индивидуал вариантлар бўйича тақдим этиладиган хизматлар тўпламига киради.

**ТУРИЗМ ТАКТИКАСИ**– бу аниқ шароитларда қўйилган мақсадга эришиш усуллари ва аниқ чора тадбирлардир (масалан, халқаро туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби, туризмда нархни шакллантириш, солиққа тортиш ва х.к.). Туризм тактикасининг мақсади мазкур хўжалик вазиятида янада мақбул ечимни танлашдан иборатдир.

**ФЛАЙТЕЛ-** Агромеҳмонхона ёки «учувчи отел». Фавқулодда қиммат ва меҳмонхонани камёб тури ҳисобланади. Қўниш майдончаси ва метеорологик хизмат алоқалари билан жиҳозланган.

**ФЛОТЕЛ-** Кўп холларда «сувдаги курорт» деб номланувчи катта меҳмонхона. Туристларга кенг турдаги хизматларни тақдим этувчи шинам номерлар: бассейн, сув чанғилари, балиқ овлаш учун шароит яратадиган, сув остида сузиш, сув ости ови, тренажер заллари, конференция ва конгресслар учун заллар, кутубхона, турли-туман таъминотлар (телефон, телефакс, телетайн, телевизор, ва х.к).

**ХАЛҚАРО ТУРИЗМ** –вақтинчалик келган жойида фаолияти тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристлик мақсадларда сафар қилиши.

**ШОП-ТУРЛАР**-Россия ва СНГ давлатлари учун хосдир. Хорижга ташрифнинг асосий мақсади бўлиб, олиб яна кайта сотиш учун халқ истеъмоли товарларини харид қилиш хисобланади (пойафзал, трикотаж ва бошқа товарлар – Туркияда, Италия, Португалия, Сурияда; ёзги тўқима кийимлар – Индонезияда; пустинлар – Греция ва Аргентинада; мебел – Полша ва Италияда; теле-радию махсулотрлар БАА да; автомашиналар Германияда, Швецияда, Финландияда, Галландияда).

**ЭКЗОТИКА (ҒАЛАТИ, АЖИБ) ТУРИЗМИ**-Кейинги йилларда ўзининг ажиблиги билан таажубланарли турлар пайдо бўла бошлади. Булар каторига қуйидагиларни киритса бўлади: «Манос тревел» номли грек турфирмаси Ойга саёхатни режалаштиради.

**ЭКОТУРИЗМ**-«Экотуризм-факат табиат бағрида дам олиш, ўрганиш, кузатиш, томоша қилиш ва завқланиш натижасида табиатни, биологик хилма-хилликни саклаш, муҳофаза қилиш тадбирларига ихтиёрий моддий ёрдам беришга қаратилган, махаллий аҳолининг миллий маданиятини, меъросий анъаналарини, яшаш тарзини хурмат килишга асосланган туристик фаолиятдан иборатдир».

**ЯРИМ ПАНСИОНДА**-(икки марта овкатланиш) эрталабки нонушта ва тушлик ёки кечки овкат назарда тутилган бўлади.

**ЎРТА(КЛАСС)БЎҒИНЛИ МЕҲМОНХОНА**- Ўз сиғими бўйича отелдан катта (400-200 ўринли) шаҳар марказида ёки шаҳар атрофида жойлашган. Етарли даражада кенг хизматлар турини тақдим этади, улардаги нархлар у жойлашган минтака даражасига тенг ёки ундан бир мунча юқорирок бўлиши мумкин. Бизнесменлар, хусусий туристлар, конгресс, конференция иштирокчиларни ва ҳакозоларни қабул қилиши мумкин.

**ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИ**-Дам олиш вакти хар қандай шаҳарлик учун кишлоқдами ёки дала ховлидами жуда ҳам мароклидир. Бу хаёт талаби бўлиб, доимо дала ховлиларини ёки бошқа жойларни кўп йиллар давомида синалган ва текширилган жойларда дам олиш учун ижарага олинади



**ТЕСТЛАР**

| | |
|---|---|
| **Маршрут сўзининг маьносини аниқланг?.**<br>-Маршрут – французча marche – юриш, олдинга харакат, route – йўл.<br>-Маршрут – французча юриш, олдинга харакат<br>-Маршрут – французча marche – юриш<br>-Маршрут – французча -йўл<br>-Маршрут-Италянча-йўл | **Фаннинг ўрганиш объекти–бу....**<br>-Маршрутлар билан боғлиқ географик манзилнинг масофаси тавсифи, туристик объектнинг тавсифи.<br>-Маршрутнинг йўли тавсифи<br>-Маршрутнинг дастури<br>-Маршрутдаги транспорт хизматлари<br>-Маршрутдаги қўшимча хизматлар |
| **Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш фанининг мақсади–бу....**<br>-Бакалаврга ва туризм мутахассисларига туристик маршрутларни ишлаб чикишнинг назарий асосларини ўргатиш<br>-Маршрут ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий усулларини ўргатиш<br>-Маршрут ишлаб чиқишнинг тамойилларини ўргатиш<br>-Маршрут ишлаб чиқишнинг усулларини ўргатиш<br>-Маршрут ишлаб чиқишнинг амалиётини ўргатиш | **Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш фанининг вазифаси– бу......**<br>-Бакалаврларга ва туризм мутахассисларига туристик маршрутларни ишлаб чиқишнинг амалий асосларини ва амалиётда қўллашни ўргатиш<br>-Маршрут ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий усулларини ўргатиш<br>-Маршрут ишлаб чиқишнинг тамойилларини ўргатиш<br>-Маршрут ишлаб чиқишнинг усулларини ўргатиш<br>-Маршрут ишлаб чиқишнинг амалиётини ўргатиш |
| **Асосан дунёнинг қадимий–тарихий обидалари, диний раҳномалар дафн этилган жойлар, табиатнинг ноёб ҳайкаллари жойлашган манзиллар билан боғлиқ маршрут бу-**<br>-Ўзгармайдиган маршрутлар<br>-Ўзгарадиган маршрутлар<br>-тикланадиган маршрутлар<br>-тикланмайдиган маршрутлар<br>-Янги маршрутлар | **Империя давлатнинг ёки алоҳида давлатнинг парчаланиб кетиши, шаҳарлар, саноат марказларининг салоҳияти пасайиши ёки илмий-техника тараққиёти ривожи билан ўз мавқеини йўқотадиган маршрутлар бу-**<br>-тикланмайдиган маршрутлар<br>-ўзгарадиган маршрутлар<br>-ўзгармайдиган маршрутлар<br>-тикланадиган маршрутлар<br>-янги маршрутлар |
| **Қадимги маршрутларни аниқланг**-Синухитнинг ва фиравн Нехаонинг маршрутлари<br>-Х. Колумбнинг маршрутлари | **Осиё ва Европага кимнинг маршрутлари ном берди?.**<br>-Нехаонинг маршрутлари<br>-Синухитнинг маршрутлари |

| | |
|---|---|
| -Тур Хейердалнинг маршрутлари<br>-Ф. Магелланнинг маршрутлари<br>-А. Гумбольднинг маршрутлари | -Клеопатранинг маршрутлари<br>-Антонийнинг маршрутлари<br>-Ф. Магелланнинг маршрутлари |
| **Янги замонавий маршрутлар қайси даврларга тўғри келади?.**<br>-19-20 асрлар<br>-17-18 асрлар<br>-17-19 асрлар<br>-18-20 асрлар<br>-19-17 асрлар | **Руал Амундсеннинг барча маршрутлари қайси йўлларда амалга оширилган?.**<br>-Фақат денгиз ва океан орқали<br>-Фақат денгиз ва қуруқлик орқали<br>-фақат қуруқлик орқали<br>-Фақат океан орқали<br>-Фақат денгиз орқали |
| **Роберт Скотнинг барча маршрутлари қайси йўлларда амалга оширилган?.**<br>-Фақат денгиз ва океан орқали<br>-Фақат денгиз ва қуруқлик орқали<br>-фақат қуруқлик орқали<br>-Фақат океан орқали<br>-Фақат денгиз орқали | **Янги замонавий маршрутлар қайси асрларга тўғри келади?.**<br>-17-18 асрлар тўғри келади.<br>-18-19 асрларга тўғри келади<br>-15-16 асрларга тўғри келади<br>-19-20 асрларга тўғри келади<br>-Ҳозирги давр маршрутларидир |
| **Буюк географик кашфиётлар маршрутлар нечанчи йилларга тўғри келган?.**<br>-1490-1504 йиллар<br>-1490-1600 йиллар<br>-1590-1510 йиллар<br>-1490-1501 йиллар<br>-1490-1502 йиллар | **Шимолда Хоразмга, жанубда Ҳиндистонга, ғарбда Каспий денгизи соҳили ва Бағдод оралиғида саёҳат қилган сайёҳ ким бўлган?.**<br>-Абу Райҳон Беруний<br>-Абу Али ибн Сино<br>-Носир Хисрав<br>-Заҳириддин Муҳаммад Бобур<br>-Ибн Баттута |
| **Дунёдаги биринчи саёҳатни қадимги Миср маликаси Хетшепсут томонидан эрамиздан олдинги нечанчи йилларда ташкил қилган деб ҳисоблашади?.**<br>-1501-1448 йилларда<br>-1510-1450 йилларда<br>-1500-1440 йилларда<br>-1501-1440 йилларда<br>-1501-1441 йиллар | **Қизил денгиз-Яман-Сомали-Форс кўрфази- Арабистон ярим ороли маршрути бўйлаб саёҳат қилган сайёҳ ким бўлган?**<br>-Ибн Баттута<br>-Идрисий<br>-Х. Колумб<br>-ЭрикРауде<br>-Беруний |
| **Жеймс Кукнинг саёҳатлари маршрутлари қайси даврларга тўғри келади?.** | **Васко да Гама саёҳатлари маршрутлари қайси даврларга тўғри келади?.** |



| | |
|---|---|
| -Буюк географик кашфиётлар даврига<br>-Қадимги маршрутлар даврига<br>-Ўрта асрлар маршрутлари даврига<br>-Янги географик тадқиқотчилари даврига<br>-Ўзгартирилган маршрутлар даврига | -Буюк географик кашфиётлар даврига<br>-Қадимги маршрутлар даврига<br>-Ўрта асрлар маршрутлари даврига<br>-Янги географик тадқиқотчилари даврига<br>-Ўзгартирилган маршрутлар даврига |
| **Америго Веспуччи саёҳатлари маршрутлари қайси даврларга тўғри келади?.**<br>-Буюк географик кашфиётлар даврига<br>-Қадимги маршрутлар даврига<br>-Ўрта асрлар маршрутлари даврига<br>-Янги географик тадқиқотчилари даврига<br>-Ўзгартирилган маршрутлар даврига | **Линияли маршрут**- бу…<br>-маршрут йўли турли хил географик манзиллардан ўтади. Маршрут муддати тугагандан кейин худди шу йўл билан турист маршрут бошланган жойга қайтади.<br>-маршрутга бир йўл билан борилади ва бошқа йўл билан қайтилади.<br>-маршрут айланма йўл билан амалга оширилади<br>-Маршрут туристларнинг талаби билан ўзгартирилади<br>-Маршрутнинг аниқ дастури бўлмайди |
| **Радиал маршрутлар**- бу….<br>-маршрутнинг бошланиши ва тугаши бир географик манзилдан бошланади.<br>-маршрут айланма йўл билан амалга оширилади<br>-маршрут ўзгартирилади<br>-Маршрут туристларнинг талаби билан ўзгартирилади<br>-Маршрутнинг аниқ дастури бўлмайди | **Комбинациялашган маршрутлар-бу…..**<br>-линияли, радиал ва айланали маршрутларнинг барча элементлари, усуллари ва шароитлари бирга, мажмуали ҳолда қўлланилади.<br>-маршрут айланма йўл билан амалга оширилади<br>-маршрут ўзгартирилади<br>-Маршрут туристларнинг талаби билан ўзгартирилади<br>-Маршрутнинг аниқ дастури бўлмайди |
| **Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш тамойиллари нечта ?.**<br>-7 та<br>-6 та<br>-5 та<br>-4 та<br>-3 та | **Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш усуллари нечта?.**<br>-3 та<br>-6 та<br>-5 та<br>-4 та<br>-7 та |

| | |
|---|---|
| **Марказий Осиёлик олим-саёҳатчилар ўз саёҳатларини қачондан бошлаган?.**<br>-Марказий Осиёлик олимлар асосан VII асрдан ўз саёҳатларини бошлаганлар<br>-Марказий Осиёлик олимлар асосан VIII асрдан ўз саёҳатларини бошлаганлар<br>-Марказий Осиёлик олимлар асосан IX асрдан ўз саёҳатларини бошлаганлар<br>-Марказий Осиёлик олимлар асосан X асрдан ўз саёҳатларини бошлаганлар<br>-Марказий Осиёлик олимлар асосан XI асрдан ўз саёҳатларини бошлаганлар | **Мухаммад ибн Жаъфар Наршахий қайси асрда ўзининг саёҳатларини амалга оширган?.**<br>-X асрда<br>-XI асрда<br>-XII асрда<br>-XIII асрда<br>-XIV асрда |
| **Ҳиндистонга қуруқлик ва денгиз йўли билан боришни биринчи ким амалга оширган?**<br>-Абураззоқ Самарқандий<br>-Марко Поло<br>-Афанасий Никитин<br>-Беруний<br>-Васко да Гама | **Буюк ипак йўлининг очилишига ким асос солган?.**<br>-Чжан Цянь<br>-Марко Поло<br>-Замахшарий<br>-Васко да-Гама<br>-Магеллан |
| **Х. Колумбдан 500 йил олдин Америкага борган сайёҳни белгиланг**<br>-Эрик Рауде<br>-Америго Веспуччи<br>-Х. Колумб<br>-Роберт Скотт<br>-Руал Амундсен | **Биринчи даражали Сайёҳ ким?**<br>-Ибн Баттута<br>-Носир Ҳисрав<br>-Абдураззоқ Самарқандий<br>-Беруний<br>-Ф. Магеллан |
| **Иккинчи даражали Сайёҳ ким?**<br>-Марко Поло<br>-Носир Ҳисрав<br>-Абдураззоқ Самарқандий<br>-Беруний<br>-Ф. Магеллан | **Афанасий Никитин қайси давлатга қуруқлик орқали маршрутни очди?**<br>-Ҳиндистонга<br>-Арабистонга<br>-Австралияга<br>-Россияга<br>-Ўрта Осиёга |



| | |
|---|---|
| **Соҳибкирон Амир Темур саройигача етиб келган сайёҳ ким?**<br>-Руи Гонсалес Де Клавихо<br>-Марко Поло<br>-Чжан Сян<br>-Ибн Баттута<br>-Афанасий Никитин | **Ҳиндистонга денгиз йўлини очган сайёҳ сифатида рўйхатга олинган сайёҳни аниқланг**<br>-Васко Да Гама<br>-Абдураззоқ Самарқандий<br>-Афанасий Никитин<br>-Ф. Магеллан<br>-Х. Колумб |
| **Жаҳон миқёсларида биринчи даражали маршрутларни очган лекин бу кашфиётлари тарихий хаксизликларга учраган буюк тадқиқотчилар кимлар?**<br>-Х. Колумб ва Абдураззоқ Самарқандий<br>-Ф. Магеллан ва Америго Веспуччи<br>-Васко да Гама ва Марко Поло<br>-Беруний ва Ибгн Сино<br>-Афанасий Никитин ва Роберт Скотт | **Қайси сайёҳнинг маршрутлари Австралиянинг алоҳида материк эканлигини аниқлаб берди.?.**<br>-Абел Тасман<br>-Жеймс Кук<br>-Ф. Магеллан<br>-В. Беринг<br>-Тур Хейердал |
| **Ер шари бўйлаб 3 та айланма саёҳатга бошчилик қилган қайси сайёҳ?.**<br>-Жеймс Кук<br>-Ф. Магеллан<br>-Тур Хейердал<br>-Х. Колумб<br>-Марко Поло | **Шимолий ва Жанубий қутбга биринчи бўлиб қайси сайёҳ борган?.**<br>-Руал Амундсен<br>-Роберт Скотт<br>-Ф. Беллинсгаузен<br>-Ж.Кук<br>-Ф. Нансен |
| **Янги асрда Ўзбекистонлик биринчи машҳур сайёҳ ким эди?.**<br>-Ҳ. Ҳасанов<br>-Н. Нуриддинов<br>-М. Маматкулов<br>-С. Сафоев<br>-К. Гадоев | **Тошкент глобусини ким ясаган?.**<br>-Ҳ. Ҳасанов<br>-Н. Нуриддинов<br>-М. Маматкулов<br>-С. Сафоев<br>-К. Гадоев |
| **Туризм маршрутларининг таркибий қисмлари нечта?.**<br>-5 та<br>-4 та<br>-3 та<br>-2 та<br>-1 та | **Туристик маршрутда нечта дастур бўлади?.**<br>-4 та<br>-5 та<br>-3 та<br>-2 та<br>- та |

| | |
|---|---|
| **Оммавий равишда ташриф буюришнинг ташкилотчиси сифатида Томас Кук қайси шаҳарга тур ташкил этган?**<br>+Париж<br>-Швейцария<br>- Англия<br>-Австрия | **Юлдузлар» тизими қайси давлат миллий таснифлаш тизими асосида тузилган?**<br>-Францияда<br>-Германияда<br>-Америкада<br>-Ҳиндистонда |
| **«Ҳарфлар» тизими қайси мамлакатда фойдаланилади?**<br>-Грецияда<br>-Германияда<br>-Америкада<br>-Ҳиндистонда | **Маршрут сўзи қандай маънони англатади?**<br>-юр дегани<br>-харакат килмок<br>-йўлда юрмок<br>- харакатни бошла дегани |
| **Саёҳат тушунчасига тўғри таъриф берилган қаторни белгиланг.**<br>-фуқораларнинг маълум бирор вақт давомида қандай мақсадлигидан катъий назар бошқа жойга бориши<br>-узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши<br>-узоғи билан олти ойга жўнаб кетиши<br>- аниқ мақсадли ва ташкиллаштирилган фаолият | **Туризм соҳасининг истеъмолчилари кимлар?**<br>-туристлар<br>-хизматчилар<br>-турагентлар<br>-ошпазлар |
| **Илк саёҳатчиларни топинг.**<br>-кўчманчилар.<br>-савдогарлар, зиёратчилар.<br>-чорвадорлар.<br>-а ва б. | **Туризмнинг саёҳатдан фарқи нимада?**<br>-аниқ мақсад ва муддатнинг чегараланганлигида<br>-аниқликда ва режаликда<br>-фақатгина ташкиллаштирилганда.<br>-турмуш тарзида |
| **Қадимий маршрутлар қайси даврларни ўз ичига олади?**<br>- инсониятнинг то буюк географик кашфиётларгача бўлган давр<br>-1490-1504 йиллар<br>- XVII-XVIII асрлар<br>- XX аср бошлари | **Христофор Колумб, Америго Веспуччи, Васко да Гама ва бошқа сайёҳлар очган маршрутлар даври қандай номланади?**<br>-буюк географик кашфиётлар даври<br>-янги замонавий маршрутлар<br>-ўзгартирилган машрутлар даври<br>-туристик маршрутлар даври |
| **Экотуризм ва овчилик маршрутлари қайси маршрут** | **Ушбу қаторга экотуризмнинг инглизча номини ёзинг?** |



| | |
|---|---|
| **белгиси бўйича таснифланади?**<br>-туристик маршрутлар<br>-қўриқликдаги транспорт маршрутлари<br>-темир йўллар маршрутлари<br>-маршрут даражалар бўйича маршрутлар | -яшил туризм<br>-юмшоқ туризм<br>-табиат туризми<br>-экологик туризм |
| **Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш концепцияси қачон ишлаб чиқилган?**<br>- 2006 йилда<br>-2005 йилда<br>-2007 йилда<br>-2004 йилда | **«Бадай-Тўқай» давлат қўриқхонаси қаерда жойлашган?**<br>- Қорақалпоғистон Республикасида<br>-Қашкадарё вилоятида<br>-Жиззах вилоятида<br>-Самарканд вилоятида |
| **Ўзбекистонда нечта Давлат қўриқхонаси мавжуд?**<br>- 8 та<br>-9 та<br>-10 та<br>-12 та | **Туристик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини белгиловчи ҳужжат қандай номланади?**<br>-лицензия<br>-сертификат<br>-гувоҳнома<br>-рухсатнома |
| **«Туризм тўғрисида» ги қонуннинг 18 – моддаси қандай номланади?**<br>-«Туристларнинг хавсизлиги кафолати»<br>-Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари<br>-Туристлик маршрутдаги жойлаштириш хизматларида хаёт хавфсизлигини таъминлаш<br>-«Туристларни суғурта қилиш» | **«Туризм тўғрисида» ги қонуннинг 20 – моддаси қандай номланади?**<br>-«Туристларни суғурта қилиш»<br>-Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари<br>-Туристларнинг хавсизлиги кафолати»<br>-Туристлик маршрутдаги жойлаштириш хизматларида хаёт хавфсизлигини таъминлаш |
| **Туристлар жойлаштирилган жойларда табиатнинг фавқулоддаги ҳодисалари (сувтошқини, қор кўчиши, об-ҳавонинг кескин ўзгариши ва ҳоказолар) дан келиб чиқадиган хавфлар қайси омил таркибига киради?**<br>-кутилмаган омиллар | **Туризмни ташкиллаштирувчилар кимлар?**<br>-туроператорлар, турагентликлар<br>-савдогарлар<br>-ўқитувчилар<br>-хизматкорлар |

| | |
|---|---|
| - зарарсиз омиллар<br>-биологик омиллар<br>-зарарли омиллар | |
| **Экскурсия маршрути қандай тартибда тузилади?**<br>-тематик<br>-тизимли<br>-бевосита<br>- комбинацияли | **Экскурсия мақсадлари**<br>-ватанпарварлик, меҳнатни шарафлаш, эстетик ва экологик тарбия, шаҳар тарихи ва унинг давлат иқтисодиётига қўшган хиссасини ўрганиш, ўлка табиати билан танишиш ва бошқалар бўлиши мумкин<br>-вақтинчалик келган жойида фаолияти тўланмайдиган, дои-мий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристик мақсадларда сафар қилиш<br>-шаҳар ва ҳудудларнинг экскурсия имконият-ларидан келиб чиқиб, туристик корхонанинг доимий мижозлари эхтиёжига асосланган холда, экскурсияга янги мавзулар ишлаб чиқишдир<br>-экскурсия худудлари ҳақида маълумотлар олиш |
| **Тур бу?**<br>-муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат».<br>-бўш вақтни ўтказишнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича фаолиятдир<br>-ташриф буюраётган меҳмонларга жаҳон талабларига мос келадиган хизматларни таклиф этиш<br>-шаҳар ва худудларнинг экскурсия имконият-ларидан келиб чиқиб, туристик корхонанинг доимий мижозлари эхтиёжига асосланган | **Экотуризм маршрутларида нечта тамойил қўлланилади?**<br>-7 та<br>-6 та<br>-5 та<br>-4 та |



| | |
|---|---|
| холда, экскурсияга янги мавзулар ишлаб чиқишдир | |
| **Экотуризм маршрутларида туристларнинг хаёти хавфсизлигини таъминлашда биринчи навбатда нима бўлиши керак?.**<br>-шифокор «аптечкаси»<br>-шифокор дастури<br>-шифокорнинг ўзи<br>-касалхоналарнинг манзиллари ҳақида ахборотлар | **Зиёрат маршрутларидаги биринчи талаб нималар?.**<br>-Зиёрагоҳдаги зиёрат қилиш инфратузилмаларининг тахт бўлишлиги<br>-Зиёратгоҳда жойлаштириш хизматларининг тахт бўлиши<br>-Зиёратгоҳда транспорт хизматларининг тахт бўлишлиги<br>-Зиёратгоҳда овқатлантириш хизматларининг тахт бўлишлиги |
| **Ўзбекистонда қайси зиёрат туризми ривожланган?.**<br>-ички зиёрат туризми<br>-халқаро зиёрат туризми<br>-ҳудудий зиёрат туризми<br>-минтақавий зиёрат туризми. | **Туризмнинг қайси объектлари келажакда истиқболли бўлиши мумкин?.**<br>-сирли кўринишларга эга бўлган объектлар<br>-тарихий обидалар<br>-сув омборлари<br>-ўрмонлар |
| **Зарафшон миллий паркида экотуризм-рекреация инфратузилмалари яратилганми?**<br>-яратилмаган<br>-яратилган<br>-режалаштирилган<br>-лойиҳалаштирилган | **Зарафшон миллий паркида энг қизиқарли экотуристик объект нима?.**<br>-Бухоро буғуси<br>-Тустовуқ<br>-Чаканда ўсимлиги<br>-Бургутлар |
| **Ҳайдаркўл-Арнасой кўллари қайси вилоятда жойлашган?.**<br>-Жиззах вилоятида<br>-Сирдарё вилоятида<br>-Тошкент вилоятида<br>-Самарқанд вилоятида | **Туристик маршрутда нечта хизматлар турлари бор?.**<br>-5 та<br>-4 та<br>-3 та<br>-6 та |
| **Туризмнинг қайси тури келажакда истиқболли бўлиши мумкин?.**<br>-Экотуризм<br>-Тарихий обидалар туризми<br>-Рекреация туризми<br>-Археологик туризм | **Кимлар учун реклама тайёрламоқчисиз?.**<br>-Туристлар учун<br>-Туристик фирмалар учун<br>-Туризм таълими учун<br>-Туристик меҳмонхоналар учун |
| **Матбуот рекламасини аниқланг** | **Туристик пакет хизматларида хавф-хатарлар борми?** |

| | |
|---|---|
| - барча даврий матбуот (газеталар, журналлар, ихтисослашган газеталар ва журналлар).<br>- Буклетлар<br>-Каталоглар<br>-Афишалар | -бор<br>-йўқ<br>-олди олинган<br>-карши чоралар бор |
| **Тоғларга уюштирилган маршрутларда энг хавфли хатар нима?**<br>-тош кўчкиси<br>-йиқилиш хавфи<br>-захарланиш хавфи<br>-аллергия хавфи<br>**Турмахсулот хизматларида хавф-хатарлар борми?**<br>-бор<br>-йўқ<br>-олди олинган<br>-карши чоралар бор | **Тоғларга уюштирилган маршрутларда энг хавфли хатар нима?**<br>-кор кўчкиси<br>-йиқилиш хавфи<br>-захарланиш хавфи<br>-аллергия хавфи<br>**Тур хизматларида хавф-хатарлар борми?**<br>-бор<br>-йўқ<br>-олди олинган<br>-карши чоралар бор |
| **Туристик маршрутнинг асосий хужжатини аниқланг**<br>-маршрутнинг технологик харитаси<br>-маршрут схемаси<br>-маршрут паспорти<br>-ахборотлар варакаси | **Туристик маршрутнинг асосий хужжатини аниқланг**<br>-маршрутнинг дастури<br>-маршрут схемаси<br>-маршрут паспорти<br>-ахборотлар варақаси |
| **Тоғ маршрутларида техника ишлатиладими?.**<br>-маҳаллий транспорт воситалари ишлатилади<br>-йўқ ишлатилмайди<br>-махсус техника ишлатилади<br>-хаво шарлари ишлатилади | **Маршрутда трассаларда транспорт воситаларининг юриш тезлигини аниқланг**<br>-60 км\соат<br>-70 км\соат<br>-80 км\соат<br>-90 км\соат |
| **Коинот маршрутлари борми?**<br>-бор<br>-режалаштирилмоқда<br>-йўқ<br>-лойиҳалаштирилмоқда | **Ойга маршрутлари борми?**<br>-бор<br>-режалаштирилмоқда<br>-йўқ<br>-лойиҳалаштирилмоқда |
| **Туристик маршрутни ўтказиш неча босқичдан иборат?.**<br>-3 босқичдан<br>-4 босқичдан<br>-5 босқичдан<br>-2 босқичдан | **Туристик маршрутни ўтказишнинг нечта усули бор?.**<br>-2 та усули<br>-3 та усули<br>-4 та усули<br>-5 та усули |



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

### I.Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1.Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни.Халқ сўзи,1999 йил 20 август.
2.Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни,2004 йил 3 декабр.

### II.Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича Фармонлари ва Қарорлари

1.Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони.
3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

### II.Дарсликлар,монографиялар ва китоблар

1.Александрова А.Ю., География туризма. Москва, КноРУС,2010- 592 с.
2.Ан.Э.С.,Заповедные территории Узбекистана,«Узбекистан»,1980.-71 с.
3.Биржаков М.Б.,Введение в туризм.Издания 9-е переработанное и дополненное –Спб.: «Издательский дом Герда», 2007.–576 с.
5.Бутко И. И., Ляшко Г. И., и др, Туризм. Безопасность в программах туров и туристских маршрутах. Издательский центр «МарТ». Москва-Ростов на-Дону. 2007.-218 с.
6.ГОСТ 28681.1-95/ ГОСТ Р 50681-94. Туризм. Туристско-экскурсионное обслуживание. Проектирование туристских услуг.
7.Дроздов А.В.,Основы экологического туризма.Москва, 2005.-271 с.
8.Долженко Г.П., Экскурсионное дело. Издательский центр»МарТ-Москва-Ростов на-Дону,2006- 301 с.
9.Дурович А.П.Организация туризма.Минск,«Новое знание»,2006.-632 с.
10.Дурович А.П.,Реклама в туризме, «Новое знание»,2008.- 254 с.
11.Жмойдяк, Р. А.Социально-экономическая картография: курс лекций, Минск: БГУ, 2011.-92 с.
12.Каромиддин Гадоев,Сабоҳат Бердиева, Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар. Тошкент-Ўзбекистон, 2012.-271 б.
14.Рахимов З.О.,Хаитбоев Р.,Ибодуллаев Н.Э., Сафаров Б.,Туроперейтинг. Ўқув қўлланма, "Фан ва технология", Тошкент, 2018.-300 б.

15.Рахимов З.О.,Хаитбоев Р.,Ибодуллаев Н.Э., Туроперейтинг. Дарслик. Инновацион ривожлантириш нашриёт-матбаа уйи, Тошкент, 2021.-395 б.
16.Тухлиев И.С.,Ҳайитбоев Р.,Сафаров Б.Ш.,Турсунова Г.Туризм асослари. Дарслик. Тошкент,2014.-330 б.
17.Ўзбекистон ва Марказий Осиё табиий географияси атласи,Тошкент,2007
18. Ҳайитбоев Р., Ҳайитбоев К., Музейларда колган ҳайвонот. «Илм файз нур» МЧЖ. Самарканд, 2016.-75 б.
19.Ҳайитбоев Р.,Саттаров А.,Туризм маршрутларини ишлаб чикиш технологияси. Услубий кўлланма. Самарканд, 2008.-87 б.
20.Ҳайитбоев Р.,Амриддинова Р.,Туризмда маркетинг тадкикотлари. Самарканд,. Услубий қўлланма.2009.-64 б.
21.Ҳайитбоев Р., Амриддинова Р.,Туризмнинг махсус турлари. Услубий қўлланма, "Тонг" МЧЖ, Самарканд,2009.-45 б.
22.Ҳайитбоев Р., Бабаев Ф., Ҳайдаров С., ва бошқ.Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш. Ўқув қўлланма. Самарқанд, 2016.-179 б.
23.Ҳайитбоев Р., Экологик туризм. Ўқув қўлланма, "Баркамол файз медиа", Тошкент, 2018.-248 б.
24.Ҳайитбоев Р.,Ўзбекистон чўлларида туризмни ривожлантириш истикбол лари, Монография, МЧЖ "Наврўз полиграф", Самарқанд,2021.-175 б.
25.Ҳайитбоев Р., Экологик туризм. Ўқув қўлланма,Фан ва технологиялар нашриёт- матбаа уйи, Тошкент.-2021-374 б.
26. Интернет маълумотлари

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI



Р. ҲАЙИТБОЕВ, Х. А. ЖЎРАЕВ

# ТУРИЗМДА ХАРИТАЛАШТИРИШ ВА ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

**Ўқув қўлланма**

**Toshkent - "METODIST NASHRIYOTI"- 2024**

**Muharrir: Xolsaidov F. B.**

Bichimi 60x90. "Cambria" garniturasi.
Ofset bosma usulida bosildi.
Shartli bosma tabog'i 16. Nashr bosma tabog'i 15,5.
Adadi 250 nusxa.

"METODIST NASHRIYOTI" MCHJ matbaa bo'limida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri, Yakkasaroy ko'chasi, 5-uy.

**+99893 552-11-21**

***Nashriyot roziligisiz chop etish ta'qiqlanadi.***

ISBN 978-9910-740-58-9